

ЁШЛИК 2 '96



Туркистон - умумий уйимиз

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ёшлар Иттифоқи Марказий Кўмитаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Бош муҳаррир муовинлари:

Гаффор ҲОТАМОВ
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:
Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир хайъати:

Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Алишер ТЕШАБОЕВ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Шодикул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Ҳамроқул АСҚАР
Муҳаммад ИСМОИЛ
Жамол КАМОЛ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Тўра МИРЗО
Камол НОРҚОБИЛОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Беғижон РАҲМОНОВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
Холмирза ХОЛБЕКОВ
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририяти-
нинг компьютар марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Саодат ТўЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 2 (149) 1996 й.

Муқоваларда: 1-6 е т. Тошкентда бўлиб
ўтган "Туркистон - умумий уйимиз"
анжуманидан лавҳалар.
2-6 е т. "АЛ-ВАКИЛ" гуруҳи.
(Абдул Ғани ЖУМА фотолари)

МУНДАРИЖА:

НАЗМ

Вафо ФАЙЗУЛЛО. Сени ойнаинг сағирига ўхшатган сирлар...	14
Шукур ҚУРБОН. Ватандан кетиш. Достон	29
Асқар ШОКИР. Мен энди...	48
Холдор ВУЛҚОН. Мен ўтдим муҳаббат деган оламдан	56
Даврон РАЖАБ. Хаёлнинг охири тонгга туташган...	59
Нодира БАРОТОВА. Ҳилол кўзларингга тунай бир оқшом	62

НАСР

Шукур ХОЛМИРЗА. Динозавр. Роман	20
Гаффор ҲОТАМ. Олис юлдузлар шуьласи. Хикоялар	37
Миразиз АЪЗАМ. Улугбек ҳақида хикоялар	49

САҲНА

Одил ЁҚУБОВ. Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири	3
--	---

МАЊНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Ал-ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-аҳбор	60
-------------------------------	----

ОЛИС-ЯҚИН ОВОЗЛАР

Холик НАЗАР, Маҳфират АТОЕВА, Раҳим ОТАХОН	36
---	----

ОДАМ, ОЛАМ

Абдулла УЛУҒОВ. Инсонни тушунтиш	18
----------------------------------	----

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Салима УМАРОВА. Катл олдидаги қотиллар	16
--	----

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Дилором ЭЛМУРОДОВА	19
--------------------	----

БИЗНИ ТАНИЁТГАН ДУНЁ

Аннемарие ШИММЕЛ. Самарқанд уфқда бўлар намоён	32
---	----

САНЪАТ

Норсайд ОЙДИНОВ. "Нигористон" - васл кўприги	57
---	----

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

Энг улкан одам	63
----------------	----

Манзилимиз: 700017, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй
Телефон: 33-40-83.


Босишга 20.03.96йда руҳсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8
Шартли босма тобоғи 10,2. Нашриёт ҳисоб тобоғи 10,0
Буюртма 153

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб
изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг
босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Одил ЁҚУБОВ



Сройиҳи музаффар
ёҳуд
бир париваи асири

тарихий драма

АЗИЗ, МУСТАКИЛ
ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ БЕШ
ЙИЛЛИГИ ВА ХАЗРАТ
СОХИБКИРОН АМИР ТЕМУР
ТАВАЛЛУДИНИНГ 660
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

1. **СОХИБҚИРОН АМИР ТЕМУР.** 67-72 ёшларда.
2. **СУЛУВКЎЗ.** Соҳибқироннинг энг сўнги ва энг суюкли рафиқаси.
- 3-4. **Опа-сингил САРАГУЛ ва АҚЧАГУЛ.** Сулувкўзнинг ёш канизлари.
5. **ҚАЛҚОНБЕК.** Эшик оғаси ёки саройбон 25-26 ёшларда.
6. **БОСҚОНБЕК.** Соҳибқироннинг қўриқчиси 22 ёшларда (улар ака-ука).
7. **БИБИ САРДОР.** Соҳибқироннинг биринчи хотинларидан, Ҳарам бекаси. 60 ёшларда.
8. **СУЛТОН БОЯЗИД.** 50-60 ёшларда.
9. **МИРЗО ШОҲРУХ.** 25 ёшларда.
10. **ШАЙХ НУРИДДИН.** 60 ёшларда.
11. **АМИР БАРЛОС ТЕГИН.** 55-60 ёшларда.
12. **ҲАКИМИ АЪЗАМ.** 60 ёшларда.
13. **ТЎХТАМИШХОН.** 40 ёшларда.
14. **ЧИНГИЗХОН.** 55-60 ёшларда.
15. **МУАРРИХ.** 50 ёшларда.
16. **Ясовуллар, сипоҳлар, мулозимлар.**

Воқеа тахминан 1399-1404 йилларда Самарқанд, Усмонлилар салтанати ва Утпорда бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Соҳибқирон Амир Темур дорулсалтанати, Самарқанд. Кўксаройнинг иккинчи ошёнасига жойлашган кўркам хона. Рўпарадаги юмалоқ даричадан йироқдаги мухташам қасрлар, масжиду мадрасалар кўзга чалинади. Яқинроқда эса маҳобатли гумбазлари ҳали битмаган Бибиҳоним масжидининг муаззам пештоқлари кўриниб турибди.

Хонанинг ўртасида саккиз қиррали хонтахта ва бир нечта нақшинкор курсилар, четларида гир айлана шойи кўрпача ва пар ёстиклар. Ўнг томондан Соҳибқирон ҳазратларининг энг кенжа ва энг суюкли рафиқаси Сулувкўзнинг хонасига қирадиган, чап томонда эса бошқа хоналарга ўтадиган эшик.

Парда очилиши билан чап томондаги эшикдан қўлларида ноз-неъматлар тўла барқашлар, Сулувкўзнинг канизлари опа-сингил Сарагул билан Ақчагул қирадилар. Шу заҳоти ташқарида ноғоралар гумбури, карнайлар садоси янграйди, отлар кишнайдди.

Опа-сингиллар рўпарадаги даричани ланг очадилар. Ноғоралар гумбури ва карнай садолари хонани ларзага солади.

АҚЧАГУЛ. Тумонат лашкарлар! Музаффар юриш бошла-ниши!

САРАГУЛ. Бир-биридан кўркам алп йигитлар. Тангри-нинг ўзи асрагай!

АҚЧАГУЛ. Ой бориб, омон қайтинглар (йиғлайди).

САРАГУЛ. Сабаб? Йиғлайсан? Ундан кўра омонлик тила!

АҚЧАГУЛ. Нечук йиғламай. Сизнинг суюклигингиз Қалқонбек эшик оғаси. Жангу жадалдан, ҳавфу хатардан йироқ.

САРАГУЛ. Менинг ёрим саройбон бўлса, сенинг суюкли-гинг Ҳазрат Соҳибқироннинг қўриқчиси!

АҚЧАГУЛ. Қошқийди жаноб Соҳибқирон лашкар ортида юрса! Айтадиларким, Фотиҳи Музаффар энг олдинда, энг хатарли жойларда от сурармишлар!

САРАГУЛ. Қирқ йил қиргин бўлса ажали етган ўлади дерлар! Яратган эгам ўзи асрагай барчасини!

АҚЧАГУЛ. Опажон! Сабаб? Соҳибқирон Ҳазратлари бекамизни ташлаб кетадурлар? Ё бекамдан совиб, бошқа бир малакка кўнгул қўйганларму?

САРАГУЛ. Билмам жоним, билмам. Мана уч кундирки, шўрлик бекам оғзига ушоқ олмайду.

Тўсатдан дарича пешига чангак келиб тушади-ю, арқонга тирмашган Босқонбекнинг боши кўринади.

АҚЧАГУЛ. Ё раб! Босқонбек оғо?

БОСҚОНБЕК. (Беписанд) Ассалому алайкум, хуснда бена-

зир паривашлар. (Сарагулга). Жон маликам! Қовоғингизни уймай бул санам ила бир дақиқа видолашишга ижозат бер-гайсиз, бекам!

САРАГУЛ. Ҳозир бул гўшага жаноб Соҳибқирон Ҳазрат-лари қадам ранжида қиладурлар!

БОСҚОНБЕК. Жаноб Соҳибқирон фақирни бул гўшада кўрсалар бошингиздан олтин сочадурлар! (ёлвориб) Бир дақиқа, бор йўғи бир дақиқа!

САРАГУЛ. Бир дақиқадан ошмағай! (чиқади).

БОСҚОНБЕК. Қани, малагим, тескари бурилмай жаноб Босқонбекка қарасинлар! (Юзидаги харир пардани кўтарди ва бир қадам чекинади) Йўқ, Ақча деганлари бекор, динор-сен, малагим, олтин динор! (Кучади).

АҚЧАГУЛ. Сичқонга ўлим! Мушукка ўйин!

БОСҚОНБЕК. Сен сичқон, мен мушук? Бул сўзинг рост бўлса, ҳозир бир ямлаб ютади! Арт кўзёшингни! Қирқ йил қиргин бўлса, ажал етган ўладур.

САРАГУЛ. Жон оғо! Ажал етган ўладур, деб ўзингизни ўтгайм, сувга ҳам ураберманг! Эҳтиёт қилинг ўзингизни, оғожон?

БОСҚОНБЕК. (сочларини силайди). Сен-да! Сен-да эҳтиёт бўл гулюзим!

АҚЧАГУЛ. (Нозланиб). Мени қашқир ерму бул гўшада?

БОСҚОНБЕК. Шуни ҳам билмайсен! Сени емок тутур бир ямлаб ошоб қўйишга тайёр шоқоллар кўп бул саройда, малагим!

Эшик шарақлаб очилиб, остонада қилич ялангочла-ган икки сипоҳ кўринди. Босқонбек чангак арқонга осилиб, алевидо малагим! деганича ўзини пастга отади. Ақчагул ўзини ўнг қўлдаги эшикка уради. Хонага аввал Сарагул, кейин жаноб Соҳибқирон билан эшик оғаси Қалқонбек қирадилар. Сипоҳ-лар орқага чекинадилар. Бошида энига қадалган дубулга, эғни-да қора кимхоб камзул, оёғида нағал қоқилган қизил этик, Соҳибқирон, гарчи жаноб пайгамбар ёшидан ошган бўлса ҳам, ҳали элликка бормаган, чехрасидан виқор ва шиддат ёғилиб-турган сарвқомат йигитни эслатади, фақат юрганида били-нар-билнимас оқсайди.

СОХИБҚИРОН. (Сарагулга). Бибинг қайда, пучук?

САРАГУЛ. Ўз хонасидадур, ҳазратим!

СОХИБҚИРОН. Сўра!

САРАГУЛ. Қуллик! (Қалқонбек билан иккиси кўз уришти-риб, жилмайишади).

СОХИБҚИРОН. (буни пайқаб). Ҳаҳ шайтонлар. Лоақал жаноб Соҳибқирон ҳузурда одоб сақласаларинг бўлур эрди.

САРАГУЛ. Гуноҳкормен, ҳазратим! (чиқади).

ҚАЛҚОНБЕК. (Хижолатда). Ёшлик-ғўрлик. Бир қошиқ конимдан кечгайсиз!

СОХИБҚИРОН. Бир қошиқ конингни бўлар-бўлмасга ис-роф қилаберма! Жангу жадалларда ўзингга керак бўлур, конинг! Бор, рухсат сенга!

ҚАЛҚОНБЕК. Ҳазратим, бир гуруҳ савдогарлар таъзим бажо келтирмоқ азмида ташриф буюрибдурлар.

СОХИБҚИРОН. Кеча амирлар машваротда тижорат аҳлига ўз ташаккурларимни баён этганмен? Тагин не истақлари бор эркан уларнинг?

ҚАЛҚОНБЕК. Ўшал ташаккурларингизни эшитиб, изҳори ихлос билдирмоқ матлабида келибдурлар. Дейдиларки, - ас-салоти зиллаллоҳи фил арз! Яъники султонимиз Оллои тао-лонинг ердаги соясидур. Тагин не ёрдам даркор - айтсинлар. Ҳазратларининг фармони амри вожибдур, дейдилар!

СОХИБҚИРОН. (Кескин). Шаққок сўзлар! Фақир Оллонинг сояси эрмас, бандасимен. Аммо, мадомики яхши ниятда келган эканлар, истагимни етказ: ортимдан юз туя кўрол аслаҳо, минг туя озиқ-овқат, ўн минг йилки борсин-лар. Лашкарим Ҳирот сарҳадида бир ой дам олур! Кимки бул амримни бажо этса - зарбоф тўнга мушарраф бўлур!

ҚАЛҚОНБЕК. Яна бир сўз, олампадох!

СОХИБҚИРОН. Бас! Бул тожу тахт ташвишларидан бир он ҳаловат йўқ. Олис сафар олтидан лоақал бир дақиқа ихтиё-рим ўзимда бўлғай! Бор, сен муғомбир ҳам анов пучук канизнинг кўнглини ол! (ёлкасига қоқиб) Балосен! Ичинг-дан пишган айёрсан! Ҳа дарвоқе, Биби Сардорга навкар юбор: бир келиб кетсун!

КАЛҚОНБЕК. Биби Сардор?

СОХИБКИРОН. Эшик оғоси бўлганингда бир ойдин ошди. Биби Сардор ким-ҳануз билмайсен! Ҳарам бекаси! Бор! КАЛҚОНБЕК. Афв этгайсиз, давлатпаноҳ! (чиқади).

Соҳибқирон ҳаёлга толганича хонани бир айланиб чиқади, сўнг камаридан шақилдоғини олиб, шақиллатади. Сарагул кириб, таъзим қилади.

СОХИБКИРОН. Ҳа, шайтон! Қайси гуноҳларим учун мен ғарибни бунчалар маҳтал қиласен? Бибинг чиқадиму ё ичкарига киришга ижозат берасенму?

САРАГУЛ. (Ўйинқароклик билан). Бир дақиқа сабр қилгайсиз, Ҳазратим! Энангни ҳам отангга бепардоз кўрсатма демиш боболаримиз.

СОХИБКИРОН. Бибинг биледи. Фақир пардоз-андозни хуш кўрмаймен!

САРАГУЛ. Шундай нозанинга ишқ кўйибсиз, унинг нозини ҳам кўтарасиз-да, олампаноҳ! (шўх кулганича ғойиб бўлади).

СОХИБКИРОН. (мийиғида кулиб). Даво йўқ, бул аёл зотига! Сен Фотиҳи Музаффармен деб кериласан! Шайтоннинг қабрғасидан яралган бул айёр зот эрса сендай фотиҳларнинг мингтини бир ноз ила гаҳ деб қўлига кўндиради!

Аста юриб дарича олдига боради. Ногаралар гумбури, отлар гупири тинган. Сўнаётган шафақда Кўксарой пойидаги Самарқанд: осмонга қўл чўзган миноралар, масжиду-мадрасаларнинг ложувард гумбазлари боғидан ҳам гўзал кўринади. Олисдан азон овози эшитилади. Хуфтон намозига чорловчи бу овоз кечки Самарқандга аллақандай осуда тиқиқ бир хазинлик бағишлайди.

СОХИБКИРОН. Во дариг! Қандайин кўркам шаҳар бўлибдур, бул Самарқанд! Қараб кўзим тўймайди сенга! Жаҳонгирлик қилиб топгон бутун бойлигим, олиб келган барча олтин ва жавоҳирларимни созуриб, сени бунёд этибман, аммо нечоғлик гўзал шаҳар бўлибсен - ўзим ҳам билмабмен!.. (Кўкка тикилиб кўзларини юмади).Э, парвардигори олам! Қирқ йил бул осий бандангдин иноятингни дариг тутмадинг, умид қиламен, бундан кейин ҳам меҳру шафқатингни дариг тутмассан. Шул элни деб, юртим сарҳади бехатар бўлсун деб, мана, бул мушкул сафарга отландим, аммо ундан тирик қайтаманму, киндик қоним тўкилган бул замин, не машаққатлар ила бунёд этгон бул дорул-салтанатни қайта кўрмоқ насиб этарму, йўкму - ўзим ҳам билмаймен! *Хосхондан чиққан Сулувкўз Соҳибқироннинг бу сўзларини эшитиб, унга тазмон талпинади, елкасидан қучиб, тиз чўқади.*

СУЛУВКЎЗ. Амирим! Олло қовуштирган хуфту ҳалолим, яратган эгам бу кўнглингизга бул ғулув, дилингизга бул шубҳани солибдур, қўйинг бул хатарли юришни!

Соҳибқирон иштов билан ўгирилади.

СОХИБКИРОН. Сулувим! Оллодан тилаб олган дури-гавҳарим! Тур ўрнингдан! Дури-гавҳар ерда сочилиб ётмас! (Ўрнидан таргазади). Арт кўз ёшингни! Мен бул окшомни сенга бағишлагани келдим. Ўтинамен: висол окшомимизни ғамандуҳ окшомига айланторма! Нечук жамолингни мендин яширасен! Оч юзингни, Сулувим, Сулувжоним! Сулувкўз юзидаги пардани жандек кўтареди. Соҳибқирон Сулувкўзнинг юзини қафтлари орасига олади. Соҳибқирон ҳайратла кўкка боқади.

СОХИБКИРОН. Ё қудратингдан! Дейдиларки, сен бандангни тупроқдин яратмишсен! Аммо бул гул яноқ, бул қуралай кўзлар, ёқут лаблар устидаги бул қора хол! Шақкоклик қилсам ўзинг авф эт, аммо кўзни қамаштиргувчи бул беназир жамол!.. Йўқ, фалагингдаги юлдузлардан, қуёшдан яратгансен, менинг Сулувимни!

СУЛУВКЎЗ. (гина аралаш эркаланиб). Инонмаймен. Бир сўзингизга ҳам инонмаймен. Магар бул сўзларингиз рост бўлса, бахтиқаро бибингизни ташлаб кетмас эдингиз, амирим!

СОХИБКИРОН. Мени қийнамай, сўзимни эшит, сулувим! Бундан олти ой бурун бир туш кўрдим...

СУЛУВКЎЗ. Туш?

СОХИБКИРОН. Тушимда ғойибдан сас келмиш. Қулоқ солсам... Жаннатмакон пири муршидим Сайид Барака эрмиш. Ул зоти шариф айтадиларки, Эй, Соҳибқирон! Бирламчи

Оллоҳнинг хоҳиши, иккиламчи сенинг ғайрат шижоатинг ила барпо қилгон қудратли давлатинг хатар остида демиш. Хулудсиз юртингнинг мағриб томонида бети чўтир, кўзи сўқир бир шер пайдо бўлмиш. Ул шер сарҳадингда ҳамла қилиб, қудратли давлатингни ер ила яксон қилмоқ режасини тузмиш, деди пирим!

СУЛУВКЎЗ. Инондим. Тушингизга инондим, амирим. Бирдан-бир тилагим: олиб кетинг мен шўрликни! Ёрингиз бўлмасам, чўрингиз бўлай. Отингиз бўлмаса, яёв юрай! Тўшагингиз етмаса янтоғу тиконлар тўшагим бўлғай!

СОХИБКИРОН. (кулиб). Мени биласен?

СУЛУВКЎЗ. Биламен! (ўпкаси тўлиб). Ажам қизлари сутдай оппоқ бўлур эрмиш!

СОХИБКИРОН. (Қаҳ-қаҳ уради). Улар сут бўлса, сен қаймоқсен, малагим!

СУЛУВКЎЗ. Шом келинчакларининг қоматлари сарв бўлармиш.

СОХИБКИРОН. О, сулувжон, йўл йирок, ёв ёвуз. Бизни не машаққатлар кутадур - сен тасаввур ҳам қилолмайсен, маликам!

СУЛУВКЎЗ. (Эркаланиб). Дарёнгизнинг у юзида кўринади бўйларингиз, бўйларингиз. Йўлим йирок, отим арриқ етолмайман, етолмайман!

СОХИБКИРОН. Айт, яна бир айт бул кўшиғингни.

СУЛУВКЎЗ. (бирдан кўзлари ёниб) Йўқ, мен биламен, сизни биламен!

СОХИБКИРОН. (бирдан қаҳри кўзиб). Бас! Мен бу гўшага безовта ҳаёллар кишанидан қутулиб, сенинг қучоғингда бир он ором оламен деб, таскин топамен, деб келган эрдим, сен эрса... омон қол, омон бўл! (Кетмоқчи бўлади, Сулувкўз дарҳол хушёр тартади).

СУЛУВКЎЗ. Ожизлик қилдим, амирим! Бир сафар авф этинг, мен шўрликни.

СОХИБКИРОН. (Яна юмшаб). Майинг борму?

СУЛУВКЎЗ. (Ҳайрон) Май ичмас эрдингиз?

СОХИБКИРОН. Ичмаган бўлсам ҳам букун бир қултум ичмоқ ниятида эрдим. Шарбат бер! (Сулувкўз бир пиёла шарбат тутеди). Сенинг қўлингдан ичилган шарбат, май қаттиқ маст қилур мени!(пиёлани кўтариб) бул жудоликни раво кўрган яратган эгам висол кунини ҳам насиб этгай! (Ичади. Муртини силаб). Сабаб яна висолингни яширдинг?

Сулувкўзнинг бошидаги дур ва жавоҳирлар билан безалан салласи ва юзидаги пардани юлиб олиб, бир чеккага отиб юборади ва елкасидан қучади. Ё раб! Гўшанг чарақлаб кетди, офтобим! Излай-излай кексайганда, соқол-муртимга киров қўнганда Оллоҳ ўзи инъом этган Сулувим, Сулувкўзим, Сулувжоним!

СУЛУВКЎЗ. Йўқ, кексайдим деган сўз сизга ярашмас, амирим! Соқол-муртингизга қўнган бу киров бебаҳо дур бўлиб кўринур менинг кўзимга! Сиз кекса эрмас, бино бўлибсизки, ҳеч ким жиловлай олмаган асов тулпорсиз, амирим!

СОХИБКИРОН. (яна қаҳ-қаҳ отиб кулади). Асов тулпор! Мана неча йилдирки, бу тулпорни жиловлаб, устига миниб юрибсену, тагин уни асов дерсан!

СУЛУВКЎЗ. Бул сўзингиз рост бўлса нечун олиб кетмайсиз, бул илону чаёнлар ичига ташлаб кетасиз?

СОХИБКИРОН. Қайси илон? Қайси чаёнларни айтасен?

СУЛУВКЎЗ. Саройингизда ғийбат, фисқи-фасод, ҳарамингизда баҳиллик, ҳасад (бирдан хушига келиб) тавба қилдим! Бу сўз оғзимдан қандай чиқди - билмай қолдим, авф этинг, амирим!

СОХИБКИРОН. Қани қайтгунимча бир илон тегиб кўрсин, бир чаён чақиб кўрсин сени!

СУЛУВКЎЗ. Майли, бошқа сўзламаймен, бошқа нолимаймен, бироқ...Сизсиз ўтган ҳар бир дақиқа минг йил бўлур мен шўрликка...

СОХИБКИРОН. Бунинг ҳам чораси бор, бибим!

Сулувкўзни қучиб дарича олдига олиб боради. Кечки Самарқанд боғидан ҳам гўзал, улугвор.

СОХИБКИРОН. Ёшлиғимда ният қилгон эрдим, бул шаҳри азимни жаҳонда энг кўркам, энг муаззам шаҳри-мунаввар қиладурмен деб!

СУЛУВКЎЗ. Ниятингизни яратган эгам ўзи қўллабдур!

СОХИБКИРОН. Энди анов ҳали битмаган масжиди жомега

кара! Уни қуриб тутатмоқни сенга юклаймен!
СУЛУВКЎЗ. Мендай бир ожизага?
СОҲИБҚИРОН. Жаҳонгашталиқ қилиб, буёғи Ҳинду Ҳуро-
сон, буёғи Урусиядан олиб келган энг яхши меъморларим -
сенинг изму ихтиёрингда бўлур. Бул юришдан қайтгонимда
сенинг менга қиладургон энг катта тухфанг - мана шул мас-
жиди жомеъ бўлмоғи даркор.
СУЛУВКЎЗ. Ё парвардигор! Наҳот бул масъуд кунларга ет-
сам?

СОҲИБҚИРОН. Иншоолло етурсен!

*Эшик берухсат очилиб, Биби Сардор киради. Бу - эл-
ликлардан ошган, аммо ҳануз чиройи сақланган, Чингизийларга
хос гурури голиб аёл. Унинг бошида зар сочилган қора-қирми-
зи рўмол, эғнида ҳам шу ранг кўйлак, қўлида қимматбаҳо оғир
тасбеҳ.*

БИБИ САРДОР. Бемаврид келдим, чоғи. Авф этгайсиз,
олампаҳо. Сўротгон экансиз...

*Соҳибқирон Сулувкўзга "ичкарига кириб тур", деган
маънода имо қилади. Сулувкўз итоткорлик билан ўз хонасига
кириб кетади.*

СОҲИБҚИРОН. Сўрагон бўлсам-да, сўраб кирмоғинг дар-
кор эрди, Биби Сардор!

БИБИ САРДОР. Сизга не бўлди, давлатпаҳо? Бирда
йўқлайсиз, бирда дўқлайсиз? Бир сўроқлайсиз, бир сўроқ-
сиз кирдинг, деб маломат қилурсиз? Қайси гуноҳларим-учун
бул ҳақорат, бул надомат? Ё қирқ йил қулингиз бўлиб хиз-
мат қилмадимму, ё Биби Сардор Чингизхон авлодидан эка-
нини ёдингиздан чиқардингизму, олампаҳо?

СОҲИБҚИРОН. Қайдаги ипринди-сипринди сўзларни
сўзлайсен! Кексаликка бўйин эгмай ёш санамга рашк қила-
сен! Мен сени бу ерга аёл зотининг фиқ-фасод сўзларини
муҳокама қилмоқ ниятида эрмас, узоқ сафар олдиан сўнгги
иродамини изҳор этмоқ азмида йўқладим!

БИБИ САРДОР. *(Дарҳол шаштидан тушиб).* Амрингизга
мунтазирмен, шаҳриёри фалакиқтидор!

СОҲИБҚИРОН. Бирламчи, ҳарамдаги барча канизлар, хоҳ
истасин, хоҳ истамасин, мен шул ёш санамни деганим,
деган, суйганим, суйган! Мабодо... бирор нохуш иш бўлиб,
унинг лоқал бир киприги тушса... бошинг кетадур, Биби
Сардор!

БИБИ САРДОР. Сўзингизни англадим, ҳазратим!

СОҲИБҚИРОН. Иккиламчи ҳукимим шулким, анов масжиди
жомеъ қурилишини ва бу қурилишга боғлиқ барча юмуш-
ларни шул бибинга юкладим...

БИБИ САРДОР. *(Ҳайратда).* Масжиди жомеъ қурилишини
оғзидан она сутти кетмаган шул норасо гўдакка юклагингиз?
(аламдан ковурилиб) Олампаҳо! Қайси гуноҳларим учун
бул кўргулик? Қирқ йиллик садоқати зоҳир чўрингиз туриб,
не-не уddaбурон аркони давлат қолиб, бул мушкул юмуш-
ни... Кеча топган субугсиз санамингизга топширасиз?

СОҲИБҚИРОН. Бас! Жаноб Соҳибқирон, Амир Темур
Кўрагоний фармони мувоҳаса ва муҳокама қилинмайдур!

БИБИ САРДОР. Э, яратган эгам! Қариган чоғимда бул не
ҳақорат, не қисматларни раво кўрдиги мен бахти қарога!
СОҲИБҚИРОН. Каломим тамом. Сенга рухсат, Биби Сар-
дор!

*Чироқ ўчиб, зум ўтмай, шамлар ёнади гира-шира қоро-
нгуликда ҳарир парда билан тўсилган қўш нақшинкор сўри
кўзга чалинади. Парда ёнида бояги либосини кийиб, қилч тақ-
илган камарини боғлаётган- Соҳибқирон, тўсатдан яна ного-
ралар гумбурлайди, отлар кишнаиди, филлар навра тортди.
Парда ичидан Сулувкўзнинг зорли овози келади: "Қайдасиз,
амирим? Наҳот тонг отди? Наҳот бир оний висол чоғимиз
тугади?"*

*Сулувкўз парда ичидан чиқади. Эғнида зар сочилган
ҳарир кўйлак, паршон сочлари тўпигига тегади.*

СОҲИБҚИРОН. Ха, тонг отди, жудолик дамлари келди, Су-
лувим!

СУЛУВКЎЗ. Жудолик! Наҳот шўрлик бибингизни чиндан-да
ташлаб кетасиз, амирим?

СОҲИБҚИРОН. Оллога топширдим сени...

СУЛУВКЎЗ. Мен ҳам Сизни Оллога топширдим, амирим.
Ой бориб, омон қайтгайсиз, йўлбарсим, осов тулпорим! *(то-
бора ҳолсизланиб)* Оллога топширдим, Оллога топширдим!..

*Кўркам тоғ ёнбағрига тикилган улкан саропарда. Са-
ропарданинг бир тамони баланд кўтарилган. Пастда гўзал
манзара: узоқда арчазор чўққилар, яқинроқдаги қир ва адирлар-
га ўтовлар, чоғроқ чодирлар тикилган, ўтлаб юрган йилқилар,
туялар, от ўйнатиб юрган суворийлар элас-элас кўзга чалина-
ди. Бот-бот улар дупури, айгирлар кишнаши, қурол-аслаҳа
ясаётган аслаҳасозларнинг тарақ-туруғи эшитилади. Қирми-
зи гиламлар тўшалган саропарданинг тўрида йўлбарс териси
ёпилган баланд, олтин курси. Ёнида қатор кичик курсилар. Ўнг
томонда сакхиз қиррали нақшинкор хонтахта. Унинг устида
бир даста ипак қоғоз, қалам, шарбат солинган идишлар. Шоҳи
кўрпачада соқол-мойловлари чиройли қиртишилган сарой му-
аррихи ўлтирибди. Эшик оғиси Қалқонбек, қўлларини орқасига
қилганича у ёқдан бу ёққа юриб, фармони олий ёздирмоқда.*

ҚАЛҚОНБЕК. Жаноб Мавлоно! Олампаҳо бул фармони
олийни девон мирзоларига эрмас, Сизга ёздиришни истарди-
ларким, эҳтимол ёзадургон китобингизга кирадур.

МУАРРИХ. Ташаккур.

ҚАЛҚОНБЕК. Аммо хозирча бу фармон сир сақланмоғи
даркор.

МУАРРИХ. Англадим, жаноб саройбон.

ҚАЛҚОНБЕК. Фармони олийнинг бошини ўзингиз ўхша-
турсиз.

МУАРРИХ. Хотиржам бўлгайсиз, кўнглингиз тўладур.

ҚАЛҚОНБЕК. Камина эрмас, Соҳибқирон ҳазратларининг
кўнгиллари тўлмоғи даркор.

МУАРРИХ. Иншоолло шундай бўлур.

ҚАЛҚОНБЕК. Фармони Олийнинг мазмуни шулким, сўнгги
кунларда жаноби Соҳибқирон ҳудудидаги барча вилоят, му-
зофот ва шаҳар бекларидан келадургон номалар муддати
бузимокда. Бекат ва работ нозирлари чопар ва айғоқчилар-
га яхши улов беришдан бош тортиш ҳоллари содир
бўлмоқда. Боз устига Қорабоғ, Машҳад, Нишопур сарҳадла-
рида уя қўйгон қароқчилар ва йўлтўсарлар махсус чопарлар
қонига қасд қилиб, олиб келаётгон номаларини, ҳатто хур-
жунларидаги аччаларини тунаб кетмоқдаларким, бунга сира
тоқат қилиб бўлмас!

МУАРРИХ. *(Бошини чайқаб).* Филҳақиқат, чидаб бўлмайд-
дургон бир ҳол!

ҚАЛҚОНБЕК. *(Бетоқат).* Давлатпаҳо Соҳибқирон ҳазрат-
лари амр қиладурлар: ушбу фармони олий етиб боргон кун-
дан бошлаб ҳудудсиз давлатимиздаги барча бекат ва работ
нозирлари чопарлар ва айғоқчилар учун энг сара отлар, энг
тез чопар югурук туяларни шай қилиб қўйсунлар! Қайси
минтақада бул амрни олиб вожиб бўлмай, йўлтўсар ва
қароқчиларга эрк берилса, фақат бекат ва работ нозирлари
эрмас, вилоят ва музофот бекларининг-да соялари бирла кал-
лалари ҳам кетадур!

МУАРРИХ. Ёпирай, Жаноб Соҳибқирон ёмон дарғазаб
бўлибдилар-да!

ҚАЛҚОНБЕК. Ўзи дарғазаб бўладургон ишлар-да бу! Чо-
дирнинг сўнг қанотидаги парда очилади ва ясовул кириб таъ-
зим қилади:

ЯСОВУЛ. Икки сипоҳ бугунги овдан ўлжа келтирдилар.

ҚАЛҚОНБЕК. Айт, кирсинлар!

*Ясовул чиқади, чодирга қоп орқалаган икки сипоҳ ки-
риб, қопларни ерга ташлашади.*

ҚАЛҚОНБЕК. *(Хушгуд).* Бугунги шикор омадди бўлибдур-
да, бундан чикди.

БИРИНЧИ СИПОХ. Омадники, Соҳибқирон ҳазратларининг
бир ўзлари салкам юз каклик отдилар!

ИККИНЧИ СИПОХ. Қоплонни айт, қоплонни!

ҚАЛҚОНБЕК. Қоплон!

БИРИНЧИ СИПОХ. Қоплонки, шердан катта!

МУАРРИХ. Офарин, офарин!

ИККИНЧИ СИПОХ. Соҳибқирон ҳазратлари бу қоплардаги
какликларни бу кун келадургон Султон Боязид дастурхонига
тортишни буюрибдурлар!

ҚАЛҚОНБЕК. Баковуларга элтинг! Парларини юлиб,
ковурдоқ қилсунлар! *(Муаррихга).* Бу фаройиб ҳодисани
дафтарингизнинг бир четига туртиб қўйинг. Тарихга кирса

арзийдур, Мавлоно!

МУАРРИХ. Филҳақиқат арзийдур, жаноб Саройбон.

От кишнайдиди, ясовул кириб, таъзим қилади.

ЯСОВУЛ. Даруссалтанатдан чопар келмиш!

ҚАЛҚОНБЕК. Хайрнят! Сўра!

Чопар кириб, таъзим бажо келтиради. Юзида ниқоб,

бошида чопарлик нишони қадалган теллак.

Қалқонбек. (Кескин). Нома!

ЧОПАР. Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, жаноб эшик оғаси. Номаи Муборак - махфийдир. Уни Соҳибқирон ҳазратларининг ўзларига топшироққа сўз берганман.

ҚАЛҚОНБЕК. (Даргазаб). Жаноб Соҳибқирон - овдалар! Бул қандай номаки, унинг мазмуни давлатпаноҳ инонган эшик оғасидан сир сақланур. Чўз номани!

ЧОПАР. Авф этгайсиз, тўрам... Нома телпагим ичига яширилгандур.

ҚАЛҚОНБЕК. Ол телпагингни, нобакор!

ЧОПАР. Кечиргайсиз, жаноб саройбон, бошим калдур!

ҚАЛҚОНБЕК. Бошинг кўтур, бетинг чўтур, аммо тилинг бурро! Қачон, қай элда эшитганмен сен тўнқушининг овозини?

Чопарнинг бошидаги телпаги, юзидаги ниқобини шартта юлиб олади. Сарагул юзини кафтлари орасига яширади.

ҚАЛҚОНБЕК. (Бир қадам тисарилиб). Сарагул! Ё раб! Тушимму бу ё ўнгимму?

САРАГУЛ. Яратган эгамга минг шукур. Сизни кўрадурғон кун ҳам бор эркан!

Қалқонбек томон талпинади-ю, Муаррихга қараб, ўзини тилди. Буни сезган муаррих сал тескари бурилиб гўё ўз иши билан банд бўлади.

САРАГУЛ. Оллога шукур, дийдорингизни кўрмоқ насиб этди, насиб этди.

Тиз чўкмоқчи бўлади, Қалқонбек уни ушлаб қолади.

ҚАЛҚОНБЕК. (Кучади, сочларини силайди). Оллога шукур, Оллога шукур!

САРАГУЛ. Сизни бир кўрмоқ умидида уч ҳафта от сурдум. Сизлар юрибсиз бу ёт элларда ғалаба нашидасидан маст бўлиб, биз эрса... биз шўрликлар эрса ётибмиз қон йиғлаб.

ҚАЛҚОНБЕК. Сабаб қон йиғлайсанлар?

САРАГУЛ. Нечун қон йиғламайлик? Саройда игво, ҳарамда фиқсу-фужур! Ғийбат! Сизлар инонган мулозимлар - бари илонинг ёғини ялаган тўлқилар. Бари Сардорнинг айғокчилари! Шўрлик Бибим икки ўт орасида қуйиб қул бўлмиш. Жомеъни битириб, жаноб Соҳибқиронга инъом этмоқ азмида иш қилсачи, ичи қора ҳасадгўйлар йўл қўймаса, битирмаса - Фотиҳи Музаффар ғазабига дучор бўлса!

ҚАЛҚОНБЕК. (Қаҳри кўзиб). Уч ҳафта туну-кун от суриб келгонингда ҳазрат Соҳибқиронга топиб келгон хушхабаринг шул бўлдимми?

САРАГУЛ. Бошқа чора топилмаса не қилайин? Бахтиқаро Бибим бошига беҳисоб тухматлар ёғилса, не қилайлик?

ҚАЛҚОНБЕК. Не тухмат? Ўпкангни босиб, ошқора сўзла!

САРАГУЛ. (Кўз ёши аралади). Эрмишки... гўё... гўё масжиди жомеънинг меъмори Бибимга изҳори-ихлос қилган эрмиш...

ҚАЛҚОНБЕК. (Кескин). Изҳори-ихлосму ё ишқу-муҳаббатму?

САРАГУЛ. Бари бўҳтон, бари миш-миш!

ҚАЛҚОНБЕК. Шамол бўлмаса теракнинг учи кимирламас!

САРАГУЛ. Шўрлик бибим!

ҚАЛҚОНБЕК. Шўрликму, йўқму, аммо машрикдан мағрибга от суриб олиб келган матоҳинг шул ғаламис номаму? (Қўлидаги теллаки юмалаб-йиртиб, ичидан номани олади ва унга кўз югуртиради). Йўқ, бул номани Олампаноҳга кўрсатиб бўлмас! Ҳазратларининг бошида минг бир ташвиш, гурбат, узлуксиз жангу-жадал сенинг бибинг эрса... жаноб Соҳибқирон ҳазратларини юрагини қон қиладурғон чиркин номалар йўллайдур! (Тўсатдан муаррих томон бурилиб) Мавлоно! Бул чопар бул ғаламис номани келтирмади, сиз ила биз уни кўрмадук!

МУАРРИХ. Надоматлар бўлғайким, сиз ила биз кўрмасакда, қалам-қоғоз кўрди, бинобарин, қоғозга тушмай қолмас! Зеро, қоғозга тушган сўзни қилич ҳам кеса олмас!

ҚАЛҚОНБЕК. Бошқаларининг қиличини билмаймен, аммо Қалқонбекнинг қиличи кесаду!

Уларнинг баҳсини катта оламнинг ҳайқириги бўлади, кейин бирдан отлар дупури эшитилади.

ҚАЛҚОНБЕК. Соҳибқирон овдан қайтмоқдадур! (Сарагулга) Сен буюкдаги ўтовга ўтиб ўлтур. Аммо биров кўрмасун, унинг чикмасун!

САРАГУЛ. Оғажон. Қулоқ солинг, оғажон.

ҚАЛҚОНБЕК. Бас! Қолган сўзни кейин сўзлашурмиз! Ма, бошинга қалпогингни, юзинга ниқобингни кий!

Чодирга иштов билан Ясовул киради.

ЯСОВУЛ. Босқонбекни олиб келдук. Қаттиқ жароҳатлангон. Қайга жойлашамиз?

ҚАЛҚОНБЕК. Қаттиқ жароҳатланган? Қай жойда? Қачон? Сабаб?

ЯСОВУЛ. Ов бўлаётгон дарада бир маълун Соҳибқирон ҳазратларининг жонига қасд қилмоқ азмида сой бўйидаги чинор тепасига яшириниб олгон эркан. Камондан ўқ узаётгонда Босқонбек ботур кўриб қолиб, ўққа ўз кўксини тутмиш. САРАГУЛ. Ё тангрим! Бечора Ақчагул!

ЯСОВУЛ. Жаноб Соҳибқиронга шикаст етмабдур, аммо Босқонбек ботурнинг аҳволи оғир! Қайга жойлашамиз.

ҚАЛҚОНБЕК. Оқ ўтовга! Гидамлар тўшанг. Ҳажими аъзамни олдининг! Дарҳол.

Икки сипоҳ оқ кизизда Босқонбекни кўтариб кирадилар.

БОСҚОНБЕК. Сув! Бир қошиқ сув!

ҚАЛҚОНБЕК. (Шақилдогини шақиллатиб). Сув! Шарбат.

САРАГУЛ. (Тиз чўкиб). Инижоним! Сенга не бўлди, инижоним!

БОСҚОНБЕК. Сарагул? (Алаҳсираб) Қайдамиз? Даруссалтанатга қайтдикму? Қайтган бўлсак... Ақчагул қайда, опагон? Чақиринг уни, чақиринг!

ҚАЛҚОНБЕК. (Сарагулга ўшқирди) Ўтовга чик дедим сенга! Чик дарҳол!

Сарагул кўз ёшларини артганича чодирдан чиқади,

Ясовул қосада сув олиб киради, Босқонбек сув ичиб атрофига олазарақ қарайди.

БОСҚОНБЕК. Қайга келдик? Қароргоҳму бу? Қалқонбек? Оғажон!

ҚАЛҚОНБЕК. Қароргоҳ, боврим! (Ўпкаси тўлиб) Инижоним, боврим! Ҳозир табиблар етиб келаду! Олло шифо берса отдай бўлиб кетурсан, инижоним. (Ясовуллар) Оқ ўтовга!

БОСҚОНБЕК. Тўхта, оғажон! Тўхтанглар! Соҳибқирон ҳазратларига сўзим бор, тилагим бор!

ҚАЛҚОНБЕК. Сабр қил, боврим, сабр қил...

Ҳамма чиқади, бўсагада, ёлғиз ясовул қолади.

Овлоқдан келаётган ҳайқиринг ва ногаралар гулбури кучаяди. Отлар кишнайдиди. Чодирга икки ёнида икки сипоҳ Шохруҳ Мирзо киради, сипоҳлар чекиншилади...

ШОХРУҲ. Эшик оғаси қайда?

ЯСОВУЛ. Ҳажимлар қошида, шаҳзодаи жувонбахт!

ШОХРУҲ. Йўқла!

Ясовул чиқади, Шохруҳ Мирзо қиблага юзланиб, қўлларини очади.

Э, парвардигори олам! Мана, салкам эллик йилдирик падали бузриқворимиздан меҳру - шафқатингни дариг тутмадинг. Буқун яна иноятингни дариг тутмай, ажал балосидан асраб қолдинг. Сенга саноксиз ҳамдлар айтиб, шукрона қиламиз!

Юзига фотиҳа тортади. Чодирга бошқа бир ясовул кириб, таъзим қилади.

ЯСОВУЛ. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний ҳазратларига изҳори ихлос қилмоқ матлабида Султон Боязид жаноблари ташриф буюрмиш.

ШОХРУҲ. Султон эрмас, тожу тахтидан мосуво бўлгон бир ғуробо! Ташриф буюрғон эрмиш! Ташриф эрмас, тўрт оёқлаб эмаклаб келмоғи даркор эрди, ул баттол! Ғурурини жиловлаб, тақдир азалга тан бермоқ ўрнига ҳануз жаноб Соҳибқирон жонига қасд қилмоқ режасини тузадур, ул иблиси ланин! Соҳибқирон ҳазратларини қутмоқ даркор. Унгача алов қора уйга жойла ул маккорни!

Ташқарида кўп отлар кишнайдиди. Чодирга қилич лангочлаган бир ғуруҳ сипоҳлар қуриовида Соҳибқирон ҳазратлари билан шайх Нуриддин ва амир Барлостегин кирадилар. Сипоҳлар чекинадилар.

Ўтган фурсатда Соҳибқирон деярлик ўзгармаган, эҳтимол соқол-муртидаги оқ толалар сал кўпайгандир, аммо гап-сўзларида, ҳаракатларида ўша шиддат, ўша қатъият. Оқ ўтов тамондан Қалқонбек кириб, таъзим бажо келтиради.

СОҲИБҚИРОН. (Кескин). Нечун гунгсан, эшик оғоси? Сўзла!

ҚАЛҚОНБЕК. Бовримнинг аҳволи ночор, давлатпаноҳ!

СОҲИБҚИРОН. Ҳақимлар не дейди?

ҚАЛҚОНБЕК. Ҳақимларда забон йўк, муолажа ила бандлар, олампаноҳ.

СОҲИБҚИРОН. Йўқла уни!

Қалқонбек чиқади. Ҳамма сукутда бош эгган.

МУАРРИХ (журъатсизгина тамоқ қириб). Яратган эгамнинг шафоати чексиз, давлатпаноҳ. Иншооллоҳ шифо топадур.

ҲАММА. Иншоолло, иншоолло!

СОҲИБҚИРОН. Илоё айтганингиз келгай, мавлоно! Бу шер-юррак ўғлон фақирга жонини берадургон бир эр эрди, ўз фарзанди аржумандларим қандай қалқон бўлса, шундай қалқон эрди!

ШОХРУҲ. Биз ҳам уни ўз туғушқон инимиз, деб билур эрдик, валинеъмат!

Қалқонбек билан ҳақими аъзам кириб, таъзим қиладилар. Сукут.

СОҲИБҚИРОН. (Қаҳри келиб). Забонинг борму ё тилинг кесилганму, ҳақими аъзам? (швираб). Ботирим тирикму ё...

ҲАҚИМИ АЪЗАМ. Шул дақиқада тирик, олампаноҳ, аммо...

СОҲИБҚИРОН. Сўзла!

ҲАҚИМИ АЪЗАМ. Умидимиз Оллоҳдан, давлатпаноҳ!

СОҲИБҚИРОН. Яратган эгам... сақлангани... сақлагани сақлайман деган. Ботиримни сақламоқ сенинг гарданияда, ҳақими аъзам. Бор, қилавер муолажангни!.. Аммо... хато қилакўрма! Сўзим аёну, ҳақим?

ҲАҚИМИ АЪЗАМ. Аён, ҳазратим...

Қалқонбек иккови чиқадилар. Сукут. Соҳибқирон у ёқдан бу ёққа даргазаб айланади.

СОҲИБҚИРОН. (Тўсатдан тўхтаб). Ўғлим Шохруҳ!

ШОХРУҲ. Лаббай, валинеъмат!

СОҲИБҚИРОН. Сен ўз пойтахтинг Ҳиротга қайтмоқ тарадудини кўрабер.

ШОХРУҲ. Қачон, бузруквор?

СОҲИБҚИРОН. Дарҳол. Эрта тонг йўлга чикмоғинг даркор... Шайх Нуриддин ҳазратлари!

ШАЙХ НУРИДДИН. Қўлоғим Сиздадур, Олампаноҳ.

СОҲИБҚИРОН. Сиз доруссайтана Самарқандга йўл олурсиз! Сиз амир Борлос тегин Ажам орқали Қароботга, Қоработдан Журжон даҳри орқали Туркманлар юртига, ундан Балхга ўтирсиз!

АМИР БОРЛОС. Бош устига!

ШАЙХ НУРИДДИН. Сиз ҳазратимнинг сўзлари - биздай садокати зоҳир қулларингиз учун амри худодир!

СОҲИБҚИРОН. Ҳар бирингиз қанча суворий, қанча қурол-аслаҳа, қанча озиқ-овқат даркор бўлса - олингиз!

АМИР БОРЛОС ва ШАЙХ НУРИДДИН. (бараварига). Ташаккур, олампаноҳ!..

СОҲИБҚИРОН. Тагин не керак - олинлар. Аммо йўл-йўлакай ҳудудим ичида пайдо бўлгон барча қароқчилар, бебош товламачилар, чопарлар ва айгоқчиларимиз жонига қасд қилаётгон барча қаллақесарларнинг пайини қирқиб, токи мен қайтгунча юртда осойишталик ўрнатмоқларинг даркор! Дарвоқе, мен айтгон фармони олий тайёрма, мавлоно!

МУАРРИХ. Тайёр, тайёр олампаноҳ!

СОҲИБҚИРОН. Тайёр бўлса бул зоти шарифларга бир нусхадан обергайсиз. Бул фармонни Сизларга берган чексиз ваколатим деб билурсизлар!

ШОХРУҲ. Валинеъмат!

СОҲИБҚИРОН. Хўш?

ШОХРУҲ. Мен Сизни бу ерда, ганимлар орасида ёлғиз ташлаб кетолмасмен.

СОҲИБҚИРОН. Фақирни бўри емас. Қирқ йил қирғинда асраган яратган эгам, иншоолло бундан кейин ҳам асрар!

ШОХРУҲ. Ахир менинг Ҳиротимда осойишталик!

СОҲИБҚИРОН. Ҳирот осойишта бўлса Машҳад нотинч!

Оғанг Мироншоҳ Давлат юмушларини йиғиштириб қўйиб, фахш ва айш-ишратга муккасидан кетиб, ўз қусуғига ўзи беланиб ётган эрмиш! Бориб кўр: хуфяларим еткарган бу хабар рост бўлса... менга дарҳол чопар йўллайсен!

Қалқонбек кириб, бош эгади.

ҚАЛҚОНБЕК. Давлатпаноҳ. Фарангистондан элчилар келмиш. Юз ҳачир совға-салом ва фаранг қиролининг ёрлигини келтирмишлар.

СОҲИБҚИРОН. Йўк, фаранг элчилари навбат кутгай. Аввал Султон Боязидга йўл бер! (Чодирдагиларга) сизларга ижозат! Саҳар ҳозирлигини кўргайсизлар! (Муаррихга) Сиз қолинг, мавлоно. Сухбатимизни ёзиб олмоғингиз даркор!

Муаррих бош эгади. Бошқалар чиқади, Қалқонбек қиради.

ҚАЛҚОНБЕК. Жаноб Султон Боязид бир гуруҳ надимлари ила ижозатингизга мунтазирдур!

СОҲИБҚИРОН. Султонни таклиф эт! Надимлари қолсун. Сухбатимиз юзма-юз, беғувоҳ бўлмоғи даркор!

Қалқонбек чиқади. Султон Боязид кириб бош эгади.

Устида жўнгина қора чакмон, бошида қулоҳсимон қалпоқ.

СОҲИБҚИРОН. Марҳамат, тўрға ўтсинлар, жаноб Султон. БОЯЗИД. Ташаккур! Фақир эндиликда султон эрмас, Сиздай музаффарнинг мағлуб бир қулидурман!

СОҲИБҚИРОН. Такабурлик қилмай юкори ўт! Букун каминанинг азиз меҳмони бўлурсен.

БОЯЗИД. Қуллиқ! Букун Сиздай амири мўъминнинг меҳмони бўлмоқ на кўнглимга сиғадур, на мартабам кўтарадур бун!

СОҲИБҚИРОН. Сабаб?

БОЯЗИД. Сабаби... Шул букун субҳи содиқ туш кўрибмен, жаноб Соҳибқирон.

СОҲИБҚИРОН. Туш? Не туш?

БОЯЗИД. Фақир ҳақир... Сизнинг музаффар лашкарларингиз енгилмас яничарларингиз устидан голиб чиққан кун мен ўлим тилаб яратган эгамга илтижо қилгон эрдим. Менинг илтижом арши аълога етиб борибдур. Букун субҳи қаззоб Ҳазрат Азройил алайҳиссалом ўз фаришталари қуршовида фақир қулбама қадам ранжида қилдилар. Мен соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний ҳазратларига айтадургон қалима бор деб, Ҳазрат Жабронил алайҳиссаломдан бир кунга ижозат сўрадум.

СОҲИБҚИРОН. Ўзинг тўқиган чўпчакму бу ё ҳақиқатму?

БОЯЗИД. Бас! Фақир букун бул ўткинчи маконда бор, эртага йўкмен. Умид қиламанки, гўр ёқасида тургон банди ожини бир оғиз сўздан мосуво этмайсиз, амирал мўъминин!

СОҲИБҚИРОН. Йўк, мосуво қилмаймен, аммо кўнглингизда захрингни ҳам, айтадургон қаломингни ҳам яхши билурмен, Йилдирим!

БОЯЗИД. Яхши билурсиз?

СОҲИБҚИРОН. Билурмен. Сен ихҳори ихлос қилмоқ эрмас, маломат тошларини ёғдирмоқ азмида келгансен, ҳузуримга...

БОЯЗИД. Астофурулло!

СОҲИБҚИРОН. Қаломинг шулким, мен, кимсан Султон Боязид буткул турк оламини мағриб ғайридинларидан асраб ўртада қолқон бўлиб тургон эрдим, сен эрса мени тору-мор қилиб, ганимларимизга йўл очиб бердинг, демоқчисан сен! БОЯЗИД. Ё бу сўзим ҳақиқат эрмасму, Соҳибқирон? Мағрибда қилич яланғочлаб тургон ёвларингизга йўл очмадингму? Машрикда Урусияга қарши кўкрак қериб тургон Тўхтамишхонни ер бирлан яқсон қилиб...

СОҲИБҚИРОН. (Қалтираб). Бас, ул мунофикдин сўз очиб, эски ярамни тирнама, Йилдирим! Падари бузруквори оламдан ўтиб, етим қолганида унинг бошини силаб, таълим-тарбия қилиб, отаси тахтига ўтказган ким? Амир Темур Кўрагоний эмасму?

БОЯЗИД. Амур Темур Кўрагоний, аммо...

СОҲИБҚИРОН. Кўрагоний бўлса, нечун бул маломат? Мағрибдаги ганимларимга қарши қалқон бўлиб тургон эрдим деб кўкрак керасен, аммо ёлғиз кўзингни мағрибга эрмас, машрикка қадайсен? Менинг сарҳадимга таҳдид соласен! Камина сени кўзи кўр бир фақир десам, дилинг ҳам кўр эркан, Боязид!

БОЯЗИД. Фақирни авф этгайсиз, ҳазратим. Мени кўр қилиб яратган эгам, сизни ҳам чўлоқ қилиб яратибдур.

СОҲИБҚИРОН. Ҳа парвардигори олам, бу дунё такдирини бир кўр, бир чўлокка топширибдур. Аммо бу кун менга бир ҳақиқат аён бўлди: кўр бўлгондан, чўлок бўлгон афзал эркан! Тагин не арзинг бор - сўзла, Йилдирим!

БОЯЗИД. Йўк, сенга айтадургон бошқа каломим йўк. Бирдан-бир насиҳатим: мен басир бу дунёга устун бўлурман деб ўйлогон эрдим - бўлолмадим. Сен чўлок ҳам устун бўлолмайсен. *(чиқа бошлади).*

СОҲИБҚИРОН. *(Кесатиб).* Дона насиҳат! Камина бул ҳақиқатни билмас эрканмен, кўзимни очдинг, ташаккур, Йилдирим.

(Боязид чиқади).

МУАРРИХ. О, бани одам! Отдан тушса-да, эгардан тушмас, бани одам!

АМИР. Майли. Мағлуб аламзада, голиб кечиримли бўлмоғи даркор! Суҳбатни окизмай-томизмай битдингизму дафтарингизга?

МУАРРИХ. Битдим. Ҳаммасини битдим, олампаҳо.

СОҲИБҚИРОН. Баракалло! Бўлгуси авлодлар бор ҳақиқатни билмоклари даркор, Мавлоно!

Ўтов тамондан: "Иним! Шерюрак инижоним!" деган фарёд эшитилар. Чодирга сочлари ёзилган ёқаси чок Сарагул билан уни тўхтаб қолишга уринаётган Қалқонбек кириб келишади. Сарагул ишлаганича ўзини Соҳибқироннинг оёқлари остига ташлайди.

САРАГУЛ. Шерюрак бургутингиз Босқонбек оламдан кўз юмди, давлатпаҳо. Кўз юмди. Бартикаро Ақчагул! Шўр пешона сингилгинам!

СОҲИБҚИРОН. *(Ҳайратда).* Сарагул? Сен қандай, қачон келдинг? *(жавоб кутмай)* Ҳақими аъзам қайда?

ҚАЛҚОНБЕК. Йўқлайму!

СОҲИБҚИРОН. Йўк! Бари Оллоҳдан. Яратган эгамнинг хоҳиши шул эркан. Ўз жаннатидан жой ато қилгай! *(Қалқонбекка).* Дафн таралдудини кўринглар! *(Юзига фотиҳа тартади Сарагулни ўрнидан турғизади).* Сен қачон келдинг бу масканга?

САРАГУЛ. *(Ҳиқиллаб).* Шу букун, Олампаҳо.

СОҲИБҚИРОН. Сабаб?

САРАГУЛ. Бекам! Шўрлик бекам!

СОҲИБҚИРОН. Шўрлик? Сабаб шўрлик бўлур?

САРАГУЛ. Саройда ғийбат, фиску-фасод, тухмат!

СОҲИБҚИРОН. *(газаби жўшиб).* Чайналмай сўзла! Не ғийбат, не тухмат? Ким қиладур бу тухматни?

САРАГУЛ. Сарой арконлари... Ҳарам бекалари...

СОҲИБҚИРОН. Сўзла! Чайналмай сўзла дедим сенга!

САРАГУЛ. Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, ҳазратим. Ул тубан кимсаларнинг тубан сўзларини айтмоққа тилим бормас!

СОҲИБҚИРОН. Ё сўзла, ё тилинг кесилур!

САРАГУЛ. Сўзласам... эмишки, бибим, сутдай ок, мусичадай увол бибим... эмишки... масжиди жомеъ меъморийнинг тузоғига илнинмиш...

СОҲИБҚИРОН. Тузоқ? Не тузоқ?

САРАГУЛ. Му...му - муҳаббат тузоғи!

СОҲИБҚИРОН. Ҳим... Бибим?... Кимсан Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонийнинг хасми... қаёқдаги бир қаланғи-қасанғига ишқи тушмиш?

САРАГУЛ. *(нола қилади).* Ёлгон! Ҳаммаси бўҳтон, ҳаммаси тухмат, Олампаҳо.

СОҲИБҚИРОН. *(газаби жунбушга келиб).* Биби Сардор қай гўрда юрибдур?

САРАГУЛ. Надоматлар... надоматлар бўлғайким, Биби Сардор ҳам ўшал тухматчилар ёнини олмиш!..

СОҲИБҚИРОН. *(алам билан, аммо секин).* Билгон эрдим... Шундай бўлишини билгон эрдим. *(бақариб)* Даф бўл кўзимдин!

(Сарагул чиқади).

СОҲИБҚИРОН. *(гўё ўзига ўзи)* Билгон эрдим, ҳаммасини билгон эрдим! *(охишона).* О, бибим, бибижоним! Кексайгонда топган дурри гавҳарим!.. Мен сенга интилгон эрдим, худди ўзимга инонгондай инонгон эрдим!..

МУАРРИХ. *(журъатсизгина).* Хукм чиқармоққа шошилманг, давлатпаҳо. Шояд бул қанизак айтгандай тухмат бўлса, бари бўҳтон бўлса.

СОҲИБҚИРОН. *(енгил тортиб).* Шояд! Дарвоқе шайх Нуриддиннинг қўлига фармон ёзиб бермоқ даркор. Токи борғунимга қадар Сулувкўз бибига ҳеч бир кимса тегмагай! Ўзим қилурмен ҳақиқатни, ўзим!

(ПАРДА)

ИККИНЧИ ПАРДА УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Кўксарой. Саҳна иккига бўлинган. Ўнг тамонда Сулувкўзнинг хонаси, чап тамонда яхши жиҳозланган чарогон меҳмонхона. Сулувкўзнинг хонаси нимқоронги. Токчаларда бир-иккитагини шам миттираб турибди. Тўрдаги баланд тўшақда, нозик парда, Сулувкўз ётибди. Ташқаридан қўлида баркаш, Сарагул кирди ва меҳмонхонадан ўтиб, Сулувкўзнинг хонасига кирди.

СУЛУВКЎЗ. Ақчагул? Қайда юрибсен?

САРАГУЛ. Йўк, бул мен...

СУЛУВКЎЗ. Ақчагул қайда?

САРАГУЛ. Ақчагулни Биби Сардор бирла Шайх Нуриддин йўқлабдурлар.

Сулувкўз беҳаловат бўлиб бошини ёстиқдан кўтаради. СУЛУВКЎЗ. Ё худойим! Бул ҳазрат Самарқандга келибдурки, Ақчагулни ҳар кун йўқлагани йўқлаган. Сабаб сени чорламайдур? Уларга айғоқчилик қилиб, сир ташиб юрибди сенинг синглинг!

САРАГУЛ. Й-йўк! Ундай деманг, бибижон! Суюкли ёри Босқонбек раҳматлик бўлибдурки, телбаланиб қолди шўрлик-синглим. Унинг ҳуши ўзида эрмас, бибим.

СУЛУВКЎЗ. Қайдамов, Сарагул. Барибир ниятлари ёмонов буларнинг!

САРАГУЛ. Кўрқманг, бибим. Ниятлари ёмон бўлсун, бўлмасун, Сиз Оллоҳ қовуштирган ёрингиз жаноб Соҳибқирон олдида сутдай ок, фариштадай бегуноҳсиз!

СУЛУВКЎЗ. Ҳа, яратган эгам шохид! Ўзи қўшгон хўжам олдида тарикдай гуноҳим йўк. Бироқ бул ичи қора шумниятлар тарқатган ғийбатлар, тухматлар, булар қўйган тузоқлар!..

САРАГУЛ. Булар бир эрмас, минг тузоқ қўймасунлар сизнинг ҳаром тукингизга ҳам теголмайдурлар. Эшик оғаси Қалқонбек иним айтдилар: фармони Ҳумоюн шундай эрмиш!

Сулувкўз ҳалжондан ўрнидан туриб кетади.

СУЛУВКЎЗ. Ҳа, ҳа, шундай сўзлар! Бошқа барча сўзни қўйиб, шундан сўзла, жоним Сарагул!

САРАГУЛ. Минг маротаба сўзладим...

СУЛУВКЎЗ. Минг туғул, юз минг маротаба айтсанг ҳам жон қулоғим ила эшитаман, Сарагул, сўзла, жонгинам!

САРАГУЛ. Қалқонбек иним айтмиш. Фармони Ҳумоюнда битилган эрмишким, жаноб Соҳибқирон дорусалпанага қайтгач, ўзлари ҳақиқат қилур эрмуш! Унгача Сизни биров ранжитмоқ у ёқда турсин, бир оғиз ёмон сўз айтилмасун!.. Олампаҳо йўлга чиққанидан хабарингиз бор. Худо хоҳласа эрта-бурускун етиб келадур!

СУЛУВКЎЗ. *(Таҳликага тушиб).* Эрта-бурускун?

САРАГУЛ. Уч тўрт кун бурун Кешга келиб, юртта ош бермоқ ниятида Оқсаройга қўнгон эмишлар. Кеча ош бериб йўлга чиққон бўлсалар шул субҳидам келиб қолурлар.

СУЛУВКЎЗ. Шул субҳидам? Буни билур экансен, сабаб менга айтмадинг?

САРАГУЛ. Ахирғи дақиқада айтиб Сиздан суюнчи олмоқ ниятида айтмаган эрдим! Суюнчингизни беринг энди бибим! СУЛУВКЎЗ. Шул субҳидам... шул субҳидам етиб келур. Ё раб!

САРАГУЛ. Сизга не бўлди? Қувонмоқ ўрнига таҳликага тушасиз, маликам?

СУЛУВКЎЗ. Йўк-йўк. Сув бер жонгинам, сув!

Сарагул кўзачадан сув қуйиб беради.

САРАГУЛ. Нечун титрайсиз? Мени ҳам кўрқитиб юбордингиз, бибим!

Сулувкўз юзини қўллари билан тўсиб ишлайди.

САРАГУЛ. Сўзланг, маликам! Кўнглингизда не гўбор, не сир-асрор бор - яширманг мендан! Сизнинг бошингизга келган қилич мен жориянғиз бошига ҳам келур!

(Сулукўз ҳамон титраб йишлар) Ё. анов (шивирлаб)
қалаңги-қасанги меъмор тўтрисидаги миш-мишларда жон
борму?

Сукуг.

САРАГУЛ. (даҳшат ичида) Ё худойим! Наҳот Сиз, жаноб
Соҳибқироннинг Олло қовуштирган манкуҳаси, ул зоти ша-
рифга хиёнат қилдингиз?

СУЛУВКЎЗ. (Кафтларини юзидан олади, кўзлари ёниб) Йўқ,
яратган эгам шоҳид. Соҳибқирон ҳазратлари олдида сугдай
оқ, норасида гўдакдай покмен! Пок!

САРАГУЛ. Йўқса сабаб қалтирайсиз? Сабаб кўркасиз,
бибим?

СУЛУВКЎЗ. Ул шўрлик... ул шўрлик меъморнинг бошига
ишқ савдоси тушмиш...

САРАГУЛ. Шўрлик бўлмай қора ерга киргай ул бетовфик!
Бетовфик бўлмаса, кимсан фотиҳи музаффарнинг манкуҳа-
сига ишқи тушарму?

СУЛУВКЎЗ. Йўқ-йўқ! Сен ўйлаган ёмон ниятда эрмас. Бор-
йўғи жамолингизни бир кўрай деб, оёқларим остига
йиқилди...

САРАГУЛ. Сиз эрса... ул набақорнинг бул машъум тилагини
бажо келтирддингиз?

СУЛУВКЎЗ. Не қилай, бошқа чорам қолмади! Йўқса...
қурилишни тутатмай масжиди жомеъ пештоқидан ўзимни
ташлайман деди...

САРАГУЛ. Сиз бўлса... ул телбанинг бул ёлгон пўписасига
инониб, руҳсорингизни кўрсатдингиз?

СУЛУВКЎЗ. Йўқ-йўқ! Кўнмадим, сира кўнмадим!

САРАГУЛ. Кўнмаган бўлсангиз, нечун бу ваҳима, бу таҳли-
ка?

СУЛУВКЎЗ. Шунда ул...

САРАГУЛ. Сўзланг!

СУЛУВКЎЗ. Шунда ул айтдики, юзингиздаги пардани... пар-
дани олмасангиз ҳам майли... фақат фақат бир бўса, деди.

САРАГУЛ. Имонсиз!

СУЛУВКЎЗ. Не қилай, чорам қолмади. (Йиғлайди). Аммо
ёноғимга лаб эрмас, бамисоли бир чўғ теғди. Вужудимдан ўт
чиқиб кетди.

САРАГУЛ. Ақлингиз қайда эди, ақлингиз? Сўнг не бўлди,
сўзланг борини!

СУЛУВКЎЗ. Саройга от суриб келиб, кўзгуга қарасам, рост-
дан-да лаб эрмас, чўғ тегибдур ёноғимга. (Ҳиқиллаб) Мана
неча кундирки, қилмаган муолажам қолмади. Қора доғ кет-
майдур, кетмайдур.

Сарагул қаҳр билан Сулукўзнинг юзидаги пардани
юлиб олади ва кўрқув ичида орқага тисарилади.

САРАГУЛ. (сенсираб). Ҳа, ёноғинга чўғ эмас, лаб туркидаги
чўғ тегибдур, оташ темир тегибдур, оташ! (Аламдан қовури-
либ) мен эрсам, мен анқов эрсам, саройдаги бу миш-мишлар-
нинг барчаси тухмат деган сўзларингизга инониб, бир ой туну
кун ором билмай от суриб, арзингни кимсан Жаҳонгир ҳаз-
ратларига етказибман.

СУЛУВКЎЗ. Сарагул! Бирдан бир суянчим...

САРАГУЛ. Энди не деган одам бўлдим мен? Эрта бурускун
олампаноҳ этиб келганларида унинг юзига қандай қараймиз,
беҳаё?

Сулукўз Сарагулнинг оёқлари остига йиқилади.

СУЛУВКЎЗ. Оёғинга бош уриб илтижо қиламан: мени
қутқар. Ана, ёстиғим остида ханжар! Уни кўксимга санчиб
бўлса-да, рўмолинг ила бўғиб ўлдирсанг-да, мени бу шар-
мисор, бул маломатлардан қутқар, олтиним, Сарагулим!

Ташқаридан тарақ-туруқ овозлар келади.

СУЛУВКЎЗ. (ваҳима ичра) Ҳазрат Соҳибқирон? Ё парварди-
гор? Энди не қилдим? Қайга қочай? Қайга кирай?

САРАГУЛ. Жаноб Соҳибқирон эрмас! Давлатпаноҳ ноғора-
лар гумбири, карнай-сурнайлар садоси остида асьасаю-
дабада ила келурлар!

СУЛУВКЎЗ. Ким бўлмасин - киритма! Ҳаста де! Оташ ичра
коврилиб ётибди де!

Сулукўз у ёқдан бу ёққа югуриб, шамларни пуфлаб
ўчиради. Сарагул қўшини хонага ўтади. Ташқаридан Ақчагул
киради ва Сулукўзнинг хонаси тамон интилади.

САРАГУЛ. Бибилимиз бетоб! Аҳволи огир!

АҚЧАГУЛ. Даф бўл! Биламен не дардга учраган? Бу ерда не

сир-асрор бор - барини биламен. Йўлимни тўсма. Ҳозир
Биби Сардор ила шайх Нуриддин ҳазратлари кадам ранжида
қиладурлар! Шайтон уя қурган бул даргоҳга!

САРАГУЛ. Барча сир - асрорлардан вокиф бўлсанг, уларни
Биби Сардорга етказган ҳам сенму?

АҚЧАГУЛ. Мен!

САРАГУЛ. Худодан кўрк, сингилжон! Биз бу дунёга келиб,
неки яхшилиқ кўрган бўлсак - шул бахти қаро бибимиздан
кўрмидикму?

АҚЧАГУЛ. Бул беҳаё бадбахт нозанин неки яхшилиқ
қилган бўлса - менга эрмас, сенга қилди! Унга сирдош ҳам,
қурдош ҳам сен бўлдинг! Агар менга инонганда нечук чопар
қилиб мени эрмас, сени юборди. Ким билур, агар сенинг
ўрнингда мен бўлганимда соҳибчангал лочинимни асраб
қолган бўлурмидим? Ақалли жон таслим қилаётганида, ол-
тин бошини силаб таскинун тасалли берармидим унга?
(Йўқлаб йиғлайди). Бургут десам бургутим, шунқор десам-
шунқорим, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди? Жаноб Соҳ-
ибқиронга отилган ўқ сенинг эрмас, менинг кўксимни тешса
бўлмасмиди?

Ташқарида отлар дупури эшитилади, эшик очилиб,
Шайх Нуриддин билан Биби Сардор киради.

БИБИ САРДОР. (Сарагулга). Сен нечук эшикда сарбоздай
серрайиб турибсен, канизак? Ё рўпарангда турғонларни та-
нимай қолдингму Бибинг бирла кўшмазор бўлгур, беҳаё!

САРАГУЛ. (Таъзим қилади). Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз,
Биби мома. Маликам қаттиқ ҳасталар!

ШАЙХ НУРИДДИН. Биз ҳам Бибингиз бетоб бўлгонини
эшитиб, ҳолидан хабар олмоқ азмида келдик. (Кинолмуз)
Ижозат бергайсиз, маликам!

Эшикни очади.

БИБИ САРДОР. Нечук бу хона зиндондай зимистон?

АҚЧАГУЛ. Ҳозир, ҳозир...

Ичкарига кириб шамларни ёқади, хона чарақлаб кета-
ди. Сарагул ўзини курсига ташлаб, бошини чангаллаб олади.
Сулукўз тескари ўғирилиб олган. Биби Сардор билан Шайх
Нуриддин ичкарига кирадилар.

БИБИ САРДОР. Жаноб Соҳибқирон топшириғи ила сендан
хабар олғони Шайх Нуриддин ҳазратлари ташриф буюр-
мишлар.

СУЛУВКЎЗ. (Заиф товуида). Тоабат миннатдормен...

БИБИ САРДОР. Ҳаста бўлмоқ тугул жон таслим қилаётгон
бўлсанг ҳам ўрнингдан тур, беадаб! (Ақчагулга) Ёрдам бер,
бекангга!

Ақчагул тўшакка яқинлашади.

СУЛУВКЎЗ. (Талвасага тушиб). Ўзим, ўзим!

Сулукўз юзидаги пардани маҳкам ушлаганча таъзим
бажо келтиради.

БИБИ САРДОР. Ҳаста бўлсанг, ҳакимларни йўқламоқ
лозим. Дори-дармон қилсинлар!

СУЛУВКЎЗ. Йўқ-йўқ. Керак эмас, ўтиб кетур, ўтиб кетур!

БИБИ САРДОР. Йўқса сабаб бул талваса? Сабаб безтак тут-
гандек қалтирайсен?

Шартта юзидаги пардани юлиб олади. Сулукўз жон
ҳолатда бетини қўллари билан тўсади.

БИБИ САРДОР. Бу не доғ, маликам? (Сулукўз сукутда.
Биби Сардор унинг иягидан кўтаради.) Доғ эрмас бу, бир но-
мард номаҳрамга ёноғиндан тишлатибсен, манжалақи!

СУЛУВКЎЗ. Оёғингизга йиқиламен, илтижо қиламен. Тух-
матларга инонманг, олийҳиммат бибим!

БИБИ САРДОР. Менинг сўзим тухмат бўлса, бул қора доғ
не, юзсиз? Яхшироқ келиб, бир қаранг, Шайх Ҳазратлари.

ШАЙХ НУРИДДИН. (Қўлларини силтаб). Ҳазар, алҳазар!

БИБИ САРДОР. Ё тавба. Бундай беҳаё - бешарм
манжалақини ер ютса бўлмасму, э яратган эгам. Кимсан ҳаз-
рат Соҳибқирондай бебаҳо тушпорни кўчада қолгон бир
эшакка олмоштирмак!.. Эрта-бурускун Олампаноҳ музаф-
фар сафардан қайтганда қайси юз ила унинг юзига қарайсен,
беномус?

СУЛУВКЎЗ. Эй қудратли эгам! Қайси гуноҳларим учун бу
ҳақорат, бу кўргулик?

БИБИ САРДОР. Қилгуликни қилиб қўйиб, кўкка нола қила-
ди бу юзсиз. Эҳтиёт бўлмоқ керак бул беҳаёга? Минг ишва
ила соқчиларни ҳам сеҳрлаб, қочиб кетмоғи ҳам дарғумон

эрмас бу жодугар!
ШАЙХ НУРИДДИН. Хотиржам бўлинг, барча эҳтиёт чоралар кўриладур, Маликам (чиқади).

Тўсатдан ногоралар гумбурайди.
БИБИ САРДОР. Ана, музаффар саркарда шарафига тўй-томоша бошланди. Қайси юз ила Султон Салотиннинг кўзига кўринасен (Сарагулга) Сен-чи, бибинг бирла кўшмозор бўлгур, кўшмачи! (Ақчагулга) Бери кел. Қулогингга айтадургон сўзим бор!

Чиқади. Сулувкўз саросима ичида хонани гир айланади. (Дарича олдида тўхтаб). Э, парвардигори олам! Ўзинг кўриб турибсен. Кўшгонингга хиёнат қилмаганимга ўзинг шохидсен. Мана, неча йилдирки, жуфтиҳалолим хаёли ила яшадим. Кунларим ҳам, тунларим ҳам висол орзусида ўтди! Жисмим ҳам пок, дилим ҳам, кўнглим ҳам.
САРАГУЛ. Бандаси адолатсиз бўлса, яратган эгам адолатли. Шояд гуноҳингиздан ўтса.
СУЛУВКЎЗ. Парвардигори олам гуноҳимдан ўтганда ҳам юзимда бул машъум доғ турганда жаноб Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний Ҳазратларининг кўзига қандай кўринамен.

Шартта даричани очади. Ногоралар гумбури, карнайлар вот-воти, отлар кишнаши кўшилиб, еру-кўк ларзага келади.

Доруссалтанат узоқ-яқинда ёнган машъалалардан чарогон.
СУЛУВКЎЗ. Айланаин, Сарагул. Қургон масжидимни бир кўрай!

Сарагул шамларни битта-битта пуфлаб ўчиради. Беҳисоб машъалалар ва гулханлар шуъласида тунги Самарқанд серюлдуз осмонни эслатади. Қоронгуда Сулувкўзнинг нидоси янграйди.

СУЛУВКЎЗ. Гуноҳдор бандангни ўзинг кечиргайсен, яратган эгам! Бул маконда ўзинг кўшган хўжам ила дийдорлашиш насиб этмади, шояд ул маконда дийдорини кўрсам! (Сақраб дарича пешига чиқади).

САРАГУЛ. (Даҳшатга тушиб). Бибим, тўхта, Бибим!
Қоронгуда Сулувкўзнинг "Алвидо, Ҳазратим, алвидо!" деган овози эшитилади. Ногоралар гумбури ариш-аълога чиқади.

(ПАРДА) ИККИНЧИ ПАРДА ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўтрордаги икки бўлмадан иборат қароргоҳ. Ўнг томондаги хонанинг тўрида баланд тўшак. Тўшакда хаста Соҳибқирон Ҳазратлари ётибдилар. Сўрининг бош томонидаги саккиз қиррали хонтахтада дори-дармонлар солинган беҳисоб шиша ва кўзачалар. Пойгакда чуқур сукугга чўмиб, Ҳаким аъзам билан эшик оғаси Қалқонбек ўтирибди. Бурчакдаги ўчоқда ловиллаб саксовул ёнмоқда. Сўл томондаги хона нисбатан ёруғ. Қатор курсиларда бир қанча саркардалар, табиблар ўтиришибди, улар орасида биргина амир Барлос тегинни таниймиз. Ташқарида оч шақаллар овозини эслатувчи қора бўрон увиллайди. Бўрон авжига чиққанда қароргоҳ гўё жонли махлукдай титрайди, силкинади.

Сиртдан устларида қашқир пўстин, бошларида бўрк шайх Нуриддин билан шаҳзода Ҳалил Султон кириб, бўрк ва пўстинларидаги қорни қоқадилар. Ҳамма ўрнидан туради.

АМИР БАРЛОС. Бўрон баттар авжига чиқмоқда чоғи?
ҲАЛИЛ СУЛТОН. Ҳа, беш баттар қутирмоқда. Отларнинг устига кигиз ёпсақ-да, нафи йўқ. Туёқлари яхлаб ерга ёпишиб қолмоқда.

АМИР БАРЛОС. Во дариг. Бу не кўргилик? Ғала-ғовур хитоблар: Бир ҳафтадурки, туну-кун увиллайди! Ўтовларни саксавул ҳам иситмай кўйди!

ШАЙХ НУРИДДИН. Бул ғалаёндан не фойда? Ҳаммаси омадли!

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Ҳазрат Соҳибқирон шифо топса - бари ўрнига тушур. Ҳакими аъзам қайда?

Ичкаридан Ҳакими аъзам билан эшик оғаси Қалқонбек чиқади.

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Сизда не мужда бор, жаноб Ҳаким?

ҲАКИМИ АЪЗАМ. Бандаи ожиз кўлимиздан неки муолажа келса - барини кўлламоқдамиз, шаҳзодаи жувонбахт!

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Нафи борми, йўқми бу муолажангиздан? Мундан сўзланг.

ҲАКИМИ АЪЗАМ. Олло шифо берса, ажаб эрмас! Аммо...
ҲАЛИЛ СУЛТОН. Тилингизни гўлдирамай сўзланг барини.

Ҳақиқатни билмоғимиз даркор!

ҲАКИМИ АЪЗАМ. Надоматлар бўлмайки, жаноб Соҳибқироннинг ҳарорати тушмай алахсирай бошладилар?.. Кўзларига ҳар нарса кўринадур.

ҚАЛҚОНБЕК. (Журъатсизгина). Эҳтимол Ҳиротга Мирзо Шохрух жанобларига хабар бермоқ лозимдур.

АМИР БАРЛОС. Ҳақ сўз. Чопар йўлламоқ лозим!

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Ҳақ сўз эмиш (Қалқонбекка) Сен нобакор Ҳазрат Соҳибқирон оламдан кўз юммасдан туриб ундан умид уздингми, номард?

ШАЙХ НУРИДДИН. Боз устига Ҳазратларининг сеvimли набираси шаҳзода Ҳалил Султон ва садоқатли зоҳир бул саркардалари ҳазирю нозир бўлиб тургонларида ҳамма ёққа от суриб ваҳима кўтармоққа ҳожат йўқдур, эшик оғаси!

ҚАЛҚОНБЕК. Афв этгайсиз Ҳазратим...

Ичкаридан: "Бибим! Бибижоним!" деган овоз келади.
ҲАКИМИ АЪЗАМ. Ана! Яна алайҳсирай бошладилар...

Ҳамма эшик тирқишига интилади. Бу хонадаги шамлар сўниб, жаноб Соҳибқирон хонаси бироз ёришади. Соҳибқирон эғнида туя жунидан тўқилган оқ чакмон, бошида кимхоб қалпоқча, қаддини ростлаб, нимқоронгу бурчакка тикилиб қолган. Эшикдагилар лол, чунки бурчак бўм-бўи.

СОҲИБҚИРОН. Бибим, бибижоним. Излай-излай кексайганда топган дуру-гавҳарим. Нечук мени кутмадинг? Мени кутмай азиз жонингга касд қилдинг?

СУЛУВКЎЗ. Бошқа чорам бўлмади, амирим, Оллоҳ қовуштирган жуфти ҳалолим.

СОҲИБҚИРОН. Биламен, малагим, барини биламен.

СУЛУВКЎЗ. Йўқ, билмайсиз, амирим, билмайсиз. Бибингизнинг бирда-бир гуноҳи ўзингиз топширгон масжиди жомеъни қуриб тутатмоқ эрди, Сизга бебаҳо бир туҳфа инъом этмоқ эрди, ул шум ниятлар эрса...

СОҲИБҚИРОН. Ул шум ниятларнинг бари менинг қаҳримга дучор бўлмиш. Аммо не фойда, бибижоним? Сендан жудо бўлдим. Бир умр кидира-кидира топган дуру-гавҳаримдан айрилдим. Яратган эгам ҳамдард бўлсинки, мана сени кўрмоқ насиб этибди. Яқинроқ кел, маликам, висолингни кўриб, дийдоринга тўяй (ўрнидан турмоқчи бўлади).

СУЛУВКЎЗ. Йўқ-йўқ, мен кетган манба томон талпинманг. Ҳали бул маконда қиладургон савоб ишларингиз кўп!

Олийжаноб ниятларингиз кўп. Худойим сизни шул ниятларингизга етказгай. Мен томон шошилманг, сира ошилманг!

(қоронгуликка сингиб кетади).

СОҲИБҚИРОН. Тўхта, бибим, бибижоним!..

Ҳалил Султон ва Шайх Нуриддин етиб келиб уни суял қоладилар, Ҳакими аъзам қандайдир суяқлик тутлади.

СОҲИБҚИРОН. (дорини ичиб). А? Бу не? Тушумму, ўнгимму? Бибим қайда? (бошини кўтариб уёқ-бу ёққа қарайди). Бул қаттол бўрон ҳануз тўхтамабдур. Лашкарларимнинг ҳоли не бўлди?

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Валинеъмат! Бевотга бўлманг. Содик лашкарларингиз сафарга шай турибдур.

СОҲИБҚИРОН. Шаҳзода Ҳалил Султон? Сен қайдин келдинг? Менга не бўлди? Қайда мен ўзи?

ШАЙХ НУРИДДИН. Сиз Ўтрорда, ўз қароргоҳингиздадурсиз. Олампадох. Иншоолло букун-эрта шифо топурсиз. Сўнг мақсад сари от сурурмиз.

СОҲИБҚИРОН. Ҳа, от сурмоқ даркор, от сурмоқ!

Улар чиқиши билан Соҳибқирон яна бошини кўтариб, нимқоронгу бурчакка тикилади.

СОҲИБҚИРОН. Бул ким? Ёвуз Чингизхон? Анов ким? Сотқин Тўхтамиш? Султон Боязид не қилиб юрибди менинг қароргоҳимда! Қайдасен, Қалқонбек!

Қалқонбек кириб таъзим қилади.

ҚАЛҚОНБЕК. Хизматингизга мунгазирмен, давлатпадох.

СОҲИБҚИРОН. (қўлини бурчак томон ниқтаб). Анов мунофиқ ганимларим не қилиб юрибдур менинг саройимда?

ҚАЛҚОНБЕК. (довдираб). Ким? Кимларни айтадурсиз, ҳаз-

ратим?

СОХИБКИРОН. Кўзинг кўрми ановиларни кўрмайсен?.. Ёвуз Чингизхон, хоин Тўхтамиш! Музаффар лашкарларим яқсон қилгон мағлуб Йилдирым! Айт уларга: мен Тўхтамишдай тузимни еб, тузлуғимга тупурган ила сўзлашмаймен.

ҚАЛҚОНБЕК. Ва тўғри қилдурдурсиз, Олампахо!

СОХИБКИРОН. Анов Йилдирым ҳам кўзимдан даф бўлғай. Унга айтадургон бир сўзимни бир маротаба айтганмен. Мағлуб лашкарлари магар мард бўлса, гурурини жиловлаб, тақдирига тан бермоғи даркор. Ёвуз Чингиз қаерга гумдон бўлди? Йўқла. Унга айтадургон сўзим бор, кўксимда аламин бор! (бошини ёстиққа ташлайди).

Қалқонбек саросима оғушида бурчак томон юриб, кимгадир қўлларини силтаган бўлади-ю, оёқ учида юриб қўшини хонага чиқади. Соҳибқирон хонасидаги шамлар ўчиб, қўшини хона ёришади.

АМИР БАРЛОС. Не бўлди? Тинчиб уйқуга кетдиларму?

ҚАЛҚОНБЕК. Билмам, Амирим. Хануз алаҳсирайдур, кўзига бирда Тўхтамишхон, бирда Султон Боязид, бирда Чингизхон келадур.

ҲАЛИЛ СУЛТОН. (Ҳакимга). Бир чорасини қилғайсиз, жаноб Ҳакими аъзам. Дори-дармон қилинг!

ҲАКИМИ АЪЗАМ. Хазратларнинг эс-хушлари жойидадур, фақат руҳи безовтадур, холос. Иншоолло ўзига кеп қолур.

ҲАММА. Иншоолло, Иншоолло!

Ичкаридан: "Ха, қаттол!" деган ҳайқирӣқ эшитилади.

Бу хонадаги чироқлар ўчиб, ичкари хонада шамлар ё н а д и . Соҳибқирон тўшақда қаддини ростлаб, бурчакка тикилиб қолган. Бурчакда Чингизхон қўланкаси.

СОХИБКИРОН. Юртимни оёқ ости қилгон, кўркам шаҳарларимни вайронхонага айлантургон баттол, бамисоли ўлакса ҳидини сезган кузунга ўхшаб, тагин не матлабда юрибсен, менинг худудимда?

ЧИНГИЗХОН. (Ҳиринглаб қулади). Ҳи, хи, хи... Мен баттол юртингни топтаб, обод шаҳарларингни қултепага айлантургон жаллод, Темур Кўрагоний эрса... фаришта!

СОХИБКИРОН. Йўқ, мен ҳам фаришта эрмасмен. Бенуқсон ёлғиз парвардигор. Магар мард бўлсанг қадамим етган жойларни, забт етгон шаҳарларни бориб кўр! Бир гишт кўчса, ўн гишт кўйдум, Оллоҳ таоло шоҳид: Ҳироту Машҳад, Дамашқу Боғдодда бунёд этган саройлар, масжиду-мадрасалар ул шаҳарларнинг кўркига-кўрк кўшиб турибдур!

ЧИНГИЗХОН. Ёдиндан чикмасун, Соҳибқирон. Мен саҳрода туғилган авом бир саҳройимен. Мен учун бир боғ янтоқ, бир ҳовуч явшан сен айтгон ўшал кўркам шаҳарлардан афзалдур.

СОХИБКИРОН. Маконинг саҳро эркан, гўзал бўстонлар қадрини билмас эркансен, нечун гулдай элимни отларинг тўёқлари остида топтадинг? Нечун Утрору Самарқанд, Бухорога, Урганчдай муазам шаҳарларимга ўт кўйиб, шақаллар маконига айлантирдинг? Э, яратган эгам! Нечун ожиз бандангни бу саҳройи қашқир бостириб келганида бунёд этмадинг?

ЧИНГИЗХОН. (Қулади). Ўша маврида туғилгонингда қўлингдан не келарди?

СОХИБКИРОН. Ҳозир кўрсатамен, қўлимдан не келар эрди?

Шитоб билан ўрнидан туради. Унинг важоҳатидан кўрққулик: мушлари тугилган, кўзларидан ўт чарқайди. Кўлага орқага тисарилиб гумдон бўлади.

СОХИБКИРОН. Тўхта, шақал, тўхта!..

Ҳайқалиб кетади, Ҳалил Султон ва бошқалар югуриб киришиб, суяб қолишади ва жойига ётқизишади.

ҲАЛИЛ СУЛТОН. (Тиз чўқади). Валинеъмат! Сиз шер эрдингиз, шер? Не бўлди сизга?

СОХИБКИРОН. А? (Кўзини очар). Не гов-ғув бул? Хануз тинмадиму бўрон? Бўрон эрмас, оч қашқирлар, шақаллар увиллайдур.

ҲАКИМИ АЪЗАМ. Манов доридан бир қултум ичгайсиз, олампахо! Банияти шифо...

СОХИБКИРОН. (Оғир ҳансираб). Йўқ, энди сенинг дори-дармонларинг шифо бермас! Саройбон қайда?

ҚАЛҚОНБЕК. Қўлоғим сизладур, Хазратим!

СОХИБКИРОН. Ҳирот ва Балхга, ўғлим Мирзо Шоҳруҳ ила

валийаҳдим шаҳзода Пирмуҳаммадга чопар йўлламоқни топширгон эрдим...

ҚАЛҚОНБЕК. Чопар кетгон. Аммо хануз дарак йўқ, жаноб Соҳибқирон.

СОХИБКИРОН. (Қаҳри келиб). Дарак йўқму ё чопар кетмагонму?

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Валинеъмат! Валийаҳдим шаҳзода Пирмуҳаммад дедингиз?

СОХИБКИРОН. Сабаб бул сўзимга қалтирайсиз? Ё сенингда даъвонг борму тожу-тахтимга?

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Давлатпахо! Айтишларича, шаҳзода Пирмуҳаммад айшу-ишратга муққасидан кетиб, давлат ишларидан юз ўтирган эмиш! Бу ёқда улуг салоҳиятга эга анчадан-канча набираларингиз бор.

СОХИБКИРОН. Бир сенму?

ШАЙХ НУРИДДИН. Афу этгайсиз, олампахо! Мана неча кундирки, зурриёдингиз Мироншоҳнинг фарзанди бўлмиш шул набирангиз туну-кун бошингизда парвона!

СОХИБКИРОН. Бохабармен. Умри узоқ бўлғай! Мендан қайтмаса Оллоҳдан қайтгай. Ва лекин не-не аслзодаларнинг заифалари тургонда, менинг насиҳатимга кирмай, кўчада қолгон бир ожизанинг иштонига ёпишиб олгон бул набирангизни афу этинг!..

ҲАЛИЛ СУЛТОН. Падари бузруквор. Афу этинг, гуноҳкор набирангизни афу этинг!..

ШАЙХ НУРИДДИН. Ёшлик қилгон, гўрлик қилгон. Аммо... СОХИБКИРОН. Бас! Яқин-ўртада ким? Амирлар ва саркардалар бўлса йўқланг!

Амир Борлос ва бир нечта саркардалар кирадилар, улар орасида Мавлоно Муаррих ҳам бор. Соҳибқирон ўрнидан қўзғолади, унинг елкаси ва қўлтиқларига ёстиқ қўядилар.

СОХИБКИРОН. Салоҳати зоҳир саркардаларим, инсонан тоғларим! Норасо инсон, фақир неки яхши иш қилгон бўлсам, сиз вафодор лашкарбошларимга суяниб қилдум.

ОВОЗЛАР. Биз ҳам, биз қулларингиз ҳам...

СОХИБКИРОН. (Тўхтанглар, деган маънода қўлини кўтаради). Аммо мана, ҳукми Оллоҳ бул бебақо макондин, ул бокий маконга йўл олмоқ онлари келибдур. Бас, кўзим тиррик, ақлим расо маврида айтадургон сўнги каломимни айтиб, рози-ризалигимизни олмоқ матлабда йўқладим. Сиз шавкатли ҳабибларимни!

ХИТОБЛАР: Олампахо! Бундай деманг, Валинеъмат! Оллонинг меҳру-муруввати чексиздир!.. Соҳибқирон яна қўлини кўтариб хитобларини бўлади.

СОХИБКИРОН. Ақлу-хушим жойида эканида Сиз суянган тоғларимга қиладургон васиятим шулким, тожу-тахтим вориси... Оллодан талаб қилгон тўнғич зурриётим раҳматлик Мирзо Жаҳонгирнинг ақли зукко соҳиби чангал фарзанди шаҳзода Пирмуҳаммад бўлади!..

Ҳамма саросимада. Ҳалил Султон ўрнидан санчиб турмоқчи бўлади, аммо Шайх Нуриддин уни этагидан тортиб ўтказлади.

"Шаҳзода Пирмуҳаммад, шаҳзода Пирмуҳаммад!" деган шивир-шивирлар эшитилади.

СОХИБКИРОН. Ёньиким, шу суюкли набирамга байъат қилгайсизлар, қуръони масжидни ўқиб, тоабат хизматингизда бўлурмиз деб, қасам ичгансизлар!

(Яна шивир-шивир, гала-говур).

СОХИБКИРОН. Бу не гола-говур? Не шивир-шивир. Кўзим юмилмасдан туриб бул низо, бул нифок, ошқора сўзланг: ким норози, ҳукми Олло, бу бевафо макондин, ул бокий маконга ўтмоқ онларим келибдур, кўзим тиррик, ақлим расо маврида. Сизларга айтадургон бир оғиз каломимни айтиб қолса рози-ризоланмоқ азмида чакирдим Сизларни!

ХИТОБЛАР: Давлатпахо! Бундай деманг, Олампахо! Оллонинг инояти чексиз!

СОХИБКИРОН. (хитобларни бўлади). Мен ақлу-хушим жойида бўлгон бир маврида сизларга қиладургон васиятим шулки, мендан қоладургон тожу-тахт вориси... Оллодан тилаб олган тўнғич зурриёдим, мени бир эрмас, кўп жангларда ўлимдан асраб қолган шерюрак фарзандим Жаҳонгир Мирзонинг шерюрак ўғли шаҳзода... Пирмуҳаммад бўладур!..

(Амирлар саросимада. Ҳалил Султон ўрнидан санчиб турмоқчи бўлади, аммо Шайх Нуриддин унинг этагидан тор-

тиб ўтқизади. "Шаҳзода Пирмуҳаммад, шаҳзода Пирмуҳаммад" деган шивир-шивирлар).

СОҲИБҚИРОН. Ҳа, шул суюкли набирамга байъат қилурсизлар. Қасам ичиб тоабад хизматида бўлурсизлар (яна ғала-говур, Соҳибқирон қаҳри келади). Бул не шивир-шивир? Не пичир-пичир? Ҳали кўзим юмилмасдан туриб, бул низо, бул нифок. Очик сўзланг. Ким норози? (Садо йўқ). Ёдларингда бўлсин ас-салотин амри-ҳукми худодир! Сўзим аёнму? Ёдларингда бўлғай: ас-салотин амри - ҳукми худодир! Сўзим аёнму?

ОВОЗЛАР: Аён, Олампадох, аён!

СОҲИБҚИРОН. Биз қирқ йил бирга от сурдик. Олло берган туз насибани бирга баҳам кўриб, Машриқдан Мағрибга чўзилган худудсиз давлат қурдик. Аммо ёдларингда бўлғай. Давлат ҳар қанча қудратли бўлмасун, унинг томирига болта урадурган уч хатар бор: бирламчи ўзаро ноаҳилик, иккиламчи жаҳолат, учинчиси тарафқашлик. Шул уч хатардан эҳтиёт бўлсангизлар - фақир тиклаган бу давлат - тоғдай абадул-абад турадур! (Яна ғала-говурни босиб). Кимки, бул васиятга ҳиёнат қилса, хоҳ фарзандларим бўлсун, хоҳ саркардаларим - қарғишимга мубтало бўладур.

ОВОЗЛАР. Бул васиятингиз тоабад ёдимизда туради. Иншоолло ёдимизда сақлаймиз!..

СОҲИБҚИРОН. Кимки бул йўлда менга вафо қилган бўлса, вафо топади, жафо қилган бўлса жафо топади. Ожиз банда улғу давлат қурамен деб, нафақат ғанимларим, эҳтимол сиздай садақати зоҳир саркардаларимга ҳам озор берган онларим бўлгондир.

"Олампадох, давлатпадох!" деган ҳитоблар.

СОҲАБҚИРОН. Кимнингки дилига озор бергон бўлсам, кимники ноҳақ ранжитган бўлсам, шу юрт обод бўлсин деб, давлатим қудратли бўлсин деб қилгондурмен. Рози бўлинглар. Фақир ҳам сизлардан розимен!..

Йили аралаш ҳитоблар "биз ҳам сиздан розимиз, олампадох. Бу дунё, у дунё розимиз. Сиз ҳам бизнинг гуноҳларимизни афу этинг, давлатпадох!"

СОҲИБҚИРОН. Мавлоно Муаррихдан бошқа, барчангизга ижозат!

ҲАЛИЛ СУЛТОН. (Тиз чўкади). Валийнеъмат, сабаб мени ҳайдайсиз? Сабаб сўнгги онларингизда ёнингизда бўлмоқ бахтидан мосуво қиласиз?

СОҲИБҚИРОН. Мен сендан ҳам розимен. Яратган эгам сенга ва барча фарзандларинга ва фарзандларимнинг фарзандларига сабот ва иноқлик ато қилғай! Бор, болам, бор...

(Пешонасини ўпади. Ҳалил Султон кўзларини артганича қоқиниб, суришиб, хонадан чиқади).

СОҲИБҚИРОН. Қайдасиз, Мавлоно? Дафтар қаламингизни олиб, яқинроқ ўтиринг!

МУАРРИХ. (Курсини суриб яқинроқ ўтиради). Хизматингизга ҳозир-нозирмен, Ҳазратим!

СОҲИБҚИРОН. Боя... Камина оламдан ўтсам... Тожу-тахтинми вориси ва валийаҳди набирам Пирмуҳаммад бўлғай деганимда мен инонган амиру-умаро норози бўлгандай бўлдиё, буни ука олдингму, Мавлоно?

МУАРРИХ. Уқдим, Давлатпадох, уқдим.

СОҲИБҚИРОН. Уққан бўлсанг, айт: инонган тоғларим кўзим тириклигида иродамга бўйсунмоқни истамасалар кўзим юмолгондан кейин бул элда не бўлур, Мавлоно?

МУАРРИХ. Фақир бу жумбоқни ечишга ожизлик қилурмен, Ҳазратим!

СОҲИБҚИРОН. Эвоҳ, Буюк Давлат барпо қиламен деб, қирқ йил от сурдим. Бир-бирига қилич ўқталиб, юртни нотинчликка маҳкум этган қаланғи-қасанги бек ва бекзодаларнинг гурурини жиловлаб, низо-нифокларига чек қўйиб, юртда осойишталик ўрнатдим. Ё бул сўзим ноҳақму, Мавлоно?

МУАРРИХ. Ҳақ, валийнеъмат, ҳақ!

СОҲИБҚИРОН. Надоматлар бўлсинким, бул юмушлар ила банд бўлиб, ўлим ҳақ эркинини, ҳукми оллоҳ, ҳазрат азроил бир кун менинг ҳам эшигимни қоқиб келадур деб ўйламабмен...

МУАРРИХ. Бу ўйлар ила ўзингизни-ўзингиз беҳуда қийнай-дурсиз, олампадох!

СОҲИБҚИРОН. (Кулоқ солмай). Магар бул ўй аввалроқ

хаёлимга келгонда, магар ўз қудратимга инониб кетмоғанумда, бул сўнгги сафарга отланар эрканман, барча фарзандларим ва набираларимни ёнимга олсам бўлмасмиди? Бу кун бул норасо дунё ила вилдлашаётган онларимда, Сизга сўзлаётган бул дарди-дунёни фарзандларимга айтиб, барча саркардаларимни шерюрак набирам Пирмуҳаммадга байъат қилдурсам бўлмасмиди. Мавлоно?

МУАРРИХ. Кўп надомат чекиб, ўзингизни ўзингиз қийнай-берманг, олампадох. Бир дақиқа муқаллам саркарларингизга ўз иродангизни баён этдингиз.

СОҲИБҚИРОН. Эвоҳ! Қирқ йил бир кун ором билмай худудсиз бир давлат яратдим. Ва лекин бу кун, ҳукми Олло, жон таслим қилсам, бу давлатнинг қисмати не бўлур. Зурриётларим ва зурриётларимнинг зурриётлари-чи? Улар ахил бўлиб, фақир барпо қилган муаззам биного яна бир ғишт қўядурларми ё бильакс, тожу-тахт талашиб, уни барбод этадурларму? Мана неча кундурки, Ёлғиз шул тизгинсиз дард, шул нотинч ўй юрагимни қаламушдай кемирадур, Мавлоно! Бул сўзларимни битдингму, Мавлоно?

МУАРРИХ. Битдим, олампадох, барини битдим.

СОҲИБҚИРОН. Баракалло, баракалло. Энди охири қаламим қолди. Ёзғилки, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний.. Жаноб Азройилга жон таслим қилаётган энг сўнгги дақиқанда не машаққатларила яратган давлатининг тақдирини ўйлаб жон берди деб. Кимки тожу-тахт ишқиде ноҳақликка йўл қўйса, ул абадул-абад қарғишимга йўликадур! Ёзингму Мавлоно?

МУАРРИХ. Ёзим, давлатпадох. Бир сўзингизни қолдирмай ёзим.

СОҲИБҚИРОН. Ёзгон бўлсанг... Мен сендан розимен, Мавлоно. Магар гуноҳкор банда бирор жойда кўнглингга озор бергон бўлсам...

МУАРРИХ. Йў-йўқ, мен ҳам сиздан розимен, тоабад розимен, олампадох...

СОҲИБҚИРОН. Рози бўлсанг... Ижозат бер, бир дақиқа ором олай!

(Бошини ёстиққа ташлайди, муаррих оёқ учида юриб хонадан чиқади, хонага аста-аста юриб Ҳалил Султон билан Шайх Нуриддин қиради. Улар кириши билан Соҳибқирон яна бошини кўтариб, гира-ишра бурчакка тикилар...)

СОҲИБҚИРОН. Бибим? тагин келдингму, маликам? Нечун келдинг? (Ҳалил Султон билан Шайх Нуриддин саросимага тушиб орқага чекинадилар. Ним қоронгу бурчақдан гўзал заррин матоларга ўралган Сулувкўз чиқиб келади.)

СУЛУВКЎЗ. Тагин ўшал илтижо, тагин ўшал илтимос ила келдим, шунқорим! Бу дунёда қиладурган юмишларингиз кўп. Бул маконни тарк этиб, мен келган маконга шошилманг, ҳазратим. Олло қовуштирган жуфту-халолим!

СОҲИБҚИРОН. Ҳалати сўзларни айтасен, маликам. Сен айтгон нарса фақир эрмас, яратган эгамнинг изми ихтиёридадур. Аммо камина бул фоний дунёдан ул боқий дунёга шошилгон бўлсам... Сен учун, сенинг дийдорингни кўриб, кўксингда бир дақиқа ором олғали шошилмоқдамен, Бибим! СУЛУВКЎЗ. Йўқ, йўқ, хоҳласангиз оёғингизга йиқилиб илтижо қиламен. Сиз олийжаноб ниятда бул юришга отлангансиз. Ниятингиз йўлдошингиз бўлғай.

СОҲИБҚИРОН. Менинг барча юмушларим, барча ниятларим сенинг бир нозли қарашинг, бир жилмайиб боқшингга етмайдур. (Олисдан най овози келади.) Бул не? Найму, навоми? Ёҳуд Чўли Ироқму? Жаннатий куй! Тўхта Бибим. Бирга эшитайлик?

СУЛУВКЎЗ. Ҳа, жаннатий куй. Худо хоҳласа жойингиз жаннатда бўлса! Гуноҳга ботган бахти қаро эрсам, йў-йўқ, мен томонга талпинманг, талпинманг, шунқорим!..

(Қоронгу бурчақда гойиб бўлади)

СОҲИБҚИРОН. Бибим! Бибижоним! Излай-излай кексайганда топган дуру-гавҳарим! (Ёстиққа бош қўяди. Ташқаридан ҳамма ёпирилиб кириб, тўшақ атрофига тиз чўкадилар. Шамлар сўнади. Қоронгуда "Ё раб, ё раб! Оллои таоло раҳмат қилғай!" деган хитоблар эшитилади. Йироқдан бошланган наво садоси аста-секин кучайиб, авжига чиқади.

ПАРДА



Вафо ФАЙЗУЛЛО

СЕНИ ОЙНИНГ САҒИРИГА
ЎХШАЯТГАН СИРЛАР...



ҲИЖРАТ

Орзикиб қарайман хув кенгликларга,
Жуда муҳим нима қолганкин унда?
Шабнам сўқмоқчага киради сўқим.
Қафасдан бўшалиб, эрк теккан кунда
Чопиб, у ёқларда яйрардай руҳим!..

Девонаваш сароб кўзим қоплаган,
Тирик-ўлигимга боқмайди Саҳий.
Яқинларим йироқ, сўнгсиздир ҳаққи,
Тушларимда туртар беиззат ваҳий,
Умрим дудукланиб ўтаётган лаққи.

Менинг онам соғинч, муштипар соғинч,
Қабргача болалигим опичлар Сабр.
Нариги дунёларда учрашмоқ уят,
Бунисида эса қочоқлик зарур...
Қачон юрагимга қиламан ҳижрат?

ЖАЗО

Кўнғизни калтақладим. Тинчиди қолди. Ўлди десам,
хушдан кетибди шўрлик. Тобутда жони кирди, даҳодек
турди. Айланди атрофимда, чину лофимда...

Яна калтақладим. Хушидан кетди. Бир хушига
келар, бир кетар хуши. Жони қаттиқ чоғи... Узун
муғузлари кимирлар оғир. Васият қиляптими, қарғаяптими?
Кўнғим сал-пал ихрар, меҳр бижирлаб: Наҳот қотил
бўлсам?

"Ал-қасос-ул минал Ҳақ" ахир!..

Яхшиси деразадан учиражакман.

Қанотлари қайта ўсиб чиқади!.. Тазарруми балки
кўрар Оллоҳим. Менинг заррагина йўқдир гуноҳим, кўнғиз
гувоҳим.

Девга айланади бўлмаса кўнғиз! Шақсиз айланади...

Айланди эссиз... Мен ёлғиз, дев ёлғиз.

Бундайроқ тикилсамми, кўрқиб толсамми, у одам
экан оппок, мен қора кўнғиз...

ДАҚҚИ ЮНУС ҲАСРАТИ

Бу дунёга келиб на қилиш мумкин,
Барча томон тўсиқ, ҳаммаси говга.
Илоннинг болини ялайди севинч,
Тулкининг хаёлига илдириб совга.
Аянч билан боқиб ўтган кунларга,
Нафрат кирқ оёқдай исминг чақирар.
Ҳасрат ногораси кирқ устунлар-ла,
Ялпоғиз дарёга чўкиб бақирар.
Ўзингни билмаслик бағрингни тирнар,
Лаззатхўр жаҳонинг баттар гупирар.
Сени ойнинг сағирга ўхшатган сирлар.
Дунёнинг ҳовлисида эрта супурар.



Енгмоқчисан кимни, қайга боряпсан?
Тишларини қайраб итлар тегрангда.
Дилингда томир ёйган ғусса устида
Бавл қилиб ўйнар, ўланчинг шайтон.
Ёзиққа илашганча қайтмайди кулфат,
Оғзидан тушмас номард тақдир сақичдай.
Дарвеш кўнғингни ҳам тутмайсан улфат,
Жинни ҳаракатинг ёпишмас хушга.
Бирон нарса тартиб билан келмайди,
Жон топширган ҳолат изида бити.
Билмайди, ҳеч қачон ичинг билмайди,
Тамугдаги хор-зор сарбоннинг ити.
Шу одамми сени кўшмас одамга,
Афсус гуноҳинга бўлган кўшмозор.
Етаклаб қаҳратонни чиққан кўкламга.
Сендан безор рўзгор, сендан ҳазар дор.
Бир ношуддан айтгин, қайси мучанг кам,
Бир баҳордай хўнграб очилмайсан ҳеч.
Бўйинингдаги қасдан қутилмадинг ҳам,
Ҳеч бўлмаса ўздан ўзинг учун кеч.
Балки эл оралаб, кўнғил саралаб,
Бирон-бир пиндикчадан топдингми таскин?
Кузак қаҳратоннинг юрагин тўграб,
Баҳор баҳорларнинг номусин осган.
Шундай лойқа селда кутасан нима,
Дардисар шамолларга дардингни очиб.
Наҳот энг мард ўғлон, наҳот ажина,
Унинг устихонин синдирмоқ вожиб.
Сароб водийсида айланмас тилинг,
Сароб ойнасидан чиқолмаслик рост.
Ахир ҳамрозларда маймуннинг дили,
Ахир вазминларнинг барчаси вос-вос...
Бу дунёга келиб не қилиш мумкин...

КИШЛОҚИ ШОИР БАХТИ

Қишлоқ армонлари йиғилган дўнглик,
Овозалар севар ул қизнинг ҳуснин.
Мендан бўлак яна шайдо тўққиз бек,
Тунларни тебратиб тақрорлар исмин.

Тўдабоши бориб турган безори,
Қонаган бурунлар кучига тилхат.
Қўрқитиб олмоқчи бўлар баҳорни,
Севги ҳақиқатнинг лунжидаги байт.

Шўхлик кўчасида бири кучукбоз,
Қароғида яшар овул итлари.
Қишлоқ қуйларига улар жўровоз,
Оқшомлар йўрғанин эса йиртади.

Агар тўдабоши бўлса зўравон,
Ўсиб келаётган юрак чўлига,
Ишонинг, кучуклар эди ҳукмрон,
Ул пари қатновчи қишлоқ йўлига.

Ана кенгликларда тушди эсимга,
Куйлари осмонга ёйилган Чўлпон.
Унинг куйларидан хўнграб йиғладим,
Лекин бойлик дея ўлади жаҳон.

Хавас ошиқликни олмоқчи сотиб,
Қишлоқнинг тилида айланар армон.
Ўк йўқми, кўзгалинг кесаклар отиб,
Бойлик севолмайди, севгиси ёлғон.

Тепаликнинг дарди ошиқ ўновлон,
Қайралган тишларда кўрмоқлик ҳавас.
Гўзаллик мағрурди мисоли осмон,
Мактублар йиртилган, ҳеч кимга боқмас.

Биламан ҳаммангиз бўсага зорсиз,
Орзулар гўзони ичра турибман.
Йиллар қаҳратонда қолган баҳорсиз,
Мен унинг қалбини ўпиб юрибман.

Майли қоптирингиз тишлонғич итга,
Мен ҳам ул севгига ахир даҳлдор.
Дўстларим бари-бир қолгайсиз четда,
Ўнта дард меники ва битта баҳор.

Ҳаёт шеърларини ёдлаб, юкинган
Ҳаяжоним қишлоқ ҳуснига овчи.
Менинг томонимдан, менинг ишқимдан
Ҳофиз билан Ҳайём бўлдилар совчи.

Дўстларим, барибир қолгайсиз четда,
Сиз севган, мен куйган, ул эса битта.
Шеър ёздим йўлига, исмидир васфи,
Тайёрман Исодек тортилсам бутга.

Унинг қанотидир қишлоқ алвончи,
Булут овозимда кунлар қувончи.
Менинг армонимдан, менинг ишқимдан
Ҳофиз билан Ҳайём бўлдилар совчи!..

АЙТМА...

Саргашта саҳройи кетиб борасан,
Армон ялангининг адоғи сароб.
Ломакон туйгулар билан қорасан,
Омадли розларнинг бариси хароб.
Машаққат юлуғини дарра мен учун,
Алам даштларида яйра мен учун,
Таланган қафасда қарға сен учун!



Сопол тавоғида ҳасрат битади,
Ари уясига етмаган асал.
Лолазор сайҳонда уйқу элтади,
Орзумнинг боғлари қуриган, ўсал.
Манзилинг тун, шарпа, шубҳа ботқоғи,
Арзимас мендаининг гунг қўнғироғи,
Талъати бегона саҳар сўроғи.

Сарпойчанг югурган тушларим бекор,
Акашак ҳисларим нажот сўрайди.
Латофат кўнглида бўғизланган сор
Опшқоқ кафанига мени ўрайди.
Мартабаси улуг, хаскаш замонда
Ашқинг билан ошдинг неча довоңлар,
Турбатинг гулшан бўлсин қарши томонда.



ВАФО ФАЙЗУЛЛО 1963 йилда Зарафшон воҳасининг Навоий туманига қарашли Тоғузсар қишлоғида туғилган.
Тошкент Давлат дорилфунинининг журналистика куллиётини 1986 йил битирган. Ҳозир "Ёшлик" журналида ишлайди.
Шоирнинг 1993 йили "Чўлпон" нашриётида "Хут" номли шеърлар китоби нашр қилинган.

Сабил қолсин майли жўн ниётларим,
Абад шўришларда кўринмас мазмун.
Лайлидан сенгача бу гийбатлару
Мажнундан менгача тизилган назм
Ордона, сарвларга ярашмас таъзим,
Аломат бўлса ҳам қасдиндан қайтма,
Табассум уволнинг, ичингни айтма...

беҳуда...

беҳуда,

Беҳуда,
Қушим ёзгин қанотларингни.
Эсла, эсла, ишқимиз эсла
Беҳуда,

беҳуда,

беҳуда...

Гапир гўрда ойдан беҳуда,
Чирик тилинг келтирсин ўтин.
Ўкин, ўкин, жудаям ўкин
Беҳуда, беҳуда, беҳуда...



Сикта, сикта девоналикда,
Онагинанг бегоналикда,
Ит қонини ичганмисан айт
Беҳуда,
Беҳуда,
Беҳуда...

АРЗ

Турналар қалқиса кўкдам бошида,
Қийчилар қўл силкса қирлар рошида,
Ҳайратлар уйғонса кўзим ёшида

Мен сендан жуда ҳам йироқда, Вафо

Айланса айланган хотиралар хун,
Шайланса йироққа ёндирилган дун,
Кўклардан кўринса чўктирилган тун,

Мен сендан жуда ҳам йироқда, Вафо

Бахтсизлик етарли ҳар қандай бахтда,
Қон туфлаган соғинч қайғуси сохта,
Оҳ, қанча оҳсизлик ёлғончи оҳда
Сен қайси чоҳдадур, ул қайси чоҳда,

Мен сендан жуда ҳам йироқда, Вафо

Иккита дунёдан нариёқда ишқим,
Келмаса, келмаса ўзимга ҳушим,
Юрагим эриса, бўлмаса ишим,

Мен сендан жуда ҳам йироқда, Вафо

Олкишга ўрарлар балки ўлимни,
Ортидан кетганман йўлсиз йўлимни,
Ҳеч кимдан узмадим ҳали кўнглимни

Мен сендан жуда ҳам йироқда, Вафо...



“... Судланувчи Мамадиёров Толиб Темировичга ўлим жазоси тайин этилсин”.

1994 йил 31 мартда Т. Қўшматов раислигида бўлиб ўтган Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг очик мажлисида шундай ҳукм чиқарилди.

Эндигина 29 баҳорга кирган ёш йигит ҳаёти устидан тортилган бу чизиқ ўйлагани даҳшатга солади. Лекин унинг ўзи ҳам навжувон бир йигитни ҳеч сесканмасдан қўйдай бўғизлаганини, боз устига яна бир ногирон жоннинг умрига зомин бўлганини эшитган кишининг беихтиёр кўз олди қоронғулашиб кетади.

Лекин Толибга ўхшаган ҳақли қатл олдидаги қотиллар битта-иккита эмас-да. Шундай нусхалардан бири 27 ёшли Мадаминов Баҳодир Матқурбонович ҳам аёлнинг номусига тажовуз қилади ҳам уни ўлдиради, яна уйдаги бор-будини шилиб кетади. 1973 йилда туғилган Валерий

Масагутов, 1969 йилда туғилган Александр Минекеевлар инсон тасаввурига сиғмаган ваҳшийликларни боис энди отиладилар!..

Ҳали булар қони қайноқ пайтда ҳеч нарсани ўйламасдан, “билмай”, калта ҳаёл билан бу фожеаларга йўл қўйган бўлишлари мумкин деяр биров! Афсуски, ҳаёт кадрига етмайдиганлар қирқ ёшни қоралаганлар орасида ҳам анчагина. Шулардан бири Аллаберди Айтқулов ҳам ейман-кияман деб турган бир этак болалари бўлгани ҳолда, оиланинг не етишмовчиликларига қарамай жонини жабборга бериб яшаётган хотинини писанд қилмай, кайфу сафо, маишат ортидан жиноят кўчасига кириб, уч марта судланган, ҳозирда ҳам мажбурий ахлоқ тузатиш муддатида бўла туриб, булардан хулоса чиқариб олиш ўрнига гуноҳга ботади... Ҳамтовоғи С. Саидов билан кайфу сафо ошиб кетгач, жанжал чиқади. Аллақандай ваҳший маҳлукқа эврилишади. Айниқса Аллаберган... у Саидов бошини “армату-

ра” билан пачоқлаб, танини болта билан бурда-бурда қилиб ташлайди. Шундан кейин ҳам нима қилиб қўйгани ҳақида ўйламай, марҳумнинг устидан эшикни қулфлайди-да, томоғини “намлаш” илинжида хусусий бир дўконнинг эшигини бузиб киради...

... Юқорида келтирилган маълумотлар оғир жиноят содир этиб, ўзига жазони чақириб олган нусхалар “дело”сидаги жуда қисқа тафсилотлар. Афсуски, бу янглиғ номи қора билан ёзилувчилар рўйхатини яна ва яна давом эттириш мумкин. Лекин бизни чулғаб олган ҳар бир рисоладаги инсонни-да эзиб ташлайдиган бу мудҳиш воқеалар атрофида озгина мулоҳаза юритишдан ўзимизни тия олмаймиз.

Аввало бу ўлим иси, ажал шарпалари ён-вериди сўнгсиз алам-изтироб, нола ва мусибат тугунлари кўкка ўрлайди. Аёллигимданми, ўша қора кийган фарёд менинг кўз олдимда воқеадан энг жабрдийда аёл

Салима УМАРОВА

Қатл олдидаги Қотиллар

хайкалини тиклайди. (Ҳа, у бир пайтлардагидек чехрасидан ҳаёт гўзаллиги балқиган ва яна ҳаёт сари талпинувчи қайноқ мўъжиза эмас, бир жойда қотиб қолган изтироб ҳайкали). Мақтулнинг волидаси-да умр бўйи бир ёвузнинг ҳалокатидан бевақт ўлим топган жигаргўшасини эслаб, унинг доғида куйиб адо бўлади, жуда эрта барча қувончлардан қўл ювади, суд ҳукми минг карра одил бўлганда ҳам унинг қарғиши қиёматгача қотил ёқасида бўлади!..

Нетонгки, қотилни ҳам она тукқан. Балки бу она икки карра ортиқ азобда қуналари қуяди. Ахир боласини шунчалик ёвуз бўлади, деб ўйлаганмиди, шу умидда ок сут бериб, унга ҳаёт ато этганмиди. У бу кечирилмас гуноҳ, унутилмас маломатдан қаерга қочиб қутилади? Устига-устак ёвузнинг ёвузи бўлганда ҳам боласини волида соғинмайди-ми, унинг ўз-ўзига ўлимни сотиб олгани, ҳақли бўлса-да, қатл олдида қанчалар даҳшату азобни

ҳис қилган ўғил ҳолатини эслаб, у фарзандидан-да ортиқ даҳшатга тушади. Ай, шўрпешона она-я...

Қотил-мақтулларга жуфти-халол бўлиб, не орзулар билан бир ёстикқа бош қўйганларнинг ҳолини ҳам, дарду мусибатларини-да у-бу сайёз, шунчаки обидийдаларга тенглаштириб бўлмайди. Мақтулнинг турмуш ўртоғи энг бедоғ, ширин кунларини эслаб тутунсиз ўтларда қоврилади. Майли, тақдирга тан берганда ҳам “кўш ҳўкиз”ли турмуш араваси ёлғиз ўзига қолганидан энди уни не бир оғирчилик кутаётганидан баттар эзилади. Ахир қандай қилиб бир ўзи ҳаёт аравасини тортиб кета олади? Елкадоши орзу қилганидек болаларига тарбия ва таълим бера олармикин? Отасизликдан ўртаниб, маъюс ва одамови бўлиб қолган болаларини қандай қудрат билан бошқалар қатори ҳаёт қувончлари сари элта олади. Мабодо бунга адо эта олганда ҳам қувонч, ўйин-кулги деб уйда бир қаттиққўл шахс, раҳномони сезмаган болалар бошқа ташвишларга ўралашиб қолганда ҳаётнинг енгил-елпи, эслилар томонидан рад этилган кўчаларига кириб кетишмасмикин?

Бу ташвишлар қаторига унинг “боши очик”-лигидан тортадиган ранж аламларичи? Бировга тегиб кетса, мана бу болалар ҳаёти текис кечармиди?! Шундай умрини ўтказса... Яна эл гап-сўзсиз турмайди. Унинг жизганак ҳаёти неча гийбатчиларнинг тегирмонини юритади...

Қотилнинг хотинига ҳам буларнинг бари даҳлдор. У яна бу йўллардан нега уни қайтара олмаганини, бунга неча бор уринганини, бунинг иложини қилолмаганини билса-да, тонггача кўзига уйку келмай ўртаниб чиқади. Балки тушида унданда оғир кўргуликни, қайта-қайта ҳаёт ва мамотни бошидан кечирар...

Бу мудҳиш қилғилик ва унинг сўнгсиз йўқотиши келтирган жароҳатлар малҳамсиз... Биргина она ё яқин аёл эмас, қариндошу аҳли эл жабр торгади, қолаверса, ундан бутун жамият юраги задалигича, дардманлигича юради...

Ҳамиша оқибатнинг сабаби қидирилади. Ҳеч бўлмаганда бундан бошқалар сабоқ, хулоса чиқариб олар деган умидда мудҳиш ёвузликка қўл урганлар “дело”сини кўздан кечирарканман, бир нарсадан ҳам ҳайратланиб, ҳам даҳшатга тушаман. Уларда бу қилғиликлар шахсий бўлиши билан кўпчиликка даҳлдор хавотир уйғотади.

Ҳукм қилинганлар М. Мамадиёров ҳам, Б. Мадаминов ёки А. Айтқулов ва бошқалари ҳам ичкилик ичишга ружу қўйганларидан, жиноятларини маст-аластликда содир этишган. Шу боис акса-

рийат жиноятларнинг илдизи қаердалиги бир қадар аёнлашмайдами? Ҳа, ичкиликбозлик, жиноятчиликнинг умумий бир сабаби унга қўшимча гиёҳванд, банги кимсаларнинг кўпайиб бораётганлигидир.

Ана шу қотиллар ҳам сергак пайтларида аксариятлари ишчан, ҳалол, оиласига, атрофдагиларига меҳрибон кишилар экан. Лекин “пиён” бўлишганидан кейин қарангки... Атрофимизга эътибор билан разм солсак, анчайин давраларга кўз тушади. Туппа-тузук одамлар кўнгил ёзиб ўтиргандай..., давра эса ичимликсиз, сархушликсиз ўтмайди. Ҳатто шундай даражага етилганки, уйига тўсатдан меҳмон келиб қолса, уй соҳиби “ановин”дан бўлмаса типирчилаб қолади, боласини дўкон, унда бўлмаса кўшниникига чоптириб юборади, шунда ҳам сабил қолгурни тополмаса жуда хижолатли ўтиради, давра қизимаётганлиги учун айнан ўзини айбдор ҳисоблайди. Бу қарийб умумий ҳолга айланиб кетган.

Шундай улфатчиликлардан жиноят кўчасига кириб кетишни, мудҳиш хатоларгача олиб боришни кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Айримлар бу мулоҳазани ҳатто тасаввурларига ҳам сиғдира олмайдилар. Шу даражага келишда шубҳасиз, мустахлак давридаги “оғалар”нинг намуналари, ҳиссалари бор. Улар бу кулфат йўлига қўйилган тўғон - ҳушёр юришга ундовчи дину миллийлигимиздан бизни айириб, очикча гуноҳ кўчасига бошлагандилар. Мустақиллик шарофати билан боқий қадриятларимизу, улғу тартибларимизга яна куч-қудрат тинди. Аммо, айрим, ҳатто билинмас қусурлар шунчалик руҳимизга сингиб кетган эканки, шулардан бири-ичкилик ҳам бор-йўғи ўйин-кулги манбаи-ку деган тасаввур анчагина кишилар хаёлида ҳукронга ўхшайди. Энди бу тасаввурларни ёппасига сидириш вақти етди, ахир. Атрофдагилар ҳам бунақа улфатларга лоқайд бўлмасликлари керак. Ахир ҳаёт бир марта берилади-ку! Жиноят эса жазосиз қолмайди, қолдирилмайди.

...Қатл олдидаги қотиллар. Ҳали замон уларни ҳақли жазо ўз қомига олади. Шу бир зумлик лаҳзада не бир ёвуз бўлишларига қарамай бирдан уларнинг кўзларини босган парда йиртилиб кетгандай бўлади. Шуурлари шитоб бир суръатда, тенгсиз қамровда ишлашга ўтади. “Нима қилиб қўйдим?! Наҳотки умримни шунчалик мудҳиш гуноҳ ва оғир жазо билан яқунлайман. Олам бунчалик гўзал экан. Ўлмай қолсам эди. О, онажоним, о, ёстикдошим, болам, жигарларим, мени кечиринлар, ё Худойим!...”



Абдулла УЛУФОВ



ИНСОННИ ТУШУНИШ

Замон ўзгариши, иқтисодий-сиёсий ҳаётда кескин бурилишлар содир бўлиши билан ижтимоий фанларда мавзуларнинг барчасини қайтадан кўриб чиқишга, уларни янгича ижтимоий-маънавий қадриятлар асосида баҳолашга эҳтиёж пайдо бўлади. Аниқ фанлар олдига эса тараққиёти улардан фарқлироқ тарзда мутлақо янги-янги мавзуларни ҳал этишни кўндаланг қилиб қўяди. Масалан, XX асрда космик ракета-лар, атом, водород бомбалари яратилиши табиий фанлар тарихидаги инқилобий ҳодиса саналади. Ёки товушдан тез учар самолётлар ихтиро қилиниши, бошқа сайёраларга турли учувчи аппаратларнинг мунтазам юборишлар бошлангани, Ойга инсон қадами етгани инсоният учун мутлоқ янгилик бўлди. Аммо ижтимоий фанларда XX асрда табиий фанлар соҳасидаги ана шу янгиликларга менгаш, қислаш мумкин бўлган инқилобий ҳодиса юз бергани йўқ. Чунки ижтимоий фанлар, хусусан, санъат ва адабиёт соҳасидаги кашфиёт деб эътироф этилган асарларнинг янгилиги ҳам жуда нисбий. Негаки, ижтимоий фанлар учун ҳам, санъат ва адабиёт учун ҳам мавзулар ҳаминша азалий бўлади. Жумладан, энг қадим замондан то шу кунгача адабиёт учун инсон ва унинг ҳаёти, муҳаббати, интилиши, енгилиши, кураши ҳақидаги гаплар асосий мавзу бўлиб келди. Ана шу қадимий ва абдий мавзуга ҳар бир давр, ҳар бир авлод ўзича ёндошади, уни ўзича тушунади, ўз нуқтан назари билан шарҳлайди.

Албатта, барча ижтимоий фанлар учун инсон бош мавзу саналади. Бирок, барчасидан ҳам адабиётда инсон тўғрисидаги савол аниқ қўйилади. Қадим-қадимдан дунёнинг барча шоир ва адиблари инсон ким, унинг мақсади нима деган савол атрофида изланишади. Табиий “Инсон ким, унинг моҳияти нима, яшашдан муроди не?” деган савол билан файласуфлар ҳам, руҳшунослар ҳам, тиббиёт соҳаси ходимлари ҳам шуғулланишади. Адабиётда инсон моҳияти ана шу соҳаларидаги изланишларга асосланиб тадқиқ этилади. Унда инсон танаси, руҳи, кўнглидаги азобланишлари - ҳулиас, инсон бисотиға хос барча жиҳатлар муштарак ҳолда, омукталашган тарзда ўрганилади. Катта санъаткорлар инсоннинг моҳиятини тадқиқ эта туриб, ҳатто, аниқ фанлар мутахассислари сезмаган кашфиётлар қилишгани ҳам маълум. Масалан, “улуғ француз романисти Оноре Бальзак одамларнинг руҳиятини мушоҳада қилиб, ўз романларидан бирида инсон танасига ҳали фанга номатълум аллақандай жуда кучли суюқлик таъсир этиб туришини ва танадаги ҳар бир руҳий-жисмоний ўзгариш, ҳаракатлар сабаби ана шу суюқ моддага боғлиқлиги эҳтимолигини кўрсатиб ўтган эди. Орадан ўн йилларча вақт ўтиб кетганидан кейин фан киши вужудида суюқликлар - “гармонлар”ни ишлаб чиқарувчи, илгари илмда маълум бўлмаган бир қанча безлар борлигини кашф этди ва “ички секретлар” тўғрисида жуда бир муҳим таълимотни вужудга келтирди”, дейди М. Горький (Горький М. Адабиёт ҳақида. - Тошкент, 1962, 69-бет).

Адабиётнинг моҳияти - инсоншуносликдир. Шу босидан ҳам “инсоннинг ҳаётдаги бош вазифаси нима?” деган савол унинг доимий мавзуси бўлиб келади.

Хўш, инсоннинг ҳаётдаги бош вазифаси нима? Ал-

батта, бу саволга: “Дунёга келган ҳар бир инсон бахтли бўлиши, одамларни ва уни ўраб турган дунёни севишидир” деб жавоб берилди. Унда бахт нима? Бахтни табиийки, ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир севганига эришишни, кимдир бой-бадавлат бўлишни, яна кимдир худди Геростратдек Диана ибодатхонасини ёқиб бўлса-да, шуҳрат топишни саодат деб билади. Шу мақсади йўлида интилади, уринади. Сўфий учун эса Аллоҳ висолига эришиш, Ҳаққа етишиш бош мақсаддир. У бахтини шу машаққатли йўлда кўради.

Шарқ адабиётида минг йиллар давомида севганига эришиш бахт деб талқин қилинган. Лайли, Мажнун, Фарҳод, Шириннинг ҳаётдаги бош мақсади севганига эришиш бўлган. Улар ўзлигини бир-бирининг киёфасида кўрган. Шунинг учун ўзини азоб-уқубатларга урган. Машаққатлар домига ташлаган. Мана шу умрбоқий анъана ўзбек адабиётида XX асрда ҳам замонавий кўринишда давом этди. Чунончи, Отабек ва Қумуш, Анвар ва Раъно, Зайнаб ва Омон муҳаббатни бахтнинг ягона тимсоли деб билишди. Муҳаббат улар учун бирдан-бир мақсад, бирдан-бир таянч, бирдан-бир талпинадиган маскан, маъво бўлди. Бу ҳодиса эса Шарқ адабиётида яратилган энг жозибдор қаҳрамонлар бир-бирига жуда ўхшаб кетади, дейишга асос беради. Масалан, машхур “Ҳамса” ларни эсга олайлик. Уларда деярли бир хил мавзу атрофида сўз юритилади. Мавзуларгина эмас, сюжет воқеаларида ҳам яқраглик мавжуд. Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий достонларидаги Лайли ва Мажнун Алишер Навоий учун ҳам қадрли қаҳрамонлар саналади. Қаҳрамонлар номидагина эмас, улар тақдири, қисмати, саргузаштлари, интилиши, мақсадларида ҳам деярли бир хиллик кўзга ташланади. Шарқ адабиёти достонлари мана шу жиҳатдан ҳозирги ҳинд кинолари, ҳинд мусикасига ўхшаб кетади. Уларнинг қаҳрамонлари ҳам худди ҳинд киноларидагидек севгилиси висоли билан қаноатланади. Ўзини ҳаётда бош мақсадига эришган санайди. Фёдор Михайлович Достоевский қаҳрамонлари эса ҳаётда ўзини ахтаради. Азоб, машаққатлар билан ўзини излайди. Бу улуғ адиб инсон моҳиятини кашф этиш бобида жаҳон адабиётида чинакам янгилик қила олди, деса бўлади. “Инсоннинг ҳаётдаги вазифаси нима?” деган минг йиллик қадимий саволга бу ёзувчи асарларидан: “Инсон учун асосий мажбурият, бурч ўз атрофидагиларни ақли билангина эмас, қалби билан ҳам ачиниб тушунишдир” деган жавоб англашилиб туради. Шарқ адабиётида муҳаббат, висол асосий мавзу бўлиб келган бўлса, Достоевский романларида инсон қалби, унинг оғриқлари, азобланишлари, ўзини излаб этироби чекишлари етакчи мавзу бўлади. Инсон илоҳийлигини кимнинг висолига эришиш орқали эмас, ўз руҳини топиш орқали англаши мумкинлиги таъсирчан тарзда уқдирилади. Бу адиб тасаввуф адабиётида таъкидлаб келинган руҳ ҳақиқатини ҳўрланган, ҳақоратланган, эзилган, жамият ҳазар қиладиган бечора одамлар қалбини тадқиқ орқали акс эттирди.

Фёдор Достоевский қаҳрамонлари учун ҳам, албатта, муҳаббат бегона туйғу эмас. Хусусан, унинг романларидаги Наташа ва Алёша (“Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар”) мисоли Лайлию Мажнундай бир-бирларини севишади. Ўз

севгилари йўлида минг бир қаршиликка дуч келишади. Улардан азобланшади, изтиробга тушишади. Аммо ўзидан кўра бир-бирини авайлайди. "Мен пасткаш ва разил одамман. Кутқар мени ўзимдан. Мен пасткаш, разил эканлигимдан йиғлаётганим йўк, мен туфайли Наташанинг бахти қаро бўлади, шунинг учун йиғлаяпман", дейди Алёша. Бу ёзувчи қаҳрамонлари қалбини таҳлил қилар экан, инсон дунёсини шу даражада теран кўрсатадики, романтизм методига мансуб асарлардаги қаҳрамонлар кифоаси улар олдида ожиз, ярим жон бўлиб кўринади. Аммо бундан адиб қарашлари билан тасаввуфий ақидалар ўртасидаги уйғунликка асло путур етмайди. "Одамлар орасида ҳаммиша одам бўлиб қолмоқ керак ва ҳар қандай бахтсизлик юз берганда ҳам зорланмаслик ва руҳни туширмаслик лозим" дейди у. Фёдор Достоевскийнинг фикрича, мукамал жамиятга бориладиган йўл ҳокисорлик ва азоб-уқубат чекиш орқали ўтади. Бу ҳол эса инсонга руҳий тушқунликни енгишга ва Исо (Христ) да бирлашиб кетишга, худо - одам идеалини танлаб олишга ёрдам беради. "Худо бўлмаса ҳаммаси расво" деган қоида тантана қилади ва жамият аста-секин тубсиз зулмат ичига тушиб кетади. Ёмонлик кишиларнинг одатдаги ҳолати бўлишига ишонгим келмайди, дейди бир ўринда ёзувчи қаҳрамонлари тилидан.

Фалсафанинг асосий масаласи онгнинг борлиққа, тафаккурнинг материяга, табиатга муносабати тўғрисидаги масала бўлса, адабиётнинг бош масаласи инсоннинг моҳиятини, унинг илоҳийлигини кўрсатишдир, яъни инсоннинг ўзини англаш, ўзлигини топиш йўлидаги машаққатларини таъсирчан образлар воситасида гавдалантириб беришдир. Бадий методлар эса инсон моҳиятини акс эттириш йўлидаги ўзига хос зналар бўлди. Шунинг учун классицизмни романтизмдан, романтизмни реализмдан паст туради деб қараш, уларнинг бирини бирига қарама-қарши қўйиш ярамайди. Чунки бу методлар инсонни англаш йўлидаги ўзига хос изланиш босқичлари бўлди. Шу боисдан социалистик реализмни ўрни бўлса-бўлмаса айбсотиш, камситишга асос йўк. Бирор бир асар ёмон бўлгани учун метод эмас, аввало унинг муаллифи жавобгар бўлиши керак. Шунинг учун, "социалистик реализм ижодкорлар эркини чеклаб қўйди", деб барча гуноҳни методга ағдариб қўйиш бир баҳона, нима қилиб бўлсада, ижодкорни оқлашга зўр беришгина, холос.

Инсонни тушуниш борасида ҳозирги кунда нитчшечилик, фрейдизм, эйхистенциализм каби фалсафий оқимлар ҳам мавжуд. Фарба кенг тарқалган бу оқимларга бизда ҳам қизиқиш ўсиб бормоқда. Фридрих Нитчше, Камю, Сартр, Кьеркегор, Лев Шестов, Бердяев, Эрих Фром, Зигмунд Фрейд сингари мутафаккирлар аслида Достоевский асарлари орқали инсон руҳиятини аввалгидан бошқачароқ тушуна бошлаганларини эътироф қилишади. Хатто Фридрих Нитчше касал бўлишидан илгарироқ 1887 - 1888 йилларда "Иблислар" романини конспект ҳам қилган экан. У ўзини улғў ёзувчининг ўқувчиси, шогирди санаган.

Фарб файласуфларининг инсон моҳияти ҳақидаги қарашлари аслида Шарқ учун янгилик эмас. Хусусан, "Қуръон"да инсоннинг илоҳийлиги, у аллақандай маймундан бино бўлмагани ёзилган. "Ёсин" сурасида бу хусусда шундай дейилган: "Авалам ярал инсону анна холокнаҳу мин нут-фатин фа изаа ҳува хосуимун мубийн" (77-оят). Инсон руҳи илоҳийлиги, руҳ орқали инсон олий мақомга эришиши ҳақида ҳам ушбу муборақ китобнинг жуда кўп ўринларида қайд этилган.

Фарблик файласуфлар XIX-XX асрга келиб англаган ва биз учун чунон янгилик бўлиб туюлаётган инсон моҳияти, унинг вужудию руҳи ҳақидаги қарашлар пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида ҳам айтилган. Хусусан, инсоннинг феъл-атвори, фикрининг ўзгариб туриши, қалб ўзгарувчан эканлиги хусусида ўнлаб ҳадислар мавжуд. Ёки буюк Имом Ғаззолийнинг китобларидаги инсон танаси, руҳи, хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ҳикматомуз мулоҳазалар, ақл билан тушуниш шу қалб билан англаш ўртасидаги тафовутлар аниқлаштириб берилгани адабиётда инсон моҳиятини фалсафий тушуниш учун ўзига хос бақувват таянч, асос бўла олади. Демак, шарқу фарб мутафаккирларининг одам ва олам ҳақидаги барча қарашлари адабиёт учун фалсафий замин бўлиб қолади.

Дилором
ЭЛМУРОДОВА



Баҳорим талпинма...

* * *

Кўнглимнинг кўкида кезган калхатнинг
Қанотида ғамгин Зухрони кўрдим.
Баҳоридан алданиб қақшар қизғалдоқ
Мажнуни дарбадар саҳрони кўрдим.

Кўрдим... Кўравериб кўзларим тинди,
Шивирлаб "дунё шу" деди аллаким.
Ниғоҳимга оппоқ хаёллар инди,
Номимдан чарчади энди юрагим.

Бу бир кам дунёда ҳаммамиз меҳмон,
Нолиб кетаверсак кўнги тўларми?
Юрак яралганки яралмиш армон
Аслида армонсиз яшаб бўларми?!

Энди кўзларимга термулган иним,
Кўзим қаросида оппоқ хаёл бор.
Барибир хаёлдан ўтолмайман жим,
Тилимнинг учиди турган савол бор...

* * *



Пойимда инграган хазонлар,
Сарҳадсиз дунёнинг сароби.
Кўнглимни куйдирган армонлар,
Бесамар кунимнинг гирдоби.


Ниғоҳим ўкириб йиғлайди,
Хаёлим сўзлайди паришон.
Юрагим кўксимга сиғмайди,
Шодликдан кўринмас бир нишон.

Шундайин ўтмоқда ҳар куним,
Дунёлар қаргаган-да мени.
Оҳ, менинг қаламим-дилхуним,
Фақат шу тушунар тилимни...

Дилором Элмуродова 1978 йил Навоий туманидаги
Ибн Сино номли жамоа ҳўжалигида туғилди. Ҳозир
шу ерда ишлайди. "Ёшлиқ"да илк бор чиқши.



Шукур ХОЛМИРЗА



Роман



- Ҳаётдаги анчайин ўзгаришни ҳам ҳазм ва қабул қилиш осон кечмайди: кўникмалар-қаноатлар бу йўлда теран тўсиқлар ҳисобланадики, аввалам бор, ана ўшаларни “енгиш”га тўғри келади. Энди, тасаввур этинг: ҳаётнинг ўзи тубдан ўзгариб, ўзга бир изга тушса, уни ҳазм ва қабул қилиш - айниқса, ижодкор учун жуда мушкул бўлади.

“Динозавр” романим - ана шу жараён тасвиридан иборат бўлиб, уч китобни ўз ичига олади: биринчиси ушбу - КУЗ, қолганлари - ҚИШ, Баҳор.

Муаллиф

“Куёшнинг ботиши - чиқишдан
далолат...”
Кант. “Мен - Зардуштий,
сўзим шу...”

БИРИНЧИ ФАСЛ: КУЗ

I

Мошина шитоб билан ўрнидан жилди. Руддаги йигитнинг биллаклари пайдор, нигоҳи ўткир - ўзига инонган кишининг шиддати бор, хумкалла, юзи хиёл чўзик бўлиб, қайрилма қошлари ярашиб турар, кўнғироқ сочларига оқ оралаган эди; тагин - бу йигитнинг сиймосида шаҳар киндигида ўсган зиёлининг шамойили бор, унга бир қараган киши у билан ҳисоблашишга бир мажбурият сезарди.

“Волга” мошиналар серкатнов йўлдан хийлагина катта тезликда, аммо кўча қондасини бузмасдан юриб, шаҳардан чиқа бошлади.

Орка ўриндикда ўтирган кулранг мўйна ёқали пальто ва қизил сур теридан телпак кийган кулча юзли жувон у ён - бу ёнга инжиқиб қараб:

- Бирон нарса олволсак бўлармиди, чой ҳам ичмадик, - деди.

- Тоғнинг остида кафе бор-у, - жавоб берди йигит ўнг қўлини руддан бемалол олиб ва олдинни кўрсатиб. Сўнг ёнида ўтирган ўн олти яшар ўғлига: - Менга битта сигарет тутатиб бер, - деди.

- Ўзингиз тутатинг! - деб чувиллаб қолди аёл. - Ёш болани ҳозирдан ўрганмоқчимсиз?

Лекин бола ораликдаги пластмасса саватдан “Родопи” ни олиб, сигарет чиқаришга ҳам улгурган эди. Ота унинг қўлидан сигаретни олди-да, лабига кистирди. Сўнг ўгли узатган гугуртни чақиб, тутатди.

- Анави заживалька ишламайди? - сўради хотин.

- Йўқ. Куйган, - жавоб берди эр. - Янгиси топилмайди, бозорда қиммат... Ойинани тушириб ўтиринг. Қор учқил-япти. - Шундай деб, олдойна чўткасини ишлатиб қўйди. - Қоронғу тушмасидан доводдан ошсак, у ёғи яқин.

- Биламиз қанақа яқинлигини. Шундай кунда... Эртага эрталаб жўнасак ҳам бўларди.

- Айтдим-ку, туш кўрдим. Онам дахлиздан оппоқ кийиниб чиқаётган эмиш. Хурсанд. Касал одам мундоқ кўринса, хосияти кам дейишади... Собижон, сен ҳам ойинани тушир.

- Чекяписиз-у?

- Бу ёқдан чиқиб кетади.

Кўприкдан ўтишди. Асфальт нам торта бошлаган, олдойнага урилаётган қор учқунлари эса тобора кўпаяр эди.

Ниҳоят, яккам-дуккам дарахтлар ҳам орта қолиб, тоғ этагига ўралган йўлдан бирон ярим соат юришгач, Маҳкам мошинани четга оларкан, қайрилма қошларининг чети баттар юқорига ўрлай бошлади. Оқибат, “Волга” ни йўл бўйидаги тошлоққа чиқариб тўхтатди-да, эшикни шарт очиб чикди.

Совук қор зарралари юзига урилди, бошини ҳам қилиб, мошина тумшугидан айланиб ўтди-ю, бу ёқнинг илиқлигини ҳис этган ҳолда, қаршисида фақат ўрни, яъни бетон пойдевори қолган “кафе” ни кўрди.

- Оббо, - деганича қадини тиклади. Қор ён томонидан елда тўзғиб келаётгани, тоғ бағрлари очик эканини қайд этган кўйи яна энгашиб хароба қошига борди; бораркан, буни кимлар бузганини ва не мақсад бузишгани хаёлини банд этиб, бу саволларга бамисоли жавоб топадигандек - белгилар излар эди; шу алфозда қуруқ шағалга қурилган ўттиз сантиметрлар баланд пойдевор қошига етди.

Қаради-қаранди.

- Ҳеч нарсани тушунмайман, - деб гўлдиради. Сўнгра хаёлининг бир бурчидан: “Яхши завяска, вожа! шундан бошланса...” деган мужмал ўй ўтди-ю, мабодо шу кафега боғлиқ бирор фильм яратилажак бўлса, уни ўраган “понорама” - манзара қандоқ бўлишини билмоқчидек қаршисидан юксалиб кетган тоққа қаради: чўққиларда қор ялтирар, қалин-қора арчалар аниқ кўринар эди; ўнг тарафда - пастликда сой оқапти.

Шунда бирдан ҳушёр тортиб кетди: табиатнинг бу ўйинини қаранг!

Чап тарафдан қор титилиб - ёпирилиб келар, аммо тоғнинг ўрқачларига қуёш нури тушиб турарди.

Маҳкам кунботарга, яъни этакда қолган шаҳарга ўгирилган ҳам эди, мошина каттик сигнал берди. У чўчиб, янада ҳушёр тортиб бурилди.

Эшик ойнасини тушириб турган ўғли:

- Нимага қаравоссиз? Кетамизми-йўқми? - деди, яъни, онасининг сўзларини айтди.

- Аҳ-а. Кетамиз. Кафени бузишибти, - дея Маҳкам мошина олдида тезлаб ўтаркан, тагин юзига совуқ зарралар урилиб, энкайиб олди. У кабинага кириб ўтириши билан, хотини:

- Нима, нимани томоша қилдингиз? Фильм оляписми, бизлар артистми? - деб човуллади. - Кафени бузиб кетишган бўлса, бошқаси бордир?

- Орқага қайтишга тўғри келади, - деди Маҳкам пинак бузмай.- Бу ёқда, манимча...

- Ҳе, “манимча”нгиз бошингиздан қолсин... Қайтинг, йўлда тушиб қоламиз. Ўзингиз бориб, онангизни кўриб келинг... Биз кейин, кейин ҳам борамиз. Тушга ишониб...

Маҳкам бирдан орқага ўгирилиб олди.

- Вей, нимага бунча жиқиллайсиз? Қайтайинми?

У моторни ўт олдириши билан ўғли:

- Нима қиласиз энди қайтиб, дада? - дея зорланди. - Опа, сиз ҳам савр қилинг.

Бола бирлар эди: дадаси айтганини қиларди. Ва яна билардики, онаси аччиқ устида бунақа “қилиқ”ларни кўп қилади-ю, кейин шаштидан тушади: онаси айтмаса-да, унинг ичидан пушаймон эканини ҳам сезарди.

Собитнинг гапи онага таъсир қилди.

- Бўпти. Ҳайдай қолинг. Кетдик, - деди у.

Маҳкам мошинани силкитиб жилдирди. Йўлга тушириб елдириб кетди.

2.

Тоғ бағрига, тўғрироғи, доводан кўксига иланг-биланг бўлиб ўрмалаган йўлнинг дастлабки юз қадамларини ўтмаёқ қор пастда қолиб кетди, аммо эсаётган шамол бу ерда кучли экан - Маҳкам ўзининг ён ойнасини ҳам кўтариб қўйди. Бу яхши бўлди-ю, сал ўтмай олдойна ичкаридан терлай бошлади. Маҳкам жаҳл билан яна ён томонини очди.

- Нима бало бўлган бу ҳавога, - эрига озор етказмайдиган тарзда гижинди аёл.

- Тоғ ҳавоси-да, - деб қўйди эр. Кейин аччиқ кулим-сирани.

- Ҳаётнинг нуқси урганга ўхшайди.

Шундай деган бўлса-да, тепароққа чиқиб, қуйига боқиб - қорнинг қандоқ ёғаятгани, тахминан унинг оппоқ қуёнгами, қўшингами ўхшашини кўриш истаги уйғонди.

- Дада, нега бу ерда ёғмавошти? - сўради ўғил. - Қаранг, пастини кўриб бўлмайди.

- Ҳалакит берма, - деб жеркиди онаси. - “Қаранг” эмиш... Шундоқ ҳам зўрға кетаяпмиз-у.

- Шу-шу, - деб қўйди Маҳкам ҳорғин товушда. Ва йўлнинг ўртасида думалаб ётган каттақон харсангни кўриб, яна тормозни босди. Мошинани унинг ёнидан авайлаб ўтказди. - Йўлчилар нима қилишар экан-а, шуларни тозаламай. Тагин маош олади, захрига... Ваабше, Шахло, йўл учун текинга пул олишади ҳайдовчилардан. Масалан, бояги тошга урилиб, мошинага шикаст етказсам, мен тузатишим керак. Ҳолбуки...

Аёлнинг энсаси қотди: эри худди аввалгидек - ҳаёт турмуш ҳақида (ҳатто) танқидий фикр юритиши унга дафъатан эриш туюлди: илло камбағал бўлиб қолган, шу мошинанинг бензинига ҳам пулни ўзидан олган бу шерйигит “пастроқ тушиб” гапирсаям бўларди, унинг назарида.

Аммо эрнини аяди.

-Айтинглар-да тегишли одамларга, деб қўйди. Кейин бирдан бидиллай кетди: - Бирини олиб, бирини уриш керак бу чиновниклар-ни!..Вой таможница буларнинг ўзларини тутишлари!

- Хим, - деб томоқ кирди Маҳкам. Сўнг ўғлига кўз ташлади. - Ана, опанг шунчалик чиғириклардан ўтиб, бир нарса топиб келяпти сан билан манга.

Шахло кўзларини пирпиратиб турди-да:

- Кесатганингизми бу? - деб сўради.

- Факт бу, - деди эр. - Бўпти. Атрофни томоша қилинг.

Қаранг, арчаларга.

- Рахмат.

- Дада, қаранг! - деб қолди шунда ўғил олдинни худди отасидек қўли билан кўрсатиб.

- Кўрдим, - деди Маҳкам ва мошинани ён-бетга чиқаргудек қилиб ҳайдаб, палахса тошлар ёнидан ўтказди. Ўтказди-ю: - Бу ерда бир гап бор, дея "Волга"ни тўхтатди. У ташқарига чиқаркан, хотини:

- Яна нима гап? - деди.

- Кўряпсиз-ку, йўлда шунча тош ётибди. Мошиналар қанақа қилиб қайтишяпти экан.

- А-а, қаранг-қаранг.

Маҳкам ерга оёқ қўйиши билан чап тарафдан эсаётган изғирин юзига шундай урилдики, чимчиб-чимчиб олди. У беихтиёр кўнишиб: "Қор совуғи. Бу ерга ҳам ёғса керак", дея кўнглидан ўтказди. Кейин тезроқ тепага чикиб олишни дилига тугиб, йўлнинг юқоридан айланиб ўтган жойларига кўз солди: ҳа, анча-мунча тош кўчган. Ана, биттаси арчага таяниб қолди. У тушиб кетса, нақ мошинага урилишини англади-ю, кабинага қайтиб кирди.

Ҳайрият, бу томонда тўсиқ учрамади.

Бир неча айланиш - қайтарилишлардан ўтгач, оқланган кийик ҳайкали остида мошинани яна тўхтатди.

- Суви исиб кетди. Жиндек совисин... Тушинглар, томоша қилинглр.

Бироқ бу ердаги изғирин томоша қилишга имкон бермас эди. Шахло ҳам эшигини очди-ю, чаён чаққандек чийиллаб, ёпди. Ўғил кабинадан чиқди. Икки чаккасига икки кафтини босганча отасининг ёнига борди.

Оқ кўнган жингалик сочлари елпиниб, бўйинни чўзганча ҳайкалга қараб турган отани таниб бўлмас, ҳозир йиғлаб юборадигандек эди.

Ўғлон ҳам ҳайкалга қаради-ю:

- Вей, - деб юборди. - Унинг боши қани?

Маҳкам бурилиб, ичкаридан очилгани ҳолда қолган копотини кўтариб, тагига тирговичини қўйди.

- Вей, опам, унга қаранг, - дер эди ўғил. - Қалласини опкетишибди!

Шахло ўннга сурилиб, шамолпана ойнани туширди. Бокди-бокди-да:

- Сволочи, - деди. - Қандоқ чиройли бўлиб турарди.

Эсингда-ми, Собит?

- Нега эсимда бўлмасакан... Қаллани оббориб уйига кўяди-да, а?

- Сотади, - деди она.- Кўрасан, бир куни мана шу қолганиням опкетишади. Одамларда инсоф қолмади... - Сўнг ойнадан бошини сал чиқариб, йўл четига териб қўйилган тош-деворчада ўтирган эрига деди: - Хой, йўлдаги кафеизиниям ўшалар бузиб кетишган бўлмасин.

- Мумкин, - деди Маҳкам. Ва кийикка қараб, бошини сарак-сарак қилди. - Қандоқ мағрур турарди. Битта томоша қилишнинг ўзи... - Сўнг хотинига қарамай давом этди: - Тоғлар бўшаб қолгандек. Сўнгра кўз олди туманланиб, ўзига, хотини ё ўғлига гапира бошлади: - Бир замонлар мана шу ерларда кийиклар сурув-сурув бўлиб юришган. Бўри, тулки, қўён ҳам сероб бўлган...

Ха-ҳа, - дея давом этди ўйда. - Мана шу йўл тушганда, албатта йўлчилар у ерга чиқишган. Шу тобда консерва банкалари, бўш шишалар сочилиб ётипти...

У ёгини ўйлашни истамай:

- Да, соат неча бўптиякан? - хотинидан сўради. - Маники дам ишлаб-дам ишламайди.

- Олти... ўн минути кам етти бўпти... Хой, шунақа қилиб ўтираверамизми?

- Тўғри айтасиз. - Маҳкам ўрнидан шарт туриб келиб, қопқаниг остидан тирговичини олди-да, ўзини ташлаворди. - Кир, ўғлим. Кетамиз. Мана шунақаларни кўриб қўй... - Ҳўлдирганча кабинага ўтди. - Бу дунё бузилди...

- Энди ўзингизга келдингиз, - деди хотини. - Тирик одамларнинг бошини кесиб кетишяпти-ю, бу нима!

- Тўғри айтасиз.

Йўлда давом этдилар.

Бирон йигирма дақиқалар ўтиб-ўтмай қоронғи тушди. Балки буни қоронғулик деб бўлмас эди, чунки атрофни туман қоплаб, қору шамол секинлади-ю, мошина чироқларини ёқишга мажбур этди.

3

Кабина ичи илиққина (печи қўшиб қўйилган), йўл кенг ва текис, бунинг устига чап тарафдаги бағри ўпирилган қирдан муштдек тош ҳам думалаб тушмаган, боз устига бирорта мошина учрамас эди.

Шахло пинакка кетганидек - жим, Собитнинг боши эгилиб-эгилиб кетади.

Маҳкам уларнинг оромини бузмаслик учун ҳам мошинани бир маромда ҳайдаб борар, ўқтин -ўқтин сувнинг ҳароратини кўрсатадиган "Нуқта"га қараб кўярди.

Чўққига чиқишларига тахминан бирор чақирим қолганда...

... Моторнинг ичи бузилгандек қулдираган товушлар эшитила бошлади-ю, сувнинг ҳарорати бирдагина "100" дан ошиб кетди. Маҳкам шоша-пиша "Волга"ни четга олиб тўхтатди. Қопқани бўшатадиган дастакни тортиб қўйиб, шошилинч ташқарига чиқди. Капотини очишини билади - юзига қайноқ-қўланса буг урилди. Тисланиб кетди. Пастдан, радиаторданми вишиллаб сув отилар эди.

Бундай балони кўрмаган Маҳкам қаттиқ ҳаяжонга, қурқувга яқин бир ҳолатга тушиб, Собит ўтирган томондаги эшикни очди. Ўғлининг: "нима, нима қиялпсиз?" деганига жавоб бермай, бардачок қопчикдан эски хитой фонорини олди. Ёқиб кўриб, мошинани тумшугига ўтди.

Фонар нурини капот остига қаратди: қопқадан бами-соли иссиқ ёмғир ёғарди.

Моторнинг яна аллақеридан иссиқ фаввора отиляпти!

Маҳкам баттар ҳаяжонга тушиб, фонар шуъласини нари - берига жиқдираб, диққат билан тикилар экан, дафъатан кўрдики, радиатор сувини маторга ўтказувчи бир қарич шланг-резина ичак ўртасидан узилган, сув ўша ердан теппага отиляпти.

У хиёл енгил тортиди: сув чиқиб бўлсин, ичак ҳам совусин.

Кейин бир амаллаб улаб олса, сув ҳам топилар: дарвоқе, қаерда тўхтади ҳозир?

Ха, чўққига яқин ерда тўхтади. Сув бор-у, лекин орқада қолди.

Йигит шу қарорга келди: ана, қирнинг қатларида қор ётибди-ку.

Ўшадан олиб келиб, радиаторга секин-секин солавереди. Радиатор ҳам совуйди...

Ўғли чарм хурткасига ўраниб чиқиб келди. Отасининг ёнида туриб, копот остига қаради.

- Нима вишиллаватоти, дада?

- Сув!

- Яна нима бўлди? - деди ойнага яқин сурилиб, эшикни қия очган Шахло.

- Ҳозир, ҳозир, - деди ўғли. - Сиз ўтираверинг... - Шунда дадасининг "ичқарига кир" деган маънода билагига туртганини фаҳмлаб, бурилди.

Маҳкам фонарни ёқиб, резина ичакка бармоғини тегишти-ю, тортиди.

- Қалитни ол, - деди ўғлига: бекор турганидан кўра, омбир сим топиб, бирон челақ қор опкелиб қўйса, ҳарна-да.

У бу ишларни қилиб бўлганида, радиаторнинг суви тугаб, ўзи ҳам совуб қолган, резина ичакнинг эса "чавағи" гача текшириш мумкин эди.

Аммо ичак ўлгур алақачон чириб бўлган экан: узилган жойларини ушлаб бир-бирига тортганди, қумоқ-қумоқ бўлиб қолган парчалар Маҳкамнинг қўлига келди.

- Ана холос.

Лекин у руҳан тушмади: бағадан топилар, мошина-

ни ювгич ингичка ичаклар ҳам бор-у...

Афсус-надоматлар бўлсинки, бир қаричгина йўгон резина қувур топилмади.

Маҳкамнинг бирдан жиғи бийрони чиқиб, атрофга аланглади. Ва ана шунда атрофини ўраган қора-туранг туманни кўриб ва бошқа ҳеч нарсани кўрмаётганидан ваҳимага тушиди: наздида қандайдир ўткинчи мошинани кўрадигандек эди-да.

- Э, умуман, мошина ўтмади-ку? - деди кейин ўзига-ўзи. Сўнг дилтанг бўлиб такрорлади: - Вабше ўтмади. Орқадан ҳам, олдиндан ҳам... Нима бало бўлган бу йўлга?

Шунда кўнглидаги изтиробу ҳаяжонга ўзга бир даҳшат қўшилди: наҳот бу йўлдан мошина қайтмаса? Унда аҳвол чатоқ-ку? Унда тонг отишини кутишга тўғри келади-ку.

У тагин бағажни, сўнг бардачокни титкилай кетди. Кейин эса фонарни ўглига тутказиб қўйиб, узилган ичакнинг бўлақларини бўшатиб олди.

Тамом.

Челакдаги қорни ҳовучига олиб-ишқалаб, бармоқларини наридан бери тозалади-да, кабинага кирди. Наздида, ичкари илиққина бўлиши лозим эди: йўқ, мотор ишламагач, печ ўз-ўзидан ўчган, қайтамга ичкари совуқроқ эди.

Оёқларини йиғиштириб, ўриндик бурчагига тикилиб олган Шахло истеҳзо билан илжайди.

- Нима бўлди, ўртоқ режиссёр?

- Бўлмади. Бир қарич шланг топилмади. Буниси эскириб-чириб кетган экан.

- Уни билдик.

- Билсангиз - шу.

- Хўп, энди нима қиламиз?

- Нима қилардик... Бирон мошина ўтишини кутамиз...

Сигарет қани?

- Мана.

- Бу ерда чекманг, - деди Шахло.

Маҳкам сигарет билан гугуртни олиб, эшикни шарақ очиб чиқди. Сигаретни тутатди-ю, иссиқроқ кийиниб олмаганига ачинди: у мошинага ишонар эди.

Йўл ўртасига ўтиб, тез-тез нари-берига бориб кела бошлади.

4

Бирдан унинг миясига шу фикр келди: чўққидаги ошувга яқин қолди. Бориб келса-чи?

Балки йўлга бирон нарса бўлгандир, унияма кўради... Ҳа-а, нақ чўққида ГАИ постига бор-ку? Агар қазоблар унияма вайрон этиб кетишмаган бўлса - бор.

У ўз "қашфиёти" дан қувват олиб, мошинага қайтди. Эшикни очиб, бошини суқди-да:

- Сизлар ўтира туришлар. Ман ҳозир келаман, - деди. - Йўлнинг бошида ГАИ пости бор.

- Шунақа қилинг, худо хайрингизни берсин, - деди пальтосидан ҳам совуқ ўтган хотини: унинг бу илтимосомуз сўзида йиғинамас, қандайдир таҳдид ҳам бор эди. - Фақат тезроқ.

- Хўп. Собит, курткангни бера тур.

Курткасига ўраниб-жунжикиб олган бола онасига қаради. Онаси бирдан кўзларини ялтиратиб:

- Бу нима қилик? - деди, - ўзи зўрга ўтирипти-ю...

Маҳкам эшикни ёпаркан, фонарни олволди. Сўнг хўрсиниб, бир дам тек қотиб турди-да: "Ҳа, майли" деб бурилди. Шунда мошина бағажда эски чопони борлиги ёдига тушиб, шартта орқага ўтди. Неча марталаб тупроққа тўшалган, доғли, бадбўй ёпинчқни топиб-қоқиб, эгнига ташлади-да, жўнади.

Фонар нури туманни кесиб бир неча масофани ёритар, нурда қор учқунларининг эриниб-ўйнаб тушаётгани кўринар, йигит энди ҳақиқатан ҳам, ўзга бир сайёрада учқур-кемасини излаб бораётган мусофирга ўхшарди.

Бирок у мусофирдан фарқли ўлароқ ер одамнинг ташвиши-ғами хаёлию кўнглини банд этган эди: "Қара-я, боласини ўйлади... Бари бир эрдан бола афзал хотин учун. Аммо менга бир нарса бўлиб қолса-чи? Қуймайди...

Пули бор, долларлари бор...

Ҳа-а, эр топагон бўлмаса, шунақа бўларкан... Қандоқ вақтлар ўтди!

Қара, ҳаммаси унут бўлди. Шу ёмон одат: унутиш..."

Маҳкам шу ўйлар оғирлигинданми боши баттар эгилиб жадал кетаркан, тўрт-беш қалам наридан бир нарсанинг йилит-йилит этиб қолганини кўрди-ю, такка тўхтаб: "Тулки, - деди. - Ё Ёўримикан?"

Шуёла, у тўхташи ҳамон ғойиб бўлди. Маҳкам таҳминан ўша ерга бориб, қаради: қиламиқ қорда кичкина, тирноқли излар яққол кўриниб турарди: "Қуён, - деб юборди. - Қуён-ку!" Кейин кўнглида бир осойишталик ва завқ туйди: яхши, мана, кўрди қуённинг изини. Бор экан. Бор. Тулкияма бор... Ҳа-ҳа, қуён бор жойда тулкияма бўлади. Лекин бўри бу атрофда бўлмаса керак: ахир, бу -трасса...

Кейин, ўзининг мана шу ўрқачли тоғнинг шимол томонлари улашиб кетадиган йироқ тизмалар оғушида - бир замонлар - милтиқ кўтариб ҳансираб юрганлари, камарларда ўткинчилар (савоб ва урф юзасидан) ташлаб кетган қуруқ ўтин-чўпни ёқиб исиниб ўтирган чоғлари хаёлидан кечганича, анча йўл босиб қўйди.

Маҳкам такка тўхтаб қолди: фонар нури ерга эмас, ўпқонга тушиб кетди!

Ер йўқ: икки қадам нарида ўпқонми, жарликми бор эдики, таги кўринмас, илло, нур унинг тубига етмас эди. Шошиб капалаги учиб кетган йигит пастликни кўриб қолганига шукрона айтган бўлиб биров тисланди-да, шакшубҳасиз бу жарликни мана бу - чап тарафдаги қирдан қуруқ тушган сел суви пайдо қилганини фаҳмлагани ҳолда - шунинг учун ҳам мошиналар қатнамаётгани, демак, йўл ўзгарганига амин бўлиб, фонар нури рўпарасига қаратганди, жарликнинг нариги қиргоғи кўринди. Сўнг у нури кирга қаратди: шундоқ ёнида туманга чулганиб, баҳайбат махлуқдай бўлиб турган ёнбағрдан осилиб ётган арча томирлари ва қачонлардир панжасини урган полвон-краннинг йирик-йирик тирноқ излари кўринди.

Кейин жарликнинг боши - қирнинг (тоғнинг) ўрқачидан ёриб тушган арнани кўрди.

Шу пайт, вожаб, жарликнинг у ёғидан юк машинасининг гувиллаган товуши эшитила бошлади-ю, туманга санчилган сарғиш чироқлар довиб келаверди!

Маҳкам анқайиб турар, кўнглида қувонч-ҳаяжон жўш уриб кетган эди; бироқ зум ўтмай бу ҳислар таҳлика-кўрқув билан алмашди.

- Ҳе-ей, бу ерда жарлик бо-ор! - деб бақиргани қўйи қўлларини қимирлатиб, дам қўшув аломатини, дам "орқага қайт!" маъносини англагувчи ҳаракатлар қила бошлади. Мошина жарликка беш-олти метр қолганда тўхтади. Кабинадан биров тушди.

Худди ўзга бир учар-кемадан тушган космонавт каби оҳиста-оҳиста юриб жарлик лабига келди.

У одам эди. Пастга қаранаркан:

- Ассалом алайкум! - деб бақирди Маҳкам ва жавоб кутди. У кимсанинг бу ёққа қарагани сезилди. Аммо жавоб қайтармади: нега? Ўриси? - Здравово, брат? - деб яна жон ҳолатда қичқирди Маҳкам. Яна жавоб қайтмади. - Ҳой, ака, одаммисиз? - энди жаҳл билан сўради Маҳкам.

- Нима?! - деди у ниҳоят. Овоз жуда олисдан келгандек паст эшитилди.

- Ёрдам керак бўп қолди.

- Нима?

"Бу ердан ўтиб ҳам бўлмайди, - кўнглидан кечди Маҳкамнинг. - Резинани отсаям бу ерга етиб келмайди..."

Шундай ўйлаган эса-да:

- Адашдик! Биз ҳам адашиб кеп қолдик... Бир қарич шланг топиладими? - деди.

Кимса турди-турди-да:

- Биз ҳам адашдик! - деб бақирди. - Орқага қайт! Йўл пастда.

- Биламан! Бир қарич шланг керак!

- Ҳа, шлангбаумдан буриласан!

Кимса чекина бошлади. Яна оҳиста-оҳиста юриб бориб, учар-кемасига минди.

Овози бўғилган Маҳкам йиғламоқдан бери бўлиб қолди. Ва дарҳол англадики, булар - эгри одамлар: тўғри

бўлишса, - эски йўлни билишаркан - ўшандан кетаверишарди. Бу йўлдан бир амаллаб ўтишмоқчи бўлишган, холос.

“Кантрабанда юки бор... - Маҳкам чукур-чукур нафас олиб, чуқур изтиробда тураркан, тагин сигарет тутатди. Ва илк тутиноқ бағрига ором бағишлаб, хаёлини бир зум ўғирлади: - Кўп нарсани кўрасан-а шундай жойларда - тунда. Айниқса, бутунги кунда. Да... - Қандайдир асар яратилажак бўлса, шубҳасиз ушбу учрашув ҳам эш бўлиши, фақат уни кейин “ривожлантириш” лозимлигини ўйларкан, орқадан шундай сигнал товуши эшитилдики, гўё ўзи йўл ўртасида турипти-ю - четланмаса, келатган машина босиб кетадигандек. Кескин бурилиб, изига қайтди. - Улар кўрқиди... - Эсига бояги қўён тушди. - Тулкими-бўрими яқинлашди. - Кейин бу фикрини бирдан инкор этди: - Совкотишди...”

Ана шунда бу тунни шу атрофда ўтказишга маҳкум эканига инонди: демак, бу ёғини ўйлаш керак.

5

“Бу ер йўл усти - бўлмайди, - деди-ю, энди ўнг бўлгани қир устида, тўғрироғи, тоғ ўрқачидаги қора уйдек келадиган камар-ғор эсига тушиб, ўша ёққа қаради: туман, арча томирлари, даҳшатли тирноқ излари. - Шунинг устидами у ё бошқа чўққидами? - деб ўйлади. Ва зўр бериб хотирасини тиклай бошлади: - Ошувдан ўтаётганимда кўтир тошлар уюми кўринарди. Ўша ерда битта ажойиб хижина бор-да, дер эдим. Нега уни чиқиб кўрмадим-а?.. Атиги ярим соат вақт кетарди. Эринардим... Аммо шу қир туташган тизма тоғлар бағридан қараб ҳам бу “хилватгоҳ”ни кўрардим. - Шунинг устида! - деб бирдан ўзига-ўзи уқтирди. - Ахир, мана, пастликда сой! Соининг ёқасидаги ўрқач бу! Хўп, бу ердан йўл ўтибди, холос...”

Чиқиш керак!

Энди, бу таклифни хотини қандай қабул қилиши ва чўққига йўл топишу кўтарилиш ташвиши кўнглини маҳв этиб беихтиёр жадаллади.

Бир маҳал машина чироғи ёник эканини кўрди. “Аккумулятор ўтириб қолади”, дея баттар тезлашди. Ва кабина эшигини очибок чирокни ўчирди.

Кириб ўтиргач:

- Кўрқмадингларми? - деди.

- Кўрқмай бўларканми! - деб жавоб қилди Собит тиши - тишига тегмай.

- Мен биламан, бу киши бизни бир балога йўлиқтириш учун олиб чиқди, - деди Шахло. - Шундай кунда, бемаҳалда... Хе, эр бўлмай кетинг!

Маҳкам куч билан бардош қилди. Сўнг:

- Бўлдими? - деди.

- Бўп бўлган! Нима, нима қилмоқчисиз энди?

- Дада, моторни юргазмасданам пастга тушса бўлади-ку? Ёки рул қулфланиб қоладими?

- Ўзинг билар экансан-ку, - деди Маҳкам бу нарсани ўйламаган эса-да, ўз-ўзидан равшанлиги учун ишонч билан. Бироқ шу сониянинг ўзида бу ҳолни “тажриба” қилиб кўриш фикри ҳам дилига тушди. Аммо кейинги сонияда тубанда қолиб кетган тик кўтарилишлару кескин бурилишлар кўз олдига келиб, дарҳол бу фикрини рад этди.

Шунга қарамасдан бирон юз қадам чамасида бўлса-да, машинани қайтариб-жилдириб бориш ва, ва...

... қирга кўтарилиш учун ўнгайроқ бўлган жойда тўхташ гояси ўзига маъқул тушди.

6

Ниҳоят, қачонлардир сув ёйилиб тушган окмани кўрган Маҳкам рулни тўғри ўшанга бурди-ю, шағал тошлардан иборат қияликка етган мошинани тўхтатди.

Сўнг қўл тормозини тортиб қўйиб, қафтларини бир-бирига ишқаганча ташқарига чиқди: у худди энг мушкул аҳволдан қутилгандек мағрур эди.

Машина орқасидан ўглининг тирсагидан тутганча қарганиб келатган Шахло:

- Уф, - деди. - Етдикми манзилингизга?.. Уф, башарангизга айлангириб солса!

- Хўп, - деди Маҳкам. - Улгурасиз... Энди сизлар мана шу ерда ўтирасизлар. Мошинага кириб...

- Нега? Нега? - деб юборди Собит чираниб.. - Пастга тушамиз дедингиз-ку?

- Тушмаймиз. Тушолмаймиз. Манга сизларнинг жонларинг керак. Шунинг учун...

- Во-о, - дея совуқдан титраганча аччиқ қулди аёл. - Даданг бизнинг жонимизни ўйлайдиган бўпти. Эшитдингми, Собит?

- Бўлди, кўп жавраманг, фойдаси йўқ, - деди Маҳкам ва тепага - қори қалин арчазорга оралаб, қанча маҳал кезинар экан, ҳар нарса бўлиши мумкинлиги миясига келиб, бағажда - линолиум тўшанчи тагида - бурчакда ётган кўшогиз, аниқроғи, устма-уст жойлашган стволларнинг усткисингичкасида ёлғиз ўқ, пасткиси-йўгонроғидан сочмаёқ отиладиган, “28” деб аталадиган милтиғи ёдига тушиб (аслида юлун кийинганига боис - мошинанинг печкасига ишонгани бўлганидек, милтиқнинг борлиги ҳам бақувват йигит ўз кучига ионганидек Маҳкам учун шуурсиз бир қувват эди), шаҳд билан бағажни очди.

Шахлонинг оғир, чарм сумкасини чиқариши билан:

- Ол уни, Собит! Синадиган нарсаси бор, - деб ўғлига дўқ қилди она.

Маҳкам сумкани узатди. Сўнг фонарнинг ёруғида машинага тегишли бошқа ашқол-дашқолларни ҳам нари-бери суриб ва онгсиз бир равишда бир қарич резина ичак чиқиб қолишига умидворлик билан линолиумни кўтарди.

Милтиқка қўли тегди-ю, ундан сирли бир куч ўтиб, бутун вужудига тарқалди. Шу тўғайли қалбида кўнган ҳаяжонни босиб, бурчакларни тимирскилай кетди.

Ҳар битта бўртган нарсани сийпаб кўраркан: “Чиқсин-да, ух... Наҳотки топилмаса? Беш-олтита бор эди-ку? - дер эди. - О, Аллоҳга шукр! Ух-х!”

Бир эмас, учта ўқ қўлига илинди. Уларни олиб қаддини ростларкан, ҳатти-ҳарақати ўзгарган эди: худди овга чиқади-гандек. (Бу ҳолатни кўпқарига кириш олдида гижинглаб турган тулпорнинг ҳолатига ўхшатиш мумкин).

- Дада? - деди шунда ўғил қаттиқ ҳаяжонга тушиб. - Милтиқми бу?

- Ҳа. Муни ушлаб тур. - Маҳкам фонарни унга берди-да, ўқларни пуфлаб ва бармоқлари орасида тозалаган бўлиб кастомининг ён киссасига солди. Сўнг бирийўла шу киссадан оппоқ рўмолча чиқариб, милтиқни артди. Ниҳоят, уни букиб, ичига пуфлади.

- Қаёқдан пайдо бўлди бу, дада?

- Битта сьёмкадан қолган. Эсдалик, деб берувди бир овчи.

- Даданга сир кўп, - деб қўйди Шахло. Унинг овозида ҳадик йўқ эмас, айни чоғда эрига хушомад ҳам сезилар, совуқни эса унутгандек эди.

Маҳкам эса завқланиб, ўзида “сир”гина эмас, милтиқ ҳам борлигини ўйлаб, ҳаётнинг рамзини кўргандек бўлди: ахир, қанча кишиларда қурол бор ҳозир!

Телевизор икки куннинг бирида кўрсатади...

- Буни милиса кўрса, биласанми, нима қилади дадангни? - деди.

- Қамайди, - деди Шахло.

- Рост. Энди қимирламай ўтиринглар. Хим... - Келгунимча булар совуққотиб, бўлганича бўлади. К чёрту ўша баллон. Ўзиям эски деган ўйлар кўнглидан кечди-ю, милтиқни елкасига илди. Тагин бағажхонага бош суққанди, кўзи баллон устида ётган резина челаққа тушди. Шартта ўшани олиб, четта отди. Кейин ингичка шлангларни олиб итқитди. Бу ишлар сўнгида челаққа ўт бериб:

- Исиниб ўтиринглар, - деди. - Собит, бу ёниб тугаса, шлангларни ёқасан.

- Сиз қаёққа? - қутилмаганда ҳаяжонда сўради хотини. - Пастга тушиб чиқасизми?

Маҳкам бир он серрайиб қолди: дарвоқе, тоғ тагига тушиб, ўша бир қарич искотини топиб чиқиши мумкин эмасми?

- Ҳа, - деди-ю, тепага қаради. - Бу ёқдан айланиб тушаман. Йўл бор.

Маҳкам машина чирокларини ўчириб, фонарни ёқди

ва ёйик арна томон икки қадам босди-ю, милтиққа битта ёлғизўқ жойлаб олди.

У нега этакка тушмаганини ўйламас, (тўғри, хаёлининг бир четида бу “мулоҳаза” омонат шуъладек йилт-йилт этиб турар ва Маҳкам унга нисбатан бир нописандлик туяр), бутун борлиғи эса тепаликка интилар, оёқлари таниш тошларни, қор куртиklarини босаётгандек, ўзи истаган-интилан маконига кетаётгандек эди.

Ана, эшакдай бир харсанг йўлда кўндаланг ётибди. Уни айланиб ўтишининг иложи йўқ; арна қирғоқлари қисиб турибди. Маҳкам фонарни чўнтагига солиб, қояни қучоқ кериб қучди: тортилди, тошнинг муз қотган сиртидан бармоқлари сирғалиб кетди. Йигитнинг аламу ночорликдан кўнгли бузилди. Оёғини шағалга тираб сапчиган бўлди ва...

... ниҳоят, тирноқлари музга қадалди-ю, аста-секин тортила-кўтарилди бошлади, някларини ҳам тошга тираб, кўкрагига чикиб олди. Бу ёқда тиззалари қоя бағрига тиралиб, унга кўмак берарди. У қояга чўккалаб чикиб олганида, бармоқларига қараса қон кўрган бўларди.

Фонарни ёқиб, тагин олға босди ва катта-кичик тошлару тош қотган қор оралаб-тентираб кета бошлади.

Вожаб, тепаликда туман йўқ экан!.. Дарвоқе, туман доим пастликда бўлади-ку!

Сокинлик.

Нафасини ростлаб олиб, атрофга бир муддат анграйганча туриб қолган Маҳкам бошини аста ўгириб, шимол томонга боқди ва чўқкига чиқишига ҳали анча борлигини тусмолади. Шунда болдирининг мушаклари тортилаётганини сезди-ю, бу ҳол ўтқинчи - шаҳардаги ўтроқ ҳаёт оқибати экани, сал юрмасдан “ўтиб кетиши-қўйвориши”ни билгани учун яна олға жидди.

Бу пайтда йигит исиб қолган, кийиб олган исқирт чопонни ечасям бўладиган ҳолда эди.

7

Резина челақ вишиллаб ёнади; олов ҳароратдан кўра тутунни кўпроқ чиқаради: аччиқ-сассиқ-бўғувчан.

Ўқтин-ўқтин адашиб келиб қолган шамолда бу ажаб-товур дуд гулханнинг икки тарафида - бир-бирига юзма-юз ўтирган она-боланинг қай бири томон талпинса, унинг қиёфасида, албатта изини қолдиради.

Иссикдан, ҳарқалай, жони кириб қолган Шаҳло йиғлаяпти: ўзининг хўрлангани, фалон минг доллари бўла туриб ғариблардек бу куйга тушгани, тагин эрининг ўжарлигидан эмас, шифонернинг ичида ҳам салафан ёпқичда турадиган пальтосининг расво бўлгани, оппоқ ёқаларига кўнаётган ёғли доғларни кеткизиш азоби, кеткизганидаям - сифати аслига қайтмаслиги, қолаверса, эрининг қишлоғига етиб боришиганде қай алфозда кўриниши азобидан йиғлаяпти, яъни, кўзидан милт-милт ёш оқаяпти.

Собит ёлғиз қолган онаси ёнида ўзини чин бир эркак-кўриқчи каби ҳис қилар: гоҳо онасига йиғини бас қилишни уқтирар, гоҳо ўрнидан туриб қаранар, сўнг қўлидаги чўп билан оловни тўзғиган бўлар ва тутун онасига ёприлганда, унинг бу ёққа ўтиб ўтиришига ундарди.

- Э, художон, бу нима аҳвол... - бир жойлари зиркираб оғрияпти-ю, сабабини билмайдиган каби инграрди Шаҳло.

- Бўлди қилинг, - жеркиди Собит. - Аҳволимизга реал қаранг, ҳаммаси тушунарли-ку!

- Ман тушунмайман. Ман дадангни тушунмайдиган бўп қолдим, - деди она. - Шунча йилдан буён билмас эканман мунақалигини.

- Қанақалигини?

- Уф, дадангни тенгдошлари аллақачон йўл топиб кетишди. Бировлари алақандай фондлар очвотти, фильм қилвотанлариям кўп...

- Э, манга ёкмийди ўша фильмлар.

- Лекин керак экан-да. Яшаш учун қилиш керак! Давлат қарамай қўйганидан кейин...

- Умуман-ку, сиз ҳақсиз.

- Албатта ҳақман-да! Уст-бошига қара, уч йил бурунги кастюм-шим. Дуруст бир пальтоси йўқ... Бу кишига барибир. Ман уяламан даданг билан юришга!

- Унақа деманг. Бир вақтлар дадам икки қадам нарида юрсалар ғашингиз келарди.

- Э, ҳамма нарса ўтар экан... Аммо шароитта мослашиши керак инсон!

- Ҳой, бу ёққа ўтиб ўтирсангиз-чи?

- Барибир эмасми... Саням қуртканг расво бўлди. Ранги қора-да, билинмайпти. Эртага кўрасан.

Собит илжайди.

- Сумжадаги учта қуртқадан...

- Бас қил.

8

Арчаларнинг сояси тушадиган томонда қор кўп бўлади. Бунинг устига, бу қор музлаб қолгани боис босилган оёқ таққа тушиб кетса, чиққунингча бу оёғинг ботади: бундай жойларда юриш оғир.

Чўққиди бир аждаҳоми, ялмоғиз кампирми бор-у, у домига тортаётгандек интилиб-ҳансираб бораётган Маҳкамнинг оёқлари тиззагача берч қорга ботиб, энди мадори кетиб, чуқур-чуқур нафас оларкан, шундоқ ёнидаги арча тагидан патир-путир қилиб бир қуш нари ёққа чикди-да, чуриллаган овоз таратиб учиб кетди.

- Каклик, каклик-ку, - деб шивирлади Маҳкам. - Ҳа, бор экан. Худога шукр. - Кейин ичида давом этди: “Шунча ўтардим шу йўлдан. Нега бу ерларга чиқмадим-а? Фақат болаликда, тагин пиёда... - У хўрсинди. - Эриларнинг мошинали, бўйинингта ол. Тўғри, Шаҳлоям инжиқлик қилиши мумкин эди. Айтмоқчи, улар ҳозир...”

Хотини билан фарзандининг сассиқ тутунли ўт атрофида юзлари қизариб ўтирганини тасаввур этди-ю, хаёлига таниш кафенинг вайронаси ва бояги юк мошинаси келиб, ҳовлиқиб қолди: ахир, ҳозирги аҳвол маълум-ку?

Иккита ярамас: “Булар нима қилиб ўтиришипти?” деб чикиб келиб қолса...

Маҳкам беихтиёр чироқни ўчириб турган эди. Уни ёқди-ю, тепага интилди. Оёғини қордан чиқара олмагани устига, гавдаси юзтубан кетиб, фонар ушлаган қўлиям қорга ботди, милтиқ тутган қўлиям қорга ботди. У беихтиёр ёнбошига ағанаб, туриб олди. Кейин фонар нурида остидан каклик учган арча бикинида бўритикан бутасини кўриб, у ерда қор юпқалиги, ҳа-ҳа, у томон кунгай эканини эслаб, ўша ёққа қадам босди.

Арчанинг у томонига ўтиб олгач, анча шаҳдам кета бошлади.

Бир маҳал чап тарафида оппоқ тепалик кўринди. Фонарни унга қаратди: тепанинг ён-верида уч-тўртта пакана арчалар бор эди.

Маҳкамнинг юраги бошқача уриб кетди: чўққига чиқдимми?

Фақат чўққиди ўсади-ку бундай пакар арчалар... Шунда тепаликнинг бағрида қора-қора жойлар борлигини ҳам кўрди-ю, демак, бу - шунчаки тепалик эмаслиги, деворлари кирди-чикди тоштепа эканини тахминлади.

Шу пайт гўё мўъжиза рўй берди: тепалик ёнидан сапчиб чиққан бир қордек қуён чироқ нурига тикилганча туриб қолди. Қулоқлари диккайган, ёйрик кўзлари ялтирайди. Бутун вужудида ҳайрату қизиқиш.

Маҳкам милтиқни ёшлигидан кўникма бўлиб кетган тарзда, яъни, ўнг қўлида тутганча кўндоғини қўлтиғида қисиб турарди. Унинг кейинги ҳаракатлари ҳам беихтиёр бўлди: яъни, фонар тутган қўли милтиқ стволига етар-етмас, ўқ бўшатганини сезмай қолди.

... Ана, чўзилибгина ётибди. Маҳкам юраги қинидан чиққудек ургани ҳолда қуёнга энгашиди: оёғидан ушлаб аста кўтара бошлади: оғиргина... оёғи илиққина...

Кўтарилган жониворнинг тумшугидан қон тома бошлади. Маҳкам хўрсиниб, бўшашиб кетди: гўё шу мақсадда бу ерга чикиб келган эди-ю, мақсадига етишгандек эди.

У қуёни осилтириб тураркан, кўнгли остида оҳиста ўйни шундай шарҳлаш мумкин: бу гўшт, семизгина. Боласи, хотинига қабоб қилиб беради.

Лекин қабоб пишириладиган жой - камар-ғорни топиш керак. Ана унда бошқача бўлади...

Ёлғизўқнинг “тарс” этган кескин товушининг акс - садоси қуйидаги жарликдан ҳам қайтган эдики, она-бола этишган, табиий, саснинг тепадан таралгани ҳам аниқ эди.

- Даданг отди. Тепада... - деди Шахло.

- Тепада нима қилади дадам? - қизишиб деди Собит.

Аммо сас ўрқачдан келганига унинг-да гумони йўқ эди. Кейин ўрнидан салпиб туриб, не бир мардлик билан отаси кетган арнага боқди. Уша томонга уч-тўрт қадам босган эди, она:

- Қайт! - деб бақирди.

Собит ота изидан тагин бироз қараб турди-да, қайтиб йўл ўртасига тушди.

- Қизик, тепада нима бор экан у кишига?! - деди жиғи-бийрони чиқиб.

- Дадангдан ҳар нарсани кутиш мумкин, - деди онаси.

- Э, шунақа дейверманг... Нуқул ёмонлайсиз... Нима, ёлғонми? Кўрмаяпман, эшитмаяпман - шундайми? Нега бақрайиб қолдингиз?

- Бас! - деб юборди Шахло. - Таёқ егинг кевотти...

Тилинг узун бўп кетипти. Ман билмай қопман... - Аёл беихтиёр унинг эғнидаги курткага тикилди: “уч минг сўмлик мол бу. Кимнинг боласи қийвотти... Тагин ҳар куни пул бераман. Пиво ичиб келади, ярамас. Ҳўтувчиси бекорга нолимайди бундан. Димогинг шишиб кетипти...” - худди ана шу маънолар бор эди онанинг нигоҳида.

Бироқ бу гаплардан бирини ҳам айтмади: ўглининг сиркаси сув кўтармайди, курткани шартта ечиб, жарликка отиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

Онасига алланималар дейиш учун довиб келаётган Собит бирдан тўхтаб ортига бурилди: пастликдан “гув-гув”-лаб бир товуш келар эдики, оғир юк машинаси ўрлаётганига шак-шубҳа йўқ эди.

- Мошина, - деб шивирлади Собит. - Опа, мошина чиқиб кетвотти.

Аёлни кўзларида қўрқув ялтиради.

- Нега энди, бу томонга йўл йўқ-ку?

- Нима, битта биз адашамизми?

- Бу гапинг тўғри.

- Опа, ҳозир бировларга ишониб бўлмайди.

- Нима демоқчисан?

- Тош думалатаман.

- Вей, эсинг жойидами?

- Жойида... Ана, ана кўринвотти чироғи! - Собит йўл ёқасига бориб қолган эди. - Думалатаман! - Бола энгашган кўйи тик қолди, чунки бало-қазодек бўлиб-бўкириб келаётган мошина тўхтади, яъни, уни ўчди.

Собит оқланган тоштўсикқа кўлларини тираб, қуйига тикилганича тураркан, чироқнинг тислана бошлаганини кўрди ва табассум қилди.

- Манимча, бояги катта тошдан ўтолмади. Йўлда ётувди-ку, опа? Дадам четлаб ўтказганди мошинамизни... Ўтолмади. Қайтди. Ана назад бўп кетвотти.

- Уф, хайрият, - деди она. Сўнг бирдан бобиллади: - Кўрдингми, даданг пастга тушмаган. Тушганда уларни оғохлантирган бўларди. У - тепада...

Собит бўшашиб, гулхан бошига қайтди ва ёниб туғаёзган челақ қолдиғи устига резина ичакни кўйди. Буни кўриб Шахло ачинди албатта.

Аммо бошқа гап айтди:

- Бензин етарлимикан?

- Бор... Етмаса, оберасиз, - онасига ўқрайиб деди Собит.

- Нима, дадам битта ўзи юриптими?

- Бас қиласанми-йўқми? - деди Шахло ва йиғлаб юборди. - Булар мени ўлдиривотти... Шуларни деб, шу рўзгорни деб, аёл бошим билан қай юртларга бориб кевопман.

- Опа, опа, - бирдан юмшаб қолган ўғил онанинг кифтини силаб ялинди.

- Дадаси бўлса - унақа. Қайсарликда туядан ҳам ошиб тушади. “Ҳақиқат, адолат”, дейди... Адолат қолдими? Қўлидан келган бир нарса топиб еяпти. Қўлидан келмаган, ана, магазинлар ёнида тиланчилик қилиб...

- Опа, опажон.

- Йўқол.

- Ҳўп, мана, йўқолдим... Келинг, яхши гаплардан гаплашайлик. Мана бу ерда ҳам туман тарқавотти. Пастда чироқ кўринди. Боя туман девордек эди.

- Уф, қорнинг очмадими?

- Э-ҳе!

Шахло туйқус гапдан қолиб, тепага боққанича қўлок тутди: наздида, яна ўқ отиладигандек эди.

Уни кўриб, бола ҳам тепага боқди. Кейин:

- Нима? - деб сўради.

- Йў, ўзим... Тавба, нима қилиб юрибди экан бу тунда?

- Сўнг ўтга тикилганча ўйланиб, давом этди: - Баъзан айтиб қоларди: “Бир ёқларга бош олиб кетгим келади”, деб.

Бола мунглиниб қолди.

- Наҳот бизни ўйламаса-я, ўйламаса? - бирдан чийиллаб юборди Шахло. Сўнг бирдан пастга тушди. - Ўйламайди... Ўзини ўйлайди. Эгаист.

- Қўйсангиз-чи, - қулимсиради ўғил. - Ўзларини ўйлаб, нима қивоттилар?

- Дадангнинг феълени сан билмайсан. У ҳаммага яхши кўринишни истайди. Ҳалол, покиза бўлиб...

- Опа.

- Нима? - Шахлонинг нигоҳи фавқулодда маъноланиб, давом этди: - Сан дадангни репетиция маҳаллари кўрмагансан. Актёрларга қанақа азоб берарди! Назар-писанд қилмас эди. Ишқилиб, калласидаги идея чиқса бўлди.

- Бу ёмонмас-ку, опа?

- Тўғри, ёмонмас. Лекин даданг, биласанми, бошқа жойлардаям... Боя ўқ товушини эшитмадингми? Тингла.

- Сизга шундай туюлвотти.

10

Тепаликни икки марта айланиб, уни ўша “қорауй”га ўхшатиб-ўхшатмаган Маҳкам атрофдаги паст-паст тепаликларни-да кўздан кечираркан, ҳовур кўтарилиб ётган серкамиш булоқ бўйидан иккита қобонни безовта қилиб, бирига ўқ узишгаям улгуриб, аммо чўчка чийилламаганидан ярадор бўлмаганини тусмоллаб, яна ўша сирли тепага қайтиб келган эди.

Кўлини толдириб юборган қўённи қорга ташлади-ю, кўрдикчи, худди уни отиб йикитган ерида турибди.

Йигит ҳайрон бўлиб: “Тавба, ерга кирдим, осмонга чиқиб кетдимми? Ахир, йўлдан ҳам кўриниб турарди-ку!” дея қайсарлик билан яна аланглаб қарай бошлади. Ва кўзлари тагин тела бағридаги қора тошларга тушиб, дарҳақиқат, бу ўрқачнинг тоштепа эканига зарра гумони қолмай, унинг тағларига тикила кетди.

Бир маҳал фонар нурида тепанинг чий тутилгандек, яъни устида ўсган сангток занглари қуйига шокила бўлиб осилиб турган бағри кўзига қизик кўринди. Фонар ёруғини ундан олмай аста қошига борди ва не бир хаёл билан ток зангларини нари-берига сурганди...

... қаршисида қоронғи макон очилди.

- Шу-ку! - деб юборди-да, беихтиёр милтикни ўқталиб ва хиёл эгилиб, шуёла ортидан ичкарига кирди. Кириши биланоқ фонарға жон битгандек ўнгу сўл, тўру шифтни нури билан ялаб-ёритиб, бу гўшанинг ҳақиқатдан ҳам ўша камарғор эканини ошкор қилди.

Маҳкам фонарни ерга қаратиб, унда-бунда уйилиб ётган палахса тошлар, бурчакларда қалалиб ётган ўтин-чўпни ҳам кўриб олди:

- Уф-ф, - деди. - Ниҳоят... - Кейин бирдан сергақлалиб, камарни тагин кўздан кечирди. - Чудо! - деб шивирлади. - Тавба, наҳотки ҳеч ким... Ҳа. Худога шукур!

Бирон дақиқадан кейин ўзига келди. Фонар нури ёнида ётган қўёнга тутди-ю: “Э, шу ердан чиқдимми боя? - деб ўйлади. - Ҳа, шу ердан чиққанга ўхшайди. Анави ерда отдим-ху... Хе, галварс. Аммо ўқ тегди-я? Кўзламасдан отувдим. Бу - омад. Анавиларнинг ризки...”

11

Бирон ярим соатдан кейин овчи-йўловчиларнинг бу

қадим қўналғасига бири инқиллаб, бири ҳансираб, яна бири ўзича гўлдираб - уч киши кетма-кет кириб келишди; табиий, уларни ХХ асрнинг мўъжизаларидан бири - қўл фонари ўз нури ила бошлаб кирди.

- Қўрқманглар. Илон йўқ. Қишда бўлмайди. Жин ҳам йўқ... Четрокка ўтинг, Шахло. Собит қўлингдагини ерга қўй. Бу ерда ўзимиздан бошқа - бегона йўқ.

- Бу куёвми, дада?

- Куёв.

- Отдийизми?

- Ҳа.

- Бу ўтинлар қатдан пайдо бўлди?

- Яхши одамлар ғамлаб қўйиб кетшган. Сану бизга ўхшаган адашганлар шу ердан бошпана топганда, совқотишмасин, деб йиғиб кетишган.

- Ну, ўшандой одамлар ҳам бўлар экан-де?

- Ҳа... Лекин кўряпсанми шохларнинг пўслари арчилик кетган. Бир нача йил бурун ғамлаб қўйилган бўлсаям ажабмас. Биз ҳам эрталаб шох-шабба йиғиб, ўрнига ўрин қўйиб кетамиз... Нега тикиласан?

- Тушундим.

Форга жон киритган мана шу гап-сўзлар сўнггида, чарсиллаб-чирсиллаб учкун отганча гулхан ёна бошлади: унинг тутуни кўзни ачитмас, боз яна хушбўй эди. Чунки ўтин-чўп арчаларнинг йиғилган шох-бутоқларидан ғамланган, матълумки, арчада эфир мойи мавжуд бўлиб, ёмғир остида ҳам яхши ёнади ва ёқимли ҳид таратади.

Маҳкам гулхандан бир-бир ярим қадам нарида уч ерга тош уйди-да, уларни жипслаштириб, курси ҳолига келтирди. Кейин чопонини ечиб ҳар бирининг устини яхшилаб арди.

- Энди ўтирса бўлади.

Шахло "эшик"дан сал четда пальтосига ўралганча хўмрайиб турарди.

- Раҳмат, - дея бурнини тортиб қўйди. Кейин ёнидан рўмолча олди. - Шу кечани шу ерда ўтказамизми?

- Албатта, - деди Маҳкам унга бошини кўтариб. - Бошқа илож йўқ. Ташқарида энди аёз бўлади. Мошинада, ўзингиз айтганингиздек, шамдек қотардик.

- Бўлди.

- Қолаверса, бу ғор ҳам ғанимат.

- Дада, бу куёвни...

- Ҳозир.

Маҳкам бу ғор-камарга илк бор кириб қолганида, кўрганмиди-фойдаланганмиди - эсида йўқ, аммо бир қаричликдан ёр-дўслари билан қишлоқ шимолидаги тоғ-тошлар, арчазорлар, ғорлар, камарларга кўниб қолганларида, кўрган-билган-фойдаланган эдики, қўналғадаги мана шундай уюм тошлар тагида тўнкариб қўйилган кичкина декча ҳам, қорнини қурум босган қумгон ҳам, лаби учган сопол пиёла ҳам бўлар эди.

Қадимдан қолган урф шу эдики, бировлар йиғнаб кетган ўтин-чўпни ёқиб ҳожатини чиқарган ўткинчи унинг ўрнини тўлдириб қўйиши шарт бўлганидек, қозон-қумгондан фойдалангач, уларни-да (ҳайвонларнинг нафаси тегмасин учун) тош остига кўмиб кетишлари лозим эди.

Маҳкам ҳозир ана ўша идишлардан биттасини топиш ғамида эди.

Мана, япалоқ тошни олиши билан тўнкариб қўйилган қозонча кўринди.

- Вой, дада? Қозон-ку! Опа, кўрвоссизми? Қозон чикди!

- Даданг тиллаям топади ҳали... - деди Шахло, - Ўзимам билардим, нукул тоғдан, мана шунақа ёввойи жойлардан гапирардилар. Айниқса, маст бўлганда!

- Тўғри қилар эканман, - деб қўйди Маҳкам. - Собит, сен анави тошларнинг тагини кўр, болам. - Шундай деди-ю, фонарни олиб камарнинг тўрига кетди.

Камарнинг тўридаги деворидагина эмас, ён томонларидаги ботиқ деворларида ҳам ғовақлар, тупроғи тўкилиб-очилиб қолган қатлар кўп эдики, Маҳкам чироқ нури билан ўшаларни ёритиб, тикилиб ўтаркан, бир ғовақдан муштдек кизғиш тошни топиб ялаб кўрди-да, илжиди: туз.

Ниҳоят, у кастюмни ўнгирида туз, қақшаб-қуриб кетган қалампир, бир ҳовуч қоқ нон олиб, ўт бошига олиб

келди ва бисотни қозонга тўқди.

- Қаранглар! - У чиндан ҳам тилла топгандек эди.

Қўлбола курсида қийшайиб ўтирган Шахло қозонга тикилиб қолди-да, эрига таажуб билан қаради.

- Тағин ўзингиз қўйиб қўйган бўлманг?

- Алжиманг. Фикрингиз... Ҳа, майли. Пичоқ сандами-ди, Собит?

- Ҳа, мана... Шунинг учун пичоқни олволган эканмиз-де? Ҳозир бунинг терисини шилволасизми?

- Ҳа.

Шахло энди эри қулоғидан кўтарган қуёнга ачиниб қаради.

- Муниг гўшти қанақа бўларкан?

- Отнинг гўшtidан ҳам кучли, - деди Маҳкам.

- Шу ерда терилайсизми? Керакмас!.. Менга кўрсатманг, илтимос.

- Тўғри айтасиз... Собит, ўтга чўп ташла. Шахло бу ёғига ўзингиз ҳам қарашаверасиз.

- Дада мана бу болтами?

- О, шуни ўйлаб турувдим!

- Ана! Қумгон ҳам бор экан!

Икки дақиқадан кейин икки ўқни жойлаган милтиқни елкасига олиб, қумгон билан куёвни ҳам олиб олган Маҳкам бошқа қўлидаги фонарни ёқиб, ғордан чиқиб кетди.

Ва ярим соатлар вақт ўтгач, териси шилиниб, кипкизил бўлиб қолган "куёв"ни осилтириб, совуқдан дағ-дағ титраганча кириб келди.

Қумгонни чўққа тикиб қўйди-да, чўнкайиб, қўллари-ни оловга тоблаб бошлади.

Унинг лаблари кўкариб кетган, кўзидан ҳам ёш чиққан, инсоф билан айтганда, унга қараган кишининг раҳми келарди: бечора бўлганича бўпти.

12

Шахло рўмолчасини чиқариб, ўғлига узатди.

- Даланга бер, ёш болага ўхшаб қоптилар... Рўмолчангиз қани?

Маҳкам ўтга тутиб турган кафтларини кўрсатди.

- Йўқ. Қаердадир тушиб қопти... Раҳмат. - Сўнг дуқланиб давом этди: - Чўққа кетмаган экан. Ҳайрият, ўқни тегмовди. Тегса-ю, ўлдирмаса, ёмон қиларди. Ўша пайтда рўмолча қўлимда эди. Ҳали борганимдаям тополмадим...

Эрига ўқрайиб қараб турган хотин:

- Яна ўша булоққа бордингизми? - деб сўрамади, балки дўқ қилди. - Вей, қанақа одамсиз-а... Бир кори-ҳол бўлса, биз қани қилардик? Жуда мард, олифтасиз-а? Биламан, шунақанги приклученияларни соғиниб қолувдингиз.

Маҳкам исиган кафтларини муздек қулоқларига босди.

Шахло кулди.

- Эшитгилари келмайди.

- Бас, - деб шивирларди Маҳкам. Сўнгра ўтга яна бироз тикилганча қўллари тоблади-да, ўрнидан турди: унинг рангига қон югурган, кўзлари равшан тортиб кетган эди. - Собит, болтани ол!

- Сопининг узунлигини қаранг.

- Шунинг чиқиб қолганига ҳам шуқур қилиш керак.

Шахло, биз ташқарида...

- Нима қиласизлар?

- Бу ўтин етмайди. Бундан ташқари, - Маҳкам майин-сирли жилмайди, - тўшагимиз йўқ... Фонарни менга бер. Довдирама. Ҳозир исиб қоламиз.

Бир неча дақиқадан кейин ташқаридан болтанинг "тул-гуп" этиб арчага урилаётгани эшитила бошлади.

Ниҳоят, арча шохининг инграб қулаганини эшитган Шахло юриб камар оғзига борди.

Зим-зиёлик бағрида фонар нури лопиллар, ота-бола бир нималар дейишарди.

Шахлонинг кўнгли бир зумда илиқ бир ғурур-фахр ҳислари билан тўлди: ота-боланинг бундай тунда-совуқда бақамти ишлашлари унинг ҳавасини келтирди.

Аёл дафъатан тахдиридан розидек, турмушидан ноли-

масаям бўладигандек изига қайтиб, горни томоша қила бошлади: кўп жойлари дарз кетган ва аллақандай томирми, ўсимликми осилиб турган шифт - қоп-қора ёғ сургандек ялтирар эдики, бунинг боиси - пастда ёқилган гулханлар тутуни экани ўз-ўзидан аён эди. Ним қоронғу бурчакларда сичқон инидан чиқариб ташлангандек тупроқ уюмлари: бу тупроқнинг тепадан ушалиб тўкилгани ҳам аниқ. Атроф деворларда - коваклар.

Шунда эри - эрининг ижоди гуллаб, фильмларию китоблари чиқаётган чоғлар - тимқора жингалак сочлари ялтираб, қоп-қора кастюмда учрашувга келган пайтлари кўз ўнгида намён бўлди ва кўнгли тўлиб кетди. - Ўтди у замонлар. Бу одамнинг аҳволини кўринг...

Вей, ўшанда қандоқ кучли эди!

Иқтисодда гап кўп эканде... Бечора чўкди-қолди.

Ўйлайди, тентирайди. Йўқ...

Бу ўжар: шунинг учун шаронгта мослашолмаяпти...

Гап шунда. Демак, бу кучсиз одам экан-у, ўшанда билинмаган экан... Ҳей, тақдиринг шу экан-да, Шахло...

Тавба, бу аҳвол қачонгача..."

Собит пишнаб-тўнғиллаб арча шохининг кесилган еридан кўлтиклаб-судраб кириб келди.

- Опа, қочинг.

- Вей, буни нима қиласизлар?

- Керак. Қаерда ётасиз? Нега ўқраясиз?.. Бу ёққа

ўтинг. Шу бурчак сизга яхши.

Шахло кулимсираб тўр томонга ўтди.

- Хўп-хўп.

- Ўт ўчай деб қопти-ку?

- Ҳозир.

13

Қумғон биқирлаб қайнай бошлаганда, кичикроқ тошга ўтириб олган Маҳкам арча бутоғидан пичоқда текислаган сих-чўпларга кўённинг жиг-жигидан ажратилган бўлақларини ўтказмоқда, чўғини уйиб - атрофига қизиган тошларни қўйиб, ўзига яраша кўра ясаган Собит бўжа (нина барглар тигиз ўсган бутоқча) билан чўғни елпир, гулханнинг ўнг тарафига ётқизиб қўйилган каттагина арча шохини босиб-чўкиб, ёнбошлабгина ётган Шахлонинг кўзлари ҳорғин йилтирар, Собитнинг ортидаям, Маҳкамнинг орқасидаям йирик-йирик сербарг арча шохлари кўтарилиб турар, бу икковлон баайни пакана арчалар тагида ўтирганга ўхшар, боягина ҳувиллаб ётган ибтидоий гор покиза тоғ ўсимлигининг ҳидига, одамзоднинг азалий йўлдоши-оловнинг ҳаётбахш тафтига ҳамда одам ҳаёти ила боғлиқ ажиб бир файзга тўлган эди.

- Қумғон қайнаб кетди, - ниҳоят, деди Шахло. - Мошинангизда қора чой олиб юрадиган одатингиз бормиди?

- Ҳа-ҳа, - деди Маҳкам. - Стаканам олиб келиш керак. - Мошинанинг қаровсиз қолгани эсига тушиб, бошини илкис кўтарди. - Ман биратўла тушиб чикай. - "Жаз" ўтказилган тайёр сихларни кўрага қўйиб, тоштузни олди. Уни палахсанинг чуқурчасига қўйиб, бошқа тош билан туйди-да, майдасидан кабобга сепди. - Сан сихларни айлантириб тур. Анави ўтга бир шохча ташла...

Маҳкам бурнини тортиб қўйиб, ёнида милтиқ билан фонарни олди. Кастюмининг олди очилганча ҳалпиллаб ташқарига чиқаркан, Шахло зарда қилди:

- Тулмангизни ўтказиб олсангиз-чи!

Отасининг изидан ўйчан қараган Собит:

- Дадам шамоллаб қолади, - деди. Кейин гижиниб, давом этди: - сумқада шемпер ҳам бор. Биттасини берсангиз-чи, кийиб олсалар. Ишонинг дадам ечиб берадилар. Сиз совға қилиб опкелган бирон нарсангизни олганлари йўқ.

Аёл кўзларини мушукдай юмиб-очди.

- Шунақами?

- Вей, қизиксиз-а.

- Сумкани ол, оч.

Маҳкам ўзларининг изи-қори анча топталиб қолган сўжмоқдан йирик-йирик одим отиб-тойиб, гоҳ инқиллаб-энграб эниб кетаркан, иттифоқо кўнглига таҳлика тушди, наздида, мошинани тунаб кетишгандай эди.

Жойида экан.

Лекин калит буралмади: эшикнинг қулфи музлабди. Маҳкам тешикка куфлай бошлади.

Туман тарқаб кетган, осмон ҳам очилган-аёз, шу боис мошинани бамисоли қиров қоллаган, четдан қаралса, шаклигина унинг "сир"ини ошқор қиларди.

Маҳкам бир-бирига кийдириладиган пласмас стаканни топди. Чой йўқ экан. Ҳолбуки ўзлари тарафда фақат кўк чой ичишлари учун ғамини еб, яъни, фамил чойдан олиб юрарди: демак, эсидан чиққан қоқ нонни емайди барибир. Маҳкам бир-бирига кийдириладиган пласмас стаканни топди. Чой йўқ экан. Ҳолбуки ўзлари тарафда фақат кўк чой ичишлари учун ғамини еб, яъни, фамил чойдан олиб юрарди: демак, эсидан чиққан қоқ нонни емайди барибир.

Аммо қатланганича қотиб қолган битта кулча топдики, уни фақат Шахлога едиришни ўйлаб хурсанд бўлди: ҳа, гордаги говақдан чиққан қоқ нонни емайди барибир.

Маҳкам бошпананага кириб қарсиллаб ёнаётган гулхан қошига борди.

- Мошина жойида турипти. Уҳ-ух. Тагин бир-иккита шох ташла, ўғлим.

- Хўл бўлсаям ёнаверар экан-а, дада?

- Арча шунақа. - Маҳкам сихларни кўтариб, тагида қаради. - Друст... Буни қайнатсак ҳам бўларди, лекин эти юмшаб, ғалати бўлиб қоларди.

- Чой топдингизми?

- Йўқ. - Маҳкам хотинига айбдорона назар билан боқди-да: - Наҳотки бўлмаса... - дея фонарни олиб, атроф деворлардаги қавакларни ёритиб қарай бошлади. Қарай бошлади-ю, бармоғида олгани тупроқни ҳидлаб: - Зира-ку? - деб шивирлади.

Сўнг ҳовучини тўлдириб, ўт бошига қайтди. Қидириниб қараб уни қозонга тўкди-да, декчанинг икки қулоғидан ушлаб-силжитиб шопира бошлади. Ҳалемай сарғиш қум-тупроқ устини оқ доналар қоплади. Маҳкам уни авайлаб кафтига олди-да, роҳатланиб ҳидлади. Сўнг бирдан қўлини чўзиб, Шахлога тутди. - Хидланг.

Шахло бурнини жийирди.

- Қўйинг.

Маҳкам оғриниб қўлини тортиди ва зирани шартта қумғонга ташлади.

- Вей, - деди хотини. - Энди нима бўлади?

- Зирачой бўлади.

- Ҳим, бу қавақда анча ётган бўлса керак?

- Анча вақт... Лекин ман, - дея Маҳкам қўлини фотиҳага оқди, - шуни, шу нарсаларни қолдириб кетган, бизга ўхшаган ношуд кишиларни ғамини еган инсонларни дуо қиламан. Илоҳим, охирати обод бўлсин!

Шахло ҳам беихтиёр фотиҳа ўқиган бўлди-ю, мийиғида қулди.

- Уларни ўлиб бўлган деб ўйлайсизми?

- Ҳа. Бу ерга одам кирмаганига камида ўн йиллар бўлган. Балки ундан ҳам кўпроқдир. Мана, одам изи йўқ. Замоनावий одамнинг изи дарров билинади... Булғайди, топтайди. Кейин ҳеч нарса бўлмагандай, туриб кетади... Мана, биз ҳам арча кесдик...


- Қуён отдик, - деди Собит.

- Ҳа.

- Ҳаёт шу экан-да, - деб шифтга қаради Шахло. - Ҳе, где наши мечти? Всё ерунда... Ҳой, сиз совқотиб кетдингиз-ку! Мана, мана буни кийиб олинг. - У ёнидан ҳаворанг-йилтироқ шемперни олиб узатди.

(Давами келгуси сонда)





ВАТАНДАН КЕТИШ

Достон

*Американинг Чикаго шаҳрида истиқомат қилаётган ватандошларимиз
Ғиёсиддинхожи ота, Муаззамхожи она ва уларнинг фарзандларига бағишланади.*

Муаллиф

I

Коронғида йўл юрар ким,
Борар жим.
Қадамларнинг товушин
Ютар қум.
Ватанини ташлаб кетиб бораётганга
Ватан итларининг ҳам
Юраклари ачишар,
Хурар жим...
Кет, демаган уларни ҳеч ким,
Ҳайдамаган уларни ҳеч ким,
Ҳаки ҳам йўқ бунга бировнинг.
Кет, дегандан баттар қилдилар,
Ҳайдагандан баттар қилдилар,
Ҳаки бордай кўриндилар шундай қилишга...
Боғ-роғлари қолиб борарди,
Тоғ-тошлари қолиб борарди,
Қариндошлар, дўст-ёр, биродар...
Жажжи сингил Муқаддам аса,
“Мен ҳам бирга кетаман”-дея,
Кўрарди йўл тадоригини.

Минг тўққиз юз ўттиз бир,
Сана-милодий,
Ўзига тўқларга ва оқилларга
Кун йўқ паллалар эди.
Уларга тун бор эди лекин,
Кун йўқ бўлса-да.
Тун бағрида порлар эди ой,
Деган каби: “Ҳой!
Ҳолингга вой, энди,
Ҳолларингга вой!..”
Йўлга ўхшар эди кўкда Қаҳқашон,
“Кетишинг керак, ҳой!.. Кетишинг!.. ёмон!..

Шамоллар борар эди,
Ҳаёллар борар эди,
“Қаён кетурмиз,”-деган
Саволлар борар эди.
Боролмасди оқиллар, ўзига тўқлар,
Кетолмасди ватанни ташлаб,
Кетиш керак эди ва лекин, кетиш...
Ҳайдагандан баттар қилдилар.

Хўжа касби қишлоғи Қашқадарёнинг.
Қуръони каримни билиши,
Муолажа қилиши билан,
Яхши-ёмон қунда эл-юртга ҳамдам,
Бирга йиғлаб, бирга қулиши билан
Эҳтиром ва эътибор топган-
Эшонбобо хонадониди
Юракларда қайғу суринар,
Ертўлада инсон уринар.
Ҳовлиларда ўйнар паришон-
Оталари дийдорига зор
Беш-ўн бола,
Беш-ўн қоракўз.
Оталари кўрар уларни
Ертўланинг туйнуқларидан.
Болалари кўролмас,
Болалари билмас-
Отасининг ертўлада пусиб ётганин.
Йўқ, адашдик, болалардан-
Бири, кичиги
Оталарин ертўлада эканлигидан
Хабардор бўлиб,
Талпинарди ўша томонга ҳадеб.
Ҳали тили чиқмаганди ул кичкинанинг,
Ҳали юришни ҳам билмас эди ул,

Тушунтиришни ҳам билмас эди ул,
Талпинарди холос ўша томонга.
Табиийки, қилмасди парво
Ўйнаётган болалар бунга.
...Кун йўқ эди, демак, бу отага ҳам.
...Шамоллар борар эди,
Хаёллар борар эди,
“Нечун кетишим керак?”
Ватандан ҳам кетиб бўларми?
Кетса, қачон келадир қайтиб?
Қайтмоқ учун етарми умр?
Ўлиб бўлмайди-ку, мусофирликда?!...”
Саволлар борар эди
Юрак кўчаларидан...
Осмондаги йўлданми кетсин,
Бу ғамдийда одамлар нетсин?!..
Кет, дегандан баттар қилдилар.

* * *

-Ким бўлди бу попишак кийган,
Ким бўлди бу ковогин уйган?
Уйимизни бунча билмаса,
Хонавайрон қилди-ку, роса!..
-Ака, анов, падарлаънат-
“Асвабадил”
Ўзимизнинг қарол-Нормамат!
-Йўғ-е, адашгандирсан?!
-Ҳа, ўша Нор, гўрсўхта!
Биздан ўғирлаган молларин бериб,
Ёлганиб олган-да “асвабадил”га!
-Қўрқмай, кириб келганин қаранг!
-Танимайди, деб ўйлаган-да!
-Қараб турсам, одатин қилиб,
Орқасини қашиб-қашиб қўймоқда,
Ўша, дедим, ўша! Ўзимизнинг Нор.
-“Асвабадил” кийимин кийиб,
Ўхшаб қопти ҳаромхўрларга!
-Ит қутурса, эгасин қопар!
-Ҳеч қиси йўқ,
“Ал-қасосул, минал-ҳақ!” Ҳозир-
Танимаган киши бўл. Кейин
Ҳисоб-китоб қилиб олармиз бошлаб!
...Ҳайдагандан баттар қилдилар...
Қасос они келгунча етиб,
Ҳеч ким билмас ким бору ким йўқ.
Лекин ҳаром чикмасми тешиб!..
-Банда, эй! Бировнинг ҳақидан кўрк!..
...Ҳозирча бу жим турар,
Томирда қон гулурар.
Ҳозирча у қутуриб,
Тузлуғига тупурар.

* * *

Сувга чикқан келинчак
Сувдай сулув бўларми,
Сувга чикқан келинчак
Сулувлигин ўйларми?
Сув бўйида эрта-кеч
Изғиган айғоқчилар
Сувдай сулув келинни
Ўз ҳолига қўярми!
- Отанг қани?
- Қайнотанг?
- Эринг қайда, айт?!
- Шўро ҳукуматига
Айни асқотгувчи пайт,
Юрар қайда, думин тутқазмай?!..
- Мен қайдан билай,
Ўша кетишганича,
Қайтишгани йўқ.
... Айғоқчилар, кофирлар
Янги замон итлари,

Юрагида ҳасад ва
Ҳирсу нафс битлари.
- Сен биласан, ҳов, келин,
Одамлар айтишмоқда!
Отанг, қайнотанг, эринг
Қамишзорда, овлоқда,
Юр биз билан, топиб бер!
- Бор, тошингни тер!..
... Ертўлага эшитилмайди
Кўчадан бирор товуш.
Қадрдонлар билмайди
Бўзлар келин - бояқиш.
Ота - ғофил, қайнота
Ҳатто эр - ғофил.
Зўрлашади келинни
Қамишзорда уч-тўртта жоҳил.
Ертўлага кўринмас бешак
Олисларда ёнган қамишзор.
Қамишзорда ёнар келинчак
Ва булганган сувдай номус-ор.
... Кет, дегандан баттар қилдилар,
Ҳайдагандан баттар қилдилар.

* * *

Отанг - Аминхўжа эшон қамалган,
Қулоқ қилинган,
Зиндонбанддир оғажон - Фуломиддин,
Қочган Тожикистонга аканг - Ғавсиддин.
Сен - қулоқнинг боласи.
Янги мактабга сени қабул қилмаслар.
Хўжаликда ишлатадилар,
Лек хўжалик мажлисларидан
Қувиб чиқарадилар.
Ёпилганди эски мактаблар тамом.
... Кун йўқ эди ўзига тўқларга, оқилларга,
Тун бор эди холос, тунда -
Порлар эди кўкда Кахкашон.
Йўлчи юлдуз ёнар эди Кахкашон узра:
“Кетишинг керак, бас, кетишинг... ёмон!”
... Ҳайдагандан баттар қилдилар.

2

... Бийдай чўл - шамолларнинг
Увлашидан торайган.
Чор-атрофда тун қушин
Бўзлашлари зўрайган.
Таҳлика ва ҳавотир
Юракларда тўр ёйган.
- Йўлчи, адашмадикми?
- Йўқ, йўқ, тўғри кетяпмиз, Уста.
- Иймонинг комилми, маъқулми шу йўл?
Чикиб қолмайдими бальшавой - бирор?
- Билишимча чикмас ва лекин
Яна Худо билади, Уста.
... Бамисоли ўғри кетишар,
Бамисоли бўри кетишар,
Тўғри кетишар.
Уста гарчанд билмайди йўлни,
Синчковрокдир йўлчидан кўра.
Тўппончадан олмайди қўлни.
Кўзларига ўлимга маҳқум
Маҳбусдай ҳам кўринар йўлчи.
Шубҳа-ғумон юрагин ўяр,
Аксига, тун ковогин уяр...
- Қани, адаш, адашиб кўр-чи!..

* * *

Бир гал “асвабадил”лар
Ёмон изғиб қолдилар,
Кетиб боргучиларнинг
Хидин сезиб қолдилар.
Бормоқ учун яқинлаб,

Юраклари бетламай,
Бугазорга ҳар ёкдан
Ўт қўйдилар пайдар-пай.
Тун қўйнида бугазор
Ёнди узоқ ва сокин:
Юракдаги ярадай
Ёритиб ҳаммаёқни.
Бақиршиб, ўқ отиб,
Лаънатилар тинмади.
Хайвонлар кўринишиди,
Одамлар кўринмади.
Қумни кавлаб, эҳтимол,
Ерга кириб кетдилар.
Дуохонлик қилишиб,
Балки кўздан йитдилар.
Балки кўкка учдилар...
Сирни ҳеч ким айтмади.
Ҳар нечук, Ватан - она,
Фарзандларин асради.

* * *

Жажжи сингил - Муқаддам эса,
Тонг отганда эшитди -
Акаларин йўлга чиққанин
Ва югурди эшита солиб
Ва йиқилди қоқилиб тошга,
Оёғи синди.

3

- Астароқ айт азонни, ҳай,
Ўзимиз эшитсак, бас.
... Файри динлар бўлганида юртда ҳукмрон,
Имоннинг қушандаси бўлганда замон,
Ҳаттоки пичирлаб айтилганида,
Юксак айтилганидан аълодир азон.
- Намозни ҳам яширинча ўқийдиларми?!..
- Ў! Султон Мирҳайдар, Султон Мирҳайдар!
Масжидингда намоз ўқимак
Бизга яна бўларми насиб?!..
- Аллоху акбар! Аллоху акбар!..

4

- Ув-в!..
- Сув керак, йўлчи, сув!
Болалар бор қаторимизда.
... Кўҳна карвон йўли, ахир, бу,
Сардоба ҳар қадамда.
Сардобада муздай сув.
Лекин кетаётганлар
Учун у сувмас, захар!
Сардобада ин қурган
Ғаним - балшавой-занғар!
Алам қилар, бироқ на чора,
Айтарлар-ку: "Банда - бечора!"
- Сув керак, сув-в!
- Ув-в!
Мулла Фатҳуланинг хотини эса,
Йўлини топди:
Бириси уч яшар,
Бири - олти ёш
Болалари оғзига
Тиқиб қўйди қуриган маммаларини.
Сув ичяпман, дея ўйлар болалар,
Сўрар экан ўзларининг сўлақларини.
- Катталар-чи, катталар нетсин,
Осмондаги йўлданми кетсин?!..
- Хўжа Касбидаги сардоба суви,
Сени ичмак яна бизга бўларми насиб?!..

5

- Йўлчи, нега тўхтадинг?
- Уста, ортиқ юролма,

Бирортасига айтинг,
Мингаштирсин мени ҳам.
- Ғиёс, ҳой, туяга чик,
- Муаззам-чи?
- У қолсин!
Йўлчи йўлдан тойди хўп,
Эшакка миниб олсин!
... Муаззам ёшгина киз,
Тўқкиз яшар, эс-хушли,
Тўқкиз яшар бўлса-да,
Тийрақдир кўнгил қуши.
Болалиқдан қадрдон,
Отасининг жияни -
Ғиёсга бешиккерт
Қилиб қўйишган уни.
Йўлчи унга "белимдан
Ушлаб ол маҳкам", - деди. -
"Йиқилиб-нетма, тагин!"
Эшакни "чух-чух"лади.
Ҳар ёнда иложсизлик,
Тун хўмраяр мисли чоҳ.
Кутмаганда, ўзини
Қиз орқага ташлар, оҳ!
- Шундоқми! Қиз бўлмай ўл,
Бемаврид ноз қилмай ўл!
Қолсанг, қол, етагимда -
Шундоқ ҳам одамим мўл!
Ўзингдан кўр, менга не,
Бўриларга озиқ бўл!
... Муаззам қиз ҳолатин
Шарҳлаш учун йўқ таъбир.
Номаҳрам белин тутмоқ,
Аён, гуноҳи кабир.
Майлига тун, чўлда қум -
Оша кетиб борарлар,
Чанлар ютиб борарлар.
Иффат, номус маъносин
Эҳтимол, яхши билмас.
Номаҳрамнинг белидан
Бари бир тутиб бўлмас.

* * *

Оёқлари синган Муқаддам -
Сингилчаси Ғиёсиддиннинг,
Қалбида оҳ, кўзларида нам,
Қони силқиб жароҳатининг,
Борар эди судралиб, куйиб,
Ажаси кетган йўлдан.
У бир соғинч, бир армон эди,
У бир меҳр, бир дармон эди.
Жигаридан айрилган жигар,
Бир забон ва битта қон эди.
Борар эди ватанда қолиб,
Борар эди ватандай қолиб...

6

- Инга! Инга!.. А..
- А?.. Нима?!.. Бу қанақаси!
Чегарада-я,
Йиғлаётган кимнинг боласи,
Ўчиринг товшин!
Пайқаб қолишса борми,
Кетар ҳамманинг боши!..
... Чегара бу, қиличдай кескир,
Зарра қалтис ҳаракат
Келтиради ҳалокат.
- Инга! Инга!.. А..
... Ватандан кетишни истамаётган -
Авлодми йиғлаётган?
Бошқалар учун ҳам йиғлаётми?
Йиғлаётган ватанмидир у?
... Ҳамма паришон, қотган.

- Биз, боланинг ота-онаси,
 Ҳарчанд қилдик, юпатолмадик,
 Қарорга келдик,
 Шунча киши қўлга тушиб, ҳалок бўлгандан,
 Ҳар таврики лозим кўрсангиз,
 Шу авлоддан кечдик, биз рози,
 Ўлдирилишига ҳам...
 (Ё Раббий!)

... Чегара бу, қиличдай қонхўр.
 Авлодни ўлдириб кетиб бўлмайди,
 Қурбонликлар шундоқ ҳам талай,
 Чегарадан ўтиб бўлмайди
 Бола тинчланмагунча.

- Бугун кўкнор топилар қимда?

- Бизда?

- Қани, бер!

- Йўлчи, хаёлингга келган у нима?

Нима қилмоқчисан болани, ахир?!..

- Кўкнор тикмоқчиман оғзига. Тинчир.

... Чегара бу тақдир!..

Чегарами хор бунда,

Одамларми хор?


... Дардларини ютиб кетдилар,

Оғзига сўргичдай кўкнор тикилган,

Кўкариб, шишган -

Чақалоқни кўтаришиб ўтиб кетдилар.

Ноябр-декабр, 1994 йил.



ШУКУР ҚУРБОН Олимжон ўгли адабиётимизга етмишинчи йилларда кириб келган авлод вакилларида бири. Шоир ўзига Озод Шарафутдин, Абдулла Ориф, Рауф Парфини устоз деб билади.

Бобоси ҳожи Ғиёсиддинхон эшон Қўқон хонлигида мирзолик қилган. Хонга қаттиқ сўз айтгани учун Авлиё ота шахрига сургун этилган. Шоир Балиқчида униб-ўсган.

Ш. Қурбоннинг “Оққув кўли”, “Нафас” “Бир қалб манзараси”, “Сизни худо етказди” сингари саккиз шеърини мажмуаси чоп этилган. Шу билан бирга замонавий ва тарихий мавзуларда муваффақиятли чиққан бир неча дostonлари бор.

Айни пайтда Ўзбекистон радиосининг катта муҳаррири бўлиб хизмат қилади.

БИЗНИ ТАНИЁТГАН ДУНЁ

Профессор Аннемарие ШИММЕЛ,
 Германия



Германия ва Ўзбекистон адабий алоқаларига доир

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Берлин университетининг Шарқшунослик факультети талабаси эдим. Ушанда туркшуносликка қизиқишим туфайли бир семестр ўзбек тилидан таҳсил олганман. 1993 йил 92 ёшида вафот этган Аннемария фон Габаин хоним бизга сабоқ берган, айни уруш тугаши арафасида - 1945 йили унинг “Ўзбек тили грамматикаси” китоби ёруғлик юзини кўрди. Кейинроқ қайта чоп этилган бу китоб олмон илмий изланишларида туркий тиллар моҳиятини яққол кўрсатиб берди.

Урушдан бир мунча илгари - 1933 йили Карл-Хайнрих Менгес “Исло” журналида “Учта ўзбекча матн” мақоласини эълон қилган, Карл Брокелманн “Девони луғотит турк” асосида тузилган “Қашқар луғати”ни таҳлил этиб чиққан, шунингдек, асосий соҳаси “араб адабиёти ва семит филологияси” бўлса-да, кексайиб қолган чоғида 1954 йили “Ўрта Осиёдаги исломий-адабий тилларнинг шарқий турк грамматикаси” китобини чоп эттирганди. Туркшуносликка қизиққанлар учун “севимли Марьям опа”га айланган Аннемария фон Габаиннинг ихлосмандлари орасида марказий ва шарқий турк тиллари ҳамда ўрта асрларда Орол денгизидан бошлаб жанубий шарқ томонга чўзилиб кетган кенг бир минтақадаги мулоқот тили бўлмиш хоразмчанинг филологик таҳлилига ҳаётини бағишлаган Йоҳаннес Бензинг ҳам бор эди.

Ўзбекчани бир оз ўрганиб олгач, дугонамга бир неча алла кўшиқлари ёзиб бердим. Февраль ойига бағишланган бир кўшиқда шундай дейилади:

Олисларда, узоқда,
 Юлдуз чакнаган ёқда,
 Турк юртида бемонанд
 Қад ростламиш Самарқанд.

Оптоқ-оптоқ хонатлас,
 Олтин кийим-банорас.
 Тўп-тўп бўлиб, рангоранг
 Келади Самарқанддан.

*Марвариду фируза,
Ўрмон, дала меваси
Ширин-ширин шакарқанд
Келар жойи Самарқанд.*

*Сарой, маҷит, маконлар,
Сеҳргар, парихонлар,
Дилни ширинг этмиши банд,
Орзуимсан Самарқанд.*

Шеърдан унча кўнглим тўлмади, бунга сабаб-Самарқанд-шакарқанд тарзида қофияланган шеърлар форс мумтоз адабиётида жуда кўп учрайди. Қолаверса, Самарқанд немис адабиётида аллақачон Ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бўлганди. Амир Темур 1369 йили давлат пойтахтига айлантирган Самарқанд Шарқнинг оврапалликларга яхши таниш шаҳарларидан бирига айланиб қолган, чунки Руи Гонзалес де Клавихонинг “Улуғ Темур тарихи” чоп этилиши биланоқ оврапалликлар бу шаҳарга ғойибона ошиқ бўлиб қолишган. Гўри Амир макбараси ва теурийлар даврида бунёд этилган бошқа обидалар суратлари исломий санъат ҳақидаги барча асарларда Бухородаги Исмомил Сомоний макбарасининг сурати каби узлуксиз ёритилади. Й.Смолик 1929 йили “Самарқанддаги теурийлар даври меъморчилик ёдгорликлари” асарини эълон қилган бўлса, ундан бир йил кейин Эрнст Кон-Вийнер Ўзбекистондаги мумтоз меъморчилик обидаларининг улғуворлиги тўғрисида тўлиқ тасаввур берувчи улкан репродукциялар тўпламини ниҳоясига етказди. Гёте ҳам асарларида етишмоқ кийин бўлган бу шаҳарлар Самарқанду Бухоранинг таъриф-тавсиф этиб, ўқувчиларини ширин хаёллар суришга мажбур этган. Шоир ўзининг “Мағрибу Машрик девони”да севгилиси Зулайҳога шундай мурожаат қилади:

*Сенга хизмат қилсин Темур давлати
Кўшини амринга бўлсин мунтазир.
Бадахшон баҳи этсин ёқутларини,
Фирузалар берсин Гиркан¹ денгизи.
Серкўёш Бухоро мева жўнатсин,
Хўл, қуруқ, таъмлари мисли асалқанд.
Ва минглаб муҳаббат байтларин айтсин,
Атлас қозоғларга ёзиб Самарқанд...*

Самарқанд қоғози машхурлигидан ҳамда Қашмир ҳукмдори Султон Зайнул Обиддин Бодшоҳ қоғоз ишлаб чиқариш санъатини ўрганиш учун ўз одамларини хуфёна тарзда Самарқанд ва Бухорога жўнатганиддан наҳотки Гёте ўша пайтларда огоҳ бўлган?! Гёте Зулайҳога мурожаат этишда давом қилади:

*Хетте иҳ иргенд воол беденкен
Балх, Бухара, Самарқанд
Зюсес лиибхен, дир цу шенкен,
Дийзер итетте рауш унд танд?...*

Ушбу мисраларни битишда шоир, Ҳофиздан илҳом олган деб ўйлайман:

*Агар кўнглимни шод этса ўшал шерози жанони
Қаро холига баҳи этгум Самарқанду Бухорони.
Зеро, Йозеф фон Хаммер Ҳофиз ғазалларини 1812-*

1813 йилларда таржима қилиб, девонини нашр эттирган.

Бир ривоятда айтилишича, буюк Амир Темур Широзда Ҳофиз билан учрашган ва бу шаҳар кейинчалик теурийлар давлатининг пойтахтларидан бирига айланиши лозим бўлган экан. Бу ривоятда жон борга ўхшайди, чунки Темур авлодидан бўлмиш Бозонгул Мирзо Ҳиротда ҳуснихатни қандай ўрганган бўлса, унинг укаси Иброҳим Мирзо Широзда ҳуснихатдан шундай сабоқ олган. Клавихонинг асарида тасвирланган Амир Темур сиймоси оврапалликларнинг хаёлий дунёсига қанот бахш этди. Ундан илҳомланган англиялик Кристофер Марлове “Темур” драмасини яратди ва инглиз драматургиясини янги бир босқичга кўтарди. Ибн Арабшоҳнинг Вильям Жонес томонидан лотин тилига ўгирилган асарлари туфайли Амир Темурнинг қишки муҳорабаси билан танишиб чиққан Гёте ўзининг “Мағрибу Машрик девони”да бу юришни Наполеоннинг Москвага қилган юриши билан

¹ Гиркан - Каспий денгизи

таққослаб мисралар битди. Самарқанд ҳам аста-секин ўта идеаллашиб, “Минг бир кеча”даги Бағдод сингари афсонавий бир шаҳар тарзида қабул қилина бошланди.

Амир Темур ва Самарқанд; бу тарихий шахс ва тарихий шаҳар ҳақида тасаввурга эга бўлган кишилар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг катта бир қисмини ўз ичига олган Ўрта Осиё минтақаси исломий маданият тарихида қанчалар муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини идрок эта оладилар. Бу минтақа 712 йилдан бошлаб мусулмонлар ҳукмронлиги остига ўтган, бир аср кейин, яъни 819 йилда Бағдоддаги аббосийлар халифалигига тобе бўлган Озод ибн Сомон ўғиллари бу ердаги ҳокимият тепасига келишди. Бу ҳудуднинг турли хил бахсларга сабаб бўладиган чигал тарихини икир-чикирларига чигал билмайдиган кишилар ҳам Бухоро деганда 870 йили вафот этган Имом ал-Бухорийни ёдга олади. Бу зот яратган “Саҳиҳ ал-Бухорий”, яъни Пайгамбар алайҳиссаломнинг энг ишончли манбаларига асосланиб тўпланган ҳадислари Ислом дунёсида Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган китобдир.

Ҳинд-Покистон тарихидан озгина бўлса-да, хабардор бўлган кишилар Бухоро саййидлари ўн иккинчи асрдан бери Ҳиндистондаги Исломнинг илмий ва диний анъаналари ривожига қанчалар муҳим аҳамият касб этганлигини, ҳозирги кунда ҳам Покистон юритаётган сиёсатда муайян ўрин тутишини яхши биладилар.

Форс адабиёти тарихи билан шуғулланган кишилар Рудакийнинг Ҳиротда узоқ вақт ушланиб қолган ҳукмдор Назрни Бухорога қайтишга қорлаб битган машхур ғазалидан хабардордир. Унда шундай дейилади:

“Бўйи жуёи Мулийан айаҳ ҳами”

яъни:

Мулийан дарёси бўйлари тўхтовсиз урилар димоқларимга.

Ҳукмдор ғазалини ўқиган заҳоти Бухорога сафарга отланган, чунки Ватанининг, Мулийан дарёсининг хушбўйлари димоғига келиб урилгандай бўлиб, қалбини тўлқинлантириб юборган, дейишади. Рудакийнинг бу ғазали форс шоирларининг келгуси авлоди учун ажойиб бир тимсолга, тақлид манбаига айланган. Шунга ўхшаш ғазалларни турли девонларда, яъни ўн учинчи асрда яшаб ўтган мавлоно Румийдан тортиб, ўн тўққизинчи асрда яшаб ижод қилган Мирзо Ғолиб девонларида ҳам учратиш мумкин.

Ўрта Осиё узоқ вақтлар давомида маърифат ва маданият маркази бўлиб келди. Шарқшунослар илоҳиёт фани олимлари Ал-Матуридий, ал-Марғиноний ва айниқса, Абу Лаис ас-Самарқандий ва бошқаларни яхши билишади. Ас-Самарқандийнинг асарлари, айниқса, унинг “Муқаддимат ас-салот”и олимларни турли исломий тилларда қатор қўлланмалар яратишга илҳомлантирган.

Ислом фалсафаси ривожига ҳаддан ташқари улкан ҳисса қўшган ва шу сабабли “ал-муаллим ас-соний”, яъни Арастудан кейин иккинчи муаллим номини олган фороблик ал-Форобийнинг ҳам ажлодлари шажараси туркий уруғларга бориб тақалади. Унинг Арасту (Аристотель) асарларига ёзган шарҳлари Берлин академияси томонидан чоп этилган. Ф.Дийтериси 1890-1891 йиллардаёқ Форобийнинг фалсафий асарларини, хусусан сиёсий фалсафага оид “Ал-мадина ас-фазила”сини изчил ўрганиб чиққан. Сирдарё ҳудудида таваллуд топган Форобий умрининг асосий қисмини Ҳамадонийлар саройида ўтказган, ул чолғу асбобининг кашфиётчиси сифатида донг таратган ва бу ҳол немис адабиётида, айниқса, шеърятда ўзининг теран ифодасини топган. Фрийдих Рюкерт “Яқин Шарқ мамлакатларининг ҳикоя ва ривоятлари” китобида унга “Фороблик ал-Форобий Туркистоннинг чегараларида...” - дея бошланадиган ажойиб бир шеър бағишлаган.

Бу шеърда у Форобийни бир куй билан кишиларни кулишга, иккинчи бир куй билан йиғлатишга ҳамда учинчи куй билан ухлатиб қўйишга қодир зот сифатида тасвирлайди:

*Донишманд бир файласуф
Кишиларни тушунар тугал.
Кулиш, йиғлаш ва ухлатишга
Қодир бир зот, шу эмасмикан
Бир кишига берилган амал.*

Унинг асрнинг кўплаб донишмандлари араб, форс ва турк фани, адабиёти ва матнавий қадриятлари бири-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолида ҳосилга кирган Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон) ҳудудида таваллуд топганлар. Бунга мисол қилиб математика фанига исми "алгоритм" бўлиб сингиб кетган ал-Хоразмийни ҳамда Фарғонада туғилган, асарлари Йоханнес фон Севилла ва Герхард фон Кремоналар томонидан таржима қилиниб, бутун Оврупода шухрат топган, Фарбда "Алфраганус" номи билан машҳур Ал-Фарғонийларни ҳам келтириш мумкин.

Бухоро асарлари дини Ислолдаги суннийлик мазҳабининг тарихий йўлини белгилаб берган Исмоил ал-Бухорийнинг туғилган юрти бўлиш билан бир қаторда Мағрибда "Ависена" номи билан машҳур Абу Али Ибн Синонинг ҳам она ватанидир. Ал-Бухорий биринчи навбатда исломшунос олимлар доирасида машҳур бўлса, Ибн Сино барча маърифатли кишиларга танишдир. Унинг "Китоб аш-шифо"си ҳамда "Қонун фит-тиб", яъни "Тиббиёт қонуллари" китоби бир неча юз йиллар давомида Фарб тиббиётини бойитиб келди, унинг таълимоти Уйғониш даврининг бошларигача оммавий равишда амалда қўлланилди.

Абу Али Ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди борасида тадқиқот ўтказган немис олимлари аввалом бор тиббий фанлар соҳасида муҳим илмий ишлар қилишди. Ўрта асрлар исломий тиббий фанлари мутахассиси, эрлангиялик Айлҳард Вийдемани "Кўриш жараёни борасида Ибн Сино қарашлари" номи асар яратган. Й. Липперт эса кўз касалликларини даволаш жараёнига мурожаат қилган, чунки худди шу соҳада Ўрта асрлардаги мусулмон табиблар жуда илгор бўлишган. Макс Хортен эса Ибн Синонинг камалак хусусидаги қарашлари билан шугулланиб қолмай, балки швейцариялик олим Х. Сутер сингари алломанинг метафизикаси устида ҳам иш олиб борган. Ибн Сино асарлари Генри Корбин исботлаб берганидек, тўлиқ равишда суфизм ғоялари билан йўғрилган бўлса-да, олимнинг ўзи суфизм шеърлятида ва янги даврлар адабиётида ғалати равишда "қофир" деб талқин этилади. Эҳтимол бунга унинг кўпгина номдор суфийларни хушқўрмаслиги сабаб бўлгандир. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан қатор улкан суфийлардан бири Калабодий бўлиб, унинг "Китоб ат тасаввуф"и суфизмнинг илк тарихини ёритиб берган муҳим асарлардандир. Бу асар А.И.Арберри томонидан немис тилига ўгирилиб, чоп этилган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини ўтмишда турли диний ва маданий оқимлар қўшилиб, бир-бирига омухта ҳолда қайнаб-тошган катта дошқозонга ўхшатгим келади. Бу ердаги суфийлар, албатта, Марказий Осиёдан ва авваламбор Будда оламиндан ҳам таъсир олганлар, шу сабабдан бу ерда вужудга келган диний оқимлар қўшни мамлакатларга ҳам кенг тарқалган. Ҳинд-Покистон ҳудудларида эъзоз топган суфийларнинг тағ-томири Марказий Осиёга келиб тақалиши шундан далолат беради. Юқориди айтиб ўтилган Бухоро саййидларигина эмас, 1325 йилда Дехл шаҳрида вафот этган Қутбиддин Бахтёр Кокийнинг асли Ўшлик бўлганини, худди ўша йили ўша шаҳарда ҳаётдан кўз юмган Низомиддин Авлиёнинг буваси бухоролик эканлигини таъкидласак, фикрларимиз ўз исботини топади деб ўйлайман. Кейинги пайтларда Нақшбандия тариқатининг кўпгина мамлакатларда кенг тарқалиб кетганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Устози Ҳамадонийдан Марказий Осиё суфийларининг анъаналарини ўзига синдириб олган Баҳовуддин Нақшбанд биринчи навбатда Бухоро ҳудудига улкан таъсир кўрсатган тийрак ва зукко суфий йўлбошчига айланган. Нақшбандия тариқати кейинчалик Бухоронинг шимолий шарқ томони бўйлаб оламга кенг ёйилди. Ҳозирги кунда Бухорода Баҳовуддин Нақшбанд макбараси мағрур қад ростлаб турибди. Шимолий-шарқ томони ёйилиб кетган суфийлар ўн олтинчи аср охирида Ҳиндистонда Акбаршоҳнинг синкретизмга қарши курашиб, Шимолий Ҳиндистонда муҳим сиёсий роль ўйнаган. Чингизхон босқини вақтида Марказий Осиёдан салжукийлар ҳукмронлик қилган Туркияга қочиб ўтган Нақшбандия тариқати суфийлари у ерда ҳам муҳим нуфузга эга бўлдилар. Нақшбандия тариқати тарихини барча иқир-чикирларигача аниқ билмасалар-да, аммо Германияда ҳам анча-мунча нақшбан-

дийчилар борлиги кўпчиликка қизиқ туюлса керак. Нақшбандия тарихи ва, айниқса, унинг Марказий Осиёдаги сиёсий ролли хусусида немис тилида қатор мақолалар чоп этилган. Айниқса, Базеллик олим Фритц Майернинг шу ҳақдаги мақоласи алоҳида эътиборга лойиқдир. Швейцариялик немисзабон бу олим мавлоно Жалолиддин Румийнинг падари бузруквори Баҳон Валад тўғрисида кашшофларча ажойиб бир илмий асарнинг муаллифидир. Бу асарда айтилишича, 1231 йилда Кунё шаҳрида дорул бақога рихлат қилган Баҳон Валад ёшлигида ҳозирги Тожикистоннинг Вахш вилоятида яшаган, 1210 йилдан кейин оиласи билан Мароқандга (Самарқандга) кўчиб ўтган. Мавлоно Румийнинг ўзлари "Фиҳи ма фиҳи" асарига Хоразмшоҳнинг Самарқандни қамал қилиб, у ердан Қорахонийлар ҳукмдорини қувиб чиқарганининг гувоҳи бўлганлигини ёзадилар.

Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган суфий раҳнаомаларининг учинчиси Нажмиддин Кубродир. Фритц Майер бу зотнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб қучур маъноли илмий иш ёзган. Нажмиддин Кубро Урганч шаҳрида яшаб, 1221 йили муғуллар истилоси даврида шаҳид бўлган. Бу зот ўзининг "Фавоий ал-жамоал ва фавоит ал-жалол" асарига суфийлар ўз руҳий дунёсининг энг юқори доирасига кўтарилганида кўзларига кўринадиган рангдор нурлар жироси хусусида баҳс юритади. Шундай қилиб, Швейцариялик олим Фритц Майернинг кашшофларча яратган шу учала илмий иши шарофати билан тағ-томири Ўрта Осиёлик бўлган суфий раҳнаомаларнинг ҳаёт ва фаолиятлари немисзабон мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур бўлди.

Яна бир бор ўтмишга қайтайлик. Нажмиддин Кубро яшаб ўтган ҳудудда, яъни Хивада ўрта асрлардаги Исломотаълимотининг яна бир олими яшаб ижод қилганки, унинг яратган асарлари тубсиз уммон каби битмас-туганмасдир. Ўз вақтида ёш Абу Али Ибн Сино билан хат ёзишиб турган бу зот Абу Райҳон ал-Бирунийдир. У газнавийлар саройида хизмат қилган ва Фазна ҳукмдори Султон Маҳмудга Ҳиндистонга қилинган юришларда бир неча бор ҳамроҳ бўлган. Исломотаълимотининг ҳеч бир олими 1048 йили вафот этган Ал-Бирунийчалик бой илмий мерос қолдирмаган. Немис тадқиқотчилари кўп вақтлар давомида бу илмий меросни ўрганиб чиқишга ҳаракат қилишган. Эдуард Захау биринчилардан бўлиб олимнинг "Асар ал бокий", яъни "Шарқ халқлари хронологияси" асарини таржима қилиб, чоп эттирди. Бу китоб ҳозирги кунда ҳам тарихчилар учун бебаҳо асардир. Бундан ташқари Захау Бирунийнинг "Китоб фил ҳинд" асарини ҳам инглиз тилига ўгириб, босмадан чиқарган. Бу асарни ҳеч бир муболағасиз нотаниш маданият, дин ҳамда фалсафанинг ҳаққоний тасвири деб баҳолаш мумкин, чунки бу асардаги ҳиндларнинг ҳаётий нуқтаи назарлари таҳлили ҳозирги кунларда ҳам ўзининг амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бирунийнинг бу икки улкан асари уни шарқшуносларнинг тор илмий доирасидан олиб чиқиб, кенг афкор омма орасида ҳам танитди. Бу буюк хоразмликнинг бошқа ишлари тўғрисида ҳам анча-мунча илмий асарлар яратилган. Макс Майерхоф 1932 йилда Бирунийнинг "Хабдори тайёрлаш таълимотига кириш" асарини таржима қилиб, чоп эттирган бўлса, Й. Франке исми олим "Бирунийнинг астролябия тўғрисидаги асари" деган кенг қамровли мақола ёзган. Юқориди номи тилга олинган Айлҳард Вийдемани Бирунийнинг "Махсус оғриқликни аниқлаш хусусида" деган асарини таҳлил қилиб, мақолалар битган. Бу мақолалар Эрлангендаги "Физикавий медицина жамияти мажлислари хабарномалари"да босилиб чиққан. Бу хабарномаларда швейцариялик олим Х.Сутер ҳам Бируний тўғрисидаги мақолаларини эълон қилган. Шарқшунос олим Паул Каленинг қизиқиши шарофатидан Бонн университети узоқ вақтлар давомида бирунийшунослик маркази сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда Бируний тўғрисида бир қанча илмий ишлар амалга оширилди, бир қанча олимлар эса бирунийшунослик бўйича илмий ишлар қилишга рағбатлантирилди.

1974 йил январда Нью Йорк университетда бўлиб ўтган Бируний-Румий конгрессида Ханс Роберт Рёмер Оврупода ва, айниқса, Германияда Бирунийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ишлари қандай бораётганлиги тўғрисида тўлиқ ва қимматли маълумотларга бой маъруза қилди.

Эрон-Турк худуди мутахассисларидан бири сифатида у салгина илгари "Темур ва унинг меросхўрлари тарихи тўғрисида янги маълумотлар" деган бир илмий мақола ёзган эди. Вилли Хартнер ва Маттиаз Шраммлар улкан табиатшунос тўғрисидаги билимларимизни ўзларининг янги топилмалари билан бойитдилар. 1925 йилда Шоу исмли олим Бируний астрономияси тўғрисида бир мақола чоп эттирган бўлса, Бонн университетининг домласи Паул Каленинг саъй-ҳаракатлари билан Германияда яшаб, ижод қилаётган турк ва араб олимлари ҳам Бирунийнинг кенг қамровли асарлари ҳамда уларнинг баъзи бир ўзига хос томонларига қизиқиб қолишди. Суриялик М. Яхё Хошимий "Ал-Бирунийнинг тошлар тўғрисидаги китоби" деган илмий ишини ёқлаб, олимлар қаторига қўшишди (талабалик йилларимда мен бу диссертацияни оққа кўчириб берганман, бу хоразмлик буюк олимнинг ишлари билан биринчи танишувим эди.)

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Жулиус Руска Бируний асарларидаги табиатшунослик муаммолари билан шугулланган бўлса, Хелмут Риттер ўзининг "Патаняли йога-сутралари Бируний таржимасида" деган асар ёзиб Бирунийшуносликда янги бир соҳа очиб берди.

Жаҳонни лол қолдирадиган улкан ҳамда чўнг асарлар яратиб қўйганига қарамастан Абу Райҳон ал-Бирунийнинг номи сўзимизнинг бошида таъкидлаб ўтганимиздек, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг номлиқ маълум ва машҳур эмас. Унинг кўп қиррали шахсияти тадқиқотчилар ва ўқувчиларни мафтун этиб келаётгани Тильман Нагелнинг буюк саркарда тўғрисидаги 1993 йили босмадан чиққан китобида яққол намоён бўлади. Муаллиф Амир Темурни Ўрта Осиёнинг умумий тарихига боғлиқ ҳолда тасвирлаган. Асарни ўқиган киши Амир Темур замонда Ўрта Осиёда ҳукм сурган руҳий оқимларнинг тўлқинларини ҳис этгандай бўлади. Маълумки, Амир Темур номдор саркарда бўлибгина қолмай, жуда санъатсевар, ўз давлатининг янги пойтахти бўлиши Самарқандни безаш учун забт этилган мамлакатлардан барча олимлар, санъаткорлар ва қўли гул усталарни йиғиб келиб, уларга раҳнамолик қилган, ишлаш ва ижод қилиш учун яхши шароитлар яратиб берган назаркарда бир зот бўлган.

Амир Темурнинг сеvimли невараси Улуғбек ҳукм сурган давр ҳам оvrуполок ҳамда рус олимларини ўзига жалб этган. Бу ҳукмдорнинг расадхонасига бағишлаб анча-мунча илмий ишлар яратилган. Бартольднинг "Улуғбек ва унинг даври" китоби ва "Хусайн Бойқаро даврида Хирот" деган мақоласи ўттизинчи йиллардаёқ Валтер Хинц томонидан немис тилига ўгирилган. Бу асарларни ўқиган кишида Ўрта Осиёдаги маданиятнинг энг юқори чўккига чиқиб, гуллаб-яшнаган даври ҳақида тиниқ таассурот ҳосил бўлади. Шу аснода Амир Темур ва унинг авлодлари хуснихатга алоҳида эътибор берганликларини ҳам унутмаслик лозим. Биринчи навбатда Хиротдаги Темурийлар саройида хуснихат санъати ва ўзбек (чигатой) адабиёти гуллаб яшнаганини, чунки Султон Хусайн Бойқаро ва унинг дўсти ҳамда маслаҳатгўйи Мир Алишер Навоий шу санъат билан шугулланганликларини айтиб ўтишимиз жоиз. Шу ерда биз Фарғонадан чиққан ёш темурий шахзода, кейинчалик Ҳиндистонда "муғуллар династиясига" асос солган (1526-1857) ва саройида узок вақтлар давомида чигатой-турк тили амалдаги тил бўлган Бобур номига дуч келамиз. Маълумки, Бобурнинг ўзи туркийда ажойиб ғазаллар битган дилбар шоир бўлган. У амакиси Маҳмудхон ибн Юнусхон ҳукмронлик қилган Тошкентга келгани, бу худуд ва амакисининг адабиётга бўлган қизиқ ишлари тўғрисида ўзининг "Бобирнома" асарига маълумотлар берган. 1960 йили мен Ҳиндистонда нашр этиладиган "Ислом маданияти" ойнамасида Бобур ва унинг оила аъзоларидаги шонорна қобилият тўғрисида бир мақола эълон қилганман. Ҳиндистоннинг кейинги тарихида саройдаги "турон" ва "эрон" гуруҳлари орасидаги зиддиятлар сиёсий тараққиёт учун ҳал қилувчи роль ўйнаган. 1506 йили Хиротда Темурийлар сулоласининг ҳукмронлиги инқирозга учрагач, Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбеклар дунё тарихи саҳнасига чиқдилар. Тарихчиларнинг хабар беришича, Хирот тахтига ўтирган Шайбонийхон ҳам хуснихат ва ғазалнависликда устаси фаранг бўлган. Тез орада Хирот форслар қўлига ўтгани учун Шайбонийхон Бухоро шахрини ўз давлатининг

пойтахтига айлантирган. Хирот саройидаги етук хуснихат устаси Мир Али ал-Котиб ҳам 1529 йилда Бухорога олиб кетилган. Унинг ёзуви шунчалар чиройли бўлганки, хуснихат шайдолари у кўчирган китобларни ҳар доим талашиб олиб кетишган. Ҳозирги кулларда ҳам Мир Али ал-Котиб битган серҳашам саҳифалар Фарбдаги кўплаб музейларда нигоҳларни жалб этиб турибди. Бироқ унинг ўзи баъзи ўрта-миёна шеърларида Бухородаги ҳаётини сургунга менгзаб, хуснихат унинг оёқларига урилган кишандек туюлаётганлигидан нолиб, фиғон чекади...

Шайбоний саройидаги маданий фаоллик Саййид Хувайё Нисорийнинг "Мулаккир ал-аҳбоб" асарида тасвирланганидек, жуда жадал бўлган. Бу асарнинг гўзал қўлёзмасини Берлинда кўрганман ва шу қўлёзма асосида бундан тахминан ўттиз йиллар муқаддам "Покистон тарихчилар жамияти ойнамаси"да "Ўзбек ҳукмдорларининг маданий фаоллиги" деган мақоламни эълон қилганман.

Ўрта Осиёга таалуқли кўргазмалар фақатгина Берлиндаги "Мулаккир ал-аҳбор"нинг гўзал нусхаси билан чегараланиб қолмайди, Германия кутубхоналарида Навоийнинг қатор асарлари, Хусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзонинг чигатойча (ўзбекча) девони ҳам бор. Турхан Ғаний таҳлил этган бу девон Хамбург кутубхонасида сақланмоқда.

Кичик бир мақолада худуддаги сиёсий тараққиёт, Хива ҳамда Бухоро хонлиқларининг тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтишимиз амри маҳол. Яхлит бир мамлакатнинг тез-тез турли бўлақларга бўлиниб турганлиги жуда чигал муаммодир. Бу мавзу Ф. Тойфелнинг "Якин Шарқ мамлакатларининг Германия жамияти" журналида чоп этилган мақоласида батафсил кўриб чиқилган. Ўрта Осиёга боришнинг ўзи жуда мушкул иш бўлган бўлса-да, ўн тўртинчи асрнинг иккинчи ярмида кўпгина сайёҳлар уни кезиб чиқишди. Шулардан бири Герман-Венгер олими Ҳерманн Вамберидир. У келтирган маълумотларнинг барчасини ҳам тўлиқ ишончга лойиқ деб бўлмаса-да, 1872 йили кенг қамровли "Бухоро тарихи" асари эълон қилинди. 1863-1864 йилларда у Бухорога сафар қилиб, олган таассуротлари асосида ёзган "Ўрта Осиё манзаралари" (1868) асари кишини ўзига ром этадиган даражада бўлганлиги учун 1983 йилда Петер Симон томонидан янги бир тўпламда, "Муҳаммад Осиёда. 1863-64 йилларда Бухоро ва Самарқандга яшринча сафар" сарлавҳаси остида яна бир бор эълон қилинди. Вамбери Вена шаҳрида чиқадиган "Якин Шарқ мамлакатларидан хабарлар" журналида ҳам "Марказий Осиёнинг икки замонавий шоири" деган мақола чоп эттирган. "Шайбонийнома"нинг 1885 йилдаги таржимаси немисзабон мамлакатларда дув-дув гап бўлиб кетганлиги учун Йоханнес Шер ўзининг 1886 йилда чоп этилган "Дунё адабиёти тарихи" китобида ўзбек адабиётига ҳам ўрин берган. Бу асарда турк адабиёти тўғрисида қуйидагиларни ўқиймиз:

"Ўрта Осиёдаги туркий қабилалар ўртасида худудларни забт этароқ, Каспий денгизигача етиб борган ўзбеклар алоҳида ажралиб туради. Шаҳзода Муҳаммад Солиҳ ўзининг 76 бўлимдан иборат бўлган, асосан саж усулида ёзилган қасидасида 16-асрдаги ўзбеклар хони Шайбонийхонни таъриф-таъсиф қилади. "Вамберидан кейин Ф.Фон Шварц исмлик олим Фрайбургда ўзининг улкан "Туркистон" асарини эълон қилди. Бу асар немис ёзувчиларининг Ўрта Осиё худудига катта қизиқиш билан қараётганликларидан далолат беради. Немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг йигирманчи аср бошларида чоп этилган асаригада жонли тасвирлар ўқувчининг ўзига ром этадиган кучга эга бўлиши билан бир қаторда Ўрта Осиё ва янги адабий топилмалар тўғрисида тўлиқ маълумот беради. 1902 йилда унинг Машраб тўғрисидаги "Доно эсипаст ва художўй кофир" номли китоби нашр этилди. Бу китоб кенг оммага мўлжалланган. Худди ўша йили олимнинг "Олд Осиё тарихи ва адабиётига оид чигатой материаллари" китоби ҳам дунё юзини кўрди. Кейинчалик Мартин Хартманн Навоий асарлари ҳамда Ўрта Осиёдаги суфизм адабиёти тўғрисидаги асарларини ҳам эълон қилди. 1884 йилда туғилган ўзбек ёзувчиси Абдурауф Фитратнинг гайрирус драмаси "Ҳинд ихтилочилари"нинг 1923 йилда Берлинда чоп этилиши немисзабон ўқувчиларга қўтилмаган совға бўлди.

Улуғ немис туркшунослари Вилли Банг-Кауп, Карл

Брокелман, Аннемарие фон Габаин, Карл-Хайнрих Менгес, Йоханнес Бензинг ва бошқалар туркий тилларни илмий жиҳатдан ўрганишни давом эттирган бир вақтда, иккинчи жаҳон уруши даврида Лайпцихда Туркистон тарихи яна бир бор ёритиб берилди. Р.Олша ва Г.Клайнволярнинг қаламига мансуб “Туркистон” асари босмадан чиқди. Бу китобда Туркистон, албатта, ўша даврлардаги сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқиб талқин этилган эди. В. Рихтернинг “Қизил Туркистон бўйлаб. Тошкентдан Самарқандга саёҳат” (1990) китоби ҳам албатта сиёсий талаблардан келиб чиқиб ёзилган китобдир. Шундай бўлишига қарамай уларнинг барчасида Ўрта Осиёдаги санъат ва маданият лов этиб кўзга ташланади. Бурхҳард Брентисе ўзининг кўплаб мақолаларида бу мумтоз санъатни немисзабон ўқувчиларга янада яқиндан таништиришга ҳаракат қилади. Эдгар Кноблхнинг “Туркистон. Тошкент, Самарқанд, Бухоро-Ўрта Осиёнинг маданият ўчоқларига саёҳат” китоби 1987 йилда кўпгина рангли расмлар билан қайтадан нашр этилди. 1990 йилда “терра инкогнита”, яъни “номаълум мамлакатлар” сериясида Айшен Делменнинг “Ўрта Осиёдаги Ислом маданияти” тўплами чоп этилди. Унга Франц Биндернинг 100 та рангли фотолавласи киритилган бўлиб, асосан Самарқанд, Хива ҳамда Бухоро ҳақида сўз юритилди.

Мана, ниҳоят романтик мавзуларга ҳам навбат келди, бу ерда икки улкан роман, яъни Гари Гигахснинг “Самарқанд ечими” ҳамда Амин Малоуфнинг “Самарқанд” романининг немис тилига таржима қилинганлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Бироқ Ўзбекистон ҳудуди ва у ердаги халқларнинг руҳий олами тўғрисида жиддий маълумотларни бизнингча,

Ильзе Лауде-Сиртаутас хонимнинг 1984 йили чоп этилган “Ўзбек эртақлари” китобидан олиш мумкин. Бу олима Ўрта Осиё тиллари ва маданиятлари тўғрисидаги катор илмий мақолалар муаллифидир.

“Эртақлар” бизни яна мақоламининг бошидаги ҳолатга етаклайди, чунки “Самарқанд” номи ҳанузгача қандайдир афсонавий туюлади, бу номни эшитган немисзабон ўқувчилар кўз ўнгида аллақандай сирли, синоатли шаҳар пайдо бўлади. Маттиаз Политикснинг “Самарқанд” романида берилган шеърда ҳам у аллақандай гаройиб, сеҳрли шаҳар тарзида намоён бўлган:

*Самарқанд, Самарқанд, Самарқанд дея
Шивирласанг бўлди, кўзингни юмиб.
Уфқда у намоён бўлади гўё,
Минорлари турар хаёлга чўмиб.
Мовий гўмбазлари ташланар кўзга,
Ўймакор эшиклар тортар хаёлинг.
Карвон судралади қўмли йўл узра...*

Самарқанд тўғрисидаги қадим-қадимдан давом этиб келаётган ҳаёлий тасаввурлар, Ўзбекистоннинг илмий ва маданий қадриятларини ўрганишга бўлган улкан қизиқиш ҳамда Ўрта Осиёнинг маданий жиҳатдан энг етук жойларидан бири бўлиши бу қадим юртининг немисзабон мамлакатлар олимларининг қалбини бир умрга ром этганлиги Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янада кучайишига ва гуллаб-яшнашига етарли асос бўлади деб ўйлайман. Бу ҳамкорлик ҳар иккала мамлакатни муҳим ютуқ ва муваффақиятларга олиб келишига ишончим комил.

Олмон тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси

ОЛИС-ЯҚИН ОВОЗЛАР



ҲОЛИҚ НАЗАР

Айланади боғларда зулмат,
Дарахтларнинг уйқуси қочар.
Билинтирмай пастга тушиб ой
Ариқларнинг эшигин очар.

Ухлаб ётар хазонлар сассис,
Дев уйқусин ўғирлаб келиб.
Қудуқларга тушган юлдузлар
Дарахтларга қолар илиниб.

* * *

Баҳорда танишган эдик,
турналар келганида...
Сўнг кўнгил алишдик...

Чуқур сойларга тушган тош каби
Йўқолдинг, кўнглимни етим қилиб.
Билдим, ярим қалб билан
кетдинг, бошқа ёр билан...
Мана, яна баҳор келди
турналар билан.
Мен эса алам билан
турналардан арқон сурайман
врагимни осгани...

* * *

Минг йилдирки, унмайди ишим,
Минг йилдирки, зерикмас сабрим.
Минг йилдирки, йўқламас ўлим,
Минг йилдирки, бўш турар қабрим.

Минг йилдирки, чекаман ташвиш,
Минг йилдирки, қалбим титаман.
Қалам менга ишонган куни
Дунё кутган хатни битаман.

Фарғона

Маъфират АТО

МЕН ШУНДАЙ СЕВАЙКИ...

Кечикдинг деб сени айтар ким
Ўттизимда келган муҳаббат.
Кўзда қулган чечак десалар
Сен инонма, инонма ҳеч вақт.

Десалар-ки, ҳув олдинда қиш
Оғушига олар сени қор.
Сен инонма, чирт юм кўзларинг,
Тушларингга кирсинлар баҳор.

Чечаккина, ҳали сендан эҳ
Боларилар мўл-кўл бол олар.
Кўкламларни бошлаймиз энди
Бизнинг қалбда гуллар олмалар.

Кечикдинг, деб фақатгина сиз
Қолдирмангиз таъна-ю тошга.
Мен шундайин севай-ки киринг,
Сиз қайтадан ўн етти ёшга.

Ромитан



Раҳим ОТАХОН

ДАРДИМНИ ЙЎНДИМ

Дардимни йўндим
Пайраҳалар тушди қанча.
Қалбимдан чўғ олиб
Қаловин топиб
Ёқдим пайраҳаларни.

Шовот



Ғаффор ХОТАМ



НОГИРОНЛАР ОИЛАСИ

I

Ўрис мактабида таълим олган эди у; волидан муҳтарамаси мусаввир эмасми, ҳамма даврларда бўлгани каби Замира эсини таниган кезларда ҳам эндигина русумга кирган жинси юбка кийган; силлиқ оёқларини кўз-кўз қилиб юришни хуш кўрадиган кўзга яқин дилбар ҳам кўхлик аёл эди.

Адаси эса...

Умуман, бир-бирининг тенги-тўши эмас эди улар.

Адаси гоҳо ҳафталаб йўқ бўлиб кетар, ниҳоят, кейинги кунларнинг бирида эшик қия очиларди-да, ирkit сумкасини кўтарганча у қандайдир ёқимсиз, вокзалнинг ислики ҳидини етаклаб, ҳорғин ва ирkit бир аҳволда ичкарига кириб келар эди. Унинг мишрабларнигига ўхшаш кўйлагини ҳатто қўл учида тутишга ҳам аяси ирганарди.

-Киримни ювишдан ирганасан, а, сука,- дерди адаси,- эшакнинг гўшти ҳаром, меҳнати-ҳалол!

-Ҳатто ўша топиб келган пулларинг ҳам ирkit, ислики,- дерди аяси; афтидан улар юз йиллардан буён шу тарзда сўзлашар, шу боис бир-бири билан айтишувини бир-бирининг шаънига ҳақорат деб ҳам билишмасди.

Замира ҳам адасини қандайдир темирйўлчи бўлишини ҳеч маҳал истамаган. Бундан ташқари, адаси тугма касалми, рангпар ва озғин, гавдасини ҳам одамсимон маймундай хиёл олдинга ташлаб, бир ёнга қийшайиб юрар, бу эса шўрликни янада ғариб ва нотавон кўрсатар эди.

- Аянг ҳеч маҳал сенга ала айтмаган, - дерди адаси, - ўзига қолса-ку, қоматим бузилади деб сенинг ҳаппуштингдан кечар эди-я, холи-жонига кўймаганман-да. Эҳ, бу аянг!

Адасининг ўлик кўзларига тикилиб туриб, ҳайвонат боғида кўрган маймунни у кўз олдида келтирарди: чала. Йўқ, ўша маймун чала бўлса-да, унга ачинмаслик мумкин эди, лекин адаси одам, хусусан, жамоатчилик назарида унга тегишли одам - ада бўлганлиги учун ҳам ачиниш, ҳам нафрат кўзгар эди дилида. Гарчи бу сифатни бирон-бир марта у тилга олмаган бўлса-да, адасининг юзига кўзи тушган заҳоти чала дерди ички бир оғриниш ва алам билан, зеро худди шу тавқи лаънатни Аллоҳнинг ўзи унинг манглайига битиб кўйгандай эди гўё.

Аяси адасини балчикка белаб ўтирмасди, хиёл ижирганиб: - Шимпанзе, - дея бурун жийриб қўя қоларди, холо-с. Бу куткуга алақачоноқ кўникиб кетган адаси қилт этмас, кўнгли чоғ пайтларда эса: - Мен маймун бўлсам ҳам Тарзан бўлардим, - дея илжарди.

Бу хонадонга етти ёт эди у, лекин биз истаимизми-йўқми, ошхонанинг бир бурчагида ахлат челақ туриши муқаррар, ҳар қанча маҳобат ила яшамайлик, шунга кўникамиз, адаси ҳам оилада шундай муқим ўрин топган,



Хикоялар

фақат у одам, хусусан, ада бўлганлиги учун ҳам... унга буюм сифатида қараб бўлмас, инсоний гурурни поймол этувчи бу тавқи лаънатга ҳар гал кўзи тушганида исқиртлик кўнглини кир қилаётган каби бир малолат туйр эди у.

Йиллар ўтиши билан уларнинг уйи ҳам ҳашам қасб этди: пионино, Леанордо до Винчи асарлари, хусусан, унинг бўлмасида Моно Лиза... Лекин қачондир балчиққа беланган одам ҳар қанча ювинмасин, гоҳи-гоҳида ўша қўлансани туйгани каби у ҳам ҳазар қилгулик бир ёқимсиз нарсани асло кўнглидан чиқара олмасди.

Хонада ўтириб, гоҳо у сувратга термулар экан, Жакондога махлиё бўлиб қолар эди, кейин-кейин бу мафтулик шайдолик эмас, балки Леанордо до Винчининг шон-шуҳратиға беланиб кетган ва ҳамон санъат шайдоларини жоду қилиб келаятган тилсимли сомелик эканини ҳам ҳис этди ва суврати абадиятга муҳрланган, ҳам бунинг устига инсоният эътиборига молик этилган Мона Лизага нисбатан кўролмаслик десак-ку, бўлмас, армонми, оғринишми, ҳар ҳолда, шунга монанд бир туйғу кўнглида бош кўтардики, қўли гул мусаввирнинг асарига тушиб олиб, унинг доврғи соясида яшаётган бу санамга ҳасад қила бошлади у, ўзи ундан минг чандон сулув ва кўзга яқин бўлса-да, ҳануз шундай бир кадр топа олмагани алам қиларди унга.

Ҳар кимни ҳам назарга илмас эди у, гаплашса арзийди, деб ҳисоблаган кишилари билангина сўзлашар, мактаб ҳаётида бундайлар дезрли учрамаган, фақат тиббиёт билим юртида таҳсил олаётган кезлари...

... бир оқшом сабоқдан қайтгач, кўрдики аяси билан у қаҳва ичиб ўтирган экан. Зоҳиран йигит кимнингдир, ҳа, ҳа, Майкл Жексоннинг ўзгинаси эди, кийиниши, узун сочларини кўнгирик қилиб ташлаб қўйиши ҳам айнан ўзи, фақат рантпар ва хиёл чўзинчоқ юзларигина айрича эди, холос.

- Танишинглар: Зоя. Бу эса Майкл!

Аяси қўл учидаги ишорат билан уларни бир-бирига танитган бўлди. Аммо Замиранинг ёдида қолгани гап оҳангига илашиб чиққан туйғуларнинг кўриниши бўлди, у бемаҳал келган, аяси хуш кўрмаган эди, ҳам бунинг устига у, Майкл, деяётиб эҳтироснинг хоинона ҳатти-ҳаракати боис, эҳтимол мақтангиси келгандир, ҳар қалай, нима бўлганда ҳам йигитни ўзига хийла яқин олишини сездириб қўйди. Демокчимизки, гаплари ўзининг азиз мулки, масалан, дейлик "мана бу менинг фалоним" дегандай гурурли қизган-чиқлик қасб этган, беихтиёр Замира аясининг ҳам бозори ўта бошлаганини, гарчи эндиликда тилга тушган мусаввир бўлса-да, гарчи расамадини келтириб кийинса-да, гарчи юзлари ҳали ажин изларидан фориг бўлса-да, руҳиятига исқиртлик нуқси уриб қолганлигини теран ҳис этди. Нечундир гаши келди ва атай беписанд муносабатда бўлди, гўё Майкл билан юз кўришганидан чандон хушнуд бўлган каби атай гул-гул очилиб ва атай - жаҳон гўзаллари танловида иштирок этаётган санамлар янглиғ хиёл навозиш билан - бунинг ҳавосини олган эди у - кўнгли орзикишини ифодаловчи тотли табассум ҳада этганча унинг истиқболига талпинган бўлди.

- Зам!.. - деди аяси беихтиёр сесканган овозда. Ва у аясининг кўзларида ҳайратангиз кўркув ифодасини илғади. Аммо писанд этмади бунини. Аясининг "Тегма, ўласан!" деган маъно ифодаловчи оғоҳлантириши, хусусан, қовушмаган бир ном билан: "Зам!.." дейиши... кўз олдида уни ер билан битта қилди, ҳам алами келди, бироқ бунини сездирмайин йигитга илтифот кўрсатди:

- Зоя! - деди у қўлини нозли бир таманно билан танишгани узатар экан ва ичида, ўлиб қолди ўзиям, деб ўйлади аяси ҳақида.

Йигит ҳам тилло топган гадо каби тамоми шошиб қолди, ҳамсуҳбатини у буткул унутди ва кресло суянчикларига таянган қўйи беихтиёр ўрнидан турди. Ҳеч вақони ўйлаб ўтирмай шартга кучишга, бағрига босишга ҳозир нозир эканлигини илғаб, ҳушёр тортироқ умидида Замира хиёл тисарилди ва: - Майкл! - деди бир челақ сувни унинг устидан қуйиб юборгандай совуқ оҳангда, сўнг қўшиб қўйди: - Жуда чиройли экан исмингиз. - У узун киприкларини кўтариб, йигитнинг тун каби сирли ва алланечук гамгин кўзларига, бу нигоҳнинг қатрига ўт ташловчи назар солди,

сўнг юзларига жиддий тус бериб: - Майли, мен сизларнинг ширин суҳбатларингизга ҳалал бермайин, - дея узини айтиб, ҳатто Майклининг: - Йў-ўк, нега? Ўтиринг биз билан. Қайтанга... - дея ихтиёрсиз тавалло қилишига ҳам эътибор бермай, бир четда чувринди пайпоқдай ортиқча бўлиб қолган забун аясига иддаоли назар солди-да, бурилиб ўз бўлмасига кириб кетди.

Саҳнавий ижроси муҳаммал чиққанидан у мамнун эди. Бир кун келиб аясининг ҳузурда шундай ўйин кўрсатишини у туш кўрибди дейсизми, аммо қойил қилди, ўлсин, баттар бўлсин, "Зам!.." эмиш, фақат... фақат аясини ёш йигит билан холи кўрган заҳоти кўнглида туғилган нохуш иштибоҳдан бўлак бир дилгирик нафсонияти қонишига монелик қилиб турар эди, холос. Аяси сўнгги лаҳзада қарангиз кўриниб синикқан эса-да, адоват билан ўқрайиши, кўзларида акс этган ошқора нафрат қизнинг хаёлидан кечди. Унга ўчакишиб тагин меҳмонхонасига чиққиси, Майклга илтифот кўрсатиб аясини тагин ер билан битта қилиб ташлагиси келди. Бироқ шу ҳатти-ҳаракатни нечундир ўзига муносиб кўрмади у. Ҳар ҳолда, бу иштибоҳ кўнгли уйини куйдириб юборишга қодир эди. Эсини танибдики, шу ҳол ва бунга унинг кўзлари кўниккан, аммо бугун кўнглида ажиб бир ёқимсиз туйғу бош кўтарди ва у дарди дунёсини қоронғи қилди. Замира аясини ётоққароватда, балиқнинг тўшидай бўлиб болдирлари очилиб ётган ҳолатида тасаввур этди ва таҳқирланган каби дилида кўрғошиндай оғир малолат туйди, ҳолсиз, ўриндиққа ўтириб қолди: -Наҳот шундай бўлса?-Одам боласи табиатан мушкулотни ёқтирмайди, ортиқча қийинчиликдан ўзини олиб қочади, шу боис мусаввирнинг чеҳраси тагин унинг кўз олдиға келиши билан ўша-йигитнинг кўз қарашига силкибгина турган боқирлик Замиранинг хаёлини чулғаб олди ва бу табиий равишда унга таскин бағш этди. Хиёл бўлса-да, у енгил тортиди, бироқ юрагининг туб-тубида кек ва адоват қуйкадек чўкиб қолган эди.

"Нега энди у Майкл деган исми ўзига тангиб олибди?-деб ўйлади у йигитнинг кўз қарашини хаёлидан қува олмай.-Умуман у Майкл Жексонга сира-сира ўхшамайди-ку? Кўз қарашлари алланечук таниш.

Ўзгаларга тиз чўкқанда

Кўз қарашинг унутмадим...

Лермонтов. Йўк, у киё боққанида кўпроқ лорд Байронга ўхшаб кетади, кўзлари йирик ва маъноли, ҳатто юз бичимлари ҳам ўхшаб кетади унга..."

II

Бу ҳодисот кундалик турмушда учраб турадиган минглаб тасодифлар сингари - гарчи аввал бошда унинг кўнглини вайрон этган бўлса-да - секин-аста хаёлидан ўча бошлади. Ҳаётда шундай бир фасл кечадими, бунда инсон ҳар недан ортиқ ўзига махлиё бўлади. Замиранинг назарида, Мона Лиза ҳам ўзининг азалий жозибасини йўқотиб, қадр-сизланиш дунёсига фарқ бўлаётир, энди унинг хаёлини Сандра, Мадонна банд эта бошлаган эди. Дунёнинг қайсидаир бурчақларида тенгүтўшлари ҳайратдан жазавга тушиб, қийқириклар билан олқишлаб қарши оладиган ўша санамларга беихтиёр у ҳам таассуб қиларди. Рост, Сандрадан ўлса ўлиги ортиқ, расамадини келтириб кийинарди ҳам, фақат... у каби хониш қила олмасди, холос. Ниҳоят, у бир маҳаллар жамики оқ суяклар уйдан кўним топган ва шу боис уларнинг хонадонидан жой олган, аммо камдан-кам ҳоллардаги на узук-юлуқ овоз чиқаришдан нарига ўтмаган пионино курсисига бориб ўтирди. Барчанин эътиборини ўзига тортиб саҳнаға қандай чиқиб боришини, сокин кечани олқишларга бурқаб қандай муқомда хониш қилишни Замира хаёл қилар, бироқ ҳамиша руҳини топтаб, ер билан битта қилувчи ишончсизлик сира юрагини тарк этмас эди. Гарчи шундай бўлса-да, у Бетховеннинг "Учинчи соната"сини ёйиб қўйиб, секин клавишларга қўл юборди. Ҳатто анчадан буён пионино олдиға йўламаган бўлса-да, оҳанглар киз кутганига нисбатан хийла равон ва тўқис тарала бошлади. Ва у - тасаввурдаги оламга хийла енгил сингиб бораётган малак - авж тус олаётган парда оқимида оқиб, масту масрур қуй чалаётганида

бирова юзига тарсаки тортиб юборгандай бўлди:

- Сенга ким қўйибди - пионини чалишни? Ундан кўра бориб дарсингни қилсанг-чи!

У ўша - анчадан буён эътибор бермай қўйган бадбўйни димоғида тўйди, малолат ичра кўзларини очди ва рўпарасида зўрга икки оёқлаб турган шимпанзегга ўхшаш махлукни - адасини кўрди.

Агар бир йил аввал шу ҳол содир бўлганида, табиий-ки, Замира инжикланар ва "нега халал берасиз?" деб йиғлаб юборган бўларди, аммо ҳозир, истасин-истамасин, ўзини Сандра қилиб яратмаган, боз устига Сандра бўлишига ҳам хоҳиш билдирмаётган, йўлига тўсиқ қўйиб тагин камситаётган кимсага нисбатан юрагида қайнаб-тошган нафрат беихтиёр нигоҳига қалқиб чиқди, гарчи шундай бўлса-да, нозик бармоқларини клавшдан узмади у.

Ҳазабнок оҳанглар авж пардада хона шифтига бориб урилди ва фалак қопқасига кўчиб тирқираб кетган мушаклар каби бодраб сачради-да, исиз йўқолди.

- Йиғиштир! Сендан Моцарт чиқмайди!

- Чикади! - у асабий чинқираб юборди.

- Гўр ҳам бўлмайсан!

Таҳқир ва алам чиройли бошини кўтаришга қизни мажбур этди, у кўз остидан адоват билан адасига тикилди. Ва кўрдик, адасининг чап кўзи - кўп нарсани биладиган каби катта-катта очилиб кетган, ўнг кўзи эса палағда тортиб қисилиб қолган эди, рост, бу қараш жаддан бўлак бирон-бир маъно англатмас; фақат умидсизлик нуқси уриб кетган ва ўнг тарафга қийшайиб осилган ҳорғин юзлардагина қандайдир бир маъно яширин ва бу тирикчиликнинг чақир кўчаларига кириб-чиқавериб, боши деворга урилавериб қолган тойган, ҳаётнинг шафқатсиз қонуниятларини хиёл бўлса-да, англаб, охир-оқибат шунга итоат этган кимсанинг синик туйғуларни бирдан силқиб юзага чиқиши эди аслида. Кейинчалик - ҳар сафар иши юришмаган кезлар қайта ва қайта шу қиёфа Замиранинг ҳаёлидан кечган ва ҳар сафар ўзи писанд этмаган шу шамойилдаги ҳаёт қолдирган излар алланечук эътиборга молик, ҳатто ҳурмат қилса арзийдиган сирли ифодаларни ўзида яшириб тургандек бўлиб туюлган, аммо ўшанда - 1987 йилнинг 15 август оқшомида у ҳали ҳеч вақони кўрмаган, тамоми синмаган, ўзига ишончи, келажакга умиди табиатига ўжарлик бағишлаб турган ўн саккиз яшар дуркун қиз эди...

... Инжик садолар портлаб хонага таралди ва унинг тепасида турган кўлага ҳафсаласи пир бўлган каби нари кетди, шунда устиворликни туйишдан тўғилган ғаюр бир туйғу қизнинг юрагига ҳаловат бағишлади ва Замира бошини буриб, ётоқ бўлмаси сари кетаётган адасининг ординдан қаради: гавдаси чап томонга "тоб ташлаган", кастюм-шимши шилвираб осилиб ётибди...

- Урод! - деди у беихтиёр. Гарчи буни у ҳаёлан айтган ва ҳатто лаблари қимтилмаган бўлса-да, шунча ҳақоратларга чидаган, бироқ шунисини кўтаришга сабру бардоши етмаган каби адаси ортига ўгирилди ва унга оғир термулди - унсиз бир маломат каби эди унинг туриш-турмуши. Орадан йиллар ўтиб, бу қиёфани - таъна-маломат тўла қарашларни Замира бот-бот эслади, аммо ўша лаҳза гарчи бир сесканган ва кўнглига сурур бағишловчи ҳою ҳаваслар бир қадар мувозанатини йўқотгандек туюлган бўлса-да, буни ташига чиқармай секин ўрнидан турди ва аччиқ қилган каби иддао билан бурилиб нари кетди у.

III

У куз фаслида таваллуд топган, шунинг учун ҳам дарс сўнгида зафарон ҳазонга кўмилган хиёбон оралаб - чиройли оёқлари тилларанг ҳазонлар денгизи ичра сузганча - уйга қайтишни хуш кўрар эди. Бундай пайтда у на Сандра ва на Мона Лиза ҳақида ўй ўйламас, балки адо бўлаётган табиатнинг ҳазин таровати ичра абадийдек туюлгучи оёқларидаги, демакки, жисми жонидаги малоҳатни ҳис этар, шу боис кўнглида маънос бир севинч туйар эди.

Сентябрнинг ўн саккизинчи куни эди, ҳали шомга хийла бўлса-да, қуёш хиёл уфқ сари оға бошлаган, эҳтимол шу боис ҳувиллаб ётган хиёбон ҳам, тўшакка киришга чоғ-

ланган санамлар каби либосларини ечаётган дов-дарахтлар ҳам, кўкимтир хира осмону-сўник қуёшда ҳам - кўзга ташланиб турган моддий оламда руҳсиз бир дилгирлик яширин эди. Чанг ўтирган йўлак тўсиғига туташ жойдаги мольбертта, ундаги тасвирга - моддий оламнинг хиёл қуюқлашган кўри-нишига кўзи тушди бир лаҳза у шунга термулган қўйи туриб қолди. Тасвирга боқиб шунга англадики, ўзи илғаб турган оламдаги юракни сиқувчи ҳолат - унинг шамойилида яширин ноумидлик экан. У тасвирга пича яқин борди ва тош қотган ҳазонлар ичра кўмилиб ётган шу туйғуни илғаб, юраги ортига тортиб кетди. Тасвирдаги тилларанг япроқлар қизил қонига беланган, ерпарчин, аммо ўмганини кўтариб олишга умтилаётган оққушларни ёдга солар эди. Дарахт шохлари ҳам хиёбондаги аслига ўхшамас, улар довул тазийкига аранг бардош бературиб акашак кўлларини қўкка чўзган ва Аллоҳга ёлвораётган чолга ўхшаб кетар, қуёш эса шамол теккач лопиллаб сўнаётган шағам ҳолида эди. Умуман, тасвир қаърида бўлак бир маъно ҳам яширин эдики, Замира шунга илғаш умидида хиёл орқага чекинди ва кимгадир туртиниб кетди. Аллаким унинг тирсагидан тутди ва қандайдир таниш овозда хушламайгина: - Кечирасиз,-деди, сўнг унинг ёнидан ўтиб-чап қўлида сигарет-мольбертта яқинлашди. Ўтиб, у бўёқлар остида яширин нарсани кўришни истаган каби энгашганча сувратга синчиклаб тикилди-да, тагин қўлига мўйқаламни олди ва яна чизишда давом этди. Замира унинг тарок тегмаган паришон сочларига, эғнидаги униккан женси куртқага, сўнг осилиб турган чап қўлига - кизларникидек ингичка, узун бармоқларига разм солди, ҳаёлидан йиғитнинг аяси билан ёнма-ён оёқларини айқаштириб ўтирган ҳолдаги ўша суврати ўтди. Бир ҳаёл индамай ўтиб кетмоқчи бўлди, аммо мусаввирнинг бу қадар беписандлиги - у Замирага ҳатто қиё боқмаган эди - иззат-нафсини пича оғритди, ўшанда унинг ўзини кўярга жой топа олмай қолгани кўнглидан кечдию тагин баҳаловат қилгиси, шундан сўнг у қандай беписанд бўлса, шундай беписанд - йўл-йўлакай кераксиз бир матоҳни олиб айлантириб кўриб сўнг ташлаб юборгандек муомала қилгиси келди. Унинг учун анчайин эрмак деб бўлмас эди буни, аммо шундан ортиқ ҳаракат ҳам эмас, енгилтакликдан фарқи шундаки, кўнглида қандайдир бир оғир туйғу яширин эди. Мусаввир эса атай уни таҳқирлашни истаган каби ҳамон юмушига андармон; ўзига биноси балинд бўлганлиги учун ҳам Замира аввалига малолат тўйди - руҳи тушиб, кўзларида алам учқунлади, одамзод ожиз қолганидан нималарни ўйлаб топмайди дейсиз, сўнг ўзини овуға бошлади: эҳтимол ҳаёл билан бўлиб у мени пайқамаяндир? Ҳозир, ҳозир унга тикилиб қараймиз... Қайсидир журналда у назарли киши биронтанинг гарданига қадалиб қараса, нариги одам наинки шунга сезади, ҳатто у бунинг таъсирига тушиб қолади, деб ўқиган эди, ҳозир шу амалга итлоат - ўзини шундай қобилиятга эга деб билгани учун ҳам унга тикила бошлади. Лаҳза ўтмай мусаввир хиёл қоматини кўтарди ва бошини буриб унга қаради: аввалига пешонаси тиришди, ҳойнаҳой, Замирани танишига ўхшатди, бироқ илгари уни қаерда кўрганлигини эслай олмади чоғи, сўнг бирдан чиройин очилиб кетди:

- Э-э, гўзал қизларга салом! - деди у мийиғида илжайганча, қирқ йиллик кадрдонини учратгандек қанотларини ёзиб.

Мусаввирнинг илтифотига жавобан Замира беписандлик билан лаб учиди жилмайган бўлди, холос, айни шу лаҳзанинг ўзидаёқ бу ерга у атай келмаганини, ўтиб кетаётган баногоҳ унга кўзи тушганлигини сездириб қўймоқ истади, аммо мусаввир бунга ҳожат қолдирмай пою патак бўлиб кетди:

- Биласизми, анчадан буён сизни истаб юрган эдим ўзи!

- Нечук?

- Худонинг ўзи етказди сизни! Қадамларига ҳасанот!

Унинг лутфу марҳамати кўнглини эритиб юборса-да, Замира буни ошкор этмай ажабланган кишидай хиёл чимчирилиб: - Тинчликми? - дея сўради.

- Тинчлик, тинчлик! - У келиб қизнинг қўлидан тутди-да: - Сувратингизни ишлаётган эдим, Зоя, - деди, сўнг оқсуякларга таассубан унинг қўлидан ўпди. - О, сиз уни бир

кўрсангиз эди...

Кутилмаган бу янгиликдан Замирани дили яйраб кетди, кўзлари чакнаб миннатдор термуши унга, ахир Мона Лиза ҳам қачондир шу тахлил тасвирга тушган бўлса не ажаб?!

- Қачон кўрсатасиз энди?

- Истасангиз, ҳозир...

IV

Кўзини очганида боши сиржираб оғир эди. Ўзини бунчалар руҳсиз ва жисмини адалсиз бир юк босиб турганлигини у ҳеч маҳал ҳис этмаган.

Шир яланғоч Майкл ярим гавдаси билан уни босиб ётар, нафас қайтарганда ёқимсиз бир ҳид димоққа урилар эди.

Пича нарида жайдаригина стол, унинг устида қотган нон бўлаклари, кеча очилган консерва банкасию грек коньягининг бўшаган бўйдор шишаси кўзга ташланиб турарди.

Барчаси бирдан ёдига тушди, Майклининг: "фақат пича сабр қиласан. Хотинининг юраги хаста. Туғма касал у, шу бир ёқли бўлиши керак!" деганлари, уйланишга азму жад қилганлари ҳам...

Тўшакнинг орасидан суғирилиб чикди-да, устахонанинг бурчак-бурчакларида сочилиб ётган кийимларини йиғштириб олди.

Ҳаммаси шундай бўлиб якун топар ва бу якун ўзининг ирқитлигию беъманилиги билан ерпарчин қилиб ташлар деб ўйламаган эди у. Энди нима бўлади? - Кийинар экан, шулар бир-бир ҳаёлидан ўтди.

Эшикни очиб, йўлакка, ундан кўчага чикди. Ҳалигина ёмғир севалаб ўтган, ерпарчин хазонлар лойқага беланиб ётар, кишини эзиб ташлайдиган бир заҳаролуд ҳаво борликка ҳукмрон эди.

Кеча у қизик устида касалхонага боришга азм этган, бориб аёлинга айтаман: Майкл билан биз бир-биримизни яхши кўрамиз, сен орадан чиқишинг керак! - дейман, деган эди, лекин ҳозир бу гаплари қандайдир ортикча бўлиб туюлди, шунга жасорат сезмади ўзида. Колаверса, Майклининг суврат ҳақидаги гаплари ҳам тайинсиз бўлиб чикди, бундай иш устахонада йўқ эди, шуларни ўйлар экан, у оғир хўрсинди, ўзини алданган ва ҳақоратланган ҳис этди.

Оёқостида кўлмақлаб ётган сувда тунд ва ирқит булутлар акс ётар эди.

Метрога тушган заҳоти ўз ташвиши билан юрган одамлар орасида ўзини тамомила яқкаланиб қолаётгандай, ҳеч тузатиб ва кечириб бўлмас нопокликка ботиб кетгандай, ҳатто айримлар буни сезиб, ирганиб қарагандек бўлиб туюлди унга. "Наҳот мен шу алфозда уйга кириб борсам? - деб ўйлади у ички бир сесканиш билан. - Йўқ, бундан кўра ўлганим афзал".

У бир замонлар шунга журъат этган китобий қаҳрамонлар каби поезд йўлини чамалай бошлади. Анави томондан у шиддат билан кириб келади. Ёлдирақлар остига ўзини ташласа, тамом, ҳамма балодан бира-тўла қутулади-қўяди.

Худди шу пайт поезд чинқириб белги берди-да, ҳайҳотдай йўлақдан метро бекатига қуюндай шиддат билан кириб келди. Йўқ, бунисига улгуриб бўлмади. Кейингисига...

Кейинги сафар ҳам журъати етмади унинг.

V

Дарвозадан кирган ҳамон дафъатан кўзи отасига тушди. У аввалгисидан ҳам баттар букчайиб қолган, фақат ўша шилпик босмаган, қизарган кўзи билан бир нарсани илғаб олмоқчидек синчков қараб турарди унга.

Замира кўзларини олиб қочди.

Отаси оғир, ҳамма балодан хабардордай жуда оғир хўрсинди.

Аяси диванда букчайиб ўтирган экан, унинг кўзларига адалсиз бир ғам чўккан эди, Замирани кўрган заҳоти сапчиб кетди:

- Қайси гўрда санқиб юрибсан ўзи? - дея бақирди

уйни бошига кўтариб. - Сен саёқ... биламан қаерга борганингни! Эй, худо!.. - У ирғиб ўрнидан турди-да, ҳамла қилаётган қобра каби вишиллаб Замиранинг теласига келди: - Урод! Сен уродсан, урод! - Юмдаламоқчи бўлиб Замирага чанг солаётганида отаси унинг кўкрагидан итариб юборди, аяси чагилиб кетдию оламини бузиб аюҳаннос сола бошлади: - Биламан сен қанжикнинг қаерга борганингни! Кун йўқ менга! Шу уйдан чиқиб кетмасам... Урод! Ҳаммаси урод!

У жанжалнинг орасидан суғирилиб чикди-да, хонасига кирди ва эшикни қарс ёпиб ўзини тўшакка ташлади...

УЙИ КУЙГАН ОДАМ

- Аҳмад тўқсабо миқтидан келган одам эди, агар отасини итдай хор қилиб ўлдириб, боз устига уйини ҳам ёқиб юборишмаганида эҳтимол у яроқ олиб тоққа чиқиб кетмаган бўлармиди, - дейди бобом. - Энди буёғи янаям худого аён. Чунки ёв қон тўқа бошлагач, тўқсабога ўхшаганлар бештирани кўлига олиб, "Қонга қон, жонга жон!" дея курашга отланган. Замоннинг зайли-да, болам! - Бобомнинг накл қилишича, тўқсабонинг отасида ҳеч қандай гуноҳ бўлмаган. Каттақўрғондаги катта қирғинда бешикдаги болага довр қиличдан ўтказган ғаним бирдан қутуриб кетган; қишлоқни оралаб ўтаётиб, дарвоза олдига уч-тўрт мўйсафид билан суҳбатлашиб турган тўқсабонинг отасига эътибор қилишган, сабаби - унинг бошида - салла, белида - белбоғ, белбоғда эса пичоқ осиеғлик бўлган, афтидан, кишиларнинг кўзини қўрқитиш учун атай унга газаб қилишган.

Тўқсабонинг отаси ҳам ўлгудай ўр эмасмиди, терслиги тутган: қони қайнаб ичкари кирган-да, шарақлатиб бештирани кўтариб чиққан. Аммо дарвозадан чиқар-чикмас қизил кўмандон нақ унинг манглайидан қарсиллатиб отган. Шўрликнинг миясини қатиғи чиқиб кетган. Ҳа дегунча бўлмай бир аскар отдан сакраб тушиб, чуваллашиб ётган салласини тепган, бошқа бири эса уйига ўт қўйиб юборган. Бор гап шу.

Тўқсабо Қалқонотадан эниб, токи қишлоққа етиб келгунча уйларининг кули кўкка совурилган ва бузилган ўчоқ каби хунук кўнкайиб қолган. Нима кўргулик содир бўлганини тўқсабо идрок этган шекилли, яраланган шердай ўкириб тоққа чиқиб кетган. Ва ўзига ўхшаган аламзада йигитларга бориб кўшилган, кейинчалик уларга ўзи бош бўлиб, Аҳмад тўқсабо деб ном чиқариб то сўнгги нафаси чиққунга қадар босқинчини қон қақшатган.

- Бу мусибат Ҳалича холангта нон синдирилган куннинг эртасига содир бўлди, Аҳмад - уни кейин тўқсабо дейишган - қорамағиздан келган йигит эди, қора босган чор деворга кўзи тушиб, баттар чўйқаниб кетди, шартта тўдани ёриб чикди-да, ирғиб отига минди, миндию қамчи босди, қамчисидан заҳар томар эди; оловдай ловуллаб у кўприқдан ўтиб кетгандаёқ "Худо урди-ёв!" дедим, шашти ёмон эди. "Энди уни тутиб турадиган ҳеч вако қолмади. Пушти паноҳидан ҳам жудо қилишди, ўч оламан деб изгиса агар, келин бечоранинг ҳоли нима кечар экан?" деб ўйлаб қолдим, дейди бувим. Унинг айтишича, орадан бир неча йиллар ўтгач, тўқсабо қон кечиб доврўқ қозонган кезлар бир оқшом ҳеч кимга сездирмай йигитлари билан қишлоққа кириб келган ва қимлардир хиёнат қилгани, курашда маъно қолмаганидан нолинган, келинин олиб Афғонга ўтиб кетмоқчи бўлган. "Хашшабарақалла, йўқ!", - деб бобом икки оёғини бир этикка тиқиб олган. - Аввал боринг, кўринг, ўзингиз жойлашинг. Тамоми кўчиб кетиш бўлса, қочмас ахир, - деган. Тўқсабонинг феъли айниган. Ҳазаб қилган, аммо оқибат: - Пешона шўр экан-да, ўзи, - дея бобомнинг гапига кўнган. Ва кечалаб шу кетишганидан олти ойча дараксиз кетишган.

- Ҳамалнинг бошлари - ойдин кеча эди - тўқсабо йигитлари билан булоқнинг сувидай тагин сизиб қишлоққа кириб келди, - дейди бувим. - Кўриниши кў-ўп ҳорғин эди. Аввалгидан-да камгап, ўйчан...

Холамнинг айтишича, юз кўришган маҳали тўқсабо у юртга сиғмаганидан зорланган. Яхшими, ёмонми, туғилган жойинг жой экан, деган.

Ҳамалда босқинлар босилган, сотилганлар у томонга ўтиб, қолганларига ҳам омонлик берилган. Бу ҳукуматга асли ишончи бўлмаса-да, Аҳмад тўқсабо ҳам йигитлари билан қишлоққа энган ва дарвозасини кунчиқар бетга қара-тиб болаҳонали уй солган.

- Ҳамал охирлаб қолган. Чошгоҳ маҳали эди, - дейди кейинчалик унинг омон қолган йигитларидан бири. - Болаҳонада оёқларини уқалаб ўтирган эдим, бир маҳал қарасам, Қалқонариқнинг кўпригидан ўтган бир гала кизил аскар ловуллаб ўлаатга¹ энаётир. Тўқсабо ўмганлаб ётган кўйи шуни илғаб турган экан. - Ё Аллоҳ! - дея ирғиб ўрнидан турди, турдию: - Отланинг! - деганларича ҳовлига чиқди. У киши энишга қараб от солди. Бу ёнда кўприк йўқ, гарчи шундай бўлса-да, тулпорлар тап тортмай анҳордан сакраб ўтишди - бизни фалокатдан қутқарди - тагин тоққа чиқиб ҳайбатли қоялар кўйнига сингиб кетдик!

Аҳмад тўқсабо оғриниб ўмганини кўтарар экан, - Бу касофатларнинг дастидан энди бизга кун йўқ экан-да! - деган.

Кизиллар аввалига уларнинг ордидан от кўйишган, қичанглаб анҳоргача қувиб боришган, бироқ отларнинг ҳадди бўлмаган шекилли, шу ерда қўлмақдай уюлиб туриб қолишган, алампидан бир-икки ўқ узишган-у, сўнг изларига қайтиб тупроқ йўлни куюндай тўзғитганча этакдаги қишлоққа ўтиб кетишган.

- Тўқсабонинг ўнг қўли - Аъзам чапақай бу қишлоқ-да турар эди, - дейди бобом, - тўқсабо: "Ҳой Аъзам, бу омонлик деганига кўп ишонма. Бу сен билан менга ўхшаганга кўйилган тузоқ. Алдаб домига илинтирса, терингни шилиб сомон тикишади", деди, лекин чапақай билганидан қолмади. Йўқ, ўша кун чошгоҳда онасининг кўз олдидан унинг кўрагидан отиб кетишган...

Бувимнинг айтишича, Аҳмад тўқсабонинг йигитларидан бири - Эгамқул кўча чангитиб ўтаётган қўшин орасида кўзга ташланган, кейинчалик - улар Аъзам чапақайни қон қақшатгач, бозоржойнинг теварагини олиб юришганида ҳам Эгамқулни кўрганлар бор.

- Уккикўз, қирғийбурун эди у, - дейди бобом, - бурнининг учида туки бўлиб, ўмганини хиёл олдинга ташлаб юрарди, сўхтаси совуқ бир кас эди-да.

Кейинчалик - Аҳмад тўқсабонинг ўлимидан сўнг кимда-ким уни ёд этса, Эгамқулни ҳам қўшиб гапирган, бунга сабаб - сени шу ўлаатга Шўро қилиб кўтарамиз, деган қутқуга учиб, Эгамқул наинки тўқсабога, балки қуни кечага-ча бирга қон ютган жондай дўстларига хиёнат қилган, не-не йигитларнинг умрига зомин бўлган, охириги қун ҳам азбаро-йи хуфя йўлни билганлиги ваҳидан уларнинг устига - тоғлар орасидаги қароргоҳга ғанимни етаклаб борган.

Орадан йиллар ўтиб замон ўзгаргач, тўқсабонинг омон қолган йигитларидан бири бобомга рўбару келганидан ўша муҳорабани ёдга олган. Унинг ҳикоя қилишича, саваш-иш шу қадар қақшатгич бўлганки, ёв тутдай тўкилган, уларга йўл кўрсатиб келган Эгамқул билан кизил қўмондонгина бир амаллаб қочиб қутулган, холос. Тўқсабо ҳам сочини тақир қилиб олдиригандай енгиллашиб қолган - уч-тўрт йигитини айтмаса, қароргоҳлари нақ қабристонга айланган.

- Эртаси кун ҳаво очик бўлди, - дейди у. - Шабнам инган майсалар афғони гиламми дейсиз. Офтоб шўъласида улар чўгдай ёнар эди. Этакда қишлоқ - бир ҳовучгина. Қайси бир ўчоқдан таралаётган тугун ингичка тортиб кўкка ўрлайди. Ҳу нарида Зарафшон, дарё кизининг сочидай тўшалиб ётибди. Шуларга боқиб туриб, бу дунёдан сира кўнгил узинг келмайди.

Аммо начора, кечаги муҳорабдан кейин энди бизга бу юрт тангу тор, Афғонга ўтиб кетиб жон сақламасак, ба-лою қазодек ёпирилиб келаётган бу ғаним ортиқ кун бермайди, хусусан, Эгамқулнинг оғиб кетгани ортиқча бўлди, сирингни олган, душманга айланган дўстдан ёмони йўқ, деган тўхтама келдик. Фақат тўқсабо шерикликдан қочиб, дилидагини тилига чиқармай сукут сақлар эди. Вақт зик ҳам хатарли эди. Ахийир, йигитлардан бири ёрилди:

- Аҳмадбек! Сизнинг гапингиз ҳаммиша гап бўлган,

1 Ўлаат - юрт, макон.

айтинг, қандай йўл тутайлик? Илон чиққан уй нима - юрт нима? Савашгулик ҳолимиз қолмади, энди четга чиқиб пайт пойлайдиган аҳволга келдик. Фурбатни бой бермай ҳаракатимизни қилайлик, тўқсабо?!

- Маъқул. Сизлар йўл тадорикини кўрингиз.

- Сиз-чи, тўқсабо?

- Мен билан ишингиз бўлмасин. Йўллар айри тушадиган вақт етди.

Шу чоғ сой тарафдан отнинг кишнагани қулоққа чалинди.

- Шундай бўлиб чиқишини билар эдим, - деди тўқсабо сойликка қулоқ тутар экан, - бу нокас омон экан, таъқиб кучайса кучаядики, усаймайди.

Сойликдан чиқиб, биз сари от кўйган кизиллар энди ёппа кўзга ташланди.

Тўқсабо ирғиб ўрнидан турди-да, - Йигитлар! - деди. - Отнинг бошини Афғон сари бурингиз! - У отга мингач, бештирани елкасидан олаётиб, бир лаҳза қотиб қолди. Шундагина ерда ётган рўмолчага менинг ҳам кўзим тушди, тўқсабо уни ташлаб кетишни истамаслигини билганим ваҳидан тушиб олмақ ниятида чоғланган заҳотим: - Йўлдан қолманг, биродар, - деди у, сўнг гарчи рўмолчани узалиб олиш мумкин бўлса-да, алланечук хотиржам, у киши отдан тушдилар, рўмолчани олиб тагин отга минишга чоғланган маҳали душман шундай қоя биқинидан - нақ ўн қадамча наридан чиқиб кела бошлади. Тўқсабо отга минди-ю, аммо унинг бошини бурмади, биътақс, бештирани даст чоғлаб, агар янглишмасам, қилич ялонғочлаб келаётган Эгамқулни нишонга олди - кўз юмиб-очқунча бўлмай касофат эгардан чаппақдай учиб кетди. Лекин... худди шу лаҳзада отини учириб келаётган бир аскар тўқсабонинг гарданига зарб билан урди...

Бобомнинг нақл қилишича, агар истаса, тўқсабо Афғонга чиқиб кетишга қодир киши бўлган. Лекин сира оёғи тортмаган. "Асли тупроғимиз шу ердан олинган экан-да, кир ошсам дунёга сиғмай қоламан. Худди юрагим узилиб тушгандай бўлади. Отамнинг ўлиги шу ерда қолган, отамнинг отаси, бобомнинг бобоси шу ерга дафн этилган. Қандайдир келгиндилар ота юртга сиғирмай туришса-я! Ё тавба-а! Нима қилдик тагин Афғонга бориб - ўз юртига сиғмаган бировнинг уйига сиғармиди? Пешонада неки бўлса - шу.

Босқинчилар юртни оловдай чирмаб олишди. Улар - кўпчилик. Кўзи кўрққанлар ён бериб бўлди. Биз ҳар қанча зўғим қилмайлик, уйларига ўт қўймайлик, бефойда. Икки ўртада юрт гораб бўлади. Шуни кўриб, яққаланганингни сезиб турсанг, саъий ҳаракатингда маъно қолмас экан.

Умр ҳазон бўлди.

Бу жойларни тагин бурунги ҳолида кўриш менга на-сиб этармикан? Йўқ, кўзим етмайди!

Бир умид - Хадича эди, аммо... энди бизга омонлик бўлмас! Агарки бир қори ҳол содир бўлса, ўзинг тепкилаб кўмарсан?!" деган.

Бувим айтадики, тўқсабо холамини ҳаддан ташқари яхши кўрган. - Бечоранинг бошқа кимиям бор эди? Ёсини танимайтуриб, онадан етим қолган. Бир отаси бўлса, уйи гўри лаҳад бўлган. Шу овул-ҳамсоя, шу эл демаса... Шу боис Хадича тўқиб берган рўмолча ерга тушиб кетган бўлса, ёмонларнинг оёғи остида қолмасин, деган-да.

Тўқсабонинг йигитининг айтишича, қилич зарбидан унинг боши чирт узилиб кетган. Қонга беланган тани чайқала-чайқала ниҳоят, гурсиллаб ерга қулаган. Ғанимлар ўша лаҳза, ўша жойнинг ўзида унга ўт қўйиб юборган...

Бозор-учар қиламан деб Бешработга чиққан бобом тўқсабонинг бошини найзанинг тигига илиб аскарлар бозор-жойда чувиллашиб юрганни ўз кўзи билан кўрган. Харидни ҳам унутиб шоша-пиша у қишлоққа қайтган ва эшагини тўқимлаб бир қоп олган-да, қароргоҳга чиқиб борган. Жиллакурса, шўрликнинг урён тани кузгунларга ем бўлмасин, олиб келиб, ўзи ният қилгани каби мазоратга дафн этай, деб ўйлаган. Лекин бориб кўрганки, тўқсабонинг танасидан ҳатто асар йўқ, фақат қоянинг шундай биқинида бир қитиз тўшагулик жой қуйиб-ёнган, чала ёнган қўмир каби қул босиб, қорайиб ётибди.

- Аҳмад тўқсабодан қолгани шу, - дейди бобом, - шу

ёшга кириб, неча бор Қоратовга йўлим тушган бўлса, қоянинг ён бағридаги ўша ялангликка бориб, бир кўр назар ташлайман, Қуръон тиловат қиламан, вожабки, одамзоднинг ёғи аралашиб ёнган заминда - гарчи йиллар ўтса ҳам - ҳатто гиёҳ ўсмас экан!..

1995 йил

МЕН - ЎША МЕН ...

“Ишқилиб... Ишқилиб...”

Ғилдирақлар ҳам чатнаб кетган чиқа-ар? - Темировнинг суякларига довура қақшаб бораётган эди, бутун вужуд кўзга айланган, рулни сиқимлаб олиб, минг текис жойдан ҳайдамасин, гоҳо мотор тақиллаб қолар, гоҳо эса ғилдирак остидан учган тош палохмоннинг ўқидай шарақлаб келиб тагликка урилганида юраги узилиб тушгандай бўлар эди гўё. - Падарига минг лаънат ҳаммасини! Ҳэ-э, ўша... тўйни ўйлаб чиқаргани ҳам...”

Ўнг биқинида укаси - Қобил ялпайиб ўтирибди - отасидан қолган, хатлаб олинган мулкда ўтиргандай, жуда бемалол; орқа ўриндикда...

Куни шуларга қолмаганда-ку, ўзи билар эди-я.

Шу чоғ укаси оғирини ташлади шекилли, ўтирган курсиси қисирлаб кетди.

- Синдирдинг, касофат!

Акасининг зикнализидан гашти келдими, Қобил ёйилиб, суянчикқа баттар ясланганча бесўнақай оёқларини олдинга узатди.

- Синмайди, - деди у, худди синмаслигини олдиндан биладигандай бамайлихотир. - Тўртга ур! Муфтани қўйвор! Темиров шундагина хаёл билан бўлиб муфтани узок босиб қолганини англади.

- Газни бос! Чик обгонга!.. Чизикни босма!

Темиров, ғилдирак эмас, балки ўзи, йўлнинг ўртасидаги чизикни эмас, нақ оловни босиб олгандай тиришиб рулни ўнгга бурди, қитиклаб бўйнидан оқаётган тер баттар унинг гагини кўзгарди. Аксига олиб изма-из келаётган машина чўзиб сигнал беради.

- Анави шалақ аравани қувиб ўтсанг-чи!

Шоша-пиша у газни босади. Дикқати ошиб турганида тамакиннинг қўланса ҳиди димоғига урилади, кўнглини беҳузур қилади. “Нима бало, чекишяпти булар?!” Кўзгудан орқа ўриндикқа қарагиси, қайси нокас сигарет чекаяпти, шуни билгиси, шунга яраша муомала қилгиси келади, лекин ботина олмайди.

- Бир нима куяяптими дейман? - дейди у ниҳоят.

- Худо сақласин-э, - журналист мийғида кулади. - Э-э, анави қўлансани айтяписизми? Ташқаридан келаяпти у. Қобил ака, ёпинг шу тўйнуқчани.

Темировнинг дами ичига тушиб кетади. Ҳозир анави бола “бопладимми?” дея шеригини туртаётган бўлса керак? - Тўхтанг!

“Жигули”ни у йўлнинг четига олиб тўхтатди, сўнг хотиржам, укасига савол назари билан қаради.

- Исталовой-писталовойга опкирасизми? Ё ошнамнинг тўйи деб бизни очдан ўлдирасизми?

Шундагина у машинадан икки қадамча нарида кўрани тутатиб кавоб пишираётган кавобпазга эътибор қилди, сели чиқаётган гўштнинг иштаҳани қитикловчи ҳиди димоғига урилди, - мен аҳмоқ, - деди у моторни қайта ўт олдирав экан, - машинага бир гап бўптими, деб ўйлабман-а.

- Овқат-ку майли-я, бир жуфт ҳалигидан опкираганимиз чатоқ бўпти-да, - деди журналист қандайдир тушкун оҳангда.

- Э, тавба, - деди Темиров гаши келиб, пичадан сўнг: - Қобил, - деди хиёл димоғини кўтариб, - Самарқандга кириб ўтмасак, бўлмас-ов?

- Нега?

- Ахир шунча йўлдан келиб, акани бир зиёрат қилмай, босиб ўтиб кетсак...

Қобил индамади. Акасининг ниятини фаҳмлаган эди у. “Ҳа, ўл-а”, деди ичида. У айнан шундай ўйга борганлигини Темиров ҳам билиб турарди, аммо буни писанд этмасдан

қўшиб қўйди:

- Ака хафа бўлиб юрадим, дейман-да.

* * *

Меҳмонларнинг иззати учунми ёхуд шунга одатланганми, ҳар қалай, уларга домланинг ўзи хизмат қилди. Ичкарига кириб-чиқар экан, гарчи шунга истамаса-да, бот-бот кўзи укаларига тушар, Қобилнинг қимтиниб жимгина ўтириши, эғнидаги чопон, чопоннинг ҳафсала билан, аммо укув-сизларча чатиб ташланган ямоғи, одмигина костюм-шими... туз селган каби юрагини ачиштирав эди унинг. Қийин-қийин, шунга қийин. Юзлари қуйиб, қорайиб кетибди. Кўзлари киртайиб қолипти. Шўрлик. Жўжа бирдай жон. Болаларига қарасинми, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олсинми ёки ишласинми? Бирон бева-бечорага уйлантириб қўйиш керакмиди? Ака бўлиб шу укасига ҳеч бир нафи тегмади-тегмади-да.

Унинг кўзи олдидан пистоки чопонини сира эғнидан ташламай юрадиган келини ўтди, “раҳматли жуда яхши аёл эди”.

Анави Тоштемир ўрдакка ўхшаб тумшугини кўтариб ўтирибди. Дон Кихотнинг ўзгинаси-э. Бўйин томирлари ўқловдай бўртиб чиққан. Бошида - тахи бузилмаган, лекин ранги учиб, яғири чиққан дўппи, ялтирайди. Пахмоқ сочлари оқарган, оқарганда ҳам ҳозиргина тупроққа ағанаган кулранг айғирнинг тўқларига ўхшаб оқарган. Ботиқ кўзлари катта-катта. Ёнок суяклари, кемирчаги туртиб чиққан. Орқасидан қарасанг, полиздаги “қўриқчи”ми дейсан, лекин керилиб ўтирибди. Бунинг бўлган-тургани шу: кирт-кирт ишлайди, пул топади, йиғади, аммо емайди, ичмайди, киймайди ҳам...

- Қандай бу... худо ярлақаб, тўйга борадиган бўп қолдинг, Тоштемир? - деди домла унга малол келмайдиган бир оҳангда. Одатда, синашта кишилар бир-бирига шундай мутойиба қилишади.

- Ай-й, шу келинингиз... - деди Темиров, шу чоғ акаси ўртага қўяётган бир жуфт арокка кўзи тушди-ю, илжайди, - ҳеч қўймади-қўймади-да.

Домла маънос жилмайиб қўйди. Бу пайт кичик ака-ука кўз уриштириб олишди. Темиров: “Энди биз қиттай оламиз, Қобилвой. Буёғига ўзингиз ҳайдайсиз”, демоқчи эди. Қобил эса: “Шунча йўлга балодай ҳайдаб келдингиз, энди буёғини ҳам...” дейишга чоғланган эди.

Домла ҳафсала билан арокни майдалади, сўнг бежирим қадахни бир-бир меҳмонларга узатди, навбат Қобилга етганида Темиров: - Ҳой, унга берманг! - деди шоша-пиша, у жиндай ҳаяжонланса, ҳовлиқиб кетарди, - Қобил ҳам ичса, машинани ким ҳайдайд? Ахир узок йўл!..

- Тўйхонагача ҳайданг-да энди ўзингиз, - деди Қобил ҳам бўш келмай. - Балодай қувиб келдингиз-ку - ГАИлардан қочиб!

Йигитлар кулишди. Темиров ҳам аввалига пича яйради, лекин зум ўтмай жиддий тортиб эътироз билдирди:

- Я-я, қўй бу гапни. Мошинани ҳайдамасанг, сени нимага олиб юрибмиз ўзи?

Қобил индамади.

- Ҳозир ичсанг, тўйда яна ичасан, тўғрими? Кейин “ичганман” деб қайтишдаям рулга ўтирмайсан. Я-я-я...

Домла хиёл ранжиган каби кўз остидан Темировга қараб қўйди-да, дийдаси юмшаб, - қани, Қобил, ол, - деди, - ичмасанг ҳам олдинда турсин, ука. Уриштириб ўтирасан...

Иккинчи қадахдан сўнг Темиров шартта ўрнидан турди ва фавқуллодда абжирлик билан узалиб арокни олди-да, қайта бошдан қадахини тўлдирди, кейин уни ҳам сипқориб тагин жойига ўтирди, кўзларини юмиб бошини хиёл орқага ташлаганча чуқур тин олди. Унинг юзларига қон югурган, доимий зикнализги шу арок таъсирида эриб битган эди гўё.

- Ака-а, - деди у ниҳоят чўзиб. - Сиз ҳам юринг биз билан... тўйга!

- Ҳўп, ҳўп, - деди домла жиндай кайф қилган укасини эркалагандай ширин жилмайиб, сўнг жиддий оҳангда изоҳ берди: - Жўранг ҳозир бизнинг кафедрада ишляпти, сенга тўйхат юборганидан хабарим бор эди, кепқоларсизлар, деб

кутиб ўтирган эдим асли. Яхши бўлди-да келганларинг...

- Яхши бўлганда қандай!.. - Темиров унинг оғзидаги гапни илиб кетди. - Қаторлашиб кириб борсак, боши нақ осмонга етиб қолади, дейман-да.

Бир кун аввал аёли: "шу тўйга боринг, ўзингизга яхши бўлади!" деб қийин-қистовга олганида нимаси яхши бўлишини у хаёлига келтира олмаган эди. Рост-да, йўл азоби-гўр азоби. Чикимини-ку айтмай қўя қолсин. Тагин... икки кун дод деб қуйиб кетади. Бу ёқда узиб қўйилган узумлар... Катта холаси келиб сотадими уни? Тўй деб минг сўм қулогини ушлаб кетсинми? Ҳадемай бозорни узум босади, тўйдан кейин хинони...

Темиров шу тўйга борди нима-ю, бормали нима? Бир нима ўзгариб қоладими, ахир?

- Хой, инсон, - писанда қилди аёли, - у бир эмас, икки тўйингизга келган!

- Келса кепти-да, - деди Темиров пинак бузмай. - Хўш, нима бўпти шунга?

- Шунча йўлдан сизни одам деб келган-ку, ахир?!

- Бекорчи бўлган, - деди Темиров саватларда тирсиллаб турган узумлардан кўз узмай, "ҳар бири юз сўмдан турсаям..." - унинг завки келди, - э-э, хотин, қўй бу бўлмагур гапларни, - деди пашша кўриётгандай қўл силтаб, - бекорчи бўлган, шу ёқларниям бир томоша қилай деган. Келган... - "Юз сўмдан бўлса, нақ бир минг икки юз..."

- Майли-ку, ўзингиз биласиз, лекин қачонгача буйтиб юрасиз, хўжайин?

- Қайтиб юришим керак экан, хў-ўш? - Темиров бирдан хужумга ўтди. - Ўргилдим сендақа Пифагордан. Жуда ақлинг тўлишиб қоптими, а? Хўш, мен қайтиб юришим керак экан?

- Элдан чиқсак, чиқиб бўлдик. Одамгарчилигимиз қолмади. Ҳатто шу болаларгаям кун йўқ - сизнинг дастингиздан. Ахир, ўзингиз эмасми, "тўйимизда юз сўм қўшан қилди шу жўрам", деб лопиллаган? Яна ўғил тўйларингиздаям биттадан совлик опкелдимиз? Опкелди. Ким узди буни? А? Ечинг анави қўйини, мен ўзим етаклаб бораман...

Аёлининг жаҳди Темировни ўйлантриб қўйди. Эл дегани-ку гап эмас унга, шу-кишлоғидагиларни айтаяпти-да, бир тийин ҳаммаси. Лекин... икки ўртада акиси бор. У ҳам майли-ю, аммо анави совликни етаклаб йўлга тушишдан ҳам қайтмайди ҳозир. Чорт. "Ўғил тўйларингиздаям биттадан совлик опкелган" дейдими. Чорт-э. - Темиров манглайини тириштирди, сўнг тўрғи уйга кириб, жавондаги китоблар орасидан "Физика" дарслигини суғуриб олди - жамғармани шу жинд ичида сақлар эди у - тахи бузилмаган ўн сўмликнинг бештасини ажратди, шу чоғ аёли юзига солган совлиқлар бир-бир хаёлидан ўтди, аввалига пича иккиланди, азбаройи пулни яхши кўрганлиги учун ҳам бирдан фикри қатъийлашди, - опкелса опкелпти-да, нима, мен унга қўй олиб келасан деганмидим, - гарчи бу фикр ўзига жуда маъқул бўлса-да, бари бир, олган пулининг чўғи кам кўринди, сўнг тахлам орасидан яна бир эзилганган ўн сўмликни топди-да, уни ҳам тўёнага қўшди: - Ол, ана, бор-э! Бўлса, бўлсин!

Тўйга-ку, кўзини чирт юмиб бўлса-да, ўзича тузукки-на маблаг ажратди-я, аммо... Бир ўзи якка маҳовга ўхшаб сўппайиб кириб борса, қандай бўлар экан?

Унинг шашти тушиб кетди. Нима қилса экан? Қўлини орқасига берганча кўчага чикди. Унга-бунга оғиз солиб кўрди, қаёқда дейсиз. "Ним-ма? Тўйга? Бахмалга?.. Автобусда?.." Караса, бўлмайди. Начора. Мажбуран итдан-да баттар кўрайдиган мана шу сатанларга бориб ялинди, ялингани ҳам майли, "Жигули"га чиқаришга мажбур бўлди...

Лекин ҳозир - сархуш тани ажиб бир ҳаловат туйғач, тузланган серсув бодрингни газакбосди қилар экан, булар ҳаммаси бўлақча туюла бошлади унга.

- Яхши бўлди - сизникига келганимиз, - деди у домлага қарата ҳар бир сўзига алоҳида ургу бериб; лоқайд ўқувчиларга физиканинг қонун-қоидаларини уқитириш учун жўнгина гапни ҳам сирлироқ қилиб, унга бўлақча бир маъно бериб таъкидлашга одатланиб кетган эди. - Э, тавба, буни қаранг. Сиз ҳам мунтазир бўлиб ўтирган экансиз-а? Э, тавба! Агар, фалокат босиб, кирмай ўтиб кетсак, нима бўлар эди? Шу ерда акам яшайди-ку, босиб ўтсак, одамгарчилик-

дан бўлмас, деб ўйладим-да, ака, сўнг шартта рулни бурдим, кў-п яхши бўлди-да шу ишимиз...

- Ҳа-а, албатта, - деди домла унинг кўнглига қараб, - қани, ошдан олинлар. Тўйга борсанг, тўйиб бор, деб айтишган-ку.

* * *

Кун қайтган, япроқлар тугул ҳатто ҳавога ҳам губор аралаш бир ҳорғинлик ўтириб қолгандай эди гўё.

Темиров, кимсан - "Жигули"нинг эгаси, Қобилнинг бикинига - олдинга ўтириб олган, - унинг қалласи боланинг қўлидаги пуфақдай чайқалиб-чайқалиб кетарди.

- Шу билан дунё ўзгариб кетдими, а? - деди мастона чайқалган овозда, йўлга чиқишдан аввал кўярда-қўймай домла кийдирган ва ҳозир эғнида хўрпиллаб турган костюшиму ёқаси катта қўйлакка ишора қилиб. - Аслида моддият ўзгаргани йўқ, ўзгармайди ҳам. Мен барибир менман-ку, ахир, тўғрими шу?

- Тўғрилиқка тўғри-ку-я, - деди домла ички бир ҳасрат билан, лекин ҳозир маломатнинг ўрни эмаслигини сизди шекилли, гап оҳанги бирдан мутуйиба тусини олди. - Лекин сен ҳам аввалги Тоштемир эмассан-да ҳозир! Ўзгаргансан!

- Шунақами? Ҳа-ҳа-ҳа. - Хандон отиб қулди Темиров, аслида нега қулганини унинг ўзи ҳам билмас эди. Табиати баҳор ҳавасига ўхшар, ёғиши ҳам, очилиб кетиши ҳам осон эди. - Ноль қўшув ноль баробар нолга! - деди у. Деганда ҳам оламшумул кашфиёт яратган каби фавқуллодда кўтаринки оҳангга, астойдил айтди бу гапни, сўнг кўзлари чақнаб керилганча ҳайқалдай қотди-қолди...

Базмоғоҳга кириб боришганида ўтиргулик жой қолмаган, меҳмонлар ҳам алақачон бир-бири билан "ота-бола" бўлиб кетишган эди.

- Кеч қолибмиз-ку, - деди домла пича хижолат бўлиб, мезбонлар у кишининг иззати учунми алоҳида жой ҳозирлашди, дастурхон ёзишиб, "тўкиб" ташлашди.

Темиров қўлларини сонига қўйиб керилиб ўтирар экан, юзларига жиддий тус бермоқчи бўлар, бироқ барибир хурсандчилигини яшира олмасди. Чироқларни санаган бўлади, тагин айланиб келиб кўзи ароққа тушади, тикилиб қарайди унга: "Золотое кольцо". Савил колтуруни қўлига олиб, айлантриб кўради. Шунақасиям бўлар экан-да? Дастагиям бор. Э-э, қойил-э! Шу ёшга кириб, юрган экан-да Темиров ҳам, бунақасини сира кўрмаган. Ютимиям бошқача бўлса керак?

- Очамизда энди, а, буни? - деди Темиров, ҳаяжондан товуши пича бўғилиб чикди.

- Очмай нима қиласиз, - деди Қобил қувлик билан. - Қуйинг. Жиндай-жиндай олайлик.

- Сен тек ўтир! - Темиров тикрайганча уқасини силтаб ташлади. - Сен рулдасан. Рулдаги одам хўшёр бўлиши керак.

- Ана, курсдошларинг, - деди домла, афтидан, вазиятни юмшатиш учун. - Бориб сўрашмайсанми?

- Йўқ, - деди Темиров ажабтовур қатъият билан. - Олдин пича ўзимизга келиб олайлик, кейин...

Шу чоғ кимдир қадах сўзи айта бошлади: "Тўй-маърақа ҳам аслида бир ҳисоботга ўхшайди..."

- Бор, ахир курсдошларинг сенга қараб қолишиди?!

Темиров домланинг гапини "зотнинг туз"и билан босди: - Ахир, бир инсон гапиратган бўлса, шунини эшитайлик-да, ака, - У шоша-пиша шишани очди-да, қадахларга чилпиллатиб қўйди: - Қани, урдик! Жа-а зўр гаплар бўлди - биз ҳам қўшилаемиз, шундайми?!

- Бор энди! - деди домла, бу гал унинг гап оҳангидан жаҳл ҳам, ҳукм ҳам аён сезилиб турар эди. - Уят бўлиб кетди-ку, ахир!

Уят бўлганини Темировнинг ўзи ҳам биларди, аммо бориб шулар билан бир-бир сўрашишга сира тоқати йўқ, қолаверса, нима фойда - расмиятчилик, мулозамат... Қайтиб, уларга иши тушадими, йўқми?

Э-э, одамни ҳоли-жонига қўймайди-да булар! Энасаси қотиб ўрнидан турди у, дунёни сўраб ўтиргандай кибру-ҳавоси баланд, бемалол чакчақлашётган тўда-

га қараб юрди. Бўлса, олим бўпти-да булар, хўш, нимасига бунча талтайишар экан?! Тавба-а.

- Кўринмайсиз? - деди вақти-замонида курсбоши бўлган Раулов, сўнг худди ўша пайтдаги каби дастурмолчасини чиқарди-да, бурнини артди.

“Халиям мишиги оқиб юрибдию бунинг”.

- Биз ҳам юрипми-из, - деди Темиров салмоқлиниб, ҳам атай гапига сирли тус бериб: - 57-62 йиллар атрофида. - Ҳеч вақони англамади улар, гарчи шундай бўлса-да, Темировнинг иззати учун кулишган бўлди.

Мунча сипо-а булар? Худди устингдан кулишаётгандай. Эҳ-э, ўргилдим - сендака хоназотлардан!

Шу чоғ домлага сўз бериб қолишди. Темиров, майли, яхши ўтирингизлар, биз аканинг ёнига борайлик, ёлғизланиб қолмасин, деган бўлди мавҳум бир имо-ишора билан, сўнг шартта изига қайтди. Худонинг ўзи ишини ўнглади. Келиб, ҳали жойлашиб ўтирмаёқ чилпилаб турган қадахни қўлига олди-да, аламига смирди. Қайтиб қадахни тўлдирётган маҳали аканинг ҳасратига тўлиб: “... бу кунларга етганлар бор...” дегани қўлоғига чалинди. Нима дейди бу ўзи? Тавба-а. Шартга ичиб юборсамикан? Одамлар... У бошини кўтариб, ўтирганларни кўздан кечирди, аксига олиб, ҳамма шу тарафга юзланган, гўё унга кўз тикиб ўтиришар эди. Тагин аканинг гапи унинг хаёлига чалинди: “... Ноилож, харом ўлган молларни...”

Болаликнинг аччиқ хотиралари бирдан ёдига тушди унинг, қулоқлари шанғиллаб, кўзларида ёш айланди. Оч, юпун укаси. Ойнинг ёруғида ўлакساني қазиб олишгани, сўнг ойболта билан акаси ўша отни майдалаб... У - Темиров эса галтакка солиб гўштни уйга ташигани... Шулар, уадага ўраниб бурчакда қўнишиб ўтирган аяси... бари-барчаси бирдан хаёлидан жонланди ва юраги сел бўлиб, кўз ёшлари унинг юзини ювиб туша бошлади.

Алланечук меҳри ийиб кетди унинг, акасига суйканди:

- Сиз менинг отамсиз! Сиз бўлмасангиз итдай хор бўлиб ўлиб кетар эдик, сиз ота ўрнида... - Шу чоғ унинг кўзи домланинг нариги тарафида ўтирган инженерга тушди, галати бўлиб кетди у, чунки вақтида уни роса қўйнаган, қийнамайин деса, ҳадеб савол берар, азонда бозорга бориб, узум сотиб силласи қуриб қайтган Темировга бу сира ёқмас эди. Ўзи бу бола ўлгудек кўрс эди-да: Темиров гапни чалғитиши билан жўртгага тишининг оқини кўрсатиб илжарди. Бир гал аламига чидай олмай Темиров унинг бошига шланканинг тўғаси билан урган, ҳозир шу ёдига тушди-ю, рости, ўзининг хўрлиги келди. Қани энди эзилиб йиғласа-ю, юрагидаги чигал ёйилса...

Шу чоғ тўй эгаси - озгин ва тепакал Элмурод унинг рўпарасида ҳозир бўлди, қўлида - қадах, шунга кўзи тушгач, Темиров ароққа узалди: - И-икки оғайни бир ч-ўқиштириб... Элмурод гўё унинг гапини эшитмагандай домлага юзланди ва боя билдирган тилаги учун ташаккур изҳор этди, бу орада Темиров қадахини чилпилатиб ароқ қўйди-да, сўнг чайқала-чайқала ўрнидан турди:

- Қани, бир чўқиштирайлик!

- Рости, сизни кўриб, бошим осмонга етди, - деди Элмурод, - шунча йўлдан... Раҳмат, раҳмат дўстим, яхши кунларингизда қайтарайлик.

Темиров талтайиб кетди. Бесўнақай қўлини у Элмуроднинг гарданига қўйиб, ўзига тортди, сўнг юзидан чўлпилатиб ўпди.

- С-сиз бизди ким деб ўйловдингиз, дўстим? Г-гарчи сизга ўхшаб к-кандидат бўлмасак ҳам... - Афтидан у юрагидаги гапларни англантиш ниятида кўрсаткич бармоғини чўзиб қандайдир муаллақ ишоралар қилди, кейин тўёна ёдига тушиб қолди шекилли, қўккисдан чўнтагини пайпаслай бошлади. Шунда домла уни тўртди, сўнг “ўтир” деган маънода ишора қилди. Темиров жуда ҳайрон бўлиб кўзларини очиб-юмиб, тиришиб, чимирила бошлагач, домла жилмайиб ўтирган бўлса-да: - Ўтир! - деди хиёл таҳдид билан.

- И-я, н-нега ўтирар эканман? А-ахир... - У чўнтагидаги пулни ниҳоят топди ва олиб, тўкиб-сочиб тўй эгасига узатди. - К-кам! К-кам бу, б-биламан, лекин...

Шу чоғ кимдир баридан тортди ва у беихтиёр тап

этиб жойига ўтириб қолди. Орқага чагилиб қулаб тушар эди-ю, яхшиям ўша - тортган одам суяб қолди.

- Ўл-э, хасис! - Гарчи Қобил бу гапни жуда паст овозда, деярли шивирлаб айтган бўлса-да, у аниқ эшитди, укасининг ижирганишидан ранжимеди ҳам. Рост-да. Хасислик қилди.

- Х-хотининг ҳам шу-шундай деган, р-рахматли, - деди укасига жавобан. - Ў-ла, хасис!, девди у, - деди Темиров дона-дона қилиб.

Ўшанда... у тонг саҳар - узиб қўйилган узумни сотиш учун бозорга бораётган эди, кўча адоғидаги муюлишдан катта йўлга қайрилиб, бундоқ қараса, уч аёл турибди, ай-ҳайлаб қўл силкишади. Аслида-ку шу дардисарларни миндирмас эди-я, лекин жой бўш... “ўлганда бир сўмдан беришади, қарабсанки, ёнигининг ҳаражати ҳам чиқиб турибди-да”.

“Жигули” ҳали тўхтамасидан аёллар тўпирлаб ўзларини ичкарига уришди, Темиров зўрға уларни тўхтатди:

- Ковушларингни ечиб қўлларингга олинглар қани!

Шўрликлар эътироз билдиришмади, миқ этмай айтганини қилишди, фақат пучиккина келинчак жойлашиб ўтириб олгач: - Жудаям культурнисиз-да, тоға, - деди.

Темиров унинг пичингани қўлоғининг остидан ўтказиб юборди.

- “Такси” бўлса уч сўмдан оларди, лекин майли, - деди у одати бўйича. - Элатчилик, менга бир сўмдан бера-сизлар.

- “Такси”ям бир сўмдан олади, ака, - деди аёллардан бири дона-дона қилиб, товуши жуда ҳам таниш эди, Темиров кўзгудан орқа ўриндикка қараб кўрдикки, Қобилнинг аёли. Ҳали бу йўлқира ҳам бермай қуйдиради-ёв, деган хавотирда: - Сиздан олмаслигим ҳам мумкин эди, келин, - деди шоша-пиша, - лекин... машина эксплуатация қилинапти. Бензин топиш ҳам осон эмас. Хуллас, сиз ҳам бир сўм бера-сиз!

Ўшанда келини ҳаммадан бурун тушган ва идлао билан рўмолининг учидаги тугунни ечиб, “беш сўм”лик олган-да узатган. Майдаси бўлмаса, пулимни қайтариб беради, деб ўйлаганми?! Темиров унга шерикларидан тушган икки сўмни қайтим сифатида узатди-да, ёнимда бошқа майда йўқ экан, кейин берарман, деб жўнаб қолди. Аммо “Жигули” ўрнидан силжмай туриб, келинининг: “Ўл-а, хасис!” деганини аниқ эшитди...

Энди-и, асли ўшанда ёнида анча-мунча майда бор эди, лекин қайтим бериб ўтиргандан кўра суллохлик қилиб икки сўмни уриб қолиш ўзига маъқул кўринди.

Гарчи Қобилнинг аёли аллақачон оламдан ўтган бўлса-да, унинг айтган гапи ҳозир юзига урилган тарсакидай нашта қилди унга, аламиндан беярашиқ чайқалганча акасига суйканди. - Мен - ноинсофман, - деди у астойдил, ички бир надомат билан. - М-мен хасис...

- Ҳа, яхши, яхши, - деди домла унинг ҳасратига эътибор қилмай. - Қани, турдик бўлмаса.

- Н-нега? Ахир, ҳ-ҳали тўй тарқгани й-йўқ-ку?

Темировнинг хархашасига қулоқ солмай, базмгоҳдан етаклаб уни кўчага бошлаб чиқишди. Домлага у ёпишиб олган, ўзи идрок этган фавқулодда ҳақиқатларни айтиб, ҳасрат қилар, кўнгил ёзар эди гўё. - Я-яхши қилдик келиб. Дўстим ҳурсанд бўлди. Одамдан нима қолади, ахир? Менимча шу - яхшилик! Мана, Солибой, ўзини тўрт деворга урди, дунё орттирди, “ГАЗ-24” олди. Йиғди-йиғди, бир кунни тўп этиб йиқилди-да, бирдан ўлди-қолди. Хўш, нима қолди ундан? Пули? Давлатми? Қиморбоз ўғли бир кунда совурди-ку ҳаммасини. Бечора на элга қўшиллар эди, на маъракамовридга борар эди. Ўлди-қолди. Ҳаммаси садқан сар...

Солибойдай бўлиш керак деб мол-дунё ҳавасида кечаю-кундуз зир югурадиган Темиров шу тобда унинг фожеасини фавқулодда равшанликда аён кўриб турар, пулга хирс қўйиб қилган номаъқулчиликлари ҳаққи алам туяр эди.

Кайфи жойида эканлигини Темиров яхши билар, лекин ўзи тушиб қолган бу ҳолат қандайдир аламангиз, кўнгилга яқин эдики, шундан эзилар эди у. Ўладиган дунёда ўша келинига яхшилик қилса, бир жойи камайиб қоларми-ди?!

Домла тўйчивонлар билан хайр-хушлашаётганини

кўриб: - Нима, қайтаизми? - деди у. Бир замонлар тўй-тўйлагани кўноққа берар эди, чупронга довор чак-чаклашиш давом этар эди, ҳозир шу ҳаёлидан кечди-ю: - Ахир, тўйни ўтказиб, эртага чупрондан кейин кетсак ҳам бўлади-ку? - деди. Худди унинг гапини эшитмаган каби Элмурод хиёл тавозе билан унга қўл узатди:

- Раҳма-ат дўстим, дадамлар ҳам сиздан жуда миннатдор бўлдилар.

- Ий-э, у кишининг қўлларини олмадик-ку ҳали, - деди Темиров бирдан хушёр тортиб, сўнг дабдурустдан: - У кишини кўрмай кетсак, бўлмас-ов? - деди кўрсаткич бармоғини ўйнатиб, кейин тумшугини кўтарди-да: - Йўк, бўлмайди! - деди узил-кесил.

Домла машина эшигига суяниб турар, Қобил эса аллақачон моторни ўт олдирган, шогирдлар ҳам орқа ўриндикка полондай кўнишиб музтар ўтиришибди, лекин Темиров...

У яна базмгоҳ томонга бурилди, пича юргач, "оқсоқолни зиёрат қилиш - савоб" дейишга чоғланиб ортига ўғирлиди ва кўрдик, Элмурод мийгида илжаётди. Гўё Темировнинг кайфи ошиб қолган-у, шундан қуляпти. Темировнинг миясига қон урди:

- Сиз қулманг, - деди у тутақиб. - Сиз нима деб ўйлаясиз ўзи? Кечирасиз-у, ме-ен... ичдим, лекин... Нега энди бошқа одам билан учралишини истамаёйман, ҳўш? Сиз дўппингизни осмонга отсангиз - арзийди, отангиз бор! Ҳаёт! Аммо биз... отанинг дийдорини кўрмаганмиз, оғайни! Сиз тушунмайсиз - мен нега йиғлаётганимни!..

- Э, қизикмисиз? Ахир, нега қуламан, дўстим, қизикмисиз?

- Қулманг! - деди Темиров кескин оҳангда; у ҳамиша ўзини ҳақ деб билар ва ҳозир ҳам ўзининг тамомила ҳақ эканлигига йимони қомил бўлганлиги учун Элмуроднинг гапини шарт кесиб ташлади. Лекин базмгоҳга кираверишда унинг ҳаёли чалғиб кетди. Четдаги бўш ўринлар, чирокда ҳаёт суви янглиғ жимиллаётган шишаларга кўзи тушиб, нафси ғолиблик билан: - Бир пасадка қилиб олайлик, - дея тақлиф киритди.

Қадахлар яна жиринглаб аксусадо таратди.

- Эҳ-х, одамнинг жони-да бу! - деди Темиров астойдил яйраб. Шунда қимдир қулоқлар остида шипшигандай бўлди: - Айниқса, текин бўлса!

Икки оғайни судрашиб тагин машинанинг ёнига келишди. Хайрлашишди, лекин Темировнинг сира ажралгиси келмас эди:

- Бу... бу... ҳали вақтли-ку, а?

Пойтахтдан келган журналист хит бўлди, уфлайди, ахир Темировнинг ёнига келади.

- Домла, - дейди у, - нима қилдик-а? Ахир, йўл узок бўлса...

- Бобойни зиёрат қилмабмиз-ку!

- Ахир, эрталаб чупронга келамиз-ку, домла, - дейди шогирд.

Бирдан Темировнинг чеҳраси ёришади, елқасидан тоғ қулаган каби Элмурод ҳам енгил тин олади.

- Яхши, - дейди Темиров, - ҳозирча хайрлашмаймиз. Э-эрталаб к-кўришамиз...

Темиров олд ўриндикка чўкди, яна тушмоқчи, Элмуродга нимадир демокчи бўлди-ю, бироқ Қобил унинг ай-ҳайлашига қарамай газни босди-да, қатта йўлга қараб ҳайлади. Йўлга чиқар-чиқмас Темиров ҳовлиқиб машинани тўхтатди, сўнг тушиб дабдираб-дабдираб орқа эшикни очди-да: - И-иззатли к-киши олдинда ўт-тириши к-керак, - деди. Хуллас, домлани ҳоли-жонига қўймай ёқасидан олиб судрагандай қилиб - олдинга ўтказди, сўнг ўзи айлиниб ўтиб орқага ўтирди: - Ана э-энди ҳайда! - деди қилган ишидан ўзи наҳша қилиб. - Ака олдинда ўт-тириши керакми, ахир? К-керак!

- Ошириб юборасан-да, Тоштемир, - деди домла алланечук ўнғайсизланиб. - Шарт эмас-ку, ахир!

- С-сиз турганда... пиёда к-кетиши керак булар!

Домланинг ортида ўтирган Темиров қулочини кенг очиб, уни қучди, сўнг қулоқларини аралаштириб чўлпиллатиб ўпди ҳам.

- С-сиз менинг от-тамсиз! Сиз мени ўқ-қитдингиз, одам қилдингиз! Лекин энди билсам, бари бир, одам бўлмапман... Хат-то, хато, бутунлай янглиш... Сиз келдингиз-а, мени деб, а, шунча йўлга-я, ўртоғимнинг тўйига келдингиз-а! Манави укаларим-чи! Бир оғиз юринглар десам, йўқ дейишмади-я. Мен буларга нима яхшилик қилувдим? Хеч нима...

- Бундан буюғига яхшилик қилсангиз ҳам, эҳ-хе!.. - қулди Қобил.

- Сен жим ўтир! - жеркинди Темиров. - Сен рулингни бил. Бошқа нимани ҳам тушинар эдинг? Мен, ий-э, мана шу Аҳмадбой инженерман деса ишонгим келмайди-да. Шуларни физикадан мен ўқитганман. Дарс пайти қанча узум сотганим-у, пулларни чақиштириб ўтирар эдим. Шунча узумни фалон бозорга этсам, мунча даромад бўлар эди, чўлга олиб чиқсам мунча бўларди, хуллас, нашавангдай авжи ҳаёлга берилганимда бу шумтақа йўқ ердаги саволни бериб қолар эди-да. Э-э, сен тушунмайсан. Қобилбой, мана, сен ёки акам, топганларинга қаноат қилиб, бир қуларингни кўриб юрибсизлар-ку. Нега мен?.. Мен ҳам болаларни алладим, ҳам ҳукуматни алладим, ҳам ўзимни...

Унга ҳеч ким муносабат билдирмади.

У эса токи ҳозирга қадар юрагида ҳукмрон бўлиб яшаган худбин Темировни оёқости қилаётганидан, уни янчиб ташлаётганидан, аниқроғи, айбига иқрор бўлаётганидан ҳузурланар, чўмилаётган одам каби ўзини қирдан фориг ҳис этар эди.

Қияликка ўрлаётиб "Жигули"нинг олд гилдираги "гарақ"лаб чуқурликка тушиб, ўмгани юлиниб кетгандек бўлди.

- Бос! - деди Темиров бундан наҳша қилиб. - Учир-р. Ўлиб кетмайдами, бир темир-да!

Темировга бақамти ўтирган йигитлар нечундир гап қўшмас, домла ҳам ўз кўйича ўйга толиб борар эди, ниҳоят у киши қўнглидан кетган йўларга хотима ясагандек: - Одам боласи ҳалол меҳнати билан ҳам тиришиб-тирмашиб юзага чиқиши мумкин экан-да! - деди.

Темиров унинг гапини илиб кетди:

- Биз бир тўғрам нон учун кечани-кеча, қундузни-қундуз демай қирт-қирт ишлаганмиз-ку! Бир тўғрам нон учун жонимизни жабборга берганмиз-ку, ахир, ака! Ҳозирги ёшлар жуда баланд-д учини истаиди, лекин биз... - Бирдан унинг машки пасайди, чайналди, пича хушёр тортганлиги учун ҳам "уларнинг оёғига тушов бўлмаслигимиз керак" деган, тилининг учида турган иқрорни айтишга бўйни ёр бермади. - Ҳали курсдошлар, кўринмайсиз, дейди. Мен айтдим: 57-62 йиллар атрофида юрибман, деб. Илжайишди, лекин фаросатлари етмади шунга. Ахир мен, талабалик йилларимиз хотираси билан яшаб юрибман, деган эдим-ку! Тагин олим эмиш булар! - мингиллади у, гапи-гапига қовушмаганини ҳис этиб, дераза томонга бурилиб олди. Юлдузларга кўзи тушиди-ю, ҳаёли чалғиди. Шимолий қутба бир юлдуз чакнар, кўкиш товланиб туриб бирдан ловуллаб чўғланар эди. Ажабо, Темиров шу пайтга қадар наҳот бу юлдузни кўрмаган бўлса? Йўк, кўрган, минг марта кўрган, лекин эътибор бермаган. Уни қара, бағридаги нурни тарам-тарам қилиб сочади-я. Минг хил товланади-я! Одам шундай бўлиши керак!

"Жигули" елдай учиб борар эди. Аҳён-аҳёндагина рўбарўдан машина чиқар ва чироклари машъаладай ловуллаб, "зув" этиб ёнларидан ўтарди-да, тун қаърига сингиб кетар эди.

Кўкламда гоҳо қуёш юзини қоп-қора булуллар тўсиб қўяди. Бирдан атроф қоронғилашади. Олис-олислар кўзга ташланиб туради-ю, лекин равшанлигини йўқотади. Ҳозир шундай эди. Ой ёруғини ёпинган қир ва адирлар кўз илгат-гудек бўлиб туюлса-да, хира туман чулғаб ётгандай сирли ва сўлим эди.

Дунё кенг экан-да, деб ўйлади Темиров, бу чексизлик руҳига маҳобат бахш этарди.

Шаҳарга кириб келишганда алламаҳал бўлиб қолган, роса ҳолдан тойишган эди, аммо шунда-да ёта қолишмади.

Темиров уларни ҳоли-жонига қўймагач, пича ўтиришди, яна ича-ич, яна ҳасратлашиш...

Уйку уриб юзлари шишинқираган янгаси ҳали чой, ҳали ҳиз-биз қилади...

Шу кеча Темировнинг одамларга меҳри ошиб кетди. Янгасини қаранг, бечора, мунча парвона бўлмаса!.. Нима азоб? Нима азоб... Одамгарчилик дегани шу шеклилли-да?!

- Э-эрталаб ҳамма ш-шаҳарга! - деди охири Темиров юраги тошиб. - Мен қ-қайтаришим к-кер-рак!

* * *

Худди биров туртиб юборгандай сесканиб уйғонди. У ўмганини кўтарганча, ётсираб атрофга аланглади, қандайдир бегона жой... Ҳовлиқиб ўрнидан турди ва пайпаслай-пайпаслай чирокёккиччи топди. Ниҳоят, уй ичи ёришди, даставвал кўзи Қобилга тушди, унинг ёнида яна аллақим...

Шундагина кечаси тўйдан қайтишгани, Самарқандда, акасиникида тунаб қолишгани хаёлига келди. Кечкурун соатини ҳам ечмай ётган экан, қараса, кичик мил беш рақамига миниб турибди. Шу чоғ тўй, ўзининг кайф устида алжирани ёнига тушди. "Э, падарига лаънат! Пишириб қўйганмиди шу тўйда? Айтдим, айтдим..." У кир-чир энгил-бошини топиб, апир-тапир кийинди. Кийинар экан, шу тўйга келишга мажбур қилган хотинини бўралатиб сўзди: "Э, бу... падарига лаънат!.." Бадбўй қўланса димоғига урилиб, кўнглини беҳузур қилди. Ўзи ям итдан баттар саёк бўлиб кетди-э!" Эшикни очди-да, ўзини койий-койий ҳовлига чиқди. "Жигули" дарахтлар панасида совуқда кўнишиб ётган ғунашинга ўхшаб турар эди. Устини бир қарич чанг босган, биқинларига лой сачраган...

Темировнинг юраги зиркираб кетди. Ўзиники бўлмаганидан кейин, жони ачимаганидан кейин аямай ҳайдайди-да. Дабдаласини чиқаргандир? Ҳа-а, ўзим айтувдим-а, тўйда пишириб қўйибдимми сенга, Тоштемир, деб. Хотин зоти.. ҳеч эси кирмади-кирмади-да.

Эшикни очиб рулга ўтирди, назарида, "Жигули" тўкилиб қолай-тўкилиб қолай деб турар эди. Жисми-жони дабдала бўлган ярадорни эҳтиёт қилган каби у авайлаб-асраб уловини катга йўлга ҳайдаб чиқди. Мўлжали - тонг ёришмай туриб қишлоққа кириб бориш, хотинидан аламинин олиш эди: "Ҳе, ўша - сани тўққан!.." Бир зарбласа, она-бола миқ этмай кеча узиб қўйилган узумни кўтариб бозорга жўнашади. Ҳе, ўргилдм тўйингдан сенинг!

Ноль катга чексизликдан!

Аҳмоқ бўлмасанг, кеча шунақа қаланғи-қасанғи гапларни қиласанми? Ё тавба-эй, мянган айниб копти-ку, Темиров!

Ғижина-ғижина у ўз уйи - ўлан тўшаги сари елдай учиб борар эди...

СЎНГИ МАКТУБ

Яйдоқ кўчада ногоҳ рўбарў келгач, ўксик нигоҳингдаги ҳасратни уқиб, сенга Зулфия, ушбу мактубни битмакни лозим деб топдим. Бундан ўн йилча аввал - хизматга кетиш арафасида қилган лафзимнинг устида тура олмадим, бу - рост ва бунинг учун ҳар қанча маломат қилсанг арзийди, аммо бир лаҳза бўлсин сен ҳам менинг дардимга қулоқ туг. Бундай қарама менга, Зулфия! Наҳот бир юпанч истаганим сен бўлсанг-у, сен ҳам оғир бир қараш билан ерга тикиб юборсанг мени?

Зулфия, ишонсанг, сендан азиз кишим йўқ менинг, ҳозир ҳам... Ёлғизман. Нима қилай ахир, тақдир изми сен билан менинг хоҳиш ва иродамиздан устун чиқса? Шундай бўлиб чиқишини туш кўрибманми, ахир? Ким ҳам ҳаётини ўзи ҳазон этади? Бир марта берилажак умрда ҳаммаям яшашни, яшаганда ҳам орзу-ҳавасга беланиб яшашни истайди-ку, ахир. Менинг эса интилганим сен эдинг, топганим ҳам, йўқотганим ҳам сенсан, Зулфия!

Соқин кечалар хиёбонда сайр этиб, энди чиққан ойга термулиб тилак тилаган кечалар ёдингладир? Шунда биздан кўра бахтлироқ одам топилармиди, ахир?

Сени бир кун кўрмасам, соғинчдан юрагим уртаниб кетарди. Бориб, дардан чиқишинини пойлар эдим. Кўзларим тўқнашган дамдаёқ икки томчи кўз ёшидай хаёлан бир-биримизга қўшилиб кетардик.

Олам босаси учун бундан ортиқ саодат бормикан?

Зулфия, тақдирнинг ишини қараки, чархни терс айлантириб, на сенга, на менга зигирча мурувват қилмади.

Ўқув машғулотлари ниҳоясига етгач, ҳайту-ҳуйт деб тўғри биз Афғонистонга, тагин разведка батальонининг сара гуруҳига келиб тушдик. Ўша кун махсус топшириқ олиб, верталётда учиб кетаётган эдик, бундай сафарлар кўп бўлган, лекин верталёт бунақа зарб билан чайқалганини ҳеч маҳал кўрмаганман. Ҳаммаси кўз юмиб-очгунча содир бўлди: аввалига у даҳшатли даражада қаттиқ силкинди, сўнг ҳали биз ўзимизга келиб ургурмай мувозанатини йўқотган каби бирдан қуйига шўнғиди ва келиб қарсиллаб бир нимага чунонам урилдики, кабинетини чангу-ғубор аралаш тутун босиб кетди.

У бир-икки чайқалди-да, сўнг миҳланиб туриб қолди.

Кимдир жон ҳалпида чинқириб юборди. Аллақим ўзини эшикка урди. "Фалокат! Наҳот ўққа учган бўлсанг? Худо урди!" Бундай маҳал бир лаҳзада тақдиринг ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлади. Шу менинг кўнглимдан кечди. Бирдан учувчилар хаёлимга келди, улар нима бўлганини билишадик-ку, ахир. Шу ёққа юзланиб, кўрдимки...

Верталёт қулай туриб, келиб тоққа урилган, тумшуғи мажақланиб, бояқишлар чумолидай эзилиб кетган эди. Улардан бирининг узилиб тушган қўли оёқостиди қонга беланиб ётарди.

Нимадир келиб бўғзимга қадалди, тошдай қотдим. Шу чоғ мени кимдир турди, аммо булк эта олмас эдим.

- Ҳозир портлайди! - ваҳм билан қичқирди туртган аскар. - Нега шалпаясан? Бўлсанг-чи! - Шундагина тезроқ эшикка чиқиш, ҳар лаҳзада портлаб кетиши мумкин бўлган мана бу сағанадан нарига қочиш лозимлиги хаёлидан кечди.

Оёқларимни зўрга судраб босганча эшикка чиқдим, ҳатто пича қочган ҳам бўлдим, сўнг ўгирилиб теварак-атрофга қарасам, шериклар калтак еган одамдай дабдираб у ер, бу ерда каловланиб туришибди, ҳовлиққанамдан ерлилар бизни қўршаб олишганини илғамаган эканман.

Асир олган ерлилар бизга шафқат қиладиган авзода эмас эди, мунчокдай тизиб ҳаммамизни отиб ташласа керак, деб турган маҳалим кўккисдан улар ҳужжатларни кўздан кечира бошлашди, дафъатан менинг ёнимдан сенинг сувратинг чиқиб қолди, Зулфия, шунда мен тинтувчининг дийдаси юмшаб кетганига шохид бўлдим, назаримда, баногоҳ у биз ҳам одам, қолаверса, кимнидир суйиб сувратини олиб юришга қобил эканлигимизни, эҳтимол бу уруш бизнинг инон-ихтиёрдан ҳориждаги ҳодисот бўлиб, дийну иймонимиз бирлигини ҳам идрок этди, у менга ачинган каби кўз остидан бир қараб қўйди-да, сўнг ҳужжатлару сенинг сувратларингни олиб қароргоҳлари сари бурилди.

Зулфия! Шундай лаҳзалар бўладики, тақдирингни ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилади, деб айтган эдим сенга. Худди шундай бўлган, биз инон-ихтиёрни буткул йўқотган, фақат бу ёғи бир кун келиб барчаси бир ёқлик бўлгунга қадар бошга тушадиган кўргуликларга чидашгина қолган эди, холос. Биз душманлик қилиб, уй-жойини, тинчини бузган кишилар қўлига асир бўлиб тушган эдик. Бундай пайтда ҳаммадан, ҳатто сендан, наинки сендан, яшашдан ҳам умидни узмай илож йўқ, Зулфия. Гарчи ҳар қанча жоначир бўлсанг-да, сен йироқда эдинг, онам ҳам жуда йироқда, бизга эса ортиқ шафқат қилинмасди, зеро, ҳеч кимнинг қўлидан ҳеч қандай наҳот келмасди ҳам. Кейин - орадан йиллар ўтгач, яна шунини ҳам аниқладимки, биз билан алоқа узилган заҳоти биз наҳот қутган қисмдагилар тамомила умидни узган ва "жанг маҳали баҳодирларча ҳалок бўлди" дея тобут ҳозирлашга киришган экан.

Сенга сўнгги мужда шу бўлган!

Лекин мен ҳаётман. Ва агар шундай бўлмаганда юрак қони билан сенга ушбу мактубни битиб ўтирмаган бўлар эдим...

Дафъатан ҳужжат орасидан сенинг сувратинг чиқиб қолдию тафтиш этаётган ерликнинг авзойи ўзгарди. У қарор-

гоҳга бориб, бошликларга бир нима деди шекилли, ерлилар бизга ортиқ азоб беришмади. Рост, уч ойча турмада ётдик, шундан кейин бизни қўлда қилиб покистонликларга сотиб юборишди. Ҳа, дарвоже олди-сотди аввалида тишимиздан тирноғимизга қадар ўбдон текширишди ҳам, паканагина, тишлари қорайган кўккўз йиғитни “ўпкаси кетган” деб отиб ташлашди. Тўрт кулик кўрар куним бор эканми, бу тафтишдан омон ўтдим.

Сенга ушбу мактубни битаяпман-у, ҳозир ҳам сувратинга термулиб ўтирибман, агар ишонсанг, мен бу сувратни тумордай ҳамиша ёнимда асрайман, Зулфия, ахир у мен билан бирга дунёнинг қайси бурчақларига бориб келмади. Шофёр бўлганим учун ҳам ҳали Эрон, ҳали Саудия Арабистонига қатнаб, Гардуш шаҳрига ёнилғи ташир эдим. Кунлар, ойлар, йиллар шу тахлит ўтарди. Бу аламангиз саргардонликнинг чеки-чегараси борми, бу ёлғиз Аллоҳгагина аён эди.

Бир сафар Эрон билан ўзимизнинг мамлакатни боғлаб турган сарҳадгача етиб борганман. Шундай қўл узатсанг... Ватан! Лекин қани энди шунга журъатинг етса! У ёқда сени қандай қисмат кутаётир? Қамаб қўйишадими? Ёхуд чегаранинг ўзида манглайингдан отиб ташлашадими - билмайсан-ку, ахир!

Худди қарвонидан айрилган бўталокдай - икки кўзим орқамда - изимга қайтганман.

Кейин эшитдик - юрт истиклол эълон қилибди, биз эса гаранг бўлган одам каби кимдан имдод тилашни билмай ҳайронмиз. Шу тахлит ўн йил ўтди - уч минг олти юз кун.

Лекин сендан бари-бир ҳам миннатдорман, Зулфия! Ёлғиз қолиб зериккан дамларда сарғайган сувратингни кўлимга олиб, маъюс кўзларинга термулган кўйи ҳаёлан сен билан суҳбат қурардим. Дилимдаги умид шуъласини милтиратиб турган фақат сен эдинг. Яшириб нима, ота-она бундай пайтда кўнгил берганинчалик мадалга кела олмас экан. Рост, ортиқ сенга кўлим етмаслигини ҳам ички бир туйғу билан ҳис этган, наҳот у мени кутмаган бўлса, ё бирон кори ҳол рўй бердимикан, дея умидсизланган пайтларим кўп бўлган, тагин nasib етса, қани эди яна бир марта, майли, узокдан бўлсин яна бир марта кўрсам, дер эдим-да, Зулфия.

Бир кун Маккаю Мукаррамада ёнилғи ортилган уловларни йўлга шайлаб турсак, шундоқ рўбарўмизга бир автобус келиб тўхтади ва ундан ихром ёпинган мусулмонлар тушишди-да, чала қолган суҳбатларини давом эттиришди, улар она тилимизда сўзлашаётганини кўриб, сен тасаввур қилармикансан, юрагим узилиб кетганлигини. Ў Зулфия, хўрликда ўсган ва ниҳоят, ота-онасини учратиб қолган, аммо яқин йўлашга ҳадди бўлмаган тирик етим каби унсизгина йиғлаганларимни бир кўрсанг эди.

Қимтина-қимтина секин уларнинг ёнига бордим, кейин юрак ютиб салом бердим. Мусофирлар муомаласи кўнгилдаги ҳадикни сўндиргач, кўргуликдан арзу-ҳол килдим.

Бир каттарок, ҳарбий киши экан шекилли, қоғозу қалам чиқарди-да, борки тафсилотини суриштириб, хатга битиб олди.

Йўк, қисматда бор экан, Аллоҳга минг қатла шукурки, бизни ташлаб қўйишмади.

Э Зулфия, сен нимани ҳам билар эдинг? Юртга қайтиб Тошкент кўчасида ўпка тўлиб кетиб бораяпман-у, кўзларимга ишонгим келмайди-да. Биласан, Чилонзорда бир хонали бошпанам бор эди, кетаётиб, сенинг кўз ўнгида қалитни рўмолчага ўраб девор қавагига тикиб қўйган эдим, бориб не кўз билан кўрайки, ҳамон у жойида турибди. Секин олдим-да, мундай қарасам қўлғи ҳам ўша-ўша, эшик ҳам ўша. Уни очиб ичкари кирдим десанг, уйда қандайдир қизлар юришган экан, дабдурустан бостириб кирганимгами бир аюҳаннос солишдики, бир аюҳаннос солишдики, тош бўлиб қотиб қолдим. Шу чоғ ошхонадан - қўллари хамир - бир аёл чиқиб келди. Не кўз билан кўрайки, опам, қавоклари салқиб, чаккаларига ажин тушибди. У киши мени кўриб тавба дегандай ёқасини ғижимлади, сўнг кўзлари катта-катта очилди-ю, ҳайрон бўлганини яширмай:

“... - Абдумаликмисан? - деб сўради.

“... - Ҳа, бу - менман, опа!

- Тирикмисан, ўргилай? Бошинг омонми?

У ҳўнграб йиғлаб юборди. Қани энди ўзини боса олса, хамир юки қўллари билан мени кучоқлаб, юз-кўзимдан ўпиб: - Айланиб кетай бедарак кетган укагинамдан!.. - деб шу йиғлайди, шу йиғлайди...

“Аслида опам: “Абдумаликмисан?” дегандаёқ юрагим увишиб кетган, Зулфия, сендан жудо бўлганимни ҳис этганман.

Бу гапнинг ваҳми жуда оғир эди, Зулфия...

Кейин билсам, уйдаги қизлар тоғамнинг Фотимаю Зухраси экан, сену мен ширин орзулар билан юрган ўша кезларда борган бўлса, улар энди биринчи синфга борган, ҳозир эса тиббиёт институтида талаба экан!..

- Бир маҳаллар Зулфия ҳам шу институтда ўқир эди, - дедим мен атай ўсмоқчилаб, опам бирдан сергак тортди, хиёл чимирилиб, аммо жуда эҳтиёткорлик билан: - Қайси Зулфия? - деб сўради. Мен сени эслатдим. - Ҳа-а, - опам бўлак ҳеч нима демеди, фаромуш, бўлак нарсага чалғинган бўлди гуё, кейин мени қичади: - Қани бўл, тезроқ уйга борайлик энди...

Тушга томон қишлоққа кириб бордик десанг. Аям тўйда экан, тўғри устиларига бостириб бордим, мени кўриб бир уй аёл гурра оёққа турди, шўрлик аям эса ўтирган жойида михланиб қолди. Бир нималар дейди-ю лекин товуши чиқмайди. Бориб, у кишини даст кўтариб олдим. Мени кўриб, адойи тамом бўлган эканлар.

Отам бечора эса йўл қарайвериб кўздан қолибди. Овозимни эшитиб, тагин қулоқларини тутадилар, гапир, дейдилар, ҳм-м, товушинг Абдумаликниқига ўхшайди, дейдилар...

Э Зулфия, сенга нимасини айтай, ўзинга ҳам аён-ку, биз асир тушган заҳоти қисмдан “баҳодирларча ҳалок бўлди” деб тобутимизни ҳозирлаб бир-икки аскарни кўшиб қишлоққа жўнатишган экан. Эртаси кун қабристонга чиқиб бордим, қабримни кўрдим. Уйдагилар уни буздириб ташламоқчи эди, йўк, унамадим, шу турсин, дедим, бир нисонинг умрини ҳазон қилган шу қабр, шу қабртош турсин дедим, рост, уни бузиб темир тобутни олдик, очдик, қани ичида нима бор экан, бир кўрай деб ажабсинган эдим, йўк, ҳеч вако йўк, ичи бўм-бўш экан, қайта бошдан ёпиб жой-жойига қўйдик. Қабри ҳам худди аввалгисидек қайта ростладик.

Зулфия! Мен ўзим учун ҳам ўн йил сени ўйлаб яшадим. Борлигинга шукурлар қилган дамларим қанча. Зерикканда, ёлғиз қолганда, узун кечалар уйку нима - билмай қийналганда сени, сочларингнинг қитқлашини, ўзимча келинчак бўлиб тушишларингни... ҳаёл қилиб кун кеçирдим. Вожабки, шу қабри кўргач, сенинг уйинг тарафга ўтишга ортиқ журъат қолмади менда. Ишонсанг, адойи тамом бўлдим.

Ўн йиллик ситамлар бир бўлди, шу қабр бир бўлди. Умидим узилган бўлса-да, кўзларим йўлингда. Гарчи менинг қайтганимдан оғоҳ бўлсанг-да, бирон нимани баҳона қилиб - ҳатто кўнгил учун биз томонларга ўтмайсан, Зулфия!


Биламан, сенга қийин, аммо менга ҳам осон эмас.

Ишонсанг, қабристондан сенинг изларингни ахтардим. Иймоним комилки, сен бу ерга деярли ҳар куни келгансан, қабртошдаги ёзувлар ҳам юрагинга муҳрланиб қолган бўлса ажаб эмас, зеро унда мен таваллуд топган, шунингдек, умрим паёнига етган сана қайд этилган.

Қуйида хувиллаган лаҳат.

Мен эса яшаб юрибман.

Агар билсанг, мен жуда азиз нарсамни йўқотиб қўйгандайман, йўк, ўн йил дарбадар юриб, жудолик ситамини бунчалар қаттиқ чекмаган эдим, ҳозир яшаб юрибман-у, ҳаётимнинг маъносини йўқотиб қўйгандайман, гоҳо бошим айланиб ўзим ҳам қабристонга бориб қоламан, ўша саналарга бот-бот термуламан, унда қайд этилишича, сенинг Абдумалигинг ўр йил муқаддам ҳаётдан кўз юмган, Зулфия!..





Асқар ШОКИРОВ



МЕН ЭНДИ...

Мен энди сиғинмам,
Күз ёшларин тўкар ибтидо.
Пахмоқ сочларини тарар нозланиб,
Чимилдикқа кирган ҳув дунё.
Мен энди сиғинмам.
Юрагимга сиздирдим кузни
Букун... Букун қизғанғум сендан,
Бир пайт ўзинг қизғанган сўзни.
Йўллар-ўк, отилган тилакқа қараб,
Жангоҳда лолалар қонларга тўлган.
Мен энди сиғинмам, сиғинмам, жоним,
Йўллар ҳам қайтмайди, тилак ҳам ўлган.

Мен энди сиғинмам...

ЯЛДО



Тиловат ўқийди Сукунат,
Хаёлга чўмгандир Хаёллар.
Рутубатнинг оғочсиз дорин
Шай қилиб турибди саволлар.
Жимликнинг қаърида күз очар аста
Умидлар, Орзулар, Армонлар минглаб.
Фақат тун ухлаб қолган юракда
Қора қарғанинг қисқа эртагин тинглаб.

СЕНГА АТАЛГАН СЎЗ

Нигоҳлар туташди.
Кўзимда кўз очди тип-тиник булок.
Куёшда қораймаган мироб-юрак,
Ютоқиб-ютоқиб босади чанқок.
Сўнг эса тарай бошлайди сувни,
вужудимга. Ўтиб бориб вақт,
Чуқур-чуқур томирлар ёзиб,
Униб чиқар улкан бир дарахт.
Томирларга танам бериб турар қон,
Дарахт эса нафис тебратади бош.
Дарахтнинг учиди интизор сенга
Фақат сенинг қўлинг етгувчи қуёш.



“ҚАДИМ КЎЧА”ДАГИ БИТИКЛАР

1

Йўқ баҳорни кутганинг ёлғон,
Кўкрагингда куюқ арчазор.

2

Юрагимни очгандим сенга,
Сендан олдин улгурди Армон.

3

“Бахтсизлик”, “Алданиш” бекатларида
Мен ўзим йўловчи, ўзим йўловчи.

4

Мен сени боғлардан ахтардим,
Охир топдим туманлик ичра.

5

Сўниб битди не-не юлдузлар,
Осмон эса ҳамон азалий.

ЁЛГИЗЛИК

Муаллақ тоғ турар юксалиб,
Айланган Заминнинг кошонасига
Бош эгиб келганман маъюс,
Рутубатнинг остонасига.
Уйғонгим келади ўнгдаги тушдан,
Лекин оёқларим қолган бойланиб.
Қичқираман, заиф овозим
Тоғнинг заррасига кетар айланиб-
Мен сени соғиндим!..



Асқар Шокиров 1970 йилда Хўжанд вилоятининг Ўратепа туманида тугилган. Ҳозир “Маърифат” рўзномасида хизмат қилиш билан бирга Хўжанд дорилфунинида сиртдан ўқимоқда.



УЛУҒБЕКНИНГ КУЛҒУСИ

"Улуғбек ҳақида ҳикоялар" туркумидан

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

УЛУҒБЕК - шоҳ.
САИД ИМОМИДДИН - сарой хизматчиси, мо-
лия ишлари вазири.
ХОЖА ИСОМИДДИН - шайхулислон.
АБДУЛМУМИН - сарой хизматчиси, амир,
Улуғбекнинг дўсти.
ОЛОВИДДИН - мулозим.
ШАМСИДДИН МУҲАММАД МИСКИН -
Самарқанд шаҳар қозиси.
САИДКАРИМ ОЛЛОҲДОД - Офаринкент
тумани қозиси.
МАЛИКБЕК - Қўҳак тумани қозиси.
АВАЗ - китобфуруш.
ЙЎЛОВЧИ - ўғри.
I САРБОЗ.
II САРБОЗ.
АРСЛОНБЕК БУҚО - тикувчи.
I АРЗГҲЙ - тужжор
II АРЗГҲЙ - оддий фуқаро
III АРЗГҲЙ - йилқичи.

БИРИНЧИ САҲНА

Шаҳар дарвозасидан кираверишда йўл усти.
Дарвоза томондан хуржун орқалаган Аваз китобфуруш
кириб келаркан, дарвоза томонидан кетаётган
хуржунли йўловчига кўзи тушади ва ошиқиб унинг
ёнига келади.

АВАЗ: - Ассалому алайкум.

ЙЎЛОВЧИ: - Ваалайкум ассалом.

АВАЗ: - Тақсир сўраганнинг айби йўқ. Хур-
жунингиздаги нима?

ЙЎЛОВЧИ: - Нимаиди?
АВАЗ: - Билгим келаяпти.
ЙЎЛОВЧИ: - Йўлингдан қолма.
АВАЗ: - Айбга буюрманг. Айтсангиз бўлди.
ЙЎЛОВЧИ: - Китоб. Бўлдими?
АВАЗ: - Китоб? Нима китоб?
ЙЎЛОВЧИ: - Айтсангиз бўлди, дединг. Айтдим, яна
нима ишинг бор? Мен сендан сўраётганим йўқ-
ку... хуржунингизда нима бор, деб...
АВАЗ: - Тақсир! Очинг хуржунингизни! Мен
нималигини кўришим керак.
ЙЎЛОВЧИ: - Олдин ўзинг кўрсат!
АВАЗ: - Мен шаҳарга келялман. Кўрсатишим шарт
эмас. Сиз шаҳардан кетяпсиз. Сиз кўрсатишингиз
шарт.
ЙЎЛОВЧИ: - Нега энди?!

АВАЗ: - Шаҳарга бойлик кириши мумкин, чиқиши
мумкин эмас.

ЙЎЛОВЧИ: - Ҳей, сен қанақа хира пашшасан ўзи?

АВАЗ: - Оғзингизга қараб гапиринг. Барибир
кўрсатмасангиз қўйиб юбормайман.

ЙЎЛОВЧИ: - Қулогингни таги қичиб турибдими,
дейман.

АВАЗ: - Нима?!

ЙЎЛОВЧИ: - Мана, нима! (Йўловчи Авазга бир уриб
йиқитади.)

(Аваз ўрнидан туриб, яна йўловчига

ёпишади)

АВАЗ: - Кўрсатасан! Барибир кўрсатасан!!!

(шовқин-суронга икки сарбоз югуриб ке-
лади.)

1 САРБОЗ: - Нима тўполон? Нима шовқин?

АВАЗ: - Манавининг хуржунини кўринг.

2 САРБОЗ: - Нима бор экан хуржунинида?

АВАЗ: - Нима бўлсаям кўриш керак.



МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

- Тарих китобларига чўшиб кетганда ўз юрагингизга қарайсан киши ва бехиётёр
кимликни ҳис қила бошлайсан. Бухорий, Амир Темур, Улуғбек сингари юзлаб
сиймоларимизнинг бетақдор фаолияти кишини ҳайратга солади. Шу қадар улғ,
кеч миқёсли ва айни чоғда, оддий инсонга хос, ибратларга бой кечмишлар... Биз
уларнинг қаршисинда худди буюк қоя ёнидаги эрраларга ўхшаб қоламиз. Ва энг
аячлиси ёшларимиз, айниқса, болаларимиз тарихга бевосита дахлдор бу
улғларимизнинг ҳаётидан ҳамон беҳабардирлар (ёки жуда оз маълумотга
эгадирлар). Ана шу ҳол мени кейинги йилларда маърифий фаолият билан машғул
бўлишга ундади. Хусусан, Улуғбек ҳаёти билан жиддий шугулландим. Албатта,
Улуғбек ҳақида жиддий ва муҳим асарлар яратилган. "Мирзо Улуғбек" фожеси,
"Улуғбек хазинаси" романи ва бошқа талайгина катта-кичик асарлар мавжудки,
улар аллақачон халқимиз қалбидан муҳим жой олган. Аммо Улуғбек ҳаётининг
манзаралари ҳануз оқиб турган дарёга ўхшайди. Неча бор чалақлаб олган билан
унинг ҳаётбахш суви сира камаймаётгандек, бизга яна ўнлаб Шекспирлар керакдай
туолади. Ана шу эҳтиёжни ҳис этган ҳолда мен ҳам бу улғ бобимизнинг гаройиб кечмишидан баъзи бир ўринларни ҳикоя
қилишни лозим деб топдим. Ва бир пардали пьесалар туркумини ёздим. Булар вақт ва замон бирлиги, жўрофий муҳит
бирлиги, воқеаларда бошдан - охиригача айни қаҳрамонлар ва персонажлар иштироки сингари классик драматургия талаблари
доғрасида ёзилмаган. Шундай бўлгач, уларни оддий наър йўлида ёзиб қўя қолишса бўлмасмиди, деган сивол туғилиши
мумкин. Ундай қилса ҳам бўларди. Аммо мен юқори сифт ўқувчилари ёки талабалар буларни саҳналарда ўйнаб, Улуғбек
умрининг ибратли томонларини оммага тезроқ етказишларини орзу қилдим. Улуғбек яшаб ўтган даврнинг муҳити,
маъсбапарастлик таҳликалари, ихлоссизлик ва тарқоқлик қандай бяло эканлиги, баднафелик оқибатлари, адолат мезонлари
ҳақида ўйлашларини нестайди. "Улуғбек ҳақида ҳикоялар" туркумидан кўзлаган мақсадим шулардан иборат. Орзуим
қанчалик амалга ошадди, буниси Оллоҳга ҳавола.

ЙЎЛОВЧИ: - Ўзидан ўзи, хуржунингни оч, деб тиқилинч қилади.

(Йўловчи ўз гапига тўхмат аралаштиради). Хуржундагининг ярмини менга бер, дейди!... Ким бу ўзи?

1 САРБОЗ: - Тақсир! Сиз ким бўласиз ўзи?

АВАЗ: - Аҳамияти йўқ. Бул кишининг хуржунини кўринглар. Вассалом.

(Сарбозлар йўловчининг хуржунини олмоқчи бўлишади. Йўловчи шовқин кўтаради.)

ЙЎЛОВЧИ: - Бу қандай замон бўлди ўзи? Тинч кетаётган одамни ўз ҳолига қўясизларми, йўқми?

1 САРБОЗ: - Ўчир овозингни!

2 САРБОЗ: - Биз сенга ҳали ҳеч нима қилмадик-ку!

(Жанжал устига Улуғбек, молия вазири Саид Имомиддин, Самарқанд Шайхулислом Хожа Исомиддин, Улуғбекнинг дўсти амир Абдулмўъмин, Улуғбекнинг мулозими Оловбек кириб келдилар.)

АБДУЛМЎЪМИН: - Чи гап, тақсирларим?

1 САРБОЗ: - Кеча хазинадан олтин ўғирланган эди...

2 САРБОЗ: - Булар ўша ўғирларга ўхшайди.

1 САРБОЗ: - Ўлжа талашиб туришганда қўлга туширдик.

2 САРБОЗ: - Ўлжа талашиб уришаётганда қўлга уширдик.

(Улуғбек яқинлашади ва тутқунларга разм солиб қарайди.)

УЛУҒБЕК: - Бу- чиндан ҳам ўғри. Ҳибсга олинг! Шерикларини аниқланг! Хожа Исомиддин!

ИСОМИДДИН: - Лаббай, шоҳим.

УЛУҒБЕК: - Зудлик билан фатво чиқариб беринг.

ИСОМИДДИН: - Хўп бўлади, шоҳим.

УЛУҒБЕК: - Сиз эса, Саид Имомиддин, бу ўғрининг хуржундаги олтинлар билан хазинадан ўғирланган олтинларни қиёслатинг!

ИМОМИДДИН: - Тузук.

УЛУҒБЕК: - (Аваз китобфурушга имо қилиб) Бул отахонга кимхоб тўн ва болаларига суюнчи ҳамда инъомлар берилсин!

ИМОМИДДИН: - Тузук.

(молия вазири, шайхулислом, Аваз китобфуруш, ўғри ва сарбозлар чиқиб кетишади.)

АБДУЛМЎЪМИН: - Султоним! Бир ўғрига жазо қаттиқ бўлди, иккинчисига инъомлар... эҳтиромлар... Сабабини англамадик.

УЛУҒБЕК: - Биринчиси ўғри, иккинчиси ғойибона устозимиз бўлади.

АБДУЛМЎЪМИН: - Устоз! Шул эски чопон, исқирт одам қандай қилиб сиздай боқарам султонга устоз бўлади?

УЛУҒБЕК: - Астағфируллоҳ! Асло ундоқ деманг, либосга қараб баҳолаш Насриддин Афандининг "е чопоним" ини эслатмайди сизга. Билиб қўйинг: бул муҳтарам зот Аваз китобфуруш бўлади. Бизнинг расадхонамиз кутубхонасига шул киши ноёб китоблар келтириб турарди. Устозлиги шул маънода... Мударрису толиби илмларга китобдан улуғроқ устоз борми оламда? Аваз китобфуруш меҳнаткаш чумолидай олис-олис юртлардан Самарқандга китоб ташиб келади. Китобларимиз Самарқанддан хорижга чиқиб кетишига эса қўлидан келганча монеълик қилади. Эътибор берган бўлсангиз, анави ўғри олтинларни синчковлик билан тахлаб, хуржунга китобга ўхшатиб солган. Аваз бечора унинг ўғрилигидан беҳабар, китоб олиб кетяпти, деган андиша билан хавотирланиб уни тўхтатган, ўғри хуржунини кўрсатмагандан кейин гумони кучайиб у билан жанжаллашган.

Бундан икки ой муқаддам Аваз менинг қошимга келганди.

— Ироқда "Талвихот ут-тавзих", "Мавоқий ул-калом" сингари ноёб китоблар бир хонадонда сақланади, деб эшитдим. Шул китобларни топиб келсам", деб Ироққа бориб келиш учун биздан йўл сарфиётларига имдод сўраганди. Биз унинг белини бақувват қилиб йўлга солган эдик.

Боя кўзимиз кўзимизга тушиши билан айтилган ўшал китоблар Самарқандга етиб келганини англадим. Масаланинг изоҳоти ондай, амирим.

"Бир ўғрига жазо, бир ўғрига инъом!" денг-а. Ваҳ-ҳа-ҳа...

ИККИНЧИ САҲНА

Боргоҳ, Хонада Улуғбек билан Саид Имомиддин... масо узра расмий дафтарларни кўздан кечириб ўтиришибди. Мулозим Оловбек киради.

ОЛОВБЕК: - Узр, шоҳим.

УЛУҒБЕК: - Сўйла.

ОЛОВБЕК: - Икки-уч арзгўйлар келмишлар.

УЛУҒБЕК: - Навбати билан киритавер.

(Мулозим чиқади. 1 арзгўй киради. Ёши олтимишларда.)

1 АРЗГЎЙ: - Ассалому алайкум, саодатли шоҳим! Сиздай оламу фозил мулки султонни бевақт безовта қилаётганим учун маъзур тутгайсиз.

УЛУҒБЕК: - Сўйланг, тақсирим! Қулоғим сизда!

1 АРЗГЎЙ: - Бир ғаройибдан ғаройиб ҳол, иноятли султон. Мен Самарқанд фуқароси эмасман. Бундан бир ой муқаддам Ироқдан келаётган эдим. Хуросон карвони билан шу тарафга йўл солдим. Карвон Жайхун дарёси бўйида тўхтаганда, мен холироқ жойга бориб, кийимларимни ечдим. Бир бўлак қимматбаҳо лаълим бор эди, бир парча чармга ўраб, билагимга боғлаб юрардим. Ҳалигини ечиб, кийимларим устига қўйдим-да, сувга тушдим. Қайтиб чиқсам, лаълим йўқ: ерга кирдим, осмонга чиқдим, билмайман. Соҳилга бирон зот келмаган эди. Карвон аҳлидан суриштирдим. Ҳамма ҳайрон, мен ҳам ҳайронман. Бир ой давомида арз қилишдан орландим. Бўлган гап шу. Сизнинг элда қатъий даъвойим йўқ. Самарқанд фуқароси имонли халқ - бун яхши биламан. Аммо сиз улуғ олим ва мунажжимсиз. Бу синоатда қандай иллат ва ё ҳикмат бор - билгим келади. Балки сиз ечарсиз бун... яна бир бор маъзур тутгайсиз, султоним.

УЛУҒБЕК: - Мавлоно Саид Имомиддин. Қаламровидаги барча солиқлар ҳисоб-китобини олиб чиқинг-чи...

ИМОМИДДИН: - Тузук (чиқади).

УЛУҒБЕК: - Сиз бироз сабр қилиб туринг, тужжор хоҳам. Лаълингиз топилса, нур устига аъло нур, топилмаса бир нарса деёлмайман. Аҳволни бир ўрганиб кўрайлик. Сизни чақираман.

(1 арзгўй чиқади. Саид Имомиддин дафтарлар кўтариб киради.)

Мавлоно, мана бунга қаранг. Мен кечагина бунга эътибор бергандим. Шовдор тумани Қоракўл маҳалласидан Арслонбек Буқо ўтган йили мол солиғига 50 танга берган. Бу йил эса, бундан бир ҳафтагина бурун 500 танга топширган. Шу одамни чақиртиринг, сўйлашиб кўрайлик.

ИМОМИДДИН: - Тузук (мулозимни чақиради)... Оловбек, ҳо Оловбек!

ОЛОВБЕК: - Лаббай, улуғ вазирим!

ИМОМИДДИН: - Икки сарбозни Қоракўл маҳалласига йўлла! Арслонбек Буқони оёғини ерга тикизмай бу ерга олиб келишсин!

ОЛОВБЕК: - Хўп бўлади! (чиқаркан) навбатдаги арзгўй кирсинми?

ИМОМИДДИН: - Кираверсин.

(II арзгўй киради. Ёши 50 атрофида)

II АРЗГЎЙ: - Шоҳим! Мен яқинда Рум сафарига отландим. Ёнимда ортиқча 5 минг ашрафий маблағим бор эди. Офтобага солиб, оғзини мумлаб, қозимизга омонатга қолдиргандим. Сафардан қайтгач, омонатни сўрасам, қози домла менга: - "Девонамисан! Сени ҳеч қаерда кўрмаганман. Қайта бу афсонани тилга олмагинки, буюрсам тишларингни синдириб, тилингни суғуриб олишади!" дейди.

УЛУҒБЕК: - Қаерда турасиз?

II АРЗГЎЙ: - Офаринкент тумани, Кандакорлар маҳалласида.

УЛУҒБЕК: - Ундай бўлса, гап бундай, тақсирим: мен

ўшал қозини бу ерга қақиртираман. Сиз чиқиб туринг. У келиши билан ҳузуримга кирасиз ва арзингизни такрорлайсиз.

(II Арзғўй чиқади. Мулозим киради.)

Оловбек! Офаринкент тумани қозиси Саидкарим Оллоҳдодни ва шаҳар қозикалони Шамсиддин Мухаммад Мискинни зудлик билан келтиришин!

ОЛОВБЕК:- Хўп бўлади! (Мулозим чиқади, III арзғўй киради. 30 ёшда)

III АРЗҒЎЙ:- Шоҳим! Мен кўҳак дарёсига оқиб келадиған Исқандар булоққа яқин жойда Масчоҳ тоғлари этагида тураман. Йилқи боқаман. 200 йилқим бор. Бизнинг туман қозиси Маликбек ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ 20 йилқимни тортиб олди. Булоқ ҳаққи эмиш. Бу қандоқ зулм, шоҳим? Оллоҳнинг булоғи бўлса у! Булоқ ҳаққи ҳам бўладими ҳеч замонда?!

(Амир Абдулмуъмин киради.)

УЛУФБЕК:- Зап вақтида кирдингиз, амирим. Дўстингиз Маликбек қозини қақиртиринг!

АБДУМУЪМИН:- Тинчликми, шоҳим?

УЛУФБЕК:- Келганда кўрасиз. Қақираверинг-чи.

АБДУЛМУЪМИН:- Гап йўқ. Фармонингиз фармон шоҳим. Оловбек!

ОЛОВБЕК:- Лаббай, улуғ амирим!

АБДУЛМУЪМИН:- Кўҳак қозиси Маликбекни қақиртиринг!

ОЛОВБЕК:- Хўп бўлади, улуғ амирим. (чиқади.)

УЛУФБЕК:- (III арзғўйга юзланади.) Йигит! Ҳозир қозини олиб келишади. Арзингни айтурсан.

III АРЗҒЎЙ:- Илоҳим умрингизни узун қилсин, шоҳим. (чиқади.)

УЛУФБЕК:- Ажабо! Нечун бу қозилар бунча баднафс бўлиб кетяпти? Нима етишмайди буларга? Маошлари баланд! Имконлари баланд! Нега яна беш қўлни оғизга тиқишади! Бировнинг ҳақидан кўрқишмайди! Тўғри, ишласалар юрт ободлигини, фуқаро хайру саломатини ўйласалар бўлмасмикан? (Мулозим киради.)

ОЛОВБЕК:- Шоҳим! Арслонбек Буқони олиб келишди.

УЛУФБЕК:- Кирсин! (Арслонбек Буқо киради.) Келинг, Арслонбек! Соғлиқлар, бола-чақа омонми? Мен бугун... Вазир Имомиддин билан солиқлар дафтарини кўриб ўтириб, бир ҳодисотдан ажабландим. Кўрқманг, ҳеч гап йўқ. Аммо бизга тушунтириб беринг. Сиз ўтган йили мол солиғи учун 50 танга тўлагансиз. Шундайми?

АРСЛОНБЕК:- Шундай, шоҳим.

УЛУФБЕК:- Бўйил 500 танга тўлабсиз. Сабаби нима? Бирор кишининг уйини урдингизми, бирон нарса топиб олдингизми ёки манглайга кутилмаган мерос битдимми?

АРСЛОНБЕК:- Шоҳим! Мен тикувчиман. Қоракўл қасабасида бир саройим бор, ўртасида бир дарахт ўсади. Бир кун қарасам, шу дарахтнинг шоҳида, тумшугида гўштга ўхшаш нарса, бир зағизғон ўтирибди. Бир маҳал оғзидаги нарса тушиб кетди. Сапчиб бориб қарасам- бир парча чарм! Ичидан лаъл чиқди. "Бу- оллоҳнинг инояти" деб ўйладим ва Самарқанд бозорига олиб бориб, бир жавҳарийга кўрсатдим. Кўзи чиқиб кетди. "Бунинг баҳоси минг танга!" деди ва мен билан савдолашиб, 1,5 минг хоний танга берди. Суюниб кетиб, бир гилам рўзғор буюмлари, эгар-жабдуғи билан бир от харид қилдим. Бу сирнинг тагига етмоқчи бўлганларга: " Самарқандда бир қариндошим бор эди, мендан бошқа вориси йўқлигидан бойлигини менга қолдирибди", дедим. Ҳамма ишонди, аммо ўзимнинг кўнглим хира эди. Шунда давлатимиз хазинасига хайрия қилиб, солиқ қатори бердим.

УЛУФБЕК:- Юртимиз камолини ўйлаганингиз учун минг бор ташаккур. Сиздай кишиларни кўрганимда жоним яйрайди. Барака топинг... Уша жавҳарийни танийсизми?

АРСЛОНБЕК:- Албатта.

УЛУФБЕК:- Айтинглар, тужжор кирсин (Тужжор киради) Саҳоватли тужжор ҳоҷам! Лаълингиз топилди!

Уни ўғирлаган зағизғон экан. Ҳаҳ-ха-ха ҳа! "Тўғри зағизғон" деганларича бор. (Саид Имомиддинга юзланади) Энди гап бундай, вазири аъзам! Арслонбек қўли тоза, кўнгли соф инсонлигини кўриб турибсиз. Лаъл топгандан сўнг ўзига қилган харажатлари ўзига! Қолган тангасини қайтариб беради. Солиққа тўлаган 500 тангасидан 450гини олинг. Жавҳарийга 1,5 минг тангасини қайтариб беринглар ва лаълени тужжорга топширинглар!

ИМОМИДДИН:- Тузук, тузук...

ТУЖЖОР:- (Ўрнидан туриб, Улуғбекнинг ёнига келади ва этагини ўлади): Давлатингиз ва умрингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, адолатли шоҳим! Ижозат берсангиз Арслонбекнинг ўзига қилган харажатларини мен кўтарсам.

УЛУФБЕК:- Шарт эмас. Биз хазинадан тўлай оламиз.

ТУЖЖОР:- Шубҳам йўқ. Аммо, Улуғ Султон, ўз одатимизга кўра, бойлигимни топган бир инсонга суюнчи беролмасам, нима деган одам бўламан! Ижозат беринг, шоҳим!

УЛУФБЕК:- Ундоқ десангиз, майли. Хайр. Юртимизга келиб туринг.

(Тужжор ва Арслонбек орқаси билан тисарилиб чиқиб кетадилар).

Саид Имомиддин! Биласизми, бир юлдузинг ўрни топилгандай севиндим. Истиқболда Арслонбекни саройга олишни ўйлаб қўйинг... Абдулмуъмин! Бугун мен сизга икки дўстингиз — Саидкарим Оллоҳдод билан Маликбекнинг юзларини кўрсатаман. Қозиликка одам тавсия қилишни ҳам билиш керак, амирим! (Мулозим киради.)

ОЛОВБЕК:- Шоҳим! Офаринкент қозисини олиб келишди.

УЛУФБЕК:- Кирсин. (Саидкарим Оллоҳдод киради.)

ОЛЛОҲДОД:- Бизни йўқлабсиз, улуғ шоҳим. Бошимиз кўкка етди.

УЛУФБЕК:- Саидкаримбек! Сизга бир ишимиз тушадиганга ўхшайдур. Мени бир талай жавоҳиру лаълларим бор. Шуларни сизга омонатга қолдирсам. Ўлганимдан сўнг болаларимнинг ҳоли мушкуллаша, бир кунига ярар... Сиздай диёнатли одамни топиш қийин, деб сизни қақиртирдим. Бу гапни сиз - бизу оллоҳдан бўлак кимса билмаса, не дейсиз?

ОЛЛОҲДОД:- Жоним билан! Бош устига! (Шу пайт юлқиниб II арзғўй киради.)

II АРЗҒЎЙ:- Шоҳим! Қози келганларини кўриб, югуриб келдим ва беижозат кирдим. Маъзур тутинг. Мазкур қози домла уйига бир омонат... 5 минг ашрафий маблағни офтобага солиб, оғзини мумлаб... бергандим.

ОЛЛОҲДОД:- (Оллоҳдоднинг ранги ўчиб, II Арзғўйнинг сўзини бўлади): Девона бўлдингми? Тиз чўкишинг нимаси?! Менда бўлгач, омонатингни мендан сўрамайсанми? Турибди уйда...

УЛУФБЕК:- Майли, Саидкаримбек!.. Бериб юборинг омонатини...

(Оллоҳдод ва II арзғўй чиқиб кетишади) Ваҳ-ха-ха! Ваҳ-ха-ха! Ранги ўчганини қаранг! Оёғи қалтирашини қаранг! Довдирашини қаранг!

ОЛОВБЕК:- (киради) Шоҳим! Туман қозиси Маликбек ва шаҳар қозиси Шамсиддин Мухаммад Мискин домла келдилар!

УЛУФБЕК:- Киришсин! (Мискин Маликбек, III арзғўй киришади) Ўтиринглар мухтарам жаноблар! Сизлар билан бирликда айрим масалаларни ечиб олайлик. Қани, йилқичи арзингни такрорла!

III АРЗҒЎЙ:- Мен Масчоҳ тоғлари этагида йилқи боқаман. 200 йилқим бор. Қози жаноблари 20 йилқимни тортиб олдилар. Исқандар булоғидан сув ичгани учун олинадиган солиқ эмиш.

УЛУФБЕК:- Маликбек! Шу гап тўғрими? (Қози довдирайди). Бизда солиқларнинг бундай тури йўқ, шекилли. Саид Имомиддин! Ё сиз шундай солиқни таъсис этганмисиз?

ИМОМИДДИН:- Йўқ, шоҳим!

УЛУФБЕК:- Маликбек! Бу қандай гап?

МАЛИКБЕК: - Мен... мен... давлатимиз хазинасини ўйлаб...

УЛУҒБЕК: - Ким буюрди сизга?! Нега ўз бошимчалик қиласиз? Саид Имомиддин! Амир Темур химматидин Улуғбек сўзим: ёзинг! Фамони олий: Бу кун туман қозиси Маликбекнинг соқолини қириб, юзига қора суртиб, қўлига банд солиб, навкарлар етагида Самарқанд бозорлари ва маҳаллалари бўйлаб кездирилсин! Ижрони бугундан кечиктирманг.

ИМОМИДДИН: - Тузук, тузук, шоҳим!

МАЛИКБЕК: - Шоҳим! Шармисор этманг! Тавба қилдим! Бошқа бундай қилмайман! Бир марта афу этинг! (*Ёлвориб, тиззасида юра бошлади*).

УЛУҒБЕК: - Тур ўрнингдан, ориятсиз бетавфиқ! Баднафс! Юрт беҳабар! Эл бездирувчи номард!

МАЛИКБЕК: - Афу этинг, тавба қилдим... (*Йиғ-ламсирайди*)

АБДУЛМУЎМИН: - Фармонингиз фармон, шоҳим... фақат мендан андак бир истехола бор. Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтардим...

УЛУҒБЕК: - Ёнини олмоқчимисиз?!

АБДУЛМУЎМИН: - Йўқ... андиша улдирки, бозор тўла турли одам... Мухожирлар, хорижлик тужжорлар, фисқу фасодга бахона кутиб ётган мунофиқлар... Давлатимизни бадном қилиб, дунёга гап тарқатишлари мумкин...

УЛУҒБЕК: - Нима қил дейсиз?

АБДУЛМУЎМИН: - Олган 20 йилқисини бир соат ичида менга келтириб берсин, мен уларни обдан тавтиш қилиб, сўнг бу йиғитга қайтаринг.

УЛУҒБЕК: - Мухлат бир соат бўлса- майли. Бўлмаса, гапим гап.

МАЛИКБЕК: - Бўпти, шоҳим! Хозир келтираман! (*отилиб чиқади*)

АБДУЛМУЎМИН: - Энди, йиғит, сиз уйингизга қайтаверинг. Бу ёғини ўзим келиштирамен (*III арзғуй чиқиб кетади*.)

УЛУҒБЕК: - Кўриндингизми, мавлоно Шамсиддин. Қўл остингиздаги қозилар қай аҳволда?! Сув бошидан лойқаи, дейман-да?! Қонун-қоидаларга риоя деган нарса йўқ... Энди, марҳаматли биродарлар, менинг арзимни ҳам эшитиб кўйинглар: Бундан бир йил бурун улуғ тужжоримиз Ҳидоятбойга ўзимизнинг 5 минг танга турадиган бир лаълимни ва хазинамизнинг 10 минг хоний тангасини қарзга бергандим. Шартимизга кўра, ипақ йўли саёҳатидан сўнг, Ҳидоятбой савдода кўрган фойдаларидан ўн беш фоизини қўшиб қарзини қайтариши керак эди. Аммо Оллоҳнинг иродаси билан Ҳидоятбой касалга чалиниб вафот этди. Фоиз у ёқда турсин, олган қарзини ҳам қайтариб беролмай оламдан ўтди, раҳматли. Мен Ҳидоятбой билан ўртамазда икки гувоҳ иштирокида тузилган шартномани илова қилиб, мухтарам қозимиз Шамсиддин Мухаммад Мискинга даъвогарлик арзи ёзган эди. Аммо, бедодликни қарангки, Мискин домла бизнинг арзимизга қарши ҳукм чиқарибдилар. Мавлоно Мискиннинг ҳукмига кўра, менинг сарой хазинасидан қарз бериб туришга ҳаққим йўқ экан, тушунмадим: нима, мен подшоҳ эмасманми? Агар подшоҳ бўлсам, ўзим учун эмас, давлатим учун, уни бойитиш мақсадида, хазинадан қарз бериб туролмайманми? Пул бекор тургунча, ишлаб тургани яхши эмасми? Мавлоно Мискин, қарз устидан фоиз олишини шариятимиз таъқиқлайди, деб ҳукм чиқарганлар. Мен гап- сўз кўпаймаслик учун, аризамни қайтариб олишим керакмиш.

ИМОМИДДИН: - Бу қанақаси бўлди, мавлоно? Ахир хар бандаи мўминнинг жанозаси ўқиляётганда айтилади-ку: "Агар марҳумнинг қарзи бўлса, хужжат вакамида икки гувоҳ билан келинса марҳумнинг

ворислари у қарзларни қайтариб беради". Агар ворислар бу масъулиятни зиммасига олмаса, марҳумнинг жанозаси ўқилмайди-ку! Нега энди, сизнингча, улуғ шоҳимиз бу ҳақларида истеъфода этмасинлар?!

АБДУЛМУЎМИН: - Адолат ҳаммага бир хил бўлиши керак: шоҳга ҳам, гадога ҳам... Нега шоҳимизни камситувчи ҳукм чиқаргансиз?

УЛУҒБЕК: - Мавлоно, бизнинг гуноҳимиз нима?

МИСКИН: - Гуноҳингизни ҳукмга ёзганман, бошқа гап ортиқча. Йўқ, агар сизнинг фойдангизга ҳукм чиқаришимизни истасангиз шу совуқ ҳавода қўл-оёқларимни боғлаб, мени совуқ сувга шўнғитиб-шўнғитиб олингки, сал эс-хушимни йиғиб олай, шундан кейин сизнинг фойдангизга ҳукм чиқаришим мумкин.

УЛУҒБЕК: - (*Ха-холоб кула бошлади*)- Хах-ха-ха. Занғарининг гапини қаранг. Ҳай майли... Билганингиз... Кечдим ҳаққимдан... Хайр. Ишга қайтаверинг.

(*Мискин чиқиб кетади. Улуғбек яна хахолойди*) - Хах-ха-ха! Номарднинг гапини қаранг: "Сувга шўнғитиб-шўнғитиб олинг" дейди-я! Лекин, очигини айтсам, орамизда шундай кўрқмас, эътиқодига содиқ қозилар борлигидан хурсандман. Нима дедингиз, Амир Абдулмуъмин?

АБДУЛМУЎМИН: - Гапингиз гап, шоҳим.

УЛУҒБЕК: - Ундай бўлса, қани, сиз ташқарига чиқиб хабар олингчи, севикли қозингиз Маликбек отларини келтирдимикин? (*Абдулмуъмин чиқади*)

УЛУҒБЕК: - Саид Имомиддин! Бу, дейман, адолат ва ҳақиқат деган сўзлар ҳам зап аломат экан-да! Бир қарасангиз, осмон қадар илоҳий ва юксак кўринади. Аммо бир қарасангиз, адолат билан ҳақсизликнинг ва ҳақиқат билан ёлғоннинг ораси бир энлик ҳам келмайдигандек туюлади менга. Чин ва Ҳинд элларида, фаранг ва испан юртларида қарз устига фоиз олишининг ҳеч бир айби йўқлигини эшитдим ва турли элчилардан суриштириб билдим. Аммо бизнинг шариятда фоиз олиш ясоқ қилинган. Оллоҳ мени кечирсин, мен аниқ билмайман, қай бири тўғри... Мен аксар ҳолларда бизнинг шарият тўғри йўлдан, деб ўйлайман. Локин ўзга элларининг давлатлари фоиз туфайли бойиб бораётганликлари кўриниб турибди. Балки, биз ҳақдиримиз. Фоиз билан топилган давлат давлатлик қилмас, балки. Лекин бизнинг қонун-қоидалар инсонийроқ эканлиги шубҳадан холи, албатта.

ИМОМИДДИН: - Ҳаммаси Оллоҳга аён. Шариятимиз ҳақ йўлда, шоҳим...

(*Абдулмуъмин киради*)

АБДУЛМУЎМИН: - Маликбек қайтмабти, шоҳим. Бир киши юборипти.

УЛУҒБЕК: - Отлар нима бўлибди?

АБДУЛМУЎМИН: - Қозимизнинг бунча от беришга холи йўқ эмиш. "Соқолимни кеса қолсинлар, мен розиман..." дебди.

УЛУҒБЕК: - Ҳах-ха-ха... Ҳах-ха-ха... Кўрдингизми, Саид Имомиддин, кўрдингизми?! Соқолини кесдиришга ҳам рози... От қўлдан чиқмаса бўлди... Кўрдингизми, Саид Имомиддин! Ҳах-ха-ха! Бўпти! Ёпти-ёпти қиласизми, бошқами, мен билмайман. Нима қилсанглар, ўзларинг қилинганлар! Мен аралашмайман бу ифлос ишларга... Мен расадхонага кетдим... Покиза даргоҳимга... Али Қушчининг ёнига. Ваҳ-ха-ха! Ваҳ-ха-ха...

(*Улуғбекнинг кула-кула узоқлашаётган овози эшитилади*)

Парда

ОТА ВА ЎФИЛ КОШИЙЛАР

ҚАТНАШЧИЛАР:

ФИЁСИДДИН ЖАМШИД:— Улуғбекнинг замондоши, фалакиёт ва риёзиёт олими, расадхона қурилиши бошчиларидан бири. Те-мурийлар салтанатига қарашли Кошон отлик қадимий бир шаҳарда туғилган, 40 ёшларда.

МАЪРУФ АТ-ТАБИБ АЛ-КОШИЙ:— Фиёсиддиннинг отаси, 60 ёшларда.

1420 йилнинг кеч куз ойи. Орқа планда Кошон шаҳри манзаралари акс эттирилган. Олисида шаҳар дарвозаси, бериқоқда тош ётқизилган кўчалар, йўл ёқасида олти қиррали устунлар билан кўтарилган, тўқ бинафша, оч қизил ва сариқ рангли бўртма кошнлар билан нақшланган иморатлар.

Саҳнанинг ўзида - оддий шарқ хонадони, олди айвон. Айвонга зина билан чиқилади. Хона ичида хонтахта узра Маъруф ат-Табиб ал-Коший китоб варақлаб ўтирибди.

(Ховли эшиги тақиллайди).

МАЪРУФ АТ-ТАБИБ АЛ-КОШИЙ: - Лаббай, ҳозир! *(Уйдан айвонга, айвондан ховлига тушиб, занжирни тушириб, эшикни очади. Фиёсиддин киради).* Ия, ия, ўғлим. Сенмисан? Ўзингмисан?

ФИЁСИДДИН ЖАМШИД: - Ассалому алайкум, ота! Омонмисиз! *(Кучоқлашади).*

ОТА: - Яхши келдингми, ўғлим. Зиёратлар қабул!

ЎФИЛ: - Мурод ҳосил. Қўлингизни ўпиш насиб қилганига шукр.

ОТА: - Баракалло, ўғлим, баракалло. Кечадан бери кўзим учиб турган эди. Яхшиликкамикин, деб хавотирда эдим. Яхшиликка бўлди, алҳамдуллоҳ. *(Уйга кирадилар).* Қани ўтир, ўғлим. Иллоҳо овмин. Қадам етди, бало етмасин. Доим омон бўлайлик.

ЎФИЛ: - Мана, кетганимга ҳам тўрт йилдан ошди. Сухбатингизни соғиндим.

ОТА: - Хўш, ўғлим, гапир: Самарқанд томонларда нима гаплар?

ЎФИЛ: - Дастлаб Хиротга, улуғ султон, ислом подшоси Шоҳруҳ саройсарига тушдим. Анда динпарвар Шоҳруҳ султонни "Ҳазрат ҳокони сайд" деб таъбирлайдурлар. Ул зотнинг ҳаёт тарзлари оддий мусулмонлар ҳаётидан у қадар фарқ қилмайдур. Жума кунлари, ҳатто ёнларига соқчи ҳам олмай кетаверар эканлар. Ҳафта сайин қориларни саройга давват қилиб, Қуръони Карим ўқитадурлар, шариатда таъқиқланган ишларни бутун ўлкаларга маън этганлар. Чунончи, майхўрлик ва зинокорлик қатъиян ясоқ этилган. Бу ясоқлар қандай ижро этилишини кузатадиган икки арбоблар майхўрлик бўлаётгани аниқ бўлган уйларга кириб, шароб топганлари тақдирда, тўкиб ташлаш ҳуқуқига эгадурлар.

ОТА: - Ўпирай! Ички ичувчилар сарой аёнлари бўлса-чи ?!

ЎФИЛ: - Ҳеч кимга шафқат йўқ. Бир куни, ҳатто, Шоҳруҳнинг ўз ўғли Жўкининг уйида шароб омбори борлиги тўғрисида хабар келганда, Шоҳруҳнинг ўзлари ўша арбоблари билан бориб шаробларни тўқтирганлар. Аммо "Ҳазрат ҳокони сайд" - Тангри таоло анинг давлатини абадий қилсин - мутаассиб диндорлар тоифасидан эмаслар. Хиротда маданият ва аввало санъат, фикр ҳаётида катта юксалишлар бор. Мусавирлик, ҳаттотлик, меъморлик, мусиқа, тарих, илоҳиёт ва фикр намоёндалари ҳукмдорнинг ҳимоя қаноти остидадур. Мен ҳам ул зотнинг "соия марҳаматида "Зижи ҳоконий дар такмили" Зижий Элхоний "отлиғ рисоламни битказиб, ул зотнинг номларига бағишладим. Сўнгра мени Самарқандга тақлиф этишди. Бу Улуғбек Мирзо деганимиз отасидан ўтиб тушадиган ажойиб инсон, бениҳоя буюк олим эркан.

ОТА: - Подшоҳлар, одатда, ҳукм фармон, жохилроқ

бўлгучи эди...

ЎФИЛ: - Улуғ Эгам Мовороуннаҳр фуқаросига Улуғбек сиймосида оқил подшоҳ ато этмиш. Ул зот он қадар тарбияли, ўткир зехнли, сўзлари таъсирчан, чиннакам зиёсоҳиб инсон эканларким, ҳамсухбат бўлгон кишининг ақли ҳайронликда қолур. Мен бу сўзларни, ҳурмат - эҳтиром юзасидан айтаётганим йўқ. Чунончи Қуръони Каримнинг кўп қисмини ёд биладилар. Тафсирчиларнинг ҳар оят ҳақидаги изоҳоти тилларининг учиди туради. Ҳадиси шарифларни шундай ўрнига қўйиб айтганларида муҳолифат аҳлининг таслим бўлмай иложи қолмайди. Сураларни ёд ўқиганларида бирон қусур ё нуқсонга йўл қўймаганларини кўриб, йилларча таҳсил кўрган қорию қуролар лолу гунг бўлиб қоладилар. Арабча сарфу наҳвлари жуда гўзал ва муқаммал. Фикҳ, мантиқ, усул, яъни аруз асосларини ҳам бехато биладилар.

ОТА: - Во ажаб...

ЎФИЛ: - Бугина эмас, риёзиёт илмининг барча соҳаларда ҳам ул зотнинг олдилариға тушадургон кимса йўқ. Мисол билан айтай сизга: бир куни отда ўлтирганлари ҳолда, ҳижрий 818 йил ражаб ойининг ўни билан ўн беши орасидаги душанба куни қуёш йилининг қай кунига тўғри келишини билгилари келди. Атрофларидаги бирон киши, ҳатто, мен ўзим ҳам буни ҳисоблаб, айтиб беролмадик. Шунда ул зот ҳамон отдан тушмаган ҳолда, қуёшнинг ўшал кунга нисбатан узоқлигини икки дақиқа ичида ҳисоблаб, билгилари келган масалани ечдилар.

ОТА: - Теграларидаги олимлар кимлар эди?

ЎФИЛ: - Қозизода Румий, уста Исмоил ва уста Иброҳим, Абдуали Биржандий, Муҳаммад Ҳаваофий, Саййид Имомиддин, Бурҳониддин Нафис, камина ва бошқалар.

ОТА: - Шунча олимдан бири ҳам билолмади, дегин...

ЎФИЛ: - Ҳа, ҳа, ота, ечиб беролмади. Бўлмаса, Самарқанд олимлари чакана олимлар эмас. Бизнинг Кошонда ҳар бир фаннинг бир-икки намояндаси бўлади. Самарқандда ундоғ эмас. Улар илмларни кўплашиб ўрганишади. Аввалам бор, Улуғбек Мирзонинг ўзлари Носириддин Тусийнинг "Тазкира" си ҳамда Қутбиддин Маҳмуд Шерозийнинг "Ат-тухфа аш-шоҳий" асарлари бўйича дарс берадилар. Сониян, у ернинг олимлари тамоми илмлардан дарс берувчи мударрислардир. Айни чоғда аларнинг аксарияти риёзиёт ила банд. Тўрт мударрис "Тажҳис ал-ҳисоб" га шарҳ ёзган. Энг билимдон олимлари Қозизода Румий эса, Чағмийнинг асарларига шарҳ рисолалар ёзган.

ОТА: - Чағмийнинг дедингми? Ким ул? Эшитмаган эканман.

ЎФИЛ: - Мавороуннаҳрнинг Хоразм минтақасидан чиққан олим.

ОТА: - Нега Хоразмий эмас, Чағмий бўлмаса?

ЎФИЛ: - Чағмин - Хоразм бўлгасининг бир қасабаси. Нисбасини тўла айтганда Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий-Чағминий дейишади. Ул муборақ зотнинг "Мухаллас фиъл-ҳай", "Ашкол ал - таъсис" ва "Қивол кавокиб ва заафуҳо" номли асарлари Самарқандда бениҳоя қадрлидир. Қозизода Румий жаноблари бул китобларни шарҳлаб, икки рисола битганлар. Мадраса талабаларига буларни ёддан билиш қатъий низом қилиб қўйилган.

ОТА: - Оллоҳ Қозизода Румийнинг умрини зиёда қилсин. Аммо - лекин гапларингга қараганда, аълоҳазрат Улуғбек Мирзо кўп табаррук зотга ўхшайдурлар.

ЎФИЛ: - Бунга заррача ҳам шубҳа қилманг, ота.

ОТА: - Хўш, шунда, нега сен тўғрингда сайёҳлар ҳар хил нохуш сўзларни айтиб келишади? Ўзингни катта тутурмишсан, қўполлик қилармишсан. Унча-мунча

одамни менсимас эмишсан?!

ЎФИЛ:- Ота, бу бошқа масала. Сиз аралашмасангиз ҳам бўлади... Мен ўз ҳолу равишим ҳақида, Самарқанд уламси ичидаги вазият борасинда сизга батафсил бир мактуб ёзмишдим. Олмагансиз, шекилли.

ОТА:- Аҳамияти йўқ. Хўш, хўш?

ЎФИЛ:- Сиз менга ёзган мактубингизда фақат расадхона қурилиши билан ўралашиб қолаётганим учун, фалакиёт, риёзиётдан бошқа илмларни, чунончи, аруз, тарих, жўрофияни унутиб қўяётганим учун мени койгансиз. Насихатингиз тамоман ўринли.

ОТА:- Сен менга бошқаларга муносабатингдан гапир.

ЎФИЛ:- Улуғбек мадрасасида мунажжимлар ва риёзиёт мутахассислари 60-70 кишига етади. Биз, Кошонлилар тўрт кишимиз... Улар 10-12 йилдан бери фалакиёт ва риёзиёт билан машғулдирлар...

ОТА:- Хўш, нима бўпти?

ЎФИЛ:- Самарқандга борганимда мени мударрисликка олишди ва дарсларимни обдан таҳлил қилишди.

ОТА:- Жуда яхши. Шундай бўлиши керак.

ЎФИЛ:- Авра-астар қилиб савиямни билмоқчи бўлишди. Улуғ Султоннинг ўзлари ҳам дарсларимда ҳозир бўлдилар; аммо жавобларимни ва сабоқларимни аъло ҳазратларидан бошқа ҳеч ким тушунмади (кулади) Бир қатор муҳокама ва муноқашаларда Оллоҳнинг инояти ва сиз падари бузруқворимдан юққан файз туфайли, синовларнинг ҳамма турларида муваффақият қозондим. Самарқанд олимлари ҳайрат ичида қолишди.

ОТА:- Шукур қилиш керак.

ЎФИЛ:- Э, ичлари куйиб кетди уларнинг ...

ОТА:- Бе...

ЎФИЛ:- Бир куни Улуғбек Султон йўғонлиги бир газ бўлган ва 1022 юлдузни кўрсата олатурган устурлоб ясашни буюрдилар. Бу юлдузларнинг пайдо бўлиши ва ўтиш йўлларини ўрганиш аниқлаш зарур эди. Барча ҳисобчиларга биргаликда ишлаш топширилганди. Улар масалани "Зийжи Илҳоний" услубида ечмоқчи бўлдилар. Аммо 150 га яқин собит юлдузнинг ерлари ҳеч тўғри чиқмай уларни қийнаб қўйганди. Мен уларга масалани "Зийжи Илҳоний" йўлида эмас, бошқа усулда тушунтириб, ечиб бердим ва бу устурлобга мингдан ортиқ юлдузнинг пайдо бўлиши ва ўтиш йўлини аниқлаш мумкин эмаслигини айтиб, уларга бошқача тарзларни ўргатдим.

ОТА:- Яхши қилибсан. Барака топ.

ЎФИЛ:- Яна бир куни Улуғбек Султон сарой деворига, тегишли вақтни кўрсатиб турсин учун соат хизматини ўтовчи чизгилар нақш этишни буюрдилар. Аммо деворнинг сатҳи тик йўналиш билан кўндаланг йўналиш кесишадиган томонга қаратиб қурилганлиги учун, у деворга бундай чизги нақшлаш мумкин эмас эди. Самарқанд олимлари эса, бундай нақшни бир йил ичида қуриш мумкин деб овора бўлиб ётган эдилар. Мен биринчидан, катта устурлоб ясалиши кераклигини, шунда масала тўғри ва хатосиё ечилишини айтдим. Иккинчидан, қуёш нури аср намози пайтида тушиб туриши учун деворга тешик очиб қўйилиши даркорлигини, бошқа пайтларда қуёш нури бу тешикдан тушмаслиги кераклигини айтиб, масалани ҳал қилиб бердим. Султоннинг истаклари бир кунда адо этилди.

ОТА:- Худо билимингни бундан зиёда қилсин.

ЎФИЛ:- Яна бир куни Улуғбек Султон билан Марофа расадхонаси ҳақида гаплашиб қолдик. "Бола чоғимда у ерда бўлганман. Расадхона одамлар яшаб турган тепалик остида қолиб кетган экан," дедилар. Мен Марофа расадхонасида ўрнатилган 80 газлик юлдуз кузатиш минбари бўлганлиги ва у "Судси фахрий" деб аталганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб бердим. Ушал кундан эътиборан шохимизда ўшандоқ судси фахрий қуриш иштиёқи кучайди ва машғулот пайтида Берунийнинг "Қонуни Масъудий" китобидан бир-икки

мураккаб масалани ўртага ташлаб, келгуси дарсгача ечиб келишни топширдилар. Барча олимлар шу жумладан, Қозизода Румий жаноблари ҳам, шу масала билан банд бўлдилар. Икки кундан сўнг бутун уламо имтиҳон қилинди. Бирон киши ҳам масалани ҳал қила олмаган эди. Румий жаноблари "китобнинг айнан шу ерида тушиб қолган жумла бор, китобнинг бошқа нусхаси билан қиёслаб кўриш керак", дедилар. Мен "ҳеч қандай тушиб қолган жумла йўқ. Масала аниқ!" дедим ва масалани тафсирлаб бердим. Ота! Султонимиз гўзал инсон, аммо Самарқанд уламси, ҳаттоки Қозизода Румий ҳам олим сифатида ўргамчик жараёнидаги кишилардир. Уларнинг даражалари жуда паст.

ОТА:- Ҳозиргина уларни кўкка кўтариб тургандинг-ку?!

ЎФИЛ:- Э, ота, бу Қозизода Румий деган кишингиз кўпайтириш ва бўлиш масалаларини ҳам дафтарга ёзмагунча ё китобга қарагунча еча олмайди. Расадхона қуриладиган жойни текислашда бир қанча хатоларга йўл қўйилганини кўрдим ва янглишларини тузатдим. Ул киши Марофада 80 газли Судси Фахрий бўлганлигидан ҳам бутунлай хабарсиз экан. Энди, келиб-келиб, ана шу Қозизода Румий Улуғбек мадрасасининг бош мударриси ва расадхоан қурилишида 80 кишининг бош мудирини! Намунча ахир?! Аълоҳазрат кўриб турибдилар-ку, ул кишининг савияларини... Умуман, расадхона қурилишида кўп одам ишлашнинг ҳожати ҳам йўқ. Подшоҳ ва яна уч-тўрт киши ишласа кифоя қилади. Батламус подшоҳ эди ва фақат ўғли билан бирга ишлаган эди. Шунча одамни ишлатишнинг нима кераги бор?!

ОТА:- Ҳа-а... Энди мен сени тушундим. Яхши одам экансан-у, лекин ниятинг бузуқ экан...

ЎФИЛ:- Нега ундай деб ўйлайсиз, ота? Биз подшоҳни ёнимизга олиб, ўзимиз расадхона кураимиз. Хоҳласа, Қозизода Румий ҳам подшоҳ билан бирга 80 кишилик тўдаси билан қурилишини қилаверсин, ўртада мусобақа бўлади...

ОТА:- Ўйинг калта ўй... Бундай улуғ ишда ухувват керак, ўғлим, биродарлик, қардошлик... Акс ҳолда, ишдан барака кетади... Сен менга тўппа-тўғриси айт: Қозизоданинг нимаси ёқмайди?

ЎФИЛ:- Савияси, қариллиги... Айтдимку: у ерда мендан ўтадигани йўқ. Мен бошчи бўлишим керак расадхона қурилишига!

ОТА:- Сайёҳларнинг гаплари тўғри экан. Сал ўзингдан кетиб қопсан, болам. Қозизодани камситишнинг мақбул эмас менга.

ЎФИЛ:- Ота, мениям эшитинг.

ОТА:- Эшитмайман. Гапириб бердинг. Мусичадай беозор Қозизода бечора сен айтганчалик паст савияли эмас. Мен ўзим ўқиганман у ҳақдаги рисолатларни... Ундан ташқари, умрини шараф билан яшаб келаётир. Сендан 14-15 қўйлакни ортиқ йиртган. Мармар денгизи жанубидаги Бурсадай шаҳри азимда туғилиб, ўша ерда мулла Шамсиддин Фанорийдай улуғ олимдан риёзиёт ва илми таълимини олган. 20 ёшида илм машаққатларини зиммасига олиб, сафар жабдугини орқалаган. Хуросон ва Мавороуннаҳр олимларидан таълим олгани кетган. Жафрокш синглиси, сафар олдида баъзи қимматли жавохирларини китоблари орасида қўйганини эшитганмиз. Самарқандда Саййид Шариф Журжонийдан дарс олган. Журжоний "Қозизода табиатан риёзиётга мойил" деганини яхши биламиз. Хўш, нима бўпти? Бировга кўпроқ, бировга озроқ. Оллоҳ ул кишига озроқ юқтирган бўлиши мумкин. Аммо бунга ҳам гумоним бор.

ЎФИЛ:- Нега?

ОТА:- Боя ўзинг айтдинг: Қозизода бош мударрис, деб... Дарс берадими, ахир?

ЎФИЛ:- Ҳа, "Ал-Мажастий"дан дарс беради.

ОТА:- Батламуснинг "Ал-Мажастий"сидан унча-мунча одам дарс беролмайди. Дарс у ёқда турсин, ул асарни фахмлаш ва идрок этишнинг ўзи ҳам осон

эмас. Сониян, яна ўзинг айтдинг: Чағминий китобларига шарҳ ёзган, деб... тўғрими?

ЎФИЛ:- Бор-йўқ асарлари шу. Бошқа ҳеч нима ёзмаганлар...

ОТА:- "Риёзиёт" дарслиги-чи?

ЎФИЛ:- Ҳа, энди у умумий гап. Бирон янгилиги йўқ ичида...

ОТА:- Балки, энди ёзар. Ким билади буни...

ЎФИЛ:- Ғурдами?

ОТА:- Ҳай-ҳай, оғзингга қараб гапир, ўғлим. Ким олдин, ким кетин ғўрга киради - Оллоҳ билади... Худодан кўрқ! Ўзи яхши одамлигини инкор этмасанг керак? У ҳеч сени камситганми?

ЎФИЛ:- Йўқ.

ОТА:- Сўзингни ерда қолдирганми?

ЎФИЛ:- Йўқ.

ОТА:- Улуғбек мирзонинг устозими?

ЎФИЛ:- Ҳа.

ОТА:- Улуғбек Мирзо бош эгиб, қўлини ўпадими?

ЎФИЛ:- Ҳа.

ОТА:- Хўш нима дейсан энди? Сен кимсан ўзи? Кечагина илмингни қандай қилиб юзага чиқаришни билмай юрган бечорагина олим эмасмидинг? Кимнинг оёғига бош уришни билмай, Қорақўйли султони Искандарга китоб бағишлаб, шунда ҳам безътибор қолган муллавакча эмасмидинг? Илмининг эгаси йўқ эмасмиди? Нега кечаги кунингни, эски чоринингни унутяпсан? Мен сени камситмайман, ўғлим... Балки, сен чиндан ҳам барча олиму мударрислардан устундирсан. Лекин бир нарсани унутма: бу дунёда бир одам билган нарсани бошқа одам билмаслиги мумкин. Сен билгани улар билмаслиги мумкин. Аммо сен ҳам улар билган нарсанинг кўпини билмаслигингга ишонаман. Ўзингга баҳо беришга Оллоҳни унутма! Биз ҳаммамиз билимдон, донишманд одамларимиз. Аммо Оллоҳ билимдонроқ. Қалбингда саркашлик туйғулари уйғонганда, шуни ҳамаша ёдингда тут: Оллоҳ билимдонроқ... нега мен сени Ғиёсиддин деб атаганман? Ғиёс — мадакдор дегани. Ғиёсиддин-

диннинг мадакдори дегани. Сен динга, илмга, дўстларингга Султон Улуғбекка, Қозизода Румийга мадакдор бўл! Сен барча муҳтожларга мадак бериш учун яшашинг керак! Самарқандда расадхона тикланглар, илм йўлида риёзат чек! Нафсингга, "мен" лигингга ҳай бер! Ҳолисаниллоҳ ишла... Паторатчилик, гуруҳбозлик қилма!

Биласанми, сенга ёзган хатимда, сен таҳвид ва ҳадис илмини ўрган, дегандим. Сен боя менинг гапларимни тилга олдинг, аммо бу гапимни бош чайқаб, оғизга олмадинг. Сен агар ҳадисларни кўпроқ ўқиганингда, мана бу ривоят кўнглингга муҳрланган бўлар эди. Пайғамбаримиз шундай деганлар: "Одамлар ҳалок бўлдилар илм олмаганлари учун,

Олимлар ҳалок бўлдилар амал қилмаганликлари учун,

Омиллар ҳалок бўлдилар ихлос қилмаганликлари учун

Ихлосда ҳам катта хатар бор."

Бизнинг миллатда имон бор, эътиқод бор, билим бор, амал бор, истеъдод бор... Фақат ихлос йўқ, ихлос! Зиёли билан зиёли, олим билан олим, ёзувчи билан ёзувчи, тарихчи билан тарихчи бир-бирини инкор этиб турса, миллат миллат бўлолмайди. Сенингдек олимларнинг ихлосизлиги устозлар билан шогирдлар орасини, оталар билан болалар орасини бузади, гуруҳбозликни кучайтиради. Бу эса миллатни парчалайди. Миллатнинг парчаланиши унинг таназзули демакдир. Сенинг сўзларинг, бўлувчилик ниятинг мени юрагимни қон қилади, билсанг. Ё Танграм, нима бўлар экан бу Улуғбекнинг салтанати?!

ЎФИЛ:- Ота, кўп сиқилаверманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Ҳали ораимизда ҳеч гап йўқ. Худо хоҳласа, тиклаймиз расадхонани...

ОТА:- Шундай бўлсин, ўғлим. Неки қилсанг ўзинг ё биров учун эмас, Оллоҳ учун, ҳақ учун қил. Шунда мен сендан рози бўламан.

ЎФИЛ:- Хўп, ота. (Кучоқлашадилар).

ПАРДА.

Таниқли шоир Миразиз АЪЗАМни адабиёт шайдолари, муҳиблари яхши билади. Айниқса, унинг "Ҳақиқатнинг кўзлари" китоби шеърят мухлислари томонидан юксак баҳоланган, болаларга атаб дасталанган "Бир чўнтак ёнгоқ" китоби ўспирин ёшларнинг жавонидан муносиб ўрин олган. М. Аъзамнинг В. Маяковский, П. Неруда, Нозик Ҳикматдан ва бошқалардан муваффақиятли қилган таржималари ҳам адабиёт муҳиблари учун қадрлидир. Шоир олтмиш ёшни қаршилади. Бу камолот ёши билан журнал таҳрир ҳайъати номидан ҳам қутлаб, соғлиқ тилаймиз, гўзал асарлар кутиб қоламиз.

ТАХРИРИЯТ

ХАЁЛ...

С. Зоиров фотоси





Холдор ВУЛҚОН

МЕН ЎТДИМ МУҲАББАТ ДЕГАН ОЛАМДАН..



Дарахт менга йўл бўшатади,
Ўтганимда шу йўлдан доим.
Ва дарахтнинг сарғийиб кетган,
Хатларига кўмилар пойим.
Дарахт шўрлик мактубларини,
Кимдир олиб ўқишин пойлар.
Мактубларин олис-олисга,
Олиб кетар пўчтачи сойлар.
Севиб қолган кимнидир дарахт,
Севган ёри ёзмайди жавоб.
Хатларини яшириб ўқиб,
Йиғлаб-йиғлаб этмайди тавоф.
Дарахт ҳар йил ёзаверади,
Сиёҳ, дасгоҳ, қалам-довотсиз
Хатларини ҳеч ким ўқимас,
Унинг севгилиси саводсиз.



СЕНСИЗ

Қийнадиб ажратдим май кўнғизини,
Бошим гумбазида ўсган толамдан.
Суюқларим-сурнай, қон томир-горим,
Мен ўтдим муҳаббат деган оламдан.
Сенсиз кийимларим эгнимда кафан,
Сенсиз хижрон деган дўзахда пойим.
Кўзим осмонидан қулар юлдузлар
Рухимда гулдирар қиёмат қойим.

БАҲОР

Қайдан келаётирсан капалак,
Гандираклар маст одам каби?
Яна ўпишдингми гул билан?

СЕВГИ

Ишлатаман қаламни қулдек,
Мен қаламга қилмайман раҳм.
Ой тўлади дала устида,
Деразамдан мўралар ваҳм.
Бошим кўхна даҳма гумбази,



Дуқуллаган юрагим - тобут.
Ҳаммасига ўша сабабчи,
Ўшани деб у бўлди нобуд.
Сағанада ёнган бу шамнинг,
Дини бошқа, мазҳаби ботил.
Зиёратга келар яширин
Муҳаббатим ўлдирган қотил.

НЕГАТИВ ОДАМ

Ёп-ёруғ зулмат ичра,
Қора рангли қорлар ёққанда
Мен қоронғу хонага кириб
Печкага қалайман
Ошпоқ кўмирни
Сўнгра ёғаётган
Қора қорларга
Деразадан ғамгин термулиб
Сен ёмон деган
Яхши одамлар ҳақида,
Сен яхши деган
Ёмон одамлар ҳақида
Ўйлай бошлайман.
Шундай қаршилайман
Қора тонларни.

ҲОҲИШ

Гийбат, фасотлардан чекиниб,
Дарё соҳилига кетсангу
Одам бўйи ўсган
Қалин йилғинзорга
Чўзала тушсанг.
Сўнг бепаён осмонга
тикилганинча
Оёқларинг узатиб ўлсанг.
Кейин чумолилар,
Қарға-қузғунлар
Вужудингни қилса толомон.
Сенинг қайга кетганингни,
Қандай ўлганингни
Билмай қолса
Ғофил оломон.



Андижон



Норсаид ОЙДИНОВ

„Нигористон“ - васи жўриги

Шарқ тасвирий санъати ўзига хос жуда катта мўъжизавий намуналарига эга. Бу ўринда Темурийлар даврида шаклланган санъатнинг давруғи жаҳон маданияти юксак сарҳадларидан бири ҳисобланади. Ўтмиш тасвирий санъати ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало бугунги кунда кўп қўлланилаётган “миниатюра” сўзининг ўзига қисман тўхталиш лозим. Бу атама деярли XIX аср бошларигача ишлатилмаганлиги кўпчиликка сир эмас. “Миниатюра” - китобга ишланган сурат (мўъжаз сурат) ёки кичик ҳажмдаги нафис тасвир маъносида келади. Шундай қилиб, ўтмишнинг мўъжаз тасвирларига ва унинг замонавий давомчиларига нисбатан “миниатюра” ибораси кенг ишлатилиб келинмоқда. Ана шу миниатюра санъатининг буюк вакили, Шарқнинг мумтоз мусаввири, айна кунларда 540 йиллик таваллуди нишонланаётган Камолитдин Бехзод қандай мактабда таълим олганлиги хусусида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Тасвирий санъатимиз тарихида ўзининг ноёб намуналарини ва буюк истеъодларини юзага чиқарган “Нигористон” (нафис санъат академияси) мактаби жаҳон

тасвирий санъати мактаблари ичида олдинги сафларда туради. Бу мактабнинг йўналиш моҳияти ва мазмунини аниқроқ тушуниб олишимиз учун аввало унинг маъноси билан олисак ёмон бўлмайди. “Нигористон” дегани бу нигорлар, чехралар, қиёфалар демакдир. Бинобарин, атама мазмуни инсон қиёфаси, инсоннинг чехрасини англатади.

Демак, маъноси англашилган номнинг ўзиданоқ мактабнинг ижодий йўналишини билиб олдингиз. Бу ҳозирги санъатдаги “портрет” жанрига мос келади. Бирок, кўпгина тарихий ва илмий манбаларда айтилган фикрлар унинг кўлами кенгрок бўлганлигидан далолат беради. Масалан, манбаларда “қаламнигор” иборасини кўп учратамиз. У сўз маъноси ҳозирги “қаламтасвир” атамасига яқин. Ўрта асрларда тасвирий санъат усталарининг ҳомийси Моний ҳақида халқ ривоятлар тўқиган. Моний меросининг давомчилари бўлмиш самарқандлик рассомлар Темурийлар даврида ҳам тасвирий санъатда ўзига хос мактаб ярата олганлар. Бу давр рассомлари мактабининг асосчиси Гунг бўлиб, унинг шоғир-

ди Ундатул мусаввир (мусаввирлар пешвоси) номи билан шуҳрат қозонган, бухоролик Устоз Жаҳонгир - Пир Сайид Аҳмад Табризий ижоди ҳақида маълумотлар бизга қадар етиб келган. Афсуски, бебаҳо ютуқларни қўлга киритган самарқандлик мусаввирлар ишланган асарлар кам сақланиб қолган.

Ҳиротда гуллаб яшнаган тасвирий санъат ибтидосига Темур даврида Самарқандда шаклланган санъат замин яратган эди. Темурнинг невараси Бойсунқур Мирзонинг Ҳиротдаги нафис санъат тараққиётига қўшган хиссаси бебаҳо одир. Олим Найим Норкуловнинг маълумот беришича, Бойсунқур Мирзо Ҳирот нафис тасвирий санъати анжуманининг (академияси) асосчиси дир. Ҳирот академияси ташкилотчиларидан - номлари жаҳон тасвирий санъати тарихида муҳим ўрин тутган Хўжа Ғиёсиддин Ҳаравий, Амршоҳий Сабзаворий, Мирак Наққош, Халил Мирзо Шохрухий, Султон Иброҳим, Султонали Машҳадий, Мавлоно Жъфар Турбатийни санаб ўринли.

Бойсунқур Мирзо Ҳиротда ўзига хос нафис санъат мактабини яратишда бутун Шарқ халқлари маданияти дурдоналаридан фойда-


ланди. Бу ишда унга отаси Шохрухнинг қўшни мамлакатлар билан кенг қўламда олиб борган савдо, дипломатик ва маданий алоқалари катта ёрдам берди. Хуллас бу мактаб “Нигористон” номи билан машхур бўлди.

Шарқнинг мумтоз мусаввири Камолиддин Беҳзоднинг буюк санъаткор бўлиб етишишига дастлаб ана шу “Нигористон” мактабининг таъсири хал қилувчи аҳамият касб этади. Бу даврдаги Хирот бадиий муҳити жуда юксак бўлиб, мусаввирнинг ижодий раванқига беназир имконият ҳозирлайди. Айниқса буюк бобомиз Алишер Навоий Камолиддин Беҳзоднинг санъат сирларини ҳар томонлама ўрганишига алоҳида раҳномалик қилган. Ўз ўрнида Алишер Навоий партретини яратиш борасида Камолиддин Беҳзод самарали ижод қилади. Ҳатто у дастлаб Навоий портрети туфайли Хирот зиёлилари ўртасида танилади. Кўп ўтмай Беҳзод Хиротда катта ҳурматга сазовор бўлади. У 1487 йили Хурросон ҳукмдори Хусайн Бойқаронинг Хиротдаги кутубхонасига раҳбар этиб тайинланади.

“Нигористон” (нафис санъат академияси) мактаби инсониятга нималар туфҳа этди? Буни-да Камолиддин Беҳзод яратган ўлмас асарлар блан баҳолаш мумкин. Аввало мусаввир инсон қиёфасини яратиш борасида тенгсиз санъаткор эканлигини айтмоқ лозим. “Алишер Навоий”, “Султон Хусайн Бойқаро”, “Муҳаммад

Шайбонийхон”, “Абдурахмон Жомий” каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарларда ўтмиш аждодларимизнинг маънавий қиёфаси-да жонлантириб тасвирланади.

“Султон Хусайн Бойқаро” портретида шохнинг гавдаси тўлалигича ўтирган ҳолатда тасвирланади. Асардаги бош қиёфа ва тананинг бошқа бўлақларидаги гормоник тузилишдаги нафислик ҳар



қандай тамошобинни ўзига мафтун этади. Тасвир марказини аниқлаб, оддий геометрик шакллар орқали текшириб кўрганамизда ҳам гормоник жиҳатдан асар мукамал эканлиги гувоҳи бўлди. Бундай таҳлил портретни шаклан мутаносиб, ҳар жиҳатдан баркамол эканлигини кўрсатади. Портретда шохона либоснинг ниҳоятда безакларга бойлиги, елка ва кўкрак олди нақшларнинг чиройлилиги кўзни


яшнатади. Бу жиҳатдан ҳам Беҳзод замонасининг наққошлик санъати-га яна бир бор тан берасан киши. Нақшлар бир-бирига шундай уйғунлашиб кетганки, биз ундан нусха кўчириш жараёнида қайси нуқтадан бошланиб ва қандай нуқтада тугашини топа олишни ҳар қандай наққош ҳам эплай олиши амри маҳоллигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳақиқатда ҳам портретда оддий бир ҳолат бўлса-да, инсон танасига хос мутаносибликлар мусаввир томонидан ғоят усталик билан кўрсатилган. Умуман портрет орқали Камолиддин Беҳзод ўз даври кишилари ва уларнинг маънавий олами ҳақида бизга бебаҳо маълумот қолдирган. Ҳозирги пайтда Швециянинг миллий галериясида сақланаётган бу портретнинг асл нусхаси швед санъатшуноси Ф. Мартиннинг шахсий коллекцияси-дан жой олгани маълум. Ўз даврида бу портрет нафақат рассомни, ҳатто Хурросон подишоҳи Хусайн Байқарони ҳам машхур қилиб юборади.

Хуллас, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод асарлари ҳам мангуликка дахлдор қимматбаҳо дурдоналардир. Асрлар оша бу тасвирлар бизга завқ, ҳайрат улашади, ҳамда буюк аждодларимизнинг такрорсиз сиймоларини намоеън этиб, авлодлар ўртасида васл кўприги бўлиб, беқиёс хизмат этади.





Даврон РАЖАБ



Хаёлни охири тонга
туташган

Бу ҳаммаси эмас
Тамакининг ярми ҳавога тутаб кетгандек...
Чекиб қонмадим

Бу ҳаммаси эмас
Сенга айтмоқчи бўлган
гапларимни
Ўзим билан гаплашиб бўлдим

Бу ҳаммаси эмас
Йиғламоқчи эдим ёнингда
Бирок
Йўлда йиғлаб бўлдим

Кўз олдинда
Отанг сендан нур сўради
Сен индамадинг

Кўз олдинда
Бир киз сени қаттиқ севди
Бир гул қон қақшаб кетди
Сен жимсан ҳамон

Кўз олдимда
Сени дафн қилаётирлар
Сен гапирмаяпсан...




Юрагим тўла қум - сахро ва сукут
Унда севишчиларнинг мазорлари
Тилсиз хотиралар овозсиз кинодай
Бўлар намоён

Ким у кўнглимни қумга тўлдирган
Бақираман садо чикмайди
Уяламан овозим чикмаганидан...

Ким у кўнглимни кўтарган

Бунда ҳар жилмайиш маъно
Бунда ҳар жилмайиш нуқсон
Бунда соқов бир бақирик ётар

Ҳозир чироқни ўчирсам
Кайфиятдан озаман
Менга ёмон бўлажак
Қимирласам ҳам
Хаёлни охири тонга туташган
Бас қилсам яхши бўлмайди менга
Дил ўлган кўзлари очик ҳолда
Йўқ чироқни ўчирсам бўлмайди



Сўндириб бўлмайди безовталиқни.

Темир ниқобингни еч одам,
Сайр эттил юлдузли тунда.
Оғир эмас капалак - хаёл
Ширин хотираларни сипқор

“Тун сўлимдир сочларинг каби,
Бирга бўлсак эди дегандек...
Шундай тунда сени эсладим
Кўзларимдай эди кўзларинг”

Темир ниқобингни еч Одам
Кўрқма ахир парвозга шайлан
Шивирлайди тунги дарахтлар:
- Юлдузлар ҳам етилди, мана...

Бир маъносиз қайғу
Дуқурлар ичимда
Қамалиб қолган қуш каби

Товушимми у менинг
Фарёдимми у менинг
Кўзёшимми...
билмайман

Бир маъносиз қайғу
Ғижимлар руҳимни
Мен маҳкумман сени қутқаролмасликка
Мен сенга яна азоб беряпман
Сугураётган каби камонни кўксингдан

Фош этайми ўзимни
Мен ўзимни нима қилай
Бир маъносиз қайғу...

Хонам ичра капалак шаклида
учиб юрар мен излаган ранг
Ёзув усталимга кўнар
китобларга кўнар
нега истаса шунга кўнар
Тус хақида бирор фикрга келсанг
яна ўзгарар капалак

Хонам ичра капалак каби
жилоланиб учиб юрар
Мен йўқотган ранг

Даврон РАЖАБ 1967 йилда Урганчда туғилган. VI Ёш
ижодкорлар анжумани қатнашчиси. “Бир тамчи қолдуз” шеър
тўплами нашр қилинган. Ҳозирги кунда Хоразм нашриётида хизмат
қилмоқда.



ҒАЗЗОЛИЙ

ДАҚОЙИҚ УЛ-АХБОР

Билгилки, Худонинг амри икки навъдур: бирини амри илзомий дерлар. Чунончи, намозга, рӯзага ва мундин ўзга ибодатларга амр қилурки, ул ибодат бандага лозим бўлур. Бирини амри таквиний дерларки, Худойи таоло бир нимар-санинг вужудини ирода қилса, фалон бўлгин деб амр қилур, дарҳол ул нимарса пайдо бўлур. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, КУНУ ХИЖАРОТУН АВ ҲАДИДАН АВ ХОЛҚОНЗО яъни, Худойи таоло тошнинг мавжуд бўлмоғини ирода қилса, тош бўлинглар деб амр қилур, дарҳол тош пайдо бўлур. Агар темирнинг мавжуд бўлмоғини ирода қилса, ани амр қилур, ул ҳам пайдо бўлур. Агар халқнинг мавжуд бўлмоғини хоҳласа ҳам инчундур. Қавли Аллоҳи таолоки, ИННАМА АМУРҲУ ИЗА АРОДА ШАЙБАН АН ЙАҚУЛА ЛАҲУ, КУН ФАЙАКУН³¹ ҳам ушбу мазмунга далолат қилур. Аммо, қавли Аллоҳ таолоки, НАЗАЛА БИХИР-РУҲУЛ-АМИН³² ва қавли Аллоҳ таолоки, ЙАВМА ЙАҚУМУР-РУҲУ ВАЛ-МАЛАЙКАТУ СОФАН ЛАЙАТАКАЛЛАМУНА ИЛЛА МАН АЗИНА ЛАХУР-РОҲМАНУ ВА ҚОЛА СОВАБА³³ да баён бўлгон руҳнинг маъносини баъзилар Жаброил алайҳиссалом деблурлар. Баъзилар айтибдурларки, бу маврида руҳнинг маъниси бир фариштадурки, бағоят каттадур. Анинг танҳо ўзи неча минг фаришталарнинг сафиға баробардур. Аммо, қавли Аллоҳ таолоки, ФАИЗА САВВАЙТУҲУ ВА НАФАХТУ ФИЙҲИ МИН-РУҲИ 34 изофийдур. Яъни, Худойи таолонинг ўзи яратгон сабабдин ўзимнинг руҳим дебдур, илло Худонинг руҳи йўқтур.

Баъзилар наздларида Худойи таоло манинг руҳим демоғи азборои икром ва эъзоз учундур. Чунончи, ҳазрат Солиҳ пайгамбар алайҳиссаломнинг теваларини икром қилиб НАҚОТАЛЛОХУ, яъни Худонинг теваси дерлар, Каъбани икром қилиб Каъбатуллоҳ ва байтуллоҳ деллар. Қавли Аллоҳ таолоки, ФАНАФАХНА ФИҲИ МИН РУҲИНА³⁵ ҳам аз барои икромдур. Баъзи ривоятда бул оятнинг маънисида Худойи таоло Жаброил алайҳиссаломни икром қилди деб дурлар. Чунки, оятда зикр қилингон руҳ Жаброил алайҳиссаломнинг руҳлари эрди. Худойи таоло ул кишини эъзоз қилиб, ул кишининг руҳларини манинг руҳим деди. Бинобарин ҳазрат Исо алайҳиссаломнинг ҳақларида руҳуллоҳ деб айтилди. Чунончи, қавли Оллоҳ таолоки, ВА АЙЙАДАХУМ БИРУҲИМ МИНХУ 36 ҳам ушбу маънига далилдур. Яъни, Худойи таоло аларга ўзининг руҳидин бериб мадад қилди демоқдур. Валлоҳу аъламу бис-савоб.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ИСРОФИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ СУРЛАРИ,
МУРДАЛАРНИНГ ҚИЁМАТДА ТИРИЛМОҚЛАРИ ВА
МАҲШАРНИНГ БАЁНИ

Ривоят қилибдурларки, Худойи таоло лавҳул-махфуз-ни оқ марвариддин яратиб, аршга осиб қўйгондурки, узунлиги осмон бирла ернинг миёнасиға етти баробардур. Аршини кўтариб турмоқни Худойи таоло ўн фаришта ва Исрофил алайҳиссаломга амр қилгондур. Исрофил алайҳиссаломнинг тўрт қанотлари бордур. Бири машриқ, бири мағриб тарафладур. Бири оёқларининг остидадурки, ул қанотларининг устида турарлар. Бир қанотлари бошларидадурки, қамоли Ху-

дойи Таолодан ҳаё қилгонларидин бошларини ва юзларини беркитиб турарлар. Бошларини аршнинг тагига ҳам қилиб, аршнинг пояларини қафтлариға кўтариб турарлар. Бас, агар Худойи таоло Лавҳул-махфузга бир ҳукми битса, ё андин бир ҳукми ўчурса, Исрофил-алайҳиссалом бошларидин қанотларини олиб, ул ҳукмга бир марта назар қилиб, яна бошларини беркитурлар. Худойи таолодин қўрқонларидин кундин кунга кичик тортиб, ҳаттоки, чумчуқдек бўлурлар. Ўзлари ҳамма фаришталардин аршга яқинроқдурлар, аммо, арш бирла Исрофил алайҳиссаломнинг миёналарида етмиш минг парда бордурки, ҳар икки парданинг миёнаси беш юз йиллик йўлдур. Исрофил алайҳиссалом бирла Жаброил алайҳиссаломнинг миёналарида яна етмиш минг парда бордурки, аларнинг ҳам ҳар иккиларининг миёналари беш юз йиллик йўлдур. Исрофил алайҳиссалом ҳаргиз ўлтурмаслар ва ётмаслар, доим қойим тургондурлар. Худойи таоло бир сур яратиб, Исрофил алайҳиссаломга бергандур. Сурнинг маъниси - ҳўқизининг шохини тешиб, анинг учига найининг қиёғидин ўтқузиб, бир нағма қилиб, чолурларки, анинг номи сурдур. Бу замонда шохнинг ўзиға ўрук йиғочдан қилурки, анинг номи сурнайду. Ул киши сурни олиб тиззалариға қўйиб ва учини оғзилариға тутиб, дам урмоқға Худойи таоло қачон фармон қилур деб мунтазир бўлуб турарлар. Вақтики, дунёнинг муддати тамом бўлуб, Худойи таоло қиёматни қойм қилмоқни хоҳласа, сурға дам ургил деб Исрофил алайҳиссаломга амр қилур. Сур ҳам худонинг қудрати бирла кўтарилиб, Исрофил алайҳиссаломнинг пешоналариға чиқур.. Андин сўнгра Исрофил алайҳиссалом тўрт қанотларини баданлариға маҳкам босиб туруб бир дам урарлар. Ул вақт Азроил алайҳиссалом бир қўлларини етти қабат ернинг тагига ва бир қўлларини етта табақа осмоннинг устиға қўйиб жамиъ махлуқотнинг жонларини яқбора олурлар, магар ер юзида шайтон алайҳил-лаъна қолур. Осмонда Жаброил, Микоил ва Исрофил алайҳиссалом қолурлар. Худойи таоло хабарида марҳамат қилдики, ВА НУФИХА ФИС-СУРИ ФАСОИҚО МАН ФИС-САМАВАТИ ВА МАН ФИЛ-АРЗИ ИЛЛА МАН ШААЛЛОХУ³⁷ яъни, қиёмат вақти яқин бўлса ва сурға дам урилса жамиъ осмондаги ва ердаги махлуқлар ўлурлар. Магар, ўлмаслигини Худойи таоло хоҳлагон кишилар қолурлар. Ул ўлмаслигини Худойи таоло хоҳлагон кишилардин мурод - ер юзида шайтон ва осмонда тўрт фариштадурлар.

Ҳазрат Абу Ҳурайра розийоллоху анху ривоят қилибдурларки, пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Аллоҳ таоло бир сур яратқондурки, анинг тўрт шохи бордур. Бири машриқда, бири мағрибда, бири етти қабат ернинг остида ва бири етти қабат осмоннинг устидадур. Анинг неча ковак ва тешуқлари бордурки, анинг адади оламға келгон махлуқларнинг хайллари неча хайл бўлса, анго баробардур. Чунончи, бир тешигиға ҳамма пайгамбарларнинг руҳлари бориб турарлар. Бириға жамиъ жинларнинг руҳлари, бириға ҳамма инсларнинг руҳлари, бириға ҳамма шайтонларнинг руҳлари, бириға ҳамма чорполарнинг ва газандаларнинг руҳлари бориб турарлар. Ҳаттоки, чумолу ва пашшаларға ҳам алоҳида бир жой бордур. Ул сурни Худойи таоло Исрофил алайҳиссаломга бергандур. Ул киши ани оғзилариға ушлаб дам урмоқға Худойи таолонинг фармониға мунтазир бўлуб тургондурлар. Бас, замона охир бўлса, анго уч мартаба дам уриладур. Бир дам урмоқ халойиқни қўркутуб, беҳуш қилмоқ

учун, бири ҳамма махлуқларни ўлдурмоқ учун ва бири халойиқнинг ҳаммасини, аввалдан то охир ўлгон мурдаларини иккинчи мартаба тирилтурмоқ учундур”.

Ул вақтда Хузайфа розийоллоху анху ҳозир эрдилар, сўрадилар: “Ё расулуллох, сурга дам ургон вақтда халойиқнинг ҳоли қандоғ бўлур?” Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: “Ё Хузайфа, қасамёд қилурман шундоғ Худоғаки, манинг нафсим ҳам анинг қудрат қўлидадур. Билгилки, албатта, сурга дам урилса қиёмат қойим бўлур. Халойиқнинг баъзилари таомни емоқ учун оғзиларига олиб боргон бўлсалар, ани ютолмай қолурлар. Баъзилари сув ичмоқ учун косани оғзиларига олиб боргон бўлсалар, ани ичолмай қолурлар. Валлоху аълам”.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ СУРГА ДАМ УРМОҚНИНГ БАЁНИ

Ривоят қилибдурларки, замона охир бўлса, Исрофил алайҳиссалом сурга бир дам урларарки, анинг овози, ҳайбати ва хавфи осмондаги махлуқларга етар, анинг хавфини тоғлар қўрқуб, жойларини қўзғалиб, югуруб юрарлар, осмонлар бетоқат бўлуб, тегиримон тошидек айланурлар, ерлар гўё сувда юрган кемадек бетоқат бўлуб, югуруб юрарлар. Ҳомиладор хотинлар ҳамилларини ташлаб юборурлар. Ёш фарзандларига суг берадургон хотунлар фарзандларини фаромуш қилурлар. Ёш гўдақлар анинг хавфини қўрқуб мўйсафид бўлурлар. Шайтонлар қўрқуб ҳар тарафга қочарлар. Анинг ваҳмининг офтоб ва ойлар қуйуб, нурлари кетиб, олам қоронғу ва зулмат бўлур. Осмонлар қамоли қўрқонларидин бир қабат пўстларини ташларларки, ушбу мазмунга қавли Аллоҳ таоло **ИННА ЗАЛЗАЛАТУС-СОАТИ ШАЙЪУН АЗИМ38** ҳам далолат қилур. Бул тарика аломатлар то қирқ йилгача таскин топмас.

Ҳазрат Ибн Аббос розийоллоху таоло анху ривоят қилибдурларки, ҳазрат расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам айдилар: “Эй одамлар, Худойи таолодин қўрқунларки, қиёмат куни қўб қаттиг кундур. Эй мардумлар, қиёмат кунининг қайси кунлигини билурсизларму?” Саҳобалар айдилар: “Худо ва расули билур”, Андин сўнгра пайғамбар алайҳиссалом айдилар: “Қиёмат куни шундоғ кундурки, Худойи таоло ҳазрат Одам алайҳиссаломға амр қилурки: “Эй Одам, тургил ва фарзандларининг дўзахга юборгил”. Одам алайҳиссалом айтурларки: “Худоё, фарзандларининг ҳар бир минг ададларидин нечасини дўзахга юборайин?!” Худойи таоло айтур: “Ҳар минг ададидин тўққуз юз тўқсон тўққузини дўзахга юборгил, қолгон бир ададини жаннатга юборгил”.

Пайғамбар алайҳиссалом бу сўзни айтиб эрдилар, ҳамма саҳобалар сайха тортиб, фарёд қилиб йиглашиб, ниҳоятда андуҳгин, ғамгин ва бетоқат бўлдилар. Андин сўнгра пайғамбар алайҳиссалом айдилар: “Эй одамлар, ман умид қилурманки, сизларнинг тўрт ҳиссаларингиздин бир ҳиссаларингиз жаннатга борурсизлар”. Бир замондин сўнгра яна айдиларки: “Ман умид қилурманки, сизларнинг нисфларингиз жаннатга борурсизлар”. Бас, бу сўзни эшитиб, саҳобалар андак хурсанд бўлдилар. Яна бир замондин сўнгра пайғамбар алайҳиссалом айдилар: “Эй биродарлар, сизларга хушхабарлик бўлсунки, сизлар қадим замонда ўтган пайғамбарларнинг умматларига қарагонда гўё бир тева ёнида тургон тўқликдурсизлар. Аларнинг ададлари бениҳоятдур. Ушал мингдан бир ҳисса ёки, жаннатга қирадургонлар, иншааллох, сизлардурсизлар”.

Ҳазрат Абу Хурайра розийоллоху анху ривоят қилибдурларки, ҳазрат сарвари коинот, алайҳис-саловат ватаҳиййот айдиларки; “Худойи таоло меҳрибонлигини юз ҳисса қилиб яратиб, бир ҳиссасини инс ва жин ва чоруполарга бергандур. Анинг бирла бир-бирларига меҳрибонлик ва тараҳхум қилурлар, тўқсон тўққуз ҳиссасини Худойи таоло ўзи сақлагондурки, анинг бирла қиёмат куни бандаларга тараҳхум ва меҳрибонлик қилур.

Сўнгра Худойи таоло Исрофил алайҳиссаломнинг сурга иккинчи дам урмоқларига амр қилур. Ул киши иккинчи дам уриб айтурларки: “Эй дунёдаги жасадида орият турган жонлар, эмди Худойи таолонинг амри бирла чиқинлар”.

Бас, ўшал онда ҳамма ердаги ва осмондаги махлуқлар ўлурлар. Магар ўлмаслигини Худойи таоло хоҳлаган кишилар ўлмаслар. Улардин мурод ер юзида шайтон ва осмонда Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроил алайҳимуссалом ва шаҳидлардурки, алар Худойи таолонинг наздида ўлган эмаслар. Балки, ризқларини Худойи таоло бериб турар. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, **ВА ЛА ТАҲСАБАННА-Л-ЛАЗИНА ҚУТИЛУ ФИЙ-САБИЛИЛЛАҲИ АМВАТАН БАЛ АҲЙАЪУН ЁИНДА РОБИҲИМ ЙУРЗАКУН39** ушбу маънига нозил бўлубдур.

Ривоят қилибдурларки, ҳазрат пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам айдилар: “Батаҳқиқ Аллоҳ таоло шаҳидларни беш хислат бирла азиз ва муқаррам қилгондурки, ул хислатлардан ҳеч бирини пайғамбарларга ҳам берган эмас. Анинг бири шулки, ҳамма пайғамбарларнинг жонларини Азроил алайҳиссалом олуурлар, аммо шаҳидларнинг жонларини Худойи таолонинг ўзи қудрат қўли бирла олуур. Иккинчиси шулки, ҳамма пайғамбарларнинг мурдалари ювилмоққа муҳтождур, аммо, шаҳидларнинг мурдалари ювилмоққа муҳтож эмаслар. Балки, ўзларини Худойи таоло пок яратқондур. Учунчиси шулки, ҳамма пайғамбарлар кафанга ўралурлар, аммо шаҳидлар кафанга муҳтож эмаслар. Тўртунчиси шулки, ҳамма пайғамбарларни ўлгонларидин сўнгра ўлук деб от қўйилур. Чунончи, фалон пайғамбар ўлдилар дерлар. Аммо шаҳидлар ҳаётдурларки, аларни ўлук деб бўлмас. Бешинчиси шулки, ҳамма пайғамбарлар ўз умматларини шафоат қилурлар ва ман ҳам шундоғдурман. Аммо, шаҳидлар қиёматда ҳамма умматни шафоат қилурлар”.

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

30. *Айтинг: “Сизлар хоҳ тош ё темир бўлинглар ёки кўнгишларингизда (ҳаётлигини тасаввур қилиш) жуда қийин бўлган бошқа бирон махлуқ бўлинглар, (ҳар ҳолда Оллоҳ сизларни тирилтирур). (17-50).*

31. *Бирон нарсани (яратишини) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина “Бўл”, демоқлигидир. Бас у (нарса) бўлар вужудга келур. (36-82).*

32. *Уни (яъни Куронни) Рухул-Амин-Жаброил очиқ-равшан арабий тил билан нозил қилди (26-193).*

33. *Рух (Жаброил) ва барча фаришталар саф тортиб турадиган Кунда улар (инсонлар) у зотдан (Оллоҳдан) қўрқиб, бирон сўз айтишга қодир бўлмаслар. Улар сўзлай олмаслар, фақат у Меҳрибон зот изн берган кишигина (сўзлар) ва (фақат) рост сўзни айтур. (78-38).*

34. *Бас, қачон уни тиклаб, ичига ўз (даргоҳимдаги) жондан киритганимда. (15-29).*

35. *Биз ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик (66-12).*

36. *Уларни ўз томонидан бўлган Рух-Қуръон билан қувватлантиргандир. (58-22).*

37. *Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Оллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). (39-68).*

38. *(Қиёмат) соати (олдидаги) зилзила улуг-даҳшатли нарсандир. (22-1).*

39. *Оллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларнинг ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардур! У зотлар Оллоҳ ўз фазлу қарамидан билан берган неъматлардан хушнуд ҳолларида баҳраманд бўлмоқдалар. (3-169).*

(Давоми келгуси сонда)



Нодира БАРОТОВА

ХИЛОЛ КЎЗЛАРИНГДА ТУНАЙ БИР ОҚШОМ...

Сирғанади муштдаккина дард,
Умидимнинг этақларидан.
Кетмас чирмовиқ азоб,
Хаёлимнинг эртақларидан.
Аза очар ойларга тунлар
Булутлар ҳам бўшатар юрак.
Мен ёнаман лов-лов ўтларда
Музласа-да мен кийган кўйлак.
Хаёлларнинг сўлган гуллари
Тутунларга айланган ёраб,
Ер қаърига чўкиб бораман,
Интилсам ҳам осмонга қараб.
Сирғанувчи бир бўлак бу дард
Сигмас кулбам деворларига
Ҳар кун пуллар қадримни гуноҳ
Хиёнатнинг бозорларига.
Сигмай чарчаб қоламан мен ҳам,
Инграб ётар мунг қусган тунлар
Юзларимга изларин кўяр,
Кўзларимдан томган тутунлар...



Ғариб эди, эди Озорсиз,
Ҳеч ким билан кулишмас эди.
Кўчасида экишарди тут
Биров билан уришмас эди.
Умри ўтди ёлғиз ва танҳо,
Кечаларнинг доди бор эди
Хаёлида яшарди бир қиз,
Тунлар унинг ёди бор эди.
Умри ўтди танҳо ва ёлғиз
Ранглар ичра излади наҳот
Сурат узра боқар ўша қиз
Бугун унда ўзга бир ҳаёт.
Сочлари ок, соқоллари ок
Мункиллаган бир чолдир охир.
У қалбини қоғозга чизган
Ёлғизгина буюк мусаввир.



Мен барибир яна девона, далли,
Ҳамон сочларимда кучади қорлар
Сен баҳор гулларин кўрганмисан ҳеч? -
Сўрайсан. Дилимда ўлган баҳорлар.

Мен барибир яна интиқман, интиқ
Телба ўйларимни йиға олмайман.
Тошкент катта, аммо тушунгин мени,
Сен йўқсан. Мен бунда сиға олмайман.

Мен барибир яна телбаман, телба,
Ҳали сочларимни ўпмаган шамол.
Фақат кўлларимда битта соғинч бор,
Ол уни ахир сен бежунун, беҳол...

Мен яна...

Соғир кўзларимда овозин ютиб,
Азобларга кўйиб яна битта ном.
Саксовулар гуллар дардларин тўкиб,
Ҳилол, кўзларингда тунай бир оқшом.
Кўкда банд, ерда банд, баҳорларда банд
Мени чучмомалар этолмаган ром.
Олгин, заминнинг кир этақларидан
Хилол, кўзларингда тунай бир оқшом...
Мен оқшомнинг узун оқ эртагидан
Соғинчларга банди телбаман, ишқман.
Мени сиғдирмайди юлдуз ёнига,
Менинг кўзларимдан ҳайдалган айём
Мен қарғалган қизман туннинг касридан
Ҳилол, кўзларингда тунай бир оқшом.
Қалбим синиқлари тўлдирди кўкни
Мени хазонларга сотган ахир шом
Қаерларга отай кундаги юкни,
Хилол кўзларингда тунай бир оқшом.

Вобкент

Келгуси сонда:

- * Назар ЭШОНҚУЛ. Лаззат юртида қолган юрак. Ҳикоялар
- * Сурайё ЗОҲИР. Абртоғ вужуди. Кичик ҳикоялар
- * Бахтиёр ИСАБЕК. Бир Сўз келди...
- * Поль ВЕРЛЕН. Ҳеч қачон ҳеч кимга вафо қилмас ёр...
- * Мажид ҲАСАНИЙ. Қози калон ким эди?
- * Султонмурод ОЛИМ, Эргаш ОЧИЛ. Шеър ҳам - илм.



ЭНГ УЛКАН ОДАМ

Филдай доим уйда ўтириб сутли коктейлу турли ширинликларни эрмак учун еб ўтирганлигидан ўзининг оғир вазини бошқаролмай қолган бўйдоқ йигит Бастер Синкус ҳали-бери ейиш-ичишдан ўзини тиядиганга ўхшамайди. Ҳолбуки, унинг оғирлиги 970 килога етган!

Мутахассисларнинг фикрича, 36 ёшли Бастер сайёрамиздаги энг семиз одам ҳисобланади. Кизиғи шундаки, бу рекорд унинг ўзига ёқади.

- Ҳамма менинг жонимга тегиб, сен озишинг керак, дея жаврайверади, ахир менинг шу тахлит ҳаёт кечиршим ўзимга маъқул бўлгач, нега тинч кўйишмайди-я, дейди у ҳеч торгинмай. - Ўзимга унча хуш ёқмайдиган томонларим ҳам бор, масалан, мен машина ҳайдаёлмайман. Яна супермаркетга бориб иштаҳамга мос таомдан харид қилиб нонушта қилишдан ҳам маҳрумман, чунки унинг эпигига сиғмайман. Бироқ, буларнинг ўрнини бемалол босадиган менинг уйим, телевизорим, сутли коктейл ҳамда турфа егуликларим борки, менга шу бахтиёрлик етади.

Техас штатида истиқомат қилувчи бу ёғқорин йигит Далласда яшган чоғларида, ҳали мактаб ўқувчилигида, яъни бундан 20 йил аввал семира бошлаган эди.

- Мен ҳар доим ниманидир ковшаб юришни ёқтирадим, ўн беш ёшимда 170 кило тош босардим. Атрофимдагилар мени футбол ўйнашга кистаб, жиғимга тегаверишарди, лекин ўзим майдон бўйлаб лўқиллаб чопиб вақт ўтказишдан кўра ёқимлироқ машғулот ҳам бор-ку. Мисол: егуликларни тушириб роҳатлансанг, дердим.

Юқори синфга ўтаётганда

ўсмирнинг бўйи 177 сантиметр бўлгани ҳолда вазни 225 килони ташкил этарди. Ўшанда унга ўзининг эрмаги жудаям ёқиб кетиб, шу ҳилда ҳаёт кечириб ниятида мактабни бутунлай ташлади.

- Бахтимга менинг отам нефт бизнесибилан муваффа-

Бастер мудом дастурхонида сигир гўшти ҳамда шоколадлар уюлиб туриши, телевизор қарши-сидан сира жилмаслик мақсадида дўконга чопқиллаб бориб қоп-қоп егуликлар кўтариб келувчи ҳамда тизза бўйи пишириқларни кетма-кет тайёрлаб берувчи хизматкор аёл ёллаган.

- Одатда, менинг дастурхонимда ҳар куни 7-10 кило гўшт ва 4-5 дона қовурилган товуқ туриши лозим, бу менга фақат очликдан қутилиш учун керак, халос, - дейди у. -

Бундан тапқари ҳар куни каттакон ко-стрюлни тўлдириб картошка, боб ва бир қанча идишда каша ейман. Бироқ ҳамма-сидан ҳам ширинликлар хуш ёқади менга. Қунига ичига олма ва бошқа цитрусли мавалар солинган 8 - 10 дона пирогни паққос тушириш шунақа роҳатбахш ишки, асти қўяверасиз.

Тагин оҳ-оҳ-оҳ, сутли коктейл билин шоколадни айтинг. Фақат сутли коктейлгина менинг очликдан орзиқишимга барҳам бера олади, шоколадни эса эртадан кечгача уч килосини эрмаклайман. Врачим кўрқиб кетиб, сен бу ҳолда ёрилиб ўласан, деб ваҳима қилади. Шуюм гап бўлдию.

Очофат Бастер айтадики, овқатланишга тенг келувчи дунёда яна бир роҳатбахш машғулот бор, бу - меҳрибон, турли ширинликлару кети узилмас телесериаллардан гап бериб ўтирувчи аёл зоти.

- Билсангиз, баъзан уйлангим келиб қолади, чунки мен унга катта муҳаббат бағишлай оламан, - деб ёзғириб қолади у. - Лекин менга майиб-мажруҳ аёл керак эмас. 970 килолик эрга тегаман деб ўлиб турган хушқомат аёл ҳам йўқдиров дейман.



қиятли шуғулланган ва 1976 йили, ўлимидан сўнг умрининг охиригача етулик пул ва ихчамгина уйни мерос қолдирган, - дейди ялқовбек мухбирларга. - Шу боис мен хотиржамгина телевизор қаршисига ўтирдим-да, килограмм тўплашни бошладим. Мен ётадиган диван ва каравотлар пўлат қопламалар билан мустаҳкамланган, қолаверса, уйимнинг поли бетон ва пўлатдан ишланган, демак, ажойиб кунларнинг бирида пақ этиб оғирлигим туфайли уйим бузилиб кетишдан чўчимайман. Лекин, биласизми, кўпгина филлар жа-а гўшт қилса, менчалик қилар-ов, шуни ўйлаб эҳтиёт бўл, дейман баъзан ўзимга ўзим.

